

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ  
ИНСТИТУТИ

ДИЛАФРУЗ КАРАБАЕВА

# ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ

*санъат олий ўқув юрти талабалари учун ўқув қўлланма*

Тошкент – 2017

## АННОТАЦИЯ

Кўлланма санъат олий ўқув юртлари учун мўлжалланди. Унда ўзбек адабиётининг энг нодир дурдоналарини ўрганиш мақсад қилиб олинди. Кўлланмада адабий турлар ва жанрларнинг хусусиятлари ҳамда уларнинг санъат соҳасидаги турлари ва жанрларга алоқаси ҳақида сўз юритилади. Қадимдан бошлаб XIX асргача бўлган адабий йўналишларга мансуб адибларнинггина ижоди ўрганилади ва улар яратган асарларнинг ўзбек адабиётига таъсири, унинг тараққиётидаги ўрни кабиларга баҳо берилади. Ушбу фан ҳар бир соҳанинг ўзига хос томонларига мослаган ҳолда ўқитилади.

*Тақризчилар:*

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор;

**Ҳамдам ИСМОИЛОВ,**  
филология фанлари номзоди;

*Масъул муҳаррир:*

**Ҳамдам ИСМОИЛОВ,**  
филология фанлари номзоди;

© Д.Ю.Карабаева, Тошкент, ЎзДСМИ.

## КИРИШ

Маълумки ҳар бир халқнинг ўзига хос бетакрор тарихи бор. Бу тарих шунчаки кечмиш хунук воқеа-ҳодисалардангина иборат эмас, балки шу кечмиш, шу воқеа ҳодисалар баробарида шунга мос равишда бунёд этилган маданият, санъат ва адабиётдан ҳам иборатдир. Шунинг учун ҳар бир халқ яратган маданият, санъат ва адабиёт шу халқнинг номи билан аталади. Демак, ўзбек адабиёти тарихи фани ўзбек халқининг узок йиллар, асрлар давомида яратган адабиётини ўз ичига олади. Фан сифатида бадиий адабиётни, унинг тарихий тараққиётини ўрганади ва ўргатади.

Адабиёт сўз санъатидир. У инсон қалби ва руҳидаги нозик товланиш ва илғашга, уларни сўз воситасида акс эттиришга интилади. Санъат турлари ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, театр, кино, мусиқа, рақс ва бадиий адабиёт санъатнинг турларини ташкил қилади. Уларнинг барчасида юксак бадиий таъсирчан образлар яратиш кўзда тутилган. Аммо улар ана шу ягона мақсадга турли-туман йўллар билан эришади. Масалан, рақс ҳаракатлар, тана аъзоларининг ифода имкониятларига таянади. Мусиқа товушлар уйғунлигига боғлиқ. Тасвирий санъат учун ўзаро рангларнинг мутаносиблиги алоҳида аҳамият касб этади. Рассомга бўёк ва мўйқалам ёрдам беради. Ҳайкалтарош эса хом материал (тош, ганч, ёғоч, метал)га ишлов бериш орқали гўзаллик яратади. Адабиёт эса, бу санъатлардан сўз ва руҳнинг бекиёс имкониятлари билан фаркланади.

Адабиёт – халқнинг орзу-умидлари, интилишлари, бир сўз билан айтганда, эстетик идеалларини ифодаловчи восита сифатида майдонга келди. Ҳар хил тур ва жанрларда тараққий топиб борди. Лирика ва Эпос – ўтмиш ўзбек адабиётининг асосий кўринишини ташкил этади. Ҳазал, рубоий, мухаммас ва бошқа лирик жанрлар, тарихий ва мемуар асарлар, шунингдек, таржима асарлар шу адабиётнинг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади.

Қадим замонлардан бери давом этиб келаётган адабиёт ва унинг ўзига хос тараққиётида тўпланган билимлар йиғиндиси

фаннинг предмети, бу билим ва тажрибаларни келажак авлодларга етказиш, ўргатиш фаннинг вазифасини белгилайди.

Тарихий тараққиёт ҳеч қачон бир хилда текис ва раво кечган эмас, доимо, кўриниши, шакли, мазмуни ўзгариб хар ўзгарганда янги хусусиятлар касб этиб келган. Жамият тараққиёти бир хилда бўлмаганидек, адабиётнинг тараққиёти ҳам бир-биридан фарқ қилиб турувчи даврларга бўлинади:

1. Энг қадимги адабий ёдгорликлар.
2. VIII – X – XII асрлар адабиёти.
3. XIII – XIV асрнинг 1-ярми адабиёти.
4. XIV аср ўрталаридан XVII асргача бўлган адабиёт.
5. XVII – XVIII ҳамда XIX асрнинг 1-ярми адабиёти.
6. XIX асрнинг 2-ярми ва XX асрнинг бошлари адабиёти.
7. Миллий уйғониш даври адабиёти.
8. XX аср адабиёти.

Қўлланмада ўзбек адабиётига тегишли қадимги даврдан бошлаб, XX асрда ижод қилган ўзбек шоир ва ёзувчиларнинг ижоди қамраб олинган. Мазмун-этиборига кўра қўлланма санъат олий ўқув юр்தларининг талабаларига мўлжалланади. Шунинг учун қўлланмани тузишда ушбу йўналишлардаги ўқув юр்தларининг талабалари ўрганиши зарур бўлган ижодкорларнинг фаолиятига этибор берилди. Санъатнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олиб, қўлланмада адабий асарларнинг жанрлари ва турлари асосида асарларни таҳлил қилиш назарда тутилди. Адибларнинг асарлари бадиият жиҳатдан чуқур таҳлил этилди. Образлар давр нуктаи назардан ўрганиб чиқилди. Баъзи ўринларда образлар таҳлили сахна образларида қанчалик акс этиши нуктаи назаридан ҳам тақлифлар берилган.

Қўлланмани яратишда Н.М.Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (1976), И.Султоновнинг «Адабиёт назарияси» ( ), И.Султоновнинг Навоийнинг қалб дафтари (1969), Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик (1977), Ўзбек адабиёти тарихи. Маърузалар матни 1-3 қисмлар (2003) сингари дарсликларга таянилди. Бу қўлланмани яратиш дастлабки уриниш сифатида баҳоланиши мумкин. Туғулажак фикрларни ҳисобга олиб, қўлланмани янада кенгайтириш, қўшимча материаллар билан бойитиш ниятидамиз.

## ЭНГ ҚАДИМГИ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР, МИФ ВА АФСОНАЛАР

Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек халқининг ўтмиш тарихи ҳақида турли-туман зиддиятли фикрлар айтиб келинган бўлса-да, Президент И.Каримовнинг тарихчи олимлар билан учрашуви ва олимлар зиммасига қўйилган вазифалар ана шу чалкашлиқларга чек қўйиш, халқимиз тарихини, давлатчилик тарихини бирламчи манбалар асосида ўрганишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Зеро, халқимиз, Қадимги Ўрта Осиёнинг тарихи, маданияти урф-одатлари, ўзига хос бетакрор жиҳатлари ҳақида бир қатор манбаларда етарлича маълумотлар учрайди. Турли хилдаги ёзувлар, осори-атиқалар, «Авесто», «Бехистун», Урхун-Энасой каби ёзма ёдгорликларда, Беруний, Наршахий каби тарихчиларнинг бир қатор асарларида, шунингдек, Грек, Хитой, Ҳинд, Арман тарихчиларининг асарларида ҳам кўплаб маълумотлар мавжуддир. Халқимизнинг тарихий тақдири, ҳаёт тарзи, қарашлари, илм ва маданияти ҳақида зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» кўплаб маълумотлар беради.

Қадимги Грек тарихчиси Геродотнинг «Тарих» номи китобида Ўрта Осиёнинг энг қадимги халқлари ибтидоий жамият шароитида яшаганлиги ва асосан чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланганлиги айтилса, Страбоннинг «География», «Ҳарбий ҳийлалар» каби асарларида жуда қадим замонлардан Ўрта Осиё ҳудудида хилма-хил қайсар, ёввойи, ва урушқоқ қабилалар яшаганлиги, шу билан бир қаторда улар ўзаро муносабатларида ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик, ва одилликни ҳар нарсадан афзал билганликларини қайд этадилар. «Тўмарис», «Широқ», «Аморг ва Спаретра» каби бир қатор тарихий афсоналарнинг мазмун моҳияти маълум маънода бу фикрларни тасдиқлайди.

Ҳозирда фанга маълум бўлишича ана шундай Ўрта Осиё халқларининг географик жойлашиш ўрни Бактрия, Хоразм, Суғдиёна, Марғиёна, Парфия, Амударёнинг куйи оқими, Зарафшон воҳалари ва бошқа жойларни ўз ичига олган. Бу ерларда Хоразмий, Суғдий, Сак, Массaget каби қабилалар, Чигил, Яғмо, Тухси, Ўғуз, Тангут каби элатлар истиқомат

қилганлар, булар ҳозирги ўзбек халқининг аждодлари эканлиги шубҳасиздир.

Олиб борилган археологик қазилмалар, ва кидирув ишлари сўнгида топилган Қўҳитанг ёзувлари, Илонсой (Самарқанд), Ҳожикент (Тош), Тешикбош (Фарғ) деб аталувчи жойлардан топилган ёзувли суратлар, турли хил асбоб-анжомлар, уй-рўзғор буюмлари, кумуш ва тилла тангалар ана шу халқларнинг маданияти юксак бўлганлигидан дарак бериб туради.

Ўрта Осиё халқларининг энг қадимги даврларга оид айрим оғзаки ижод намуналари ҳам юқорида зикр этилган манбалар орқали бизгача етиб келган. Улар бадиатимиз ибтидоси бўлган мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпоси ҳамда лирик шеър ва кўшиқлардир.

**Мифлар** – инсонларда онгли муносабатлар шаклланишининг аввалидир. Уларда инсон ва табиат ўртасидаги курашдан иборат мазмун ўз ифодасини топган. Табиат ходисаларини яхши ва ёмон кучларга ажратиш, ўзларига ҳомий куч сифатида худо ва маъбудларни кашф этиш, анемизм ва тотемизм, турли хилдаги культлар мифологик тафаккурни характерлайди. Уларнинг айрим элементлари эртак ва афсоналар бағрида ҳозирга қадар сақланган.

**Афсоналар** – мазмун-моҳиятида эса биз инсон тафаккури билан боғлиқ жиддий бир улғайишини кузатамиз. Афсонлар сюжетига худо ва маъбудларга қарамликдан бир қадар қутилган, ўз куч-қудратига ишонган, енгилмас қаҳрамонлар фаолиятини кузатамиз. Улар ўзларидан юзлаб марта катта ва баҳайбат бўлган дев, аждар ва бошқа кучлар устидан ғалаба қозона олади. «Эликбек», «Сиёвуш», «Рустам» хақидаги афсоналар шулар жумласидандир.

**Қаҳрамонлик эпоси** – мазмун-моҳиятига кўра миф ва афсоналардан жиддий фарқ қилади. Бу фарқ Қаҳрамонлик эпосига мансуб асарлар мазмунининг конкрет тарихий воқеа-ходисалар билан боғлиқлигида кўриш мумкин. Уларда мард, довюрак, ватанпарвар, ор-номусли қаҳрамонлар сиймоси яратилган. Булар энди аллақандай дев аждарларга қарши эмас, эл-юрт дахлсизлигига, ватан мустақиллигига, кадр-қимматига тажовуз қилувчи ўзи каби инсон қиёфасидаги ёвузларга қарши турадилар. «Тўмарис», «Широқ», «Зарина ва Странгей»,

«Зариадр ва Одатида», «Аморг ва Спаретра» ана шундай мазмундаги Қахрамонлик эпоси намуналаридир.

Миф, афсона, қахрамонлик эпоси, лирик шеър ва кўшиқлардан иборат энг қадимги адабий ёдгорликлар халқимиз маънавий тарихини ўрганишда қимматлидир.

## **«АВЕСТО» ВА УНИНГ ИЛМИЙ, МАЪРИФИЙ ҲАМДА АДАБИЙ ҚИММАТИ**

«Авесто» китоби Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг энг қадимги муштарак ёзма ёдгорлиги бўлиб, зардуштийликнинг мақаддас китобидир. Бу таълимотнинг илк куртаклари эрамиздан олдинги IX асрда пайдо бўлиб, VIII асрда узил-кесил шаклланади.

«Авесто» хусусида кўплаб илмий рисолалар, қисса ва романлар яратилган. Бу асарлар яқин XIII аср давомида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, қисман Кавказ халқларининг яккахудолик эътиқоди бўлган зардуштийлик тарихи, моҳиятини аниқлаш, тадқиқ этишда катта аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича зардуштийликни юзага келтирган шахс кўҳна Хоразмдаги Спитама қавмидан бўлган Зардушт исмли зот бўлган. У 623 йилда таваллуд топиб ўз даврининг донишманди Барзин Курас деган киши кўлида 7 ёшдан 15 ёшгача ижтимоий билимлар, табиатшунослик, каломи бадеъ ва нотикдик илмларидан сабоқ олади. 16 ёшида белига «Мардлик камари»ни боғлайди. Атрофда юз бераётган воқеалар, хунрезликлар Зардушт қалбини изтиробга солади. Норозилик намойишини уюштиришга ундайди. Намойиш куч билан бостирилгач, Зардушт одамлар орасини ташлаб Саблон тоғига чиқиб кетади. 20 йил узлатда – ёлғизликда яшайди. Тахминан 39 ёшларида яна қавми орасига қайтиб ягона тангри – Яздони пок ҳақидаги қарашларини ёя бошлайди.

Тез орада катта мувафакцияларга эришади. Бироқ Турон шоҳи Аржасп томонидан қувғин остига олинади. Эронга бориб Гушстап ҳурматини қозонади. У ерларда ҳам ўз ғояларини кенг тарқатишга эришади. 534 йилда Бротарвахш томонидан

ўлдирилади. Ўлимидан кейин ҳам унинг ғоялари узоқ асрлар сақланиб қолади, китоб ҳолида жамланади.

«Авесто» дастлаб кўчирилганда 12 минг қорамол терисида 21 наск – китобдан иборат бўлган. Бирок, Ўрта Осиё ва Эронни забт этган А.Македонский томонидан аксарият қисми йўқ қилинган. «Авесто»нинг бизга қадар Вендидот, Висперед, Ясна, Яшт деб номланувчи тўрт китобигина сақланиб қолган. Шунингдек, «Авесто»нинг мундарижасини кўрсатувчи «Хурдо Авесто» ҳамда қисман шарҳига бағишланган «Зейнд Авесто» китоблари ҳам сақланиб қолган.

«Авесто»нинг ғоявий муҳимлиги турли низолар, беҳуда қурбонликлар, саноксиз йўқотишларга сабабчи бўлаётган кўпхудолиликка чек қўйиш, одамлар орасида энг эзгу ғояларини якка тангри Яздони пок номи билан ёйилишида, барча одамларни бир мақсад томон йўллашда яққол кўринади.

«Авесто»да Зардуштнинг уқтиришича ҳар нарсага қодир Яздон (Мазда) белгилаганидек дунё умуман 12 минг йил давом этиб келади.

Биринчи 3000 йил давомида рухий дунё пайдо бўлган. Сўнгра Ангра Маню юзага келади. У рухий дунё билан тинч-тотув яшашни хохламайди. Ахура Мазданинг барча эзгу ишларига ҳалал беради. Улар ўртасида кураш бошланиб, 900 йил давом этади. Ахура Мазда ғолиб чиқади, Ангра Маню қоронғуликка ҳайдалади.

Иккинчи 3000 йилда Ахура Мазда моддий борлиқни барпо этади. Осмон, ер, сув, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси юзага келади. Ниҳоят одам яратилади. Шу пайтларда Ангра Маню ёвуз девларни – ўз ёрдамчиларини тайёрлайди.

Учинчи 3000 йилликда Ахриман Ахура Мазда яратган дунё устига ҳужум қилиб келади. Биринчи инсон Каюмарсни ўлдиради. Унинг уруғидан борлиқ қайта униб чиқади. Кураш давом этади, эзгулик ғолиб чиқади ва ёвуз кучларни ер остига ҳайдайди.

Тўртинчи 3000 йиллик Зардушт туғилишидан бошланади. Ўз эътиқодини тарғиб этади.

«Авесто»да баён этилган Зардушт ғоялари ҳам дунёда яхшилик ва ёвузлик кучлари борлиги ва улар ўртасида муттасил кураш боришини, эзгулик кучларига Ахура Мазда, ёвузлик



кучларига Ахриман бошчилик қилиб туришини айтиб, одамларни Ахура Мазда – эзгулик тарафида туриб, унга кўмакдош бўлишга ундаш билан бошлайди. Ахура Мазданинг олтига энг яқин ёрдамчилари бор. Улар:

Воҳу Манах – эзгу фикр – (пода ва чорвани);

Аша Ваҳишта – юксак ҳақиқат (оловни);

Хисатра Варог – муносиб қудрат, ҳокимият (маъданни);

Сиэнта Армати – муқаддас итоат (ерни);

Ҳарватат – саломатлик – (сувни);

Амэрэтат – мангулик – (ўсимликлар дунёсини) каби вазифаларини бажариши конкрет айтилади.

Барча ёвуз кучларнинг сардори Ангра Маню. У осмонни торайтиради, кишиларнинг кўнглига ғашлик ва хафалик солади, барча макр-ҳийла, айёрлик унинг хунаридир. Унинг энг яқин ёрдамчилари девлар бўлиб, булар ичида 6 таси алоҳида ажралиб туради:

Аха Мана – ёвуз фикр;

Таурва – сўлиш;

Зарик – ўлим;

Айшма – ғазаб, қахр, уруш;

Араска – ҳасад;

Уда – эзмалик, шаллақилик.

Бу девларнинг ёрдамчилари эса дуржлардир. Улар ғазабнок аёл қиёфасидадирлар. Яна девсимон парилардир. Улар гўзал аёл қиёфасида бўлиб, кишиларни аврайдилар, Ахура Маздадан қайтардилар.

Демак, кўринадики, Ахура Мазда Ангра Маню ва унинг атрофидагиларга доимо қарши курашиб келган экан. Бу кураш бундан кейин ҳам давом этади. Шунинг учун Ахура Мазда инсоннинг, инсон Ахура Мазданинг кўмакчиси бўлиши керак.

Инсон қандай қилиб Ахура Маздага ёрдам қила олиши мумкин?

Бунда, яъни Ахура Маздага кўмаклашиш, барча ёвуз кучларга қарши туришда асосий восита меҳнатдир. Инсон Ахура Мазда томонида эканлигини, унга эътиқоди ва садоқатини, энг аввало, ўз меҳнати (деҳқончилик қилиш, чорвани урчитиш) билан кўрсатиш мумкин ва лозим.

Масалан: «Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини намоиш этади ва олға суради, у имонни озиклантириб туради...» (Ясна 32). Буни бажариш 10 минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб курбонлик қилишга тенг. Экин экиш – ердаги ёвузликни йўқотишдир, чунки, «дон» етилганда девларни тер босади, ун чиққанда девлар саросимага туша бошлайди, нон ёпилганда улар зўр бериб дод соладилар (Ясна 32).

Бундан кўринадики, меҳнат асосий мезон қилиб олинмоқда. Чунки, Олий мавжудот сифатида фақат инсонгина меҳнат қилиш, яъни моддий ноз-неъматларни яратиш ва етиштириш имкониятига эга. Бордию, у ана шу қобилиятини юзага чиқармаса, унда у инсонлик моҳиятидан маҳрум бўлади. Ёлғончилик ва ёвузлик кучларига маъқул тушиб ёввойига айланади.

Зардушт ғояларининг энг улуғ (прогрессив) жиҳати дунёвий ишларга фаол муносабатда бўлишга ундашида яққол кўринади. Уй-жой қуриш, ўт-олов, чорва, хотин, бола-чақаларга эга бўлишга, экин-тикин ва дарахт экишга, ерларни суғоришга, майда ва йирик мол боқишга ва ҳоказоларга даъват этади.

Дунёда қандай жой энг севимли жой, деган саволга Ахура Мазда бундай жавоб беради: «Тақводор киши ўт-олови, сут-қатиғи, оиласи, яхши чорваси бўлган жой чиндан ҳам энг яхши жойдир» (Ясна 2). Ўшанда бундай уйда (жойда) «чорва мўл, ноз-неъмат мўл, ем-хашак мўл, кучуклар мўл, болалар мўл, хилма-хил рўзғор буюмлари мўл бўлади» (Ясна 3).

Кўринадики, шу каби ўнлаб мисолларда «Авесто» эзгулик ғояси билан суғорилган нодир манбадир. «Авесто» айна бир пайтда ўз даври илмларини ифода этувчи қомус ҳамдир. Унда тарих, жуғрофия, тиббиёт, адабиёт, экологик ва бошқа соҳаларга доир кўплаб маълумотлар келтирилади. Масалан, дунёдаги барча тоғларнинг номлари, Ўрта Осиё ва Эрондаги дарёлар ва уларнинг узанлари номлари айтилади. Мингдан ортиқ доривор ўсимликлар ва дорилар, жарроҳлик йўли билан даволанган ўн бир хил касаллик усуллари ва ҳ.к. Буларнинг барчасини ҳисобга олганда, «Авесто» ўтмиши илм-фан ва маданиятимизни ўрганишдаги энг қимматли манба ҳисобланади.

## УРХУН-ЭНАСОЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИ

Энг қадимги ёзма ёдгорликлардан бири сифатида сақланиб қолган «Урхун-Энасой» тошбитиклари туркий халқлар ўтмиши, аниқроғи араблар босқини арафасидаги тарихи ҳақида маълумот берувчи манба ҳисобланади.

VI аср ўрталарига келиб, Олтой, Еттисув ва Марказий Осиёнинг бир қатор ерларида яшовчи туркий қабилалар бирлашиб, «Турк ҳоқонлиги» деб аталувчи давлат ташкил топади ва араблар истеълосига қадар яшаб келади. «Урхун-Энасой» тошбитиклари ана шу давлатни ташкил этиш учун олиб борилган жангу жадаллар, уларда иштирок этган шахслар, уларнинг мардлиги ва жасоратлари ва шу давлат тасарруфига киритилган ҳудудлар, шунингдек, уларнинг ҳаёт тарзи ва орзу-интилишлари билан боғлиқ жиҳатлар ҳақида маълумот беради.

Бу битиктошлар XIX асрнинг бошларида Урхун ва Енесей дарёларининг бўйларидан топилади. Шунинг учун Урхун-Энасой ёдгорликлари номи билан атаб келинади. Улар қадимий оромий ва сўғд ёзувларига яқин бўлган алоҳида туркий ёзув билан битилган.

Бу битиктошлар Турк ҳоқонлиги ҳукмдорларидан «Билга ҳоқон», унинг укаси «Қул Тегин», Элтарош ҳоқоннинг саркардаси ва маслаҳатчиси бўлган «Тунюкук»лар шарафига битилган қабр тошларидир. Битиктошлар ичида «Қул Тегин» ва «Тунюкук» номига битилганлари мазмундор ва кенг камровлидир. «Қул Тегин» ҳоқоннинг кичик ўғли бўлиб, 7 ёшда отадан етим қолади. У амакиси (Қопоғон ҳоқон) ва акаси (Билка ҳоқон) ҳоқонлик қилган даврларда ҳарбий саркарда сифатида қаҳрамонликлар кўрсатади. У 731 йилда 47 ёшида вафот этади.

Унинг шарафига битилган қабр тошлари кичик ва катта ёзувлардан иборат икки қисмга бўлинади. Бу ёзувларда туркий халқларнинг тарихий қисмати ҳақида муҳим маълумотлар олиш мумкин. Жумладан, кичик ёзувда турклар билан табғачлар ўртасидаги низо тўғрисида хабар қилади. Бу тўқнашувлар натижасида туркларнинг кўпчилиги қирилиб кетади, халқ бошига офат ёғилади.

Катта ёзувида эса туркийларнинг ўз сиёсий мустақиллиги учун олиб борган жанглари, уларда Қул Тегиннинг мардлиги,

жанглардаги мардона ҳаракатлари мукамал тасвирланади. Натижада Қул Тегин ўз қавми, ўз халқи озодлиги учун курашувчи мард ва жасур жангчи сифатида ўқувчи кўз ўнгида гавдаланади. Қул Тегиннинг вафотидан каттиқ қайғурганини Ҳокон қуйидагича баён этади:

*Кўрар кўзим кўрмас бўлди,  
Билар ақлим билмас бўлди.  
Ўзим қайғурдим,  
Фақат тангри яшайди,  
Киши ўғли ўлмоқ учун тугилган.*

«Тунюқуқ» битигида туркий халқлар табғачларга қарам бўлганлиги айтилади. Сўнгра Тўнюқуқ Элтарошни ҳокон кўтариб, иккаласи биргаликда оз сонли турк қавмини бирлаштириб озодлик учун кураш бошлагани, қарамликдан қутулиб ўз давлатини тузганлигини баён этади. Кучайиб бораётган турк халқига қарши биргаликда ҳаракат қилган Табғач, Ўғуз, Кидонларга қарши олиб борган жанглари муфассал ҳикоя қилинади.

Тасвирларда Тунюқуқ фақат ҳарбий саркардагина бўлиб эмас, турк беклари ва халқини озодликка, кўркмасликка ундовчи йўлбошчи, давлат ишларини бошқаришда кенг фикрловчи давлат арбоби, доно маслаҳатчи сифатида майдонга чиқади. Бу тасвирлар кейинчалик Шарқ адабиётида анъанага айланган ҳоким билан донишманднинг ҳамжиҳат бўлиб иш тутиши самарали бўлишини кўрсатувчи идеалларга асос бўлган дейиш мумкин. Бу ёзувда агар «ҳокон довьорак», «маслаҳатгўй, доно» бўлса, унча кўп бўлмаган турк халқини «ҳеч қандай душман енга олмайди» дейилади.

Бир бутун мазмун-моҳиятидан кўринадикки, Урхун-Энасой ёдгорликлари ҳам тарихий, ҳам адабий манба сифатида илмий қимматга эгадир. Чунки, ёзувларда ҳоконлик даврларда юз берган воқеаларнинг аниқ манзаралари чизилади. Уларда туркий халқдан ташқари табғач, татаби, сўғд, тургеш, қирғиз, тат, хитой, тибет, ўғуз, кидон, қарлуқ, тангут каби қавмларнинг номлари айтилади. Улар яшаган жойлар ўша давр терминларда баён этилади. Урхун-Энасой ёзма ёдгорликларига VI-VIII асрлар

туркий шеърятнинг намунаси, адабий манба сифатида қараш мумкин.

Ёзувларда ҳар бир сўз ва сатрларнинг мунтазам тартиб билан жойлашганлиги, насихатомуз мисраларнинг ўзига хос кўтаринки жарангдорлиги, мотам марсияларида эса қайғули ва мунгли оҳанглар алоҳида ажралиб туради. Мисраларда аллегория, истиора ва ўхшатиш ва бошқа бадиий тасвирий воситалар анча ва ўринли қўлланганини кўрамиз. Масалан, Тунюкукнинг ўз халқини бирлашувга ва бирдамлик билан ҳаракат қилишга ундаб қилган мурожаати аллегория орқали қуйидагича битилади:

*Юнқа, ариқни тўплаш осон эмиш,  
Ингичка ариқни узмоқ осон.  
Юнқа қалин бўлса, уни тўлаган али эмиш,  
Ингичка югон бўлса, уни узган али эмиш.*

Шунингдек, ёзувларда халқ мақолларига ўхшаб кетувчи поэтик хусусиятларга эга иборалар ҳам кўп учрайди.

*«Ичра ошсуз, ташра жонсуз»  
(Ичда ошсиз, тошида тўнсиз),  
«Эдгути эшид, қатугду тунгла»  
(Яхши эшид, қаттиқ тингла).*

Урхун-Энасой битиктошлари алоҳида ёзма ёдгорлик сифатида тарихимизнинг муайян даврини, даврга хос воқеа-ҳодисаларини кишиларга хос қараш ва тушунчаларни тил ва адабиётда мавжуд кўплаб хусусиятларни ўрганишда кимматли манба ҳисобланади.

## IX-XII АСРЛАР АДАБИЁТИ. ТУРКИЙ ТИЛДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ

### Араб тилидаги адабиёт

Сомонийлар даврида араб тили секин-аста ўз мавқеини йўқота бошлаган, унинг ўрнини маҳаллий форс-тожик тили эгаллай бошлаган бўлса-да, ўзлари араб бўлмаган айрим маҳаллий шоирлар ва араб мамлакатларидан турли сабабларга кўра Хуросон ва Мовароуннаҳрга келиб, шу ерда яшаган ижодкорлар ўз асарларини араб тилида яратганлар.

Бу даврда араб тилида ёзилган шеърятни, адабиётни ўрганишда нодир манба Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-дахр, фи маҳосин аҳл ал-аср» (Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси) асаридир.

Ас-Солибий замонасининг йирик олими, ёзувчи, адабиёт ва тилшуноси ҳамда тарихчиси бўлиб, 961 йилда Нишопурда туғилиб, 1038 йилда оламдан ўтган. Ас-Саолибий кўп мамлакат ва шаҳарларда, хусусан, Ироқ, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмда бўлган. Эрон олими Махмуд Ҳидоят унинг 34 та асарини кўрсатган.

Булар ичида муаллифни дунёга машҳур қилган асари «Йатимат ад-дахр» асаридир. Асар «тазкира» усулида ёзилган бўлиб, 4 қисмдан иборат. Ҳар бир қисм эса 10 та бобга ажратилган.

Тазкиранинг 4 қисми Сомонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланишидан Ғазнавийлар давлати бошларигача Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган шоирлар, сўз усталари ҳақида маълумот беради. Хоразм шоирларидан 7 таси ҳақида баҳс юритади.

X-XI аср бошларида араб тилида ёзилган шеърлар асосан қасида, ҳажвия, васфлар ва айрим бир ёки икки байтли парчалардан иборатдир.

а) Бу даврда араб тилида ёзилган қасидаларнинг кўпчилиги вазир, вилоят ҳокимлари, кўмондонлар шарафига атаб ёзилган. Шунингдек, шоирлар қаламқаш дўстларини мактаб, мадҳ этиб қасидалар битганлар.

б) Араб тилида ёзилган адабиётда энг кўп қўлланилган жанрлардан яна бири ҳажвиядир. Уларда вазирлар, бой

феодаллар, ҳокимлар ва бошқалар ҳажв қилинган. Араб тилидаги ҳажвий шеърларда айрим шахарлар, уларнинг ҳароб ва ташландиклиги ва бошқа камчиликлар ҳам ҳажв этилган. «Йатимат ад-дахр»да Бухорони, Хоразм, Сейистонни ҳажв қилиб, ёзилган шеърлар сақланиб қолган.

в) Араб тилида ёзилган шеърлар ичида васфий шеърлар асосий ўрин тутди. Севги-муҳаббат, ўйин-кулгу, айш-ишрат васфий шеърларнинг асосий мазмунини ташкил этган. Булар қатори васфий шеърларда сарой ва унда яшовчилар ҳаёти, уларнинг базмлари ва базмларни безовчи турли-туман зебу зийнатлар, уй ашёлари, лазиз таомлар, ширин мевалар ҳам тасвирланган. Эътиборлиси шундаки, шоирлар бирор нарсани тасвирлар экан, кўпинча уларни мажозий йўл билан васф қилганлар. Шунинг учун васфий шеърларни маъносини англаш анча қийин бўлган.

«Йатимат ад-дахр»да бу каби жанрларда араб тилида ижод этган Абу Бакр ал-Қотиб (Бухоро), нишопурлик Абу Таййиб ат-Тоҳирий кабиларнинг ҳаёти ва ижодига доир фикр-маълумотлар берилган.

Хулоса қилиб айтганда, X-XI асрларда араб тилида ёзилган адабиётни ҳам маълум ўрни бор.

### **Форс-тожик тилидаги адабиёт**

X-XII асрларда форс-тожик тили ўша давр ижтимоий-маданий ҳаёт тақозосига кўра дастлаб Сомонийлар кейинчалик Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар қўл остида бўлган катта территорияда юқори мавқега эга бўлди. Натижада фақат тожикларнинг ўзларигина эмас, ўзбек, озарбайжон, туркман, ҳатто ҳинд адабиёти намояндалари ҳам ўз асарларини шу тилда яратдилар.

«Одам уш-шуаро» номи билан машҳур бўлган зот Абу Абдуллох Рудакий, буюк Фирдавсий, Дақиқий, Унсурий, Асади Тусий, Салмон Саважий, Саъдий, Ҳофиз, Умар Хайём, Законий ва бошқалар ушбу давр форс-тожик адабиётининг машҳурларидир.

Энг муҳими, шу алломалар тафаккури сўнггида лирика ҳам, эпик поэзия ҳам кенг тараққиёт йўлига чиқиб олди.

Агар биз Рудакий, Ҳофиз, Саъдий ижодлари мисолида ғазалчиликни мустақил жанр сифатида шаклланиб, тараққий этиб борганини кузатсак, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Низомийнинг «Панж ганж»и мисолида қаҳрамонлик, дидактик, ишқий-саргузашт дostonчилигининг илк етук намуналарини кўрамиз.

Абу Абдуллоҳ Рудакий – Ўрта Осиёнинг ўша даврдаги маданий марказидан ҳисобланган Панжакентда таваллуд топади. Рудакий дастлабки шеърлариданоқ инсон ва табиат гўзалликларини қайноқ нафас билан куйлайди. Дониш, меҳнат ва ҳунарни баланд пардаларда мадҳ этади. Рудакий қасиданавислиги билан ҳам алоҳида ўрин тутади. Уларда шоҳларга ҳамду сано ўқиш эмас, саховатнинг ўрнини панд-насиҳат йўли билан тарғиб этади.

Абулқосим Фирдавсий 940-941 йиллар атрофида Хуросонда Тус шаҳри яқинидаги Таборон қишлоғида таваллуд топади. Унинг ота-боболари ер-сувни йўқотиб камбағаллашиб қолган деҳқонлардан эдилар.

Фирдавсий номини жаҳонга машҳур қилган асари «Шоҳнома»дир. Асар қарийб 4 минг йилни ташкил этувчи катта тарихий даврни ўз ичига олади. Айниқса, сўнгги қисмларидаги 500-700 йиллик тарихий воқеалар катта аниқлик ва изчиллик билан ҳикоя қилинади. Фирдавсий ўзининг бу улкан асарида жуда кўп фалсафий ғоялар, ҳаётий муаммолар кўтаради, кўплаб характерлар яратади, бутун Шарқ адабиётига замин бўла олган асардир.

Форс-тожик адабиётнинг машҳур вакилларида яна бири Муслиҳиддин Саъдий Шерозийдир. Саъдий дастлаб ғазал устасидир. У ғазални ҳам мазмунан, ҳам шаклан юқори поғонага кўтаради. Саъдий узоқ муддат юртларни кезади, олим, фозил, донишманд кишилар суҳбатида бўлади.

*Кўп узоқ элларга қилдим саёҳат,  
Турли одам билан бўлдим ҳамтобоқ.  
Ҳар бурчакдан топдим бир луқма боқат,  
Ҳар хирмондин олдим биттадин бошоқ.*



Шоир ўз кузатишлари сўнгида «Бўстон», «Гулистон» деб номланувчи ахлоқий-гаълимий асарларни яратадики, бу ўз даврида жуда машҳур бўлган.

Саъдий каби ўзга юртларга эмас, ўз юртдан, ўз гўшасидан чиқмай, инсон қалбига сафар қилиб, уни ўрганган шоир Ҳофиз Шерозийдир. Ҳофиз май тимсолида руҳ бўлиб қуйлаган шоир. Инсон руҳи Ҳофизда бир бутун улғуворлиги билан гавдаланади.

*Агар васл истасанг ундан йироқ кетма, эй Ҳофиз,  
Тилакни изла, қўй дунёни, бер орзуга табдиллар.*

Ҳофиздан бизгача тематик ранг-баранг, давр идеалларини бадиий гўзал сатрларда ифодалаган ғазаллардан иборат девони етиб келган.

Низомийнинг «Хамса»сини форс-тожик тилида яратганлиги, Румийнинг шу тилда намоён бўлувчи истеъдоди, Аттор каби алломаларнинг асарлари шу тилдаги адабиётнинг беназир ютуғидир.

## **МАҲМУД ҚОШҒАРИЙ ВА УНИНГ «ДЕВОНИ ЛУҒАТИТ ТУРК» АСАРИ**

Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир тўлик маълумотга эга эмасмиз. Мавжуд маълумотларга қараганда ота-боболари қошғарлик бўлиб, XI асрда Боласоғунда таваллуд топади. Дастлаб Қошғарда, сўнгра Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур, Боғдод каби марказий шаҳарларда таҳсил олади. У ёшлигидан тил ва адабиёт илмига алоҳида қизиқиш билан қараган. Кейинчалик у Хитойдан тортиб Ўрта Ер денгизигача бўлган худуддаги мамлакатларни кезиб, узоқ йиллар давомида туркий халқлар тарихи, тили, оғзаки ва ёзма адабиёти, урф-одатлари, яшаш тарзи, маданиятини синчиклаб ўрганади. Бунда у туркий сўзларни тўплаш, туркий тил ва лаҳжаларни бир-биридан фарқлаш, уларни тартибга солишга ҳаракат қилади.

«Мен турклар, туркманлар, ўгузлар, чигиллар, яғмолар, қирқизларнинг шаҳар, қишлоқ ва овулларини кўп йиллар кезиб

чикдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб аниқлаб чикдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тилларни ҳар бир кичик фарқларини аниқлаш учун ҳам қилдим. Уларни ҳар томонлама пухта, бир асосда тартибга солдим», деб таъкидлаб ўтади у ўз асарида.

Ҳозирги замон илмида М.Қошғарий XI асрнинг тилшунос олими сифатида машҳурдир. Айтилганидек, саъй-ҳаракатлари сўнгида у туркий тиллар тадқиқига бағишланган «Жавохир ун-наҳв фи луғотит турк» (Туркий тиллар наҳв (синт) қоидалари) ҳамда «Девони луғатит турк» (Туркий сўзлар девони) номлари билан аталувчи иккита асар яратади. Бу асарнинг биринчиси етиб келмаган, ё аниқланган эмас.

«Девони луғатит турк» асарини олим 1076-1077 йилларда тугаллаб, халифа Абулқосим Абдуллоҳ бин Муҳаммад ал-Муктадога тухфа этади. Бу асарнинг 1276-77 йилларда Муҳаммад бин Абу Бакр Дамашкий деган киши гомонидан кўчирилган бир қўлёзмаси Истанбулдан топилади. 1939-41 йилларда ҳозирги турк тилида нашр этилади. Ўзбекистонда асарнинг биринчи тадқиқотчиси ва қисман ношири А.Фитратдир. С.Муталлибов асарни ўзбек тилига таржима қилиб 1960-63 йилларда нашр эттиради.

Асар «муқаддима» ва (девон) луғат қисмларидан иборат бўлиб, сўзлар араб тили графикаси асосида тартиб билан жойлаштирилади. «Муқаддима»да Қошғарий туркий тиллик халқларнинг номларини бирма-бир келтиради. Улар: бажнак, кипчоқ, ўғуз, ямак, бошқирд, басмил, қай, ябоку, татар, киркиз, чигил, тухси, яғмо, иғрок, жару, жамул, уйғур, тангут, табғоч халқларидир. Шунингдек, девонда ана шу туркий халқлар яшаган жойларни кўрсатувчи доира шаклидаги харита ҳам келтирилади.

Асарнинг «луғат» қисмида эса ана шу халқларнинг тиллари ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўрсатилади, мукамал изоҳи берилади. Асарда 6 мингдан ортиқ туркий сўзларга атрофлича изоҳ берилади. Бу жуда катта камровдир. Шунинг учун ҳам «Девони луғатит турк» туркий тилшуносликнинг энг нодир ёдгорлиги ҳисобланади.

«Девони луғатит турк» фақат тилшунослик асари бўлиб қолмай адабиёт – бадиият илми учун ҳам асосий манбалардан

бири ҳисобланади. Яъни, олим сўзларни тўғри ва чиройли изоҳлаш учун 300 га яқин шеърӣ парчалар ва кўплаб мақол ва ҳикматли сўзларни келтиради. Масалан: «Улуғ» сўзини «ҳар нарсанинг улуғи, каттаси» деб изоҳлар экан, бунинг исботи учун қуйидаги шеърни келтиради:

*Улуғлуқуғ бўлса сен эзгу қилин,  
Бўлғил кишиг Беглар кетин яхши улан.*

Мазмуни: Даража ёки мартаба топсанг хулқингни чиройли қил; амирлар олдида яхшилик етказувчи, халқнинг ишларини яхши қабул қилувчи бўл.

«Куб» сўзининг изоҳи учун қуйидаги мақолни келтиради:

*Куб сукутга қуш қўнар;  
Кўркли кишига сўз келар.*

Мазмуни: Шохлари кўп дарахтга қуш қўнар, яхши кишига сўз (мақтов) келади, деган мазмундадир.

Девондаги бу каби мақоллар ва шеърлар турли-туман маънода бўлиб, уларда реал ҳаёт лавҳалари, ҳамда халқ маънавий қарашларининг муҳим жиҳатлари ўз ифодасини топган. Шеърларнинг бир қисмида панд-насихат, илм ўрганиш, кибру ҳаводан йироқ бўлиб, яхши ишлар қилишга ундаш мазмуни ифодаланган бўлса, яна бир бошқа қисмида эса кечинма, туйғу ва улар билан боғлиқ, руҳий ҳолат ўз ифодасини топади.

Умуман олганда девондан меҳнат, мавсум, маросим, қахрамонлик мазмунидаги қатор шеърлар, «Кут билгиси билик» (Бахт белгиси – илм); «Андам баши тил» (Одобнинг боши тил); «Қурук қашик оғизқа йармас», (Қурук қошиқ оғизга ёзмас) каби кўплаб мақоллар борки, улар XI аср ва унгача бўлган даврларга мансуб бўлган бадиъат намуналаридир.

Шунингдек, девондан нисбатан каттароқ ҳажм ва кенгрок мазмунга эга булган табиат ҳодисалари, урушлар тасвири, алплар вафотига бағишланган шеър ва ривоятлар ҳам ўрин олган. «Қиш ва Ёз мунозараси», «Алп Эр Тунга марсияси», «Искандар» ҳақида ҳикоятлар шу жумладандир.

Хулоса қилиб айтганда «Девони луғатит турк» туркий халқларнинг ислом истеъсосигача бўлган даврлари ҳаёти, тили, бадияти, хусусан шеърӣ жанрлари, шакли, тасвир воситалари ҳақида тасаввурлар берувчи адабий ёдгорлик ҳам ҳисобланиши билан қимматлидир.

## **АҲМАД ЮГНАКИЙ ВА УНИНГ «ҲИБАТ УЛ-ҲАҚОЙИҚ» АСАРИ**

Туркий адабиётнинг машҳур вакилларида бири, адаб илмининг билимдони Адиб Аҳмад Югнакийдир. Адибнинг шахсияти, ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар деярли йўқ. Муаллиф ва асарни кўчирган котиблар томонидан айрим қайдлар «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарида келтирилган. Хусусан, Адиб асарида ўз номини қуйидагича зикр этади:

*Адиб Аҳмад атим, адаб, панд сўзим,  
Сўзим мунда қолур, борур бу ўзим.*

Асар кўлёмасига Арслонхўжа Тархон томонидан ёзилган:

*Отаси ати Маҳмуди Югнакий,  
Адиб Аҳмад ўғли, йўқ ул ҳеч шаки,  
Адибнинг ери ати Югнак эрур,  
Сафолик ажиб ер, кўнгуллар эрур,  
Адиблар адиби фозиллар боши,  
Гухартин сўз айтмиш, андин сўз боши, –*

каби қайдларга дуч келамиз. Булардан маълум бўладики, Адибнинг оти Аҳмад, отасининг оти Маҳмуд, туғилган жойи Югнак шаҳри бўлган, бироқ Югнак шаҳрини қаерда бўлганлигини аниқ айтиш қийин.

Бертольс Югнак шаҳрини Фарғона водийсида, Бартольд эса Самарқанд атрофида бўлган деб белгилайди. Тарихий манбаларда, жумладан, Ибн Хевакк ва Арат Раҳматий асарларида «Агнок» шаклида ёзилиб, Самарқанд атрофида бўлганлиги қайд этилади.

Асар қўлёзмаларидан бирида Адиб ҳақида: «туга курмас эди адибнинг кўзи», – деб айтилса, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Адиб номини хурмат билан зикр этиб «Ҳақ субхонаху таоло агарчи зоҳир кўзин ёпук қилгандур, аммо кўнгул кўзин бағоят ёруқ қилгандур» дейди.

Аҳмад Югнакий Боғдод атрофида маскан тутиб, узок масофаларни пиёда кезиб машхур шайхлар, алломалардан шарият ва тариқат сабоғини, ҳадис ва тафсирдан таълим олган, ваъзу насихатда уста бўлиб, шеърлари халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрган.

Адибнинг бизгача мерос сифатида ягона «Ҳибат ул-хақойиқ» асари сақланиб қолган. Бу асар асримиз бошларида Туркиядаги «Ас-Суфия» масжиди кутубхонасидан Нажиб Осим деган олим томонидан топилиб, бу асарни ўрганиш, таржима этиш, ва дастлабки нашрини амалга оширади. Нажиб Осим асосланган қўлёзма 884 (1480) йилда Абдураззоқ Бахший томонидан кўчирилган нусхаси бўлган. Ҳозирда «Ҳибат ул-хақойиқ» нинг 5 қўлёзма нусхаси маълум, тўрттаси араб, биттаси уйғур ёзувида кўчирилган Истамбул ва Берлин кутубхонасида сақланади.

Ўзбек олимларидан Ойбек, С.Муталлибов, Н.Маллаев, К.Махмудовлар тадқиқот ишлари олиб борганлар. К.Махмудов 1981 йилда «Ҳибат ул-хақойиқ»нинг матний ва ҳозирги тилга ағдарилган вариантини, 1982 йилда «Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-хақойиқ» асари ҳақида» номли китобини нашр эттирган.

Ушбу асар «панднома» характерида бўлиб, 254 байтдан иборат. Адибнинг «Тузатдим бу ўн тўрт боб ичра сўзум» деб қайд этишига кўра, дастлаб асар 14 боб қилиб жойлаштирилган. Бирок, айрим боблар сарлавҳаларининг тушириб қолдирилиши билан боблар сони қисқариб, 11 боб ҳолига келган, ҳозирда 11 бобдан иборат деб қаралади.

Асар «муқаддима» ва асосий қисмлардан иборат бўлиб, дастлабки 4 бобида «ҳамд», «наът», «Дод Сипоҳсалорбек мадҳи» ва асарнинг ёзилиши тарихи ҳақида сўз боради.

Бундан кейинги боблар асарнинг асосий қисмини ташкил этади. Жумладан, 5-бобда адиб билимнинг фойдаси ва жоҳилликнинг зарари ҳақида қимматли фикрларни баён этади:

*Биликтин аюрман сўзимга ула,  
Биликликка, ё дўст, ўзингни ула.  
Баҳолиқ динор ул биликлик киши,  
Бу жоҳил биликсиз-баҳосиз биши.  
Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур,  
Биликлик тиши-эр, жоҳил эр-тиши* (жоҳил эр-хотиндир).

6-бобда эса билим ва одобнинг белгиси сифатида тил ва уни тия билиш ҳақида сўзланади:

*Эшитгил биликлик неку теп аюр,  
Адаблар боши тил кузатмак турур.  
Тилинг бекта тутгил, тишинг синмасун,  
Қали чикса бекта тишингни сиюур.*

7-бобда дунёнинг фонийлиги, ўзгариб туриши ҳақида ҳикматли сўз келтирилади:

*Бу очун робот ул тушуб кучкулик,  
Роботқа тушукли тушар кучкулик.  
Ўнг орқиш узади қўнуб йўл тутиб,  
Унги қўпмиш орқиш неча кучкулик.  
Бу очун қўр, эрга курумлик тоши,  
Валекин ичинда хазор нохуши.  
Боқиб тош безакин қўруб сен бунга,  
Кўнгил боғламоқ бил хатолар боши.*

8-бобда саҳийлик ва баҳиллик ҳақида сўзланади:

*Бу будун тўлуси хи эр турур  
Ахилик шараф, жоҳ жамол ортурур,  
Севумлик тиласанг кишилар аро,  
Ахи бўл, ахиллик сени севдурур.*

9-10-бобларда тавозеъликнинг манфаати, кибру ҳаво ва хирсинг зарари ҳақида сўз боради. Сўнгра ўз фикрларини хулосалайди.

Югнакий ўз асарида аниқ бир воқеа, ходиса ёки саргузаштни ҳикоя қилмайди, у одоб-ахлоқ, илм-маърифатга доир фикрларни, масалаларни персонажларсиз изчил баён этиб боради. Бу ўғит ва пандларни баён этишда турлича ташбеҳ, метафора, тазод, сўз ўйинлари каби бадиий тасвир воситалари унумли қўлланган.

Достондаги ҳамма шеърлар ғазал ва маснавий кўринишида ёзилган. Достонда баён этилган фикрлар ҳаёт синовларилан ўтган, инсон ҳаётини абадиятга даҳлдор бўлишини таъминловчи фикрлардир, асарнинг маърифий аҳамияти ҳам шунда кўринади.

### **ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ВА УНИНГ «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» АСАРИ**

Юсуф Хос Ҳожиб X-XII асрлар ўзбек мумтоз адабиётининг машҳур вакилларидан бири. Адибнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳеч бир тарихий ёки адабий манбаларда маълумотлар учраган эмас. Адибнинг ўз асари «Қутадғу билиг»да айрим қайдлар келтириб ўтилган. Асардан маълум бўлишича, адиб тахминан 1019 йиллар атрофида «Кўз ўрду», яъни Болосоғунда таваллуд топади (асарни 462 (1069) йил ёзиб тутатганлиги, бу вақт 50 ёшда эканлиги қайд этилган). Адибдан бизгача ягона «Қутадғу билиг» асари етиб келган:

*Йил алтмиш эки эрди, тўрт юз била,  
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура  
Тугал ўн саккиз айда айдим бу сўз,  
Ўдурдум, адирдим, сўз эвдим тера.*

Бундан кўриниб турибдики, асар 18 ойда 462 йили ёзиб тугалланган. Асарда дастлаб басмала (унвон), сўнгра эса насрий муқаддима келади. Муқаддимада ҳамд, наътдан кейин асарнинг қиммати, номланиши, хонга тортиқ қилиниши, тақдирланиши ҳамда асардаги 4 рамзий қахрамон ўртасидаги савол-жавоблар бўлиб ўтиши ҳақида айтилади. Сўнг яна 77 байтдан иборат шеърий муқаддима келтирилади. Бундан кейин эса тилнинг фойда-зарари, билимнинг манфаати ва ҳ.к.лари ҳақида фикрлар

баён этилади. Шундан сўнг асосий воқеалар баёнига ўтилади.  
Муқаддимада:

***Кўз-урду ўлкаси аслида эли  
Туб асли насабдан сўз очди тили.  
Тугилган элидин чиқиб боргани  
Китобни жам этиб тугал қилгани.  
Барисин битибдир етказиб низом,  
Бу Қошғар элинда қўшилмиш тамом.  
(Барини битибдир не эса калом,  
Бу Қошғар элинда тугади, трамом).***

Ушбу мисралардан адибнинг ватани Кўз-урду (Болосоғун) эканлиги маълум бўлади ҳамда адиб асарини яратиш учун юртидан чиқиб бошқа жойларга сафар қилгани, кўплаб маданий-адабий манбаларни ўргангани ва Қошғарга келиб асарни ёзиб тугатганини англаш мумкин.

«Қутадғу билиг» туркийда яратилган биринчи энг йирик адабий асардир. Бу асарга қадар яратилган асарларнинг барчаси араб ва форсийда яратилган, Асар тез орада шуҳрат қозониб, Табғач Буғрохон томонидан муносиб тақдирланади.

Давлатни идора қилиш қонун-қоидаларини, мулк тутишнинг сиру асрорларини, ижтимоий табақалар, уларнинг жамиятдаги ўрни, ҳар бир табаканинг ахлоқий нормаларини кўрсатиб, белгилаб берувчи, давр талабига ниҳоятда мос бир асар эканини кўришимиз мумкин.

Адиб асарда айтилган кенг қамровли фикр-қарашларини 4 нарсада мужассам этиб тасвирлайди. Булар:

***Биринчи тўғрилиқка таянч адолат,  
Биринчи давлат эрур, у қутли зоят.  
Учинчи – улуглик ақл ва зако,  
Тўртинчи – қаноат эрур бебаҳо.***

«Қутадғу билиг» асарини ҳозирда уч қўлёзма нусхаси мавжуд. Уйғур ёзувида кўчирилган бир нусхаси Венада, араб ёзувида кўчирилган бир нусхаси Қоҳирада ва яна бир нусхаси Тошкентда, сақланади. «Қутадғу билиг» 1971 йилда Қажум



Каримов томонидан ҳозирги тилга ўгирилиб нашр этилган. Қискача мазмуни...

Асарда адиб юқорида айтилган 4 асосни баён қилиш ёхуд таъриф-тавсиф этиш йўлидан бормайди, балки уларни 4 инсон қиёфасида тасвирлайди ва уларни ҳар бирини алоҳида номлар билан атади:

*Адолат – Кунтузди – шох – қуёш.*

*Давлат – Ойтўлди – вазир – ойга.*

*Ақл – Ўздулмиш – вазир ўғли – чарогонлик.*

*Қаноат – Ўзгурмиш – вазир қариндоши – сергаклик.*

Асосий воқеалар шу 4 образ ўртасидаги савол-жавоблардан иборат бўлиб, бир қатор энг асосий масалалар ана шу жараёнда ёритиб берилади. Ана шу образлар ўртасидаги муносабатлар мазмунининг уйғунлигидан бош масала, гоё, асарнинг «Қутадғу билиг» деб номлангани сабаби келиб чиқади.

Барча асарларда бўлгани сингари «Қутадғу билиг»да ҳам адибнинг муносабатлари, бир бутун фалсафий қарашлари зиддиятларга тўла бир кўринишда бутун асар давомида кўзга ташланади. Адиб ўз даврининг кишиси сифатида ислом дини қарашлари, ислом ахлоқини ёқлайди:

*Ёмон деса бўлмас бу дунё молин,*

*Еса, берса халққа, ёритса юзин.*

*Худони тоат бирла топмас қули,*

*Ўзинг зўрла кенг дунёни қилма тор,*

*Тоатла унутма заковатни сен.*

Хос Ҳожиб фалсафасига кўра, ҳаёт, умр барча эзгуликлар учун асосий моядир (онасидир), шунинг учун ҳам у жуда азиз ва қиммати бекиёсдир. Амал, мансаб, давлат, бойлик инсон умрини зое, беҳуда кечишига сабаб бўлувчи бебақо ва бевафо нарсалардир.

Хос Ҳожиб ўз қарашларида тасаввуф таълимоти илгари сурган фикр-қарашлар доирасидан анчайин узоқлаб кетолмайди, айна пайтда барчасини мақулламайди ҳам. Масалан: сўфийларда Худо табиатдан ҳоли алоҳида ҳолатда мавжуд эмас,

яъни Олам Ҳақ ҳусни жамолининг тажаллисидан иборат. Оламдаги барча нарсаларда Ҳақдан нишон бор дейилади.

Адибнинг қарашларида дунёга маънавий муносабат устун даражада кўринади. Қизиғи шундаки, адиб оламда юз бераётган воқеа-ходисалар, қарашлар, ўз даврида мавжуд ўзгаришларнинг ҳеч бирини тамоман инкор этмайди, айна пайтда улардан бирини ажратиб олиб, ёқлаб ҳам чикмайди. Гўёки нималар содир бўлаётган бўлса, шундай бўлиши керак.

Асардан адиб қарашларини умумлаштириб оладиган бўлсак, адиб барча муносабатларнинг асосий мезони илм-маърифат деб олганини гувоҳи бўламиз. Энг аввало инсоннинг инсонлиги, подшоҳнинг адолати, раиятнинг осойишталиги, мулкнинг фаровонлиги барча-барчаси илм туфайлидир:

***Яна бир ҳикмат бор: Ҳазрати одам, –  
Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.***

***...Билим билан киши жеудо ҳайвондин,  
Буюкроқ нима бор, қани айт андин.***

***...Билимни буюк бил уқувни улуг,  
Шу икков улуглар кишини тўлиқ.***

***...Уқув қайда бўлса, улуглик бўлар,  
Билим кимда бўлса, буюклик бўлар.***

***...Болам тутсин десанг доноик йўлин,  
Кичикликдан тегиз билимга қўлин.***

Асарда ахлоқий-таълимий қарашлар юксак даражада ифода топади. «Қутадағу билиг» ни ақл ва ҳикмат дарслиги деб ҳам аташади.

## АҲМАД ЯССАВИЙ ВА УНИНГ «ДЕВОНИ ҲИКМАТ» АСАРИ

Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф шеърятининг атоқли вакилларида бири, умр бўйи худо йўлида фидоийлик билан хизмат қилган, инсон қадрини эъзозлаган зотдир.

Яссавий XI асрнинг ўрталарида Сайрамда ўз даврининг машхур шайхларидан Иброҳим ота оиласида таваллуд топади. Гўдаклигида онасидан, 7 ёшларида отадан етим қолиб, бобоси Арслонбоб кўлида тарбияланади. У дастлаб Арслонбоб кўлида, сўнг Бухорога бориб Юсуф Ҳамадонийдан сабоқ олади. Юсуф Ҳамадоний вафотидан сўнг бир неча муддат унинг ишини давом эттиради. Сўнгра ўз юртига қайтиб ўз мустақил фаолиятини бошлайди. Ҳикматлар битади, атрофига муридлар тўплайди. «Яссавия» тариқатига асос солади.

Яссавийдан бизгача туркий адабиётнинг нодир ёдгорликларидан бири бўлган «Девони ҳикмат» асари етиб келган. Аммо уни қачон ва ким томонидан тузилганлиги номаълум. «Девон»нинг энг қадимги кўлёмалари XVII асрга мансуб. Бу асар Қозон ва Тошкентда бир неча маротаба қайта нашр этилган. Шу асосда Туркиялик олим Камол Эраслон «Девони ҳикматдан сочмалар» китобини 1983 йилда Анқарада, ИброҳимҲаққулов «Девони ҳикмат» ва «Ҳикматлар» номли китобини 1991 йил Тошкентда нашр эттиради.

Аҳмад Яссавий ўз юртига қайтиб мустақил фаолиятини бошлаган дастлабки йилларидаёқ ўз дунёқарашини халқ орасида кенгроқ ёйиш мақсадида туркий халқ кўшиқларига яқин шеърлар ижод қила бошлаган. Ўз шеърларида у инсонни асл комилликка етаклайдиган дин, имон, Худо йўлида фидоийлик, эътиқодда собитлик, ҳалоллик ва нокликни тарғиб этади. Бу тарғиботида шоир «Қуръон» оятлари ва ҳадисларга асосланади. Шу боисдан ҳам ҳикматлар бир қарашда оят ва ҳадислар билан бирдек туюлади. Бошқача айтганда, мувофиқ келади. Лекин бу Яссавий «ҳикмат»ларида «оят ва ҳадис»лар мазмунини тўғридан-тўғри ўзлаштирган деган фикрни бермаслиги керак.

***Менинг ҳикматларим кони ҳадисдур,  
Киши бўй элтмаса билгил ҳабисдур.***

*Менинг ҳикматларим фармони субҳон,  
Ўқуб уқсанг ҳама маънийи Қуръон.*

*Менинг ҳикматларим оламда султон,  
Қилур бир лаҳзада чўлни гулистон.  
Менинг ҳикматларим шавқи муҳаббат,  
Кўзини ёшида қилай таҳорат.*

Қолаверса, Яссавий ўз ғоявий-ахлоқий, фалсафий мақсадлари йўлида улардан ижодий фойдаланган дейиш мумкин.

Яссавий тарихда ном қолдириш, авлиё сифатида шон-шуҳратга эга бўлиш, бойлик орттириш мақсадида тариқати ва ҳикматларини яратган эмас, унинг маслагидан ҳам, ҳикматларидан ҳам кўзлаган мақсади битта эди, у ҳам бўлса, барча мавжудотлар ичида энг мукаммал қилиб яратилган инсон ва жамиятни, бир сўз билан айтганда, башариятни мукаммал кўриш орзуси эди.

Яссавийнинг таъбирича, бу мукаммаллик, энг аввало нафсни ўлдириш ва ҳақни севиш томонга қилинадиган ҳаракатдан бошланади.

*На онода раҳм қолди на отода,  
Оза-ини бир-бирига можарода,  
Муслмонлар даъво қилур, ичар бода,  
Мастлик билан қариндошдан тонди кўриг.*

Буларнинг барчаси нафс туфайлидир. Нафс киши кўзини парда бўлиб тўсиб қўяди, тўғрилиқдан адаштиради.

*Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб-тўзиб гумроҳ бўлур.*

Шунинг учун ҳам Яссавий панду-насихатларида нафсга қарши курашни бош масала қилиб қўяди, унга қарши исён кўтаради. Яссавийнинг бу исёни руҳий исендир. Нафсдан кутулишнинг ягона чораси эса ҳаққа ошиқлик эҳтиёжидир. Яссавий ҳикматларида ошиқликни ёлғон ошиқ ва чин ошиққа

бўлиб кўрсатади. Ишқ савдоси – оғир савдо. Унинг кийинчиликларига бардош бериш ўта машаққат. Ишқ бу дарддир.

***Ишқ балоси бошига тушса нолон қилур,  
Ақлинг олиб, беҳуш қилиб ҳайрон қилур...***

Ишқ одамда бедорликни пайдо этиб, эътиқод-имон мустаҳкамлигини таъминлайди, нодонликдан сақлайди. Натижада инсонда ўз-ўзига муросасиз бўлиш эҳтиёжини ҳосил этади.

Муросасиз бўлиш – ўзини доимо назорат остида тутмоқ, ўз-ўзига ҳисоб бериб турмоқ, хато ишларини такрорламаслик ва булар ортидан келадиган ҳар қандай кийинчиликка бардош бермоқликдан иборатдир. Ана шу жараёнда инсон ўз-ўзини англаб боради, ғофиллик ва нодонликдан қутила боради.

Яссавий ҳикматлари ана шундай олий ҳақиқат, улуғ маърифатдан сабоқ беради.

## ХIII – ХIV АСРЛАР АДАБИЁТИ. ФАН ВА МАДАНИЯТ, АДАБИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

ХII асрнинг охири ХIII аср бошларида Марказий Осиёда феодал тарқоқлик анча кучайган давр эди. Қаттиқ курашлар натижасида ХII асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган йирик Хоразм давлати Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220) даврига келиб, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан заифлашиб кетди.

Мўғуллар босқини бадиий адабиётга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди. Бу даврда Мовароуннаҳр ва Хоразмда ёзма адабиёт намояндаларининг ўз юртларида бадиий ижод билан шуғулланишлари учун имконият йўқ эди. Мўғуллар қирғинидан тасодифан қутулиб қолган адиблар, ёзувчилар, шоир ва олимлар ўз она ватанларини тарқ этиб, ўзга мамлакатларга бошпана излаб кетишга мажбур бўлдилар.

Бу даврда ХIII-ХIV асрлар ҳаётини ҳар томонлама тасаввур этишга имкон яратувчи талай тарихий асарлар яратилди. Жумладан, Рашидиддиннинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан яратилган. «Жомеъ ут-таворих», Жувайдининг «Тарихи жаҳонгушой», Фахриддин Банокатийнинг «Равзат ул-ахбоб фи-таворих ул-ақобир вал ансоб», Ҳамидулла Муставфий Қазвинийнинг «Нузхат ал-қулуб» («Қалблар роҳати») каби асарлари шулар жумласидандир.

Ёзма адабиётда бир неча тилда ижод этиш кўзга ташланади. Балхда туғилган, асли хоразмлик Жалолиддин Румий Кичик Осиёга бориб, форс-тожик ва турк тилида асарлар яратади. Ҳисомиддин Осомий эса асарларини форс-тожик, турк ва араб тилларида ёзган. Бу даврда муламмаъ ширу-шакар (икки ёки ундан ортиқ тилда асар битиш) жанри тараккий этади. Пурбаҳои Жомий туркий, форс-тожик ва мўғул тилида қасидалар яратган.

**Асосий жанрлар.** Улар ижодида ғазалчилик асосий ўрин эгаллайди. Рубоий ва туюқ сингари кичик жанрларнинг ҳам катта мавқе тута бошлагани шу даврлардан бошланади. Ўзбек дostonчилиги ҳам янги анъаналар билан бойиди. Қасида, соқийнома, маснавий каби жанрлар ҳам ривожланиш йўлига кирган эди. Бу давр адабиётида Куръон оҳанглари кўпроқ кўзга ташланади.

Хусусан, Ҳусам Котиб томонидан яратилган «Китоби Жумжума» (1369-1370 йиллар)нинг сюжет тузилиши, образлари, тасвир усуллари «Нахж ул-фародис» (Али ибн Маҳмуд)даги ривоят ва афсоналар билан уйғундир (1360 й.). Қул Алининг «Қиссаи Юсуф» асари ҳам Қуръон сюжети асосида ёзилган.

## ПАҲЛАВОН МАҲМУД ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ

III асрнинг 2-ярми XIV аср бошларида яшаб ижод этган файласуф шоирлардан бири Паҳлавон Маҳмуддир.

Шоир 645 (1248-49) йилда Хива яқинида дунёга келади. У жисмоний жиҳатдан чиникқан, бакуват бўлиб ўсади ва кейинчалик паҳлавонлик билан ҳам шуғулланади. Хоразм ва унинг атроф шаҳарларидан тортиб Ҳиндистонгача бориб кураш тушади. Аммо унинг асосий каби-пўстиндўзлик бўлган. Бу хунарда ҳам жуда моҳир бўлиб, кўплаб ихлосманд шогирдлари бўлган. Шоир 726 йил (1326)да 79 йил умр кўриб вафот этади.

П.Маҳмуднинг номига ҳамиша бир-икки лақаб қўшиб айтилади. Уни Хоразмда «Паҳлавон Маҳмуд», «Паҳлавонпир» деб атасалар, айрим тарихий ва тазкира китобларда «Ҳазрат Паҳлавон», «Маҳмуд Пирёрвали», «Маҳмуд Пурёрвали» деб тилга оладилар. Лутф Алибек Озарнинг «Оташкада», Шамсиддин Сомибекнинг «Қомусул аълом» асарларида «жанговар», «ҳарбий», «урушқоқ» маъносида «Қитоли» лақаби билан тилга оладилар.

Маноқиблардан бирида айтилишича, П.Маҳмуд Ҳиндистонда экан чоғида ҳиндлар тарафини олиб урушга қатнашади. Ҳинд подшоҳи Рой Ропой Чўнани ўлимдан кутқазади. Бундан мамнун бўлган шоҳ П.Маҳмуддан «тила тилагингни» деб сўраганида, шоир олтин-кумуш, молу дунё эмас, бир вақтлар ҳиндларга асир тушган хоразмликларни озод қилишини сўраган экан. Подшоҳ шоир илтимосини бажо келтириб, хоразмлик тугқунларни озод қилиб, йўл харажатларигача бериб Хоразмга қайтарган экан.

Шунингдек, П.Маҳмуд Хива яқинида Чингизга қарши урушда ҳалок бўлган паҳлавонлар қабри устига мақбара қурдирган экан.

П.Маҳмуд жисмонан қудратли бўлиш билан бирга заво ва истеъдодли, олижаноб, соғлом ақл ва тафаккур эгаси эканлиги ижодий меросида бир бутун ҳолда намоён бўлади.

**Ижоди.** Маълумки, ўз адабий фаолиятида фақат рубоий жанрида ижод қилиб, бутун фалсафий қарашларини шу жанр бағрига жойлаб, унинг тематик доирасини белгилаб берган олим ва шоир Умар Хайём бўлган. П.Маҳмуд эса шеърятда ҳам, фалсафада ҳам Хайёмнинг заковатли давомчиси дир. Чунки, форс адабиётида ҳам туркий адабиётда, ҳам Хайёмдан сўнг П.Маҳмуддек фақат рубоий ёзган шоир учрамайди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, П.Маҳмуд Хайёмнинг шунчаки бир тақлидий давомчиси бўлибгина қолмай, балки бу жанрни янги мазмун ва ўзига хос янги руҳ билан бойитганини кўрамиз.

Хайём:

*Лойни муштлаб турган анови қулол,  
Қилсайди ақл ила чуқурроқ хаёл,  
Ҳеч қачон бунчалик тепкиламасди,  
Ота тупроғидан ясаркан сопол.*

П.Маҳмуд:

*Гуркираган олов – дилим йўлдоши,  
Тўлқин урган дарё – кўзларим ёши,  
Кўзагарлар ясаётган ҳар кўза,  
Кўҳна дўстлар хоки – қўли ё боши.*

Кўриниб турибдики, бу рубоийлар мантиқан бир-бирига ўхшайди. Бироқ уларни айнан бир хил деб бўлмайди. Аввалги рубоийда Хайём ҳар бир инсонни ўгмишга, бугунга ва келажакка ақл кўзи билан теран назар ташлашга ундаб, инсон умрининг мазмуни фақат бугундан иборат эмаслигини қайд этади. Лекин бунда ачиниш, куюнчаклик сезилмайди. Паҳлавон Маҳмуд рубоийсида ҳам шу моҳият акс этади. Бироқ, бунда шу ҳолатнинг ўзи эмас, унга ачиниш, куюнчаклик ҳисси бўртиб



кўринади. Бошқача айтганда ҳар икки рубойи икки хил муносабатнинг бири «аклий» иккинчиси «ҳиссий» муносабат мевасидир.

П.Маҳмуд рубойилари билан яқиндан изчил танишилса унинг мавзу камрови жуда кенг эканлигини кўрамиз. Анъанавий ишқ-муҳаббат, одоб-ахлоқ, мардлик ва шижоат, тўғрилиқ ва олижаноблик, инсон умри ва унинг бир бутун моҳияти, илм-маърифат, очик танқидий муносабат ва ҳ.к. Қайси мавзуда бўлишидан қатъи назар шоирнинг ҳар бир рубойиси ўта жозибадордир. Бу жозоба рубойларни ўқиган кишига ўзига хос улуғвор руҳий тетиклик бағишлайди.

VII-VIII асрлардан эътиборан майдонга келган «сўфий»лар ҳаракати вақтлар ўтиши билан ҳам шаклан, ҳам мазмунан камрови кенгайиб боради. Футувватчилик ёки жавонмардлик ҳаракати ана шу негизда юзага келган ўзига хос ҳаракат бўлиб, X асрлардан қадимий Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарларида кенг ёйилган эди. Жавонмардлар ўзлари учун махсус қоидаталабларни ишлаб чиққан бўлиб, бунга оғишмай риоя этар, қаерда бўлмасин, қандай иш билан шуғулланмасинлар, мардлик ва олижаноблик намунасини кўрсатар, зулм ва ҳақсизликка қарши курашиб келганлар. Улар наздида дунё бойлиги мол-дунё эмас, инсон ва унинг қадри устун турган. Олтин-кумушни улар назар-писанд қилмаганлар, балки яшаш учун, тараққиёт учун бир восита деб билганлар.

Бутун умрини ҳайрихоҳлар ва дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшиликни ўйлаш ва яхшилик қилишдан чарчамаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш, пиру устозлар, дўст-биродарлар номуси ва шарафини ҳимоя этиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, покиза инсонлар суҳбатида бўлиш ва ҳаказолар жавонмардларнинг амалий ахлоқи, кундалиқ ҳаёт тарзи ҳисобланган.

«Жавонмард»лар аслида кимлар эди?

Жавонмардлар ўз даврининг бир қадар уюшган табақаси оддий халқ орасидан чиққан турли касб эгалари – темирчи, қуролсоз, дурадгор ва тикувчи-тўқувчилар, паҳлавон ва қизиқчилар шунинг бошқа тоифа вакиллари эдилар. Уларнинг ҳар бирини ўз жамоаси, пири, таълим берувчи устозлари,

Йиғиладиган жойлари бўлган. Жамоага қабул қилиш Пир бошчилигида аҳд-паймон билан қабул қилинган. Жамоага қабул қилинган киши «жавонмард» ёки «фатий» деб аталган (ҳар иккиси «ёш йигит» маъносини беради) – «фарзанд», пир эса – «ота» дейилган. Бир бутун жамоа шу тариқа бир-бирининг ака-ука, биродарларига айланганлар. Бир бирлари учун жон фидо бўлганлар.

П.Маҳмуд эса бевосита Хоразм жавонмард Носирийларининг раҳнамо-пирларидан бири эди. Унинг «Пахлавонпир», «Пирёрвали», «Пурёрвали» лақабларини қўшиб айтилиши ҳам шундандир. Эрон олимларидан бири Саид Норисий «Сарчашмаи тасаввуф дар Эрон» асарида: «Футувват-жавонмарддик улуғ пешволаридан бири машҳур шоир П.М.Хоразмийдир», – дейди. Қолаверса, шоир рубоийларининг бир бутун мазмун моҳияти ҳам буни ҳар жиҳатдан тасдиқлайди. Айни пайтда шоир рубоийларининг жозиба таровати, сеҳр кучининг боиси ҳам шундан дидир.

***Ўз нафсинга бўлгин амир шунда мардсан,  
Ўзгаларга бўлма ҳақир шунда мардсан.  
Йиқилганни тегиб ўтиш мардлик эмас,  
Афтодага бўлсанг дастгир шунда мардсан.***

Нафс устидан ўз ҳукмини ўрнатиш, бировга ҳеч қачон қарам бўлиб қолмаслик, афтодага дастгирлик қилиш – жавонмардларга айнан хос хусусиятдир.

***Кўнглим оппоқ на кек ва на кинам бор,  
Душманим қўп ва лекин мен ҳаммага ёр.  
Мевали дарахтман ҳар бир ўтқинчи,  
Тош отиб ўтса ҳам менга бўлмас ор.***

Кўриниб турибдики шоир рубойисида жавонмард пирларга хос фазилатни кайд этаётир, демак, бу шоирнинг ўзи учун ҳам хос фазилатдир.

## РАБҒУЗИЙ ВА УНИНГ «ҚИССАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИ

XIII аср охири – XIV аср бошларида яшаб ижод этган улуғлардан бири Носуриддин Бурҳониддин Рабғузидир. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи ягона манба ўз асари «Қиссаси Рабғузидир»дир.

Рабғузидин ўз асарида: «Бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, маъсият ёбонини кезган, оз озуклут кўп ёзуғлут Робот ўғузнинг қозиси Бурҳониддин ўғли Носуриддин», деган қайдларни келтиради.

Бундан маълумки, муаллиф Хоразмнинг Роботи ўғуз деган жойидан бўлиб, у ерда қозилик қилган. Рабғузидин тахаллуси шу жой номидан олинган. Шунингдек, асарда муаллиф ушбу асарини ҳукмдор беклардан «Носириддин Тўқбуға» деган кишининг талабига мувофиқ яратганини ҳам айтади.

Бу ерда шу нарса кўзга ташланадими, Тўқбуға бу вазифани тоиширишда Рабғузидиннинг билим қуввати ёзувчилик маҳорати, ҳаёт тажрибалари етарли эканига ишончи бўлган. Қолаверса, мунтазам изчилликда баён қилинган тарихий ва афсонавий воқеалар, асарга киритилган туркий шеърлар, араб тилидан қилинган таржималар Рабғузидин истеъдодини исботлайди.

**«Қиссаси Рабғузидин»** асари 709 (1309-1310) йиллар атрофида яратилади. Муаллиф асарига асос қилиб Қуръонда мавжуд бир қатор воқеалардан, Абу Исҳоқ Нишопурийнинг «Қиссасул анбиё» ва бошқа исломга оид манбалардан фойдаланади.

«Қиссаси Рабғузидин» характерида кўра ўзига хос диний моҳиятга эга. Асар анъанавий ҳамд, наът билан бошланади. Сўнгра ёзилиш сабаблари, ўзи ҳақида хабар берувчи қисқа сўзбоши келади. Асардан ҳаммаси бўлиб 72 та қисса ўрин олган. Асар гарчи пайғамбарлар ҳақида бўлса-да, муаллифнинг эътирофича, инсонлар мавжуд бўлмасдан аввал ҳам мавжудлик мавжуд бўлгани учун воқеаларни ана шу илк мавжудлик воқеаларидан бошлайди. Яъни аввалги қисса ер, кўк, мавжудотлар, жин, дев, парилар ҳукмронлиги, сўнгра инсоннинг яратилишига эҳтиёж туғилиши воқеаларидан бошланади. Бу воқеалар конкрет илмий характерга эга бўлмаса-да, лекин олам ва одамнинг аввали ҳақида маълум тасаввурлар беради.

Қолган қиссалар пайғамбарлар ва пайғамбарлаштирилган шахслар тўғрисидадир. Рабғузий ҳар бир қиссанинг бошланишида пайғамбар ҳақида қисқача маълумот, сўнгра изоҳловчи шеър, сўнг насрда қиссанинг асосий мазмуни берилади. Бу мазмун ҳам яхлит воқеалар баёнидан иборат бўлмай, шу воқеалар билан боғлиқ бир неча нақл ва ҳикоятлардан ҳам иборатдир.

Масалан, Идрис пайғамбар тўғрисида изоҳ ва шеър келтирилади. Сўнгра насрда унинг ўзига хос хислатлари айтилади. Қиссадан маълум бўлишича, Идрис пайғамбар илму ҳикматда, подшоҳликда, пайғамбарликда учинчидир. У нима нарса бўлса, тикиб кийишни билган, шамшир, пичоқ каби асбобларни ясаган, осмонда яшаган, жаннатда тирик юрган, етмиш икки тилни билган, динга даъват қилиб, турли расм-русумларни ўргатган. Худо унинг сидқидилдан қилган тоат-ибодатлари, ишларини назарда тутиб, ўлиб қайта тирилишига, осмонга чиқиб сайр қилишига, дўзах ва жаннатда айланиб, жаннатда қолишига изн беради.

Асарда бошқа пайғамбарлар ҳақида ҳам шу усулда воқеа-ходисалар баён қилинади, ранг-баранг ҳикоятлар келтирилади.

Эътиборлиси шундаки, қиссалар ва улар билан боғлиқ ҳикоятлар мақсади муайян бир ғояга бўйсундирилган ҳолатда баён қилинади. Масалан, бир куни Сулаймон Бойқушдан сўради, нима учун доим вайроналик ерни хоҳлайсан, нега халқ орасида юрмайсан. Бойқуш айтдики, одам фарзандлари бир-бирига қиладиган зулмидан кўрқаман. Демак, бунда зулм қораланади. Довуд пайғамбар ҳикоятида ҳалоллик, ҳалол меҳнатни улуғлаш ғоясини кўрамиз. Бундай ғоявийлик асардаги барча ҳикоятлар учун хосдир. Кўринадикки, Рабғузий қисса ва ҳикоятларини инсонлар эзгулиги учун хизмат қилишга қаратган.

Асардан ўрин олган ҳикоятларнинг кўпчилиги реал ҳаёт ходисаларини изоҳлашга қаратилган. Масалан, инсонга жон ато этилишидан олдин унинг танаси тирноқлар каби силлиқ эди, жон бахш этилгач, юмшаб, ҳозирги ҳолатга келди, аввалидан нишона сифатида тирноқлар сақлаб қолинди. Қарғалардан бири ерни чўқалиб, ўлган шеригини кўмишдан ерга кўмиш одати русум бўлди. Шунингдек, арининг ғўнғиллаши, қалдиғочнинг одамлар орасида бўлиши, илоннинг қурбақага ўчлиги ва

хаказолар ҳаётий ҳодисалар бўлиб, изоҳловчи ҳикоятлардир. Ана шу ўринда асарга хос энг муҳим хусусият ривоят ва ҳаётий традициялар туташтирилади.

Қисса ва ривоятлар Рабғузийнинг насрдаги катта маҳоратини кўрсатса, асардан ўрин олган ғазал ва шеърларда табиат кўрки, қахрамонларни руҳий ҳолатларини ёритувчи шеърлар унинг назмдаги маҳоратини кўрсатади.

«Қиссаси Рабғузий»га диний характердаги бир асар сифатидагина қарамаслик керак. Чунки, асарда диний руҳга нисбатан инсон ҳаёти, келажаги ва реал борлиқ билан боғлиқ дунёвий руҳ устун даражададир. Асар том маънодаги илҳом манбаига айланиши мумкин бўлган нодир ёдгорликдир.

## **САЙФИ САРОЙИ ҲАЁТИ, ФАОЛИЯТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

XIV аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири С.Саройий лирик ва эпик шоир, ношир ва таржимон сифатида адабиётимиз тарихида муҳим ўрин тутди. Адибнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. С.Саройий XIV асрнинг 20-йилларида туғилади (1321-1396 й. деган маълумот бор).

***Қамишли юрт маним тувгон элимди,***

***Билик гурбатга келтургон билимди.***

***Келиб ўлдим саройда шеър фидойи,***

***Саройнинг шоири элнинг гадоийи.***

Биринчи мисрадаги «қамишли юрт»ни ҳозирги Хоразм вилоятининг Сарикамиш қишлоғи ва шоирни шу ерда туғилган деб тахмин қилинади. С.Саройий яшаган даврда юрт осойишталиги бузилиб, жуда кўплаб кишилар бошпана излаб турли юртларга кетишга мажбур бўлган эди. Жумладан, С.Саройий ҳам бу жойда яшай олмади, ўзига бошпана ва илм истаб ўз эл-юртидан узокқа кетади. Бу ҳақида шоир надомат билан ёзади:

*Ўсуб туфрозим узра найзалар, ман эвдин айрилдим,  
Ватандин бенишон ўлдим-да, ўзга юртга эврилдим.*

*Нечук менга фалак жавр айлади, қандай гуноҳим бор,  
Илоҳо айла кам жавринг, ман элга содиқ ул эрдим.*

С.Саройий бир қанча мамлакатларда бўлади, умрининг охирларида эса Мисрга келиб, шу ерда кўним топади. Бу ерда кийинчилик билан яшаса-да, баракали ижод қилади. У форс-тожик шоири Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асарини 1390-91 йилларда таржима қилиб, таржимани «Гулистони бит-туркий» деб атади. 1394 йилда «Суҳайл ва Гулдурсун» достонини ва кўплаб ғазалларини яратади. XIV асрнинг охириги йилларида вафот этади.

**Лирикаси.** С.Саройий истеъдодли лирик шоир бўлиб, ўз ижодини лирик шеърлар ёзиш билан бошлаган. Унинг «Гулистони бит-туркий» ва «Суҳайл ва Гулдурсун» достони билан бирга кўчирилган 10 дан ортиқ ғазали, 2 та қасидаси, 2 та китъа ва 2 байт шеъри етиб келган. Шуларнинг ўзи Сайфи Саройий ўз даврининг истеъдодли шоир бўлганидан дарак беради. С.Саройийнинг шеърлари ҳаётга яқинлиги билан, севги-муҳаббатни чиройли қилиб куйлаши билан ажралиб туради.

*Келиб ўлдим саройда шеър фидойи,  
Саройнинг шоири элнинг гадойи.*

У гарчи Сарой шоирлари билан бирга сарой доирасида ижод қилган бўлса-да, лекин у элдан, мазлум халқдан узоқлашмаган, халқнинг дарди билан яшаган. «Васфул шуаро» шеъри шоир қарашларини бир қадар ёрқин ифода этади.

**«Суҳайл ва Гулдурсун» достони.** Бу достон XIV аср дунёвий адабиётида юқори ўрин тутувчи дostonлардан биридир. Гарчи дostonнинг ҳажми қисқа бўлса-да, унда дунёвий севги, садоқат, мардлик ва жасорат ўзига хос бир жозиба билан куйланади.

Достон Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги жанг ва унинг оқибатларини акс эттириш билан бошланади. Шундан кейин воқеалар «Суҳайлнинг чоҳда ётиши», «Суҳайлнинг туш

кўриши», «Шоҳ кизи Гулдурсун Суҳайлни кўргани ва уни севиб колгани», «Суҳайл билан Гулдурсуннинг чоҳдан чикиб қочганлари баёни» каби бўлимларга бўлиб ҳикоя қилинади. Гарчи дoston мана шундай бўлимларга бўлинса-да, аммо воқеалар ривожини изчил давом этиб боради.

Дostonнинг бош қаҳрамони Суҳайл ва Гулдурсундир. Севги ва садоқат, мардлик ва жасоратда улар бир-бирларидан қолишмайди. Дostonдаги Гулдурсун образини афсонадаги Гулдурсун образига тамомилан қарама-қарши этиб тасвирланган. Дostonдаги Гулдурсун мард, жасоратли, садоқатли қиз. Гарчи уларнинг тақдирини фожиали тугаса ҳам, дostonни ўқитган кишида тушқун қайфият пайдо қилмайди. Балки китобхоннинг руҳини кўтарилиб, қаҳрамонлар мардлигини, жасоратини ва бир-бирига садоқатига таҳсин ўқийди. Шоир ҳам ўз қаҳрамонларининг жасоратини ва садоқатидан руҳланиб шундай ёзади:

*Хотин содиқ ани севгил, азиз эр,  
Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер.  
Анга дўст бўл, ани севгил, қўнғил бер,  
Анинг сўз баҳридин гавҳарларин тер...*

**Дostonнинг бадий хусусиятлари.** Дoston ғоявий мазмунини билангина эмас, бадий хусусиятлари билан ҳам қимматлидир. Дostonда воқеалар, қаҳрамонлар ташқи ва ички кўриниши – руҳий дунёсини яхши очилган.

«**Гулистони бит-туркий**». С.Саройий ижодининг яна бир муҳим қиррасини таржимонлигидир. У 793 (1390-91) йилда Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарини ўзбек тилига таржима қилган.

Бу таржима ўзбек адабиётида таржиманавислик тарихидаги илк таржималардан. Ушбу асар орқали Саъдий ижоди билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Айни пайтда ўша давр адабиётини ва адабий тилини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

С.Саройий бу таржимадан мақсади ўзбек ва бошқа туркий халқларни «Гулистон»да айтилган жуда қимматли бўлган фикрлардан қарашлардан баҳраманд этиш эди. Шу билан бирга

С.Саройй бу асарга ижодий ёндашиб, ўзининг ҳам фикр-карашларини ва шеърларини киритади.

Саъдий Шерозий форс-тожик адабиётининг улуғларидан бўлиб, 1204-1208 йиллар оралиғида Шерозда туғилади. Саъдий кўплаб ғазаллар, қитъалар, қасида ва рисоалар яратган шоирдир. Айниқса, у «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари ва ғазаллари билан шуҳрат қозонади.

«Гулистон» ахлоқий-таълимий асар бўлиб, 8 бобга бўлинган: 1) «подшоҳларнинг хислати»; 2) «дарвешларнинг ахлоқи»; 3) «қаноатнинг яхшилиги»; 4) «хомушликнинг фойдаси»; 5) «ишқ ва ёшлик»; 6) «нотавонлик ва қарилик»; 7) «сухбат одоби»; 8) «тарбиянинг кучи».

Ҳар бир бобда аввал шу бобга доир фикрлар айтилиб, кейин бунга боғлиқ бўлган кичик ҳикоятлар, шеърлар келтирилади ва «қиссадан ҳисса» чиқарилади.

С.Саройй ўз таржимасида бу ҳолатни тўла сақлаб қолади ва худди Саъдий сингари қарам ва саховатни мақтаб, бахилликни қоралайди. Кишиларни ҳимматли ва саховатли бўлишга чақиради. Худбинлик, кибру ҳаво, мақтанчоқлик, амал билан керилиш каби иллатларни қоралайди. Илм-маърифат, ота-онага, устозга, катталарга ҳурмат, одобилик ва бошқа фазилатларни улуғлайди. «Гулистон»да ҳам, «Гулистони бит-туркий»да ҳам ажойиб ҳикоялар тўпланган. Улар ҳажман кичик бўлса ҳам, лекин мазмунан жуда бой ва ибратлидир.



## XIV АСРНИНГ 2-ЯРМИ ВА XV АСРЛАР АДАБИЁТИ. ИЖОДИЙ МЕРОС

XIV асрнинг сўнги XV асрларнинг биринчи ярми тарихимиз тараққиётида жиддий ўзгариш содир бўлган алоҳида давр ҳисобланади.

Амир Темур даври ва темурийлар даврида Марказий Осиё ва Хурсонда маданият ва санъат ўз ривожининг юксак чўққисига кўтарилди. 1405 йилда Амир Темур вафот этгач темурий шахзодалар ўртасида тож-тахт учун кураш авжига чиқади.

Амир Темур тасарруфидаги ягона давлат Мовароуннаҳр ва Хурсондан иборат иккига ажратилади. 1409 йилда Шохрух Самарқандни ҳам қўлга киритгач уни ўғли Улуғбекка топширади. Юртнинг бундан кейинги қирқ йиллик тарихи Шохрух ва Улуғбек номи билан боғлиқдир.

Ана шу қирқ йиллик нисбатан осойишталик илм-фан, санъат ва адабиётининг тараққиёти учун шароит туғдиради. Бу даврда табиий ва ижтимоий фанлар тараққий топади. Шулардан фалакиётшунослик ниҳоятда юксалди. Буюк олим ва мутафаккир Мирзо Улуғбек (1394-1449) Самарқандда биринчи фалакиётшунослик академиясига асос солди.

Геометрия, математика, фалакиёт каби илмлар тараққийси Улуғбекнинг атрофида Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Қушчи каби олимлар фаолият олиб борганлар. Тиббиёт илмида Чағминий, Хўжандий, Юсуф Табиб каби олимлар етишиб чиқади.

Ижтимоий фанлар тарих, адабиёт, тилшунослик ва бошқа соҳалар ҳам ривож топди. Ш.А.Яздий «Зафарнома», Ҳофизи Абрўнинг «Зубдат ут-таворих», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъ ус-саъдайн», Мирхонднинг 7 жилдлик машхур «Равзат ус-сафо» каби етук асарлар яратилади. Китобат, ҳаттотлик, тасвирий санъат ва мусиқа илмлари ҳам ривож топди.

Бу даврда яшаб ижод этган Хоразмий, Ҳ.Хоразмий, Хўжандий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий каби кўплаб ижодкорлар ёзма адабиёт тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар. Улар ғазал, рубоий, қитъа, туюк, дoston ва бошқа жанрларда янги-янги

асарлар яратдилар. Жумладан, Хоразмий «Муҳаббатнома» асари билан адабиётга «нома» деб аталувчи янги бир жанрни олиб кирди. Хўжандий «Латофатнома», Юсуф Амирий «Дахнома», Саид Аҳмад ибн Мироншоҳ «Таашшукнома» асарларини яратиб, Хоразмий анъанасини давом эттирдилар.

Шунингдек, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Ҳ.Хоразмийнинг «Маҳзан ул-асрор», «Гул ва Наврўз», Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» дostonлари қатори турли характер ва мазмунда йирик дostonлар яратилди.

Абдурахмон Жомий «Рисолаи аруз», «Рисолаи қофия», «Рисола дар муаммо», Давлатшоҳ Смарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул-авзон» каби ижодкорларнинг адабиётшунослик фанининг турли йўналишларига оид асарлари яратилди.

Қандай жанр ва кўринишда бўлмасин уларнинг барчасида давр ҳаёти, зиддиятлари, орзу-интилишлари ўз ифодасини топган. Гуманизм, ватанпарварлик, халқпарварлик, адолат ва тенглик тараннум этилган.

## **ҲАЙДАР ХОРАЗМИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Ҳайдар Хоразмий XIV аср охири – XV асрнинг 1-ярмида яшаб ижод этган. Бизгача шоирнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар жуда оз сақланиб қолган. Ҳайдар Хоразмий ҳақида Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Д.Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», шунингдек, Шайх Аҳмад Горозийнинг «Фунун ул-балоға» тазкираларида баъзи бир маълумотлар келтирилади. Навоий Хоразмийни Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокийлар қаторида «хуш табъ» шоир сифатида тилга олади. Айтадики, Султон Искандар Темурнинг набираларидан бири бўлиб, Ҳ.Хоразмий унинг саройида мадҳчи туркигўй шоирлардан бири эди, дейди. Султон Искандарнинг ҳам бир туюғини келтиради:

*Тўлин ойга нисбат эттим ёруми,  
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми,*

*Тор муюнгни закотини мен берай,  
Ё Мисрни. Ё Ҳалабни, ё Руми.*

Шоирнинг «Маҳзан ул-асрор»ида ҳам айрим кайдлар мавжуд. Мавлоно Ҳайдар асли Хоразмлик бўлиб, қачонлардир форс вилоятига келган, бир қанча муддат Шерозда Султон Искандар саройида хизматда бўлган. Тахминан 1409-1414 йиллар оралиғида Султонга бағишлаб «Маҳзан ул-асрор» асарини ҳамда «Гул ва Наврӯз» дostonларини яратган.

**«Маҳзан ул-асрор» достони.** Шоир бу достонини Низомий «Хамса»сининг биринчи достонига асосланиб, унга жавоб тарикасида яратади. Шоир Низомийдан илҳом, мадад олади, унинг тафаккури ва санъатидан баҳраманд бўлади:

*Менки пишурдим бу лазиз ошни,  
Шайх Низомийдан олиб чошни,  
Шайх Низомий дамидин жон топиб.  
Маънисидин ярлоқу бурҳон топиб.*

Гарчи шоир Низомийдан андоза олган бўлса-да Низомий достонини такрорига йўл қўймайди. Ҳ.Хоразмий достони 639 байтдан иборат.

Хоразмий асари композициясида аввал ҳикоя, ундан сўнг эса келиб чиқадиган фикрларни умумлаштирувчи хулоса (мақолат) келтирилади.

«Сулаймоншоҳ» ҳикоятида ўтмиш ва бугун, бугун ва эрта, инсоний хушёрлик, «Савдогар ва бўз тўқувчи аёл» ҳикоятида пасткашлик ва дунёпарастликни қоралашдан иборат фикрлар айтилади. Шунингдек, ғафлат ва сабрсизлик («Ёқуб ва Юсуф» ҳикоясидан), ростлик, ҳалоллик, саховат (Ҳотамтой ҳикоясидан), инсон ҳаётини эъзозлаш (Сулаймон билан Осаф ҳикояти) каби умуминсоний фикрлар талқин этилади.

Шоир асарида бадиятга ҳам алоҳида эътибор билан қараб, таносиб, ташбеҳ, мажоз, эътироз, истиора, иғроқ, ғулв кабилардан ўз фалсафий-таълимий қарашлари баёнида моҳирона фойдаланади:

*Улким, анга мўъжизалик сўз керак,  
Ё кўруб англагудек кўз керак,  
Сўз била ҳам бўлса не бўлгой эди,  
Мендин очун сўз била тўлгой эди.*

«Гул ва Наврўз» достони. Бу достон адабиётимиз тарихи, хусусан, XIV аср адабиётининг энг етук ва нодир асарларидан биридир. Яқин кунларга қадар бу асарни адабиётшунослигимизда Мавлоно Лутфийга нисбат бериб келинарди. Аммо профессор Эргаш Умаров томонидан аниқланишича, XIV аср Улуғбек замонида яшаб ижод этган Шайх Аҳмад Горозийнинг «Фунун-ун балоға» асаридан маълум бўлишича, «Гул ва Наврўз» Ҳайдар Хоразмий қаламига мансубдир. Бобур ҳам «Мухтасар» асарида бу дostonни Ҳ.Хоразмийга тегишлилигини қайд этган.

Бугунги кунда бу дostonнинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари маълум. Достон Шарқ дostonчилиги учун хос муқаддима билан бошланади. Дostonда шоирни ушбу асарни ёзишга даъват этган Султон Искандарга бағишланган алоҳида боб ҳам бор.

«Гул ва Наврўз»да дostonнинг марказий қахрамонлари Наврўз билан Гулнинг севги саргузаштлари орқали Ўрта Осиё ва Хуросоннинг ўша давр учун муҳим бўлган марказлашган давлат тузиш ғоясини илгари суради, урушлар қораланади. Дostonда Наврўз билан Гул юксак қахрамонлар сифатида гавдалантирилади.

«Гул ва Наврўз» дostonи бадиий жиҳатдан ниҳоятда пишиқ ва пухта яратилган дostonдир. Дostonда табиий борлиқ мажоз усулида инсонлар дунёсига кўчади. Натижада дostonда олам ва одам бирлигидан иборат улуғворлик пайдо этилади. Дostonда бутун воқеалар ишқ деб аталмиш тушунча асосига қурилади. Шу тушунча қахрамонларни бир-бирига боғлайди, воқеалар сўнгида ягона фикрга дучор этади. «Гул ва Наврўз» дostonи адабиётимиздаги энг нодир дostonлардан бири сифатида қадрланади.

Ҳайдар Хоразмий икки етук дostonи, уларда ифода топган ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий қарашлари билан маънавий меросимизга улкан ҳисса қўшган ижодкордир.

## ХОРАЗМИЙ ВА УНИНГ «МУҲАББАТНОМА» АСАРИ

Хоразмий ўзбек дунёвий адабиётининг етуклик намояндаларидан биридир. Адибнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берувчи ягона манба ўз асари «Муҳаббатнома»дир. Адиб бу асари билан адабиётимиз тарихида «нома» жанрига асос солди. Кейинчалик бу асарга жавоб тариқасида «Латофатнома», «Таашшукнома», «Даҳнома» каби ўнлаб намуналар яратилди.

Шоирнинг номи бизга номаълум бўлиб, «Хоразмий» унинг тахаллусидир. Бу унинг хоразмлик эканлигини кўрсатади. Шоир XIII асрнинг охири XIV асрнинг бошларида Хоразмда яшаб ижод этган. Хоразмий яшаган XIII асрнинг бошларида Чингизхон истилосининг даҳшатларидан кутила бошлаб, ривожланиш сари бораётган давр эди. Унинг ёшлик йиллари Хоразмда ўтади. Кейинчалик у Шарқ мамлакатларига саёҳатга чиқиб, турли халқларнинг ҳаёти билан танишади, турли қийинчиликларни бошидан кечиради. Хоразмий Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳам узоқ саёҳат қилади. 1353 йилнинг охирларида Олтин Ўрда хони Жонибекнинг Сирдарё музофотидаги амаллардан бири Муҳаммадхожабек билан танишади. У шоиртабиат киши эди. Хоразмий унинг илтимоисига кўра «Муҳаббатнома» асарини яратди.

«Муҳаббатнома» асари 11 та номадан иборат бўлиб, 4, 8, 11-номалар форс-тожик тилида қолган 8 таси эса ўзбек тилида ёзилган.

Асар номалар (ишқий шеърӣ мактуб) маснавий, ғазал, қитъа, муножот, мадҳия каби жанрлардан ташкл топган бўлиб, «нома»лар асарнинг кўрпроқ қисмини ташкил этади. Бу номаларда шоир ошиқнинг маъшуқага бўлган инглишларини фикр-ўйларини, маъшуканинг хусну жамолини тасвирлайди. Висол иштиёқини, хижрон изтиробларини куйлайди. Кўпинча сабо орқали унга салом йўллайди. Маснавий эса соқийга мурожаат қилиб айтилган шеърдир. У маснавий, яъни иккилик шаклида қофияланиб келади. Нома ва маснавий ўртасида ғазаллар келтиради.

Асар ишқий кечинма ва туйғуларни куйловчи асардир. Унда ошиқ ва ёр образи асосий ўринда туради. Асардаги ошиқ

Ўз ёрени ҳар қандай нари, хур фаришталардан ортиқ кўради. Бу ёрсиз ҳатто жаннатга боришни ҳам истамайди.

*Кўнгилга жондан ортиқроқ кераксен,  
Пари ю хурдин кўрклироқ сен,  
Фаришта кўрса бўлғай сизга моил,  
Сизнингдек кимда бор шаклу шамоил,  
Сумансиз оразинг гулдир тикансиз,  
Менга дўзах эрур учмоқ-сенсиз.*

«Муҳаббатнома»даги ёр (машуқа) ана шундай беқиёс гўзалликка эга. Бу ёрга бўлган ошиқнинг садоқати эса ундан ҳам ортиқ, у ёрени ҳеч бир нарсага ҳеч қачон алмашмайди. Асардаги ҳар бир нома ана шундай ошиқнинг гўзалликда беқиёс ёрига йўллаган шеърий мактубларидир.

Бу мактубларда ёрнинг беқиёс гўзаллиги ва шу ёрга бўлган ошиқнинг руҳий ҳолати зўр маҳорати билан тасвирланади. Мактублардаги ёр ниҳоятда гўзал, ҳусну жамолини ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Бу гўзалликка ташна ошиқ тинимсиз унга қараб интилади. Лекин ёр гўзал бўлиш билан бирга бевафо ситамкордир. Ўз ошиғини васлига муяссар этишни сира хаёлига келтирмайди. Бу ошиқнинг юрагига ўт солади. Ошиқ ва маъшуқ ўртасидаги мана шу қарама-қаршилиқ мактубларга ҳусн бағишлайди. Яъни, ёр қанчалик нозланса, ошиқ эса унга қараб янада кучлироқ талпинади, умидсизликка тушмайди. У «узун туннинг сўнгида тонг отишига ишонади». Машуқанинг беқиёс гўзаллиги, нозу-карашмаси, ошиқнинг ёрга қараб умид билан тинимсиз талпинавериши мактубларни ўқиган кишининг кўнглида орзиқиш ҳиссини ўйғотади.

## **АТОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Атоий XV асрнинг биринчи ярмида яшаган истеъдодли лирик шоирдир. Атоийнинг тўла номи, туғилган ва вафот этган йиллари аниқланган эмас. Шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги айрим маълумотлар ўз девони ва Навоийнинг айрим асарларида сақланиб қолган. Атоий ҳақида Навоий «Мажолис

ун-нафоис» асарида куйдагича маълумот беради: «Мавлоно Атоий Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидандир, дарвишваш ва хушхулқ мунбасит (хушхулқ очик чехрали) киши эрди. Ўз замонида шеър атрак (туркий т. сўзловчи) кўб шуҳрат тутти.

Бу матлаъ анингдурким:

*Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,  
Ғояти нозуклукидин сув била ютса бўлур,*

қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўб туркона айтур эрди. Қофия эҳтиётига муқайяд эмас эрди. Қабри Балх навоҳисидадур».

Мазкур байтнинг қофияси оҳанги жиҳатидан мос келганга ўхшаса-да, классик араб-форс қофия назарияси талабига жавоб бермайди. Яъни бўлур (раъвий Л) ва ўлтурур (Р) сўзларида қофиянинг асоси – мос келмайди.

Атоий маълумотлардан шу нарса маълум бўладика, тилга олинган Исмоил ота Яссавийнинг Иброҳим ота номли инисининг ўғлидир. Яссавийдан кейин унинг йўлини давом эттирувчилардан бири бўлган. Кўринадики, Атоий ўз даврининг дарвишваш, яъни яхшилик ва эзгуликни одат қилган хушаҳлок ва айни пайтда, ўз даври илмларини эгаллаган, мунтазам ижод билан шуғулланган фозил киши бўлган.

**Лирикаси.** Атойдан бизгача 260 ғазалини ўзида жамлаган ягона қўлёзма нусхаси етиб келган. Атоий ғазалларининг сони бундан кўп бўлиши ва у лириканинг бошқа жанрларида ҳам кўплаб шеърлар ёзган бўлиши мумкин, лекин бизгача улар етиб келмаган.

Атоий ғазаллари қисқа, содда, равон, жўшқин ва нафис мисралардир. Аввало, шу нарсани доимо ёдда сақлаш керакки, ҳар қандай шоирнинг ғазаллари, шеърлари унинг қандай одам бўлганлигини, билими, дунёқарашини, фикрлашини қандай бўлганлигини белгилайди. Жумладан, Атоий ҳам мана шу содда, равон ва жўшқин мисраларида ўзининг бутун борлигини намоён этади.

Атоий бошқа шоирлар, жумладан, бобоси Яссавий сингари «Жонни, қийноққа сол, мақсадга эриш» деган ғоядан, фикрдан

анча йироқда туради. Атоийда дунёвийлик устун даражада туради. Мана шу дунёвийликни кўплаб адабиётларда қайд этилганидек, фақат «дунёвий севги» деб қабул қилсак, бу бир томонлама қараш бўлиб қолади. Шунинг учун дунёвий севги эмас балки, дунёвийлик деб олган маъкулроқ. Чунки, бу дунёвийлик икки йўналишни ўзида туташтиради.

**Биринчиси,** Оллоҳ билан боғлиқ бўлган фикр, қарашларни ифодаловчи йўналиш.

**Иккинчи,** Ёр билан боғлиқ, бўлган дунёвий севги, соф муҳаббатни ифодаловчи йўналиш.

Бу ерда савол туғилиши табиий, биринчи йўналишда Оллоҳ билан боғлиқ фикру қарашлар ифодаланар экан, буни қандай қилиб дунёвийлик деб атаймиз.

Бу дунёвийлик шу маънодаки, Оллоҳ томонидан бандасига белгилаб берилган қонун-қоидалар, энг аввало, бу дунё учундир. Бандаси бу шаръий қонун-қоидаларга бу дунёда амал қилмоғи лозим. Қолаверса, бандаси ибодатини дўзах азобларидан кўрққанидан ёки жаннатнинг ажойиботларига эришмоқ учун қилмаслиги керак. Буларнинг барчасини бандаси бу дунёда яратган Оллоҳ учун қилмоғи, уни ҳеч қачон ёддан чиқармасдан номини зикр этиб турмоғи керак. Киши бутун борлиғи билан Оллоҳнинг севимли бандасига айланмоғи керак. Охиратда жойи дўзах бўладими, жаннатми Оллоҳнинг ўзи белгилайди.

Мисол:

*Зоҳидо, ҳуру қусур кавсару туби санго,  
Бизга дилбар васлидур дунёву уқбодин мурод.*

Ёр билан боғлиқ реал дунёвий севгини ҳам шоир равон мисраларда қуйлайди. Шоир ўз севги лирикасида уч асосий образ – ошиқ, ёр ва рақиб образларини яратади (бу классик адабиётда деярли барча шоирлар шеърятига хос хусусиятдир). Айни пайтда шоир соф ва самимий дунёвий севгини табиат кўрки, яхши фазилатлар (меҳр-мурувват) билан биргаликда уйғунликда тасаввур қилади ва шундай уйғунликда таъриф ва тавсиф қилади. Мисол:



*Кел, эй дилбар, ки бўстон вақти бўлди,  
Гул очилди, гулистон вақти бўлди*

*Қилай нола боқиб гулдек юзингга,  
Чу булбулларга афгон вақти бўлди.*

*Ўқуб гул бахтини мажлисда ҳар дам,  
Бўлуб сархуш гулафишон вақти бўлди,*

*Муганнийларга булбул бикин зор,  
Ҳазорон наъли илҳон вақти бўлди.*

*Будамким, гул қилур булбулга алтоф,  
Атоийга ҳам эҳсон вақти бўлди.*

Атоий яратган ошиқ тавсифда бекиёсдир. Агар уни ёрига нисбатан олганимизда бу ошиқ, энг аввало, самимийдир. Яъни у висолнинг зар ёки зўрлик билан бўлишини истамайди. Бошқача қилиб айтганда, зар ёхуд зўрлик билан эришилган висолни ишқ-муҳаббат туфайли деб ҳисобламайди.

*Ошиқ эрмас ул маҳваш, ким истар зар бирла васл,  
Ошиқ улдур, ким висолинг нақдин истар зоридин.*

Чунки, ошиқнинг фикрича самимий ишқнинг қаршисида шоҳ ҳам гадо ҳам тенг.

*Гадомен васлингга, не чора айлай,  
Ки, султонлар бу иш бечорасидур.*

Ошиқнинг самимийлигининг яна бир томони унинг вафосида, садоқатида аниқ кўринади.

Барча классик шоирларимиз асарларида бўлгани сингари Ошиқ ниҳоятда самимий ва садоқатлидир. Ёр эса пуржафо ва марҳаматсиздир. Шунини алоҳида айтиш керакки, ғазалларда рақиб образи гарчи тилга олинсада, у фаолиятда тасвирланмайди. Фақат ошиқнинг кечинмалари орқалигина кўзга ташланади. Ошиқ ёрга қанчалик ташналик билан интилса

ёр ундан ўзини олиб қочаверади. Бу ҳолат ошиқнинг хаёлида ёри ўзга бир кишига илтифот кўрсатаётганлиги сабабли ундан ўзини олиб қочаётгандек бўлиб туюлади. Ана шу туйғу рақиб образи бўлиб кўзга ташланади.

***Ё ишқ балоси менга, ё жабри замона  
Ё ёр жафоси менга, ё гуссаи агёр.***

Зоҳид образи рақиб образидан фарқ қилади. Ошиқнинг ёрга қараб интилиши йўлида рақиб образи турса, Оллоҳга нисбатан интилишида зоҳид образи туради.

***«Ёр гамин тарк эт, Атоий!» – дерсан эй носеҳ, вале,  
Тарк этарму одаме ҳаргиз қадимий ҳамдамин.***

***Сайъ этар зоҳид мени жаннатнинг эски бозина,  
Мен борурменму юзунгдек навбахоримдан йироқ.***

Санъаткорлик маҳорати:

Атоий ғазал жанрининг устоз санъаткоридир. Унинг ғазалларини аксарияти 7 байтли. «Ул санамким», «Жамолинг васфини» «Бу хусни малоҳатки» каби воқеабанд ғазаллар ҳам бор. Атоийнинг 260 ғазалидан 109 таси «рамали мусаммани мақсур» вазнида яратилган. Атоий ўз ғазалларида радифларни маҳорат билан қўллайди.

Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди!

В-эй тишлари дурру гуҳарим, нетти, не бўлди!

Атоий ўз ғазалларида шеърий санъатга хос усуллардан унумли фойдаланди.

1. Ўхшатиш:

***Кирпинг новакларидин соқлонур кўнглум, вале,  
Бир отиб, ёзмас нишонин икки айёринг кўруб.***

2. Киноя: Ҳ.Таълил

***Йиглаб юзунгиздан олайн зулф ниқобин,  
Гул яхши очилмас кечалар ёзмаса ёмғир.***

***Бинафша қилса зулфинг бирла даъво,  
Эгилди буйни елдин, кўп еди қож.***

3. Муболаға:

*Қилни икки ёрмиссиз қилмиш азалда бир қалам,  
Белингиз тасвирини қилгонда наққошинг, бечим.*

4. Таж. Орифона:

*Ёраб ул оразмудур ё лола арар устина,  
Ё шақойиқ баргидир сарви санубар устина.*

Шоир шеърларидаги ёр образи, бошқача қилиб айтганда ошиқ самимият билан муҳаббат изҳор қилаётган бутун борлиғини унга бахшида этаётган ёр образи ҳам борки, ошиқнинг фикрича бу ёр дунё-у укбода тенгсиздир. Бу ёрнинг саройи, хусну латофати ошиқ учун шунчаларки, жаннат ва у ердаги хуру париларнинг хусн саройи бу ёрнинг қаршисида ҳеч нарса эмас. Шунинг учун ҳам ошиқ уни хуру парилардан устун қўяди:

*Кўрармен боғи жаннат мевасидин,  
Яноқинг норини юз қатла бехроқ.*

Жаннатда жуда чиройли ва тик ўсадиган тубо дарахтлар бўлармиш. Лекин бу ёр шунчалар етилган, қадди қомаги келишганки жаннатдаги ўша дарахтданда зебо ва кўрклидир.

*Туби йигочи эски йигочдур туман иллик,  
Ўхшотман они, ким сенга, наъбар етилибсен.*

Демак, бу ёрнинг шаклу шамоили, хусну жамоли хурларидан, қадди-қомаги жаннатий тубо дарахтларданда зебороқ экан, бу ёр жаннатга бориб қолса нима бўларди?

*Учмоқта юз қатла қиёмат бўлур эрди,  
Тубида агар бўлса, бу қомаг билла рафтор.*

Аслида эса ўша хурлар жаннатга тасодифий бориб қолган эмаслар, балки хусну жамолда, қадди-қомагда ақл-идроқда ошиқнинг ёрига тенглашолмагач, уялганларидан жаннатга қочиб кирганлар.

*Хусн ичра қусурин билибон то дами маҳшар,  
Ёшунди юзунинг латофатидин жаннат аро хур.*

Шунинг учун ҳам, Ошиқ:

*Атойга беҳишти жовидондир,  
Севар ёри била бир лаҳза дидор*

*Кел эй санам, ки бўлди яна навбаҳору ийд,  
Ким хуштурур кишига висолу нигору ийд.*

*Бир лаҳза олиб ниқоб юзунгдин қуёш бикин  
Жамъ айла анжуманда гулу лолазору ийд.  
Кел бениқоб чиққил уюнгдин том устина,  
Аҳли замона хубларини бир уёлдур.*

Айтишингиз мумкин, ошиқнинг ошиқлиги ёр ҳусну жамолига эканда?

*Вафосиз дилрабодин тенгри безор,  
Агар ҳусн ичра жаннат ҳури бўлса.*

Айрим ғазалларида шоир туюқларга хос сўз уйинини маҳорат билан қўллайди:

*Десангким, «жон сипар қилгил Атойим»,  
Турубман ушмундоқ ўлдур от ойим.*

Атойи шеъриятида араб ёзуви имкониятларидан фойдаланиб яратилган ажойиб лавҳаларни учратамиз:

*Жими зулфинг, нун қошинг қасди жон айлаб эди,  
Боқи бўлсун, лутф этиб кирди алиф қаддинг аро.*

Жон сўзини ясайди:

*Мим оғзи била зулфи қадди лом алифдин,  
Эй, вой, нетай, хаста кўнгил қолди аламга.*

Алам сўзини ясайди:

*Гар ўқур хонанда мажлисда Атоий шеърини  
Зухра чанг қўбсар, қилур шамсу қамар заъқу чароҳ.*

Шоир ҳақли равишда фахрла айтганидек, шеърляти, мукаммал, шавққа тўла дилбар шеърятдир.

## САККОКИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ

Саккокийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар жуда оз сақланиб қолган. Бу шоир ҳақида ҳамда Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида ва Яқинийнинг «Ўқ ва ёй» мунозараси асарида айрим маълумотлар сақланади.

Саккокий XV асрда Самарқандда яшаб ижод этган. Саккокийнинг асли исми номаълум, Саккокий унинг тахаллуси бўлиб «сакок» пичоқчи сўзидан олинган. Саккокийнинг номи Улуғбек билан боғлиқ бўлиб, у ҳукмронлик қилган йилларда унинг ҳомийлиги остида яшайди, унга атаб бир нечта қасидалар яратади.

**Лирикаси.** Саккокий девонининг бир нечта тўлик бўлмаган қўлёзма нусхалари етиб келган. Девон ғазаллар ҳамда қасидалардан иборатдир. Саккокий девонининг ҳам асосий жанри ғазаллардир. Шоир ғазалларида дунёвий-самимий севгини куйлайди, улуғлайди. Унинг ғазалларида уч образ мавжуд: ошиқ, ёр ва ракиб. Ошиқ ишқда самимийдир, орзули-умидлидир. Шоир ана шу умидлар, орзулар йўлидаги ошиқнинг кечинмаларини тасвирлайди. Ошиқ аввалда ишқ йўли душворликларини ҳис этмаган, бу йўлга тушгач эса, унинг жабру-жафоларидан азият чеккан бир «жон»дир.

*Ишқ ишин Саккокий аввал билмайин осон кўруб,  
Охири ўз жонининг ишини душвор айлади.*

Лекин ошиқ бу қийинчиликдан чекинмайди, балки, Фарход-Ширин ишқда «куҳкан» бўлса, у «жонкан» бўлишни

орзу қилади. Шунинг учун ҳам у ёридан нуқсонлардан соқит бўлиб, вафо тараф бўлишини истайди.

***Билурсенким кечар дунёи фоний,  
Қулунгга қилмагил жавру жафони.  
Басе кўп ваъдалар қилдингу бординг,  
Кел эмди ваъдага қилгил вафони.***

Ёр одатдагидек гўзал, бироқ пуржафодир.

***Турранг кўнгул шаҳринда куб ошибу ғавго кунқориб,  
Жон мулкени зорат қилур ҳар лаҳза зулфинг лашкари.***

Босқинчи лашкар мамлакат мулкени таласа, ёрнинг «зулфлашқари» жон мулкени талайди, босқинчи лашкарлар мамлакат шаҳрида ғавго чиқарса, турра (кокили) кўнгул шаҳрида ғавго чиқаради.

Рақиб ошиқ ва ёр ўртасига раҳна солади, ошиқнинг наздида у ёрни вафо йўлидан чалғитади. Гуёки рақиб жарангли соз чангнинг овози орасига тушуб қолган карнайга ўхшайди.

***...Тангрилик бўғой рақибни мажлисингдин қобласанг,  
Хай эрур худ одамий сак бирла бўлса ошно,  
Сен букундин сўнг ҳукм қил, ўз мақомин сақласун,  
Не қилар чангу чигона орасида карраной.***

(Одамийлик – сак. Чанг – карнай) Чанг билан карнайни қўшиб чиройли куй чиқариб бўлмаганидек, вафоли бўлмоқ учун ўртага (итни) рақибни қўйиб ёрлашиб бўлмайди. Саккокий ўзига хос чиройли усулларни яратади (ўх.):

***1. Моварауннаҳр ичра қолди, чунки икки ёнима,  
Кўзларимнинг бири Сайхун, бири Жайхун айлади.***

***2. Сабо зулфингни тоғитти магар, холи хаёлимда:  
Ёзилди аждор бўлди, ўролди Аҳраман бўлди.***

*3. Оқзинг кўзунгга пистау бодом ўзини тутса тенг,  
Оғзини сіндур пистанинг, ёр ўртадин бодомни.*

*4. Гар ҳажринг ўти жону жигарса ёқа келди,  
Жонимга не хуш шарбати васлин ёқа келди,  
Ҳажр ўти нега мажруҳ этиб бузди жигарни.  
Васлинг бу шифо малҳами не хуш ёқа келди.  
Девона бекин тишлаб эмас югра юруда,  
Жон пора қилур ҳолда элимга ёқа келди.*

Улуғбекка, Халил Султонга, Хожа Муҳаммад Порсога, Асрлон Хожа Тархонларга атаб қасидалар битади. Булар ичида Улуғбекка аталган қасидаси алоҳида ўрин тутади.

### ДУРБЕК ВА УНИНГ «ЮСУФ ВА ЗУЛАЙҲО» ДОСТОНИ

Дурбек ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида деярли маълумот йўқ. У XIV асрнинг охири – XV асрнинг бошларида яшаб ижод этган. Бизга қадар унинг фақат «Юсуф ва Зулайҳо» достони етиб келган, холос. Шу биргина достоннинг ўзи ҳам Дурбекнинг етук ижодкор киши бўлганлигини кўрсатади. Негаки, Дурбек достонини яратишда адабиётда, халқ орасида маълум бўлган сюжетга асосланса-да, ўз даври воқеалари, кечмиши билан боғлаб мутлақо янги, оригинал асар яратади.

**«Юсуф ва Зулайҳо» достони.** Достоннинг муқаддимасида шоир достоннинг яратилган йилини абжад ҳисобида қайд этиб ўтади:

*«Зод» эди тарих тақи «Хе» ю, дал»  
Муддати ҳижратдин ўтиб моҳусол.*

Бу мисралардаги «Зод» – (800), «Хе» – (8) ю, дал – (4) харфларини абжад ҳисоби бўйича рақамларга айлантриб қўшса 812 йил келиб чиқади. Буни мелодийга айлантирсак, 1409 йил келиб чиқади.

Достон яратилган бу давр Темур тузган салтанатнинг парчалана бошлаган даври, темурийзодалар ўртасида кураш кизиган бир давр эди. Ана шундай талашлар боис Темур бир вақтлар қўлга киритган ва Мироншоҳга берган Балх шаҳри уч ой қаттиқ қамал қилинади. Дурбек ана шу Балх шаҳри аҳолиси билан бирга бу қамал азобларини бошидан кечиради ва шу ерда шу шароитда «Юсуф ва Зулайҳа» достонини яратади.

Ана шу давр ва шароитга муносиб, достон ҳам қамал воқеаси билан бошланиб, бу ўзаро урушларнинг даҳшатли оқибатлари тасвири чизилади. Дурбекнинг сайёр сюжет бўлган бу киссага мурожаат қилиши тасодифий эмас. Чунки, шоирга ўз даври воқеалари, қарама-қаршилигу зиддиятларини тўларок баён қилишда ҳар жиҳатдан маъқул келган бўлиши керак.

Ўша даврда ака-ука темурийзодалар ўртасида тож-тахт, мансаб талашиб бўлаётган ўзаро урушлар жуда кизиган эди. Ана шундай низоларнинг натижасида Балх шаҳри қамал қилинган эди. Ака-укалар ўртасида келишмовчилик, мансабпарастлик, бир-бирини кўролмасликни шоир ўз асарида Юсуфнинг акалари ҳам қуролмасликлари туфайли Юсуфнинг бошига оғир кунларни солгани билан ифодалайди.

Темурийзодаларнинг бундай ишлари оқибатида ўз бошларига ва қолаверса, халқ бошига оғир кунлар тушаётганини шоир аниқ ифодалаб беради. Чунки, Дурбек мамлакатни тинчлиги, осойишта ва обод бўлишини давлат бошлиқларини – подшоҳларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлайди.

Агар подшоҳ жоҳил, золим, ичиқора-қуролмас бўлса, мамлакат вайронага юз тутади. Агар подшоҳ одил ва ақлли бўлса мамлакатни осойишталигини ва ободлигини таъминлай олади.

Достонда Миср подшоҳи Райён ақллилиги туфайли ўзидан кўра ақлли ва тадбирлироқ бўлган Юсуфни тан олиб, оғир дамларда уни ўз ўрнига подшоҳ қилиб кўтаради ва мамлакатни кийинчиликдан қутқаради.

Агар темурийзодалар ҳам бир-бирига фақат хусуматда бўлмай ақллироғини тан олишиб, йўл беришса мамлакатнинг тинчлиги ва обод бўлиши таъминланади, деган хулосани ясайди.

Достондаги марказий масаларлардан яна бири дунёвий севги, инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати масаласидир.



Дунёдаги энг азиз ва муътабар зот бу инсондир. Инсоннинг азиз ва улуғлигини таъминловчи, кўрсатувчи фазилат унинг меҳри, муҳаббати, севгисидир. Ана шу севги, муҳаббат киши қалбида барқ урса, киши бу йўлда собитқадам бўлса ундай киши камолотга эришади, келажакда бахт топади. Асардаги Юсуф билан Зулайхо ўртасидаги севги ана шундай самимий севгидир. Турли ихтилофлар туфайли улар маълум муддат бир-бирларидан айро тушсалар ҳам, лекин, қадамларининг собитлиги, аҳдга содиқлиги уларга сабр, куч-қувват, ёшлик, гўзаллик бағишлайди.

*Ох, не хушдурки чекиб интизор,  
Етса ўз уммидина умидвор,  
Кимгаки бор ҳимматига эътиқод,  
Оқибат ул-амр топар ул мурод...  
Кимки талаб йўлида собит қадам,  
Бўлса, топар мақсадини ложарам...  
Чекти Зулайхо била чун ранжи васл,  
Тоттилар охир хуш иков ганжи васл.*

Достоннинг асосий қаҳрамонларидан бири Зулайхо образидир. Зулайхо ниҳоятда журъатли қиз. У ўз истаги билан турмуш қурмокни истади. Бироқ, тақдир уни бошқа йўлга солиб юборади. Юсуф деб ўйлагани бошқа бўлиб чиқади. Бироқ у тақдир ишига шунчаки ён бериб, кўникиб кетмайди. Толега қарши исён кўтаради, маломатларга қолади, қийинчиликларга дуч келади. Аммо буларнинг ҳаммасини енгиб ўтади, муродига эришади.

Достоннинг бош қаҳрамони Юсуф образидир. Юсуфнинг фаолияти саргузаштлари достонда тасвирланган воқеаларнинг асосини ташкил қилади. Юсуф гўзал ва беозор бир йигит даражасидан етук тадбирли, донишманд давлат арбоби даражасига кўтарилади. Юсуф ниҳоятда ақлли, заковатли, сабрли, тадбиркор киши. У ўз ақлли тадбирлари билан бутун Миср халқини ва ҳиммат кўрсатиб ён атрофдаги бошқа халқларни қурғокчилик оқибатида юз бериши мумкин бўлган очлик азобидан қутқариб қолади. Юсуф подшолик тахтига чиққач ҳам ўзига ёмонлик қилганлардан ўч олишни истамайди.

Кимки, ёмонлик қилган бўлса яхшилик қилиш билан жазолашни маъкул кўради.

Юсуф ишқ бобида самимий ва садоқатли ошиқ. У Зулайҳони шундай самимият билан севади, севги изтиробларидан ўртанади. Лекин, ўзини ҳеч қачон ҳис ва ҳирс ихтиёрига топшириб қўймайди. Сабр билан иш тутади. Сабрли киши муродга эришмоғига ишонади ва муродига эришади.

Достонда Юсуф ва Зулайҳодан ташқари Якуб, ўн бир ака-ука, Мағриб шоҳи Таймус ва унинг хотини, Миср шоҳи Райён, Миср Азизи, Яман шоҳи Хаббоз каби бошқа бир қанча образлар ҳам борки, буларнинг ҳаммаси дoston воқеаларининг мукамал бўлишида муҳим ўрин тутадилар. Масалан, Якуб образи дostonда пайғамбар сифатида тасвирлашда, воқеалар ривожиди мушфиқ ва меҳрибон ота сифатида муҳим роль ўйнайди. Ака-укалар эса дostonнинг конфликтини ташкил этишда муҳимдир. Бошқа образлар ўз ўрни билан муҳим аҳамият касб этади.

Достонда тасвирланган муҳим воқеалардан бири Кул хотин ва унинг ўғли Башир воқеасидир. Якуб Юсуф тутилган вақтда бир кул хотинни ўғли билан сотиб олган эди. Кул хотинни Юсуфга энага қилиб қолдириб Баширни сотиб юборади... Бу билан шоир дostonнинг умумий ғоясига мос равишда, қолаверса, таъкид маъносида кимки мазмунга зулм қилса зулм, яхшилик қилса бахтиёрлик топади деган ғояни ифодалайди.

Хулоса қилиб айтганда, Дурбек афсонавий сайёр сюжетга мурожаат қилиб, бу афсонавий сюжетга ўз даври воқеаларини, ҳаёт манзараларини, проблемаларини маҳорат билан сингдириб мутлақо янги, оригинал асар яратган. Шунинг учун ҳам дostonда реал ҳаёт ҳақиқати билан афсона ёнма-ён келади, баъзи ўринларда аралашган ҳолда кўзга ташланади.

Афсоналардагидан фарқли ўлароқ Дурбек табиат манзараларни, айниқса, қаҳрамонларнинг руҳий оламини шоирона ҳиссиёт билан тасвирлайди ва ёритиб беради. Масалан, Юсуфнинг онаси қабри устидаги нолишини шундай ифодалайди:

*Деди: «Аё мушфиқу зебо онам,  
Куйди бу банд ичида мискин танам,*

*Гул била занжир эрур ҳамдамим,  
Егай эдинг дунёда бўлсанг гамим,  
Ўзри каби эғнимдадур эски шол,  
Бу не аламдурур, бу не дарду ҳол?!  
Банда дебон сотдилар охир мени,  
Бош кўториб кўргил, онам бандани,  
Дарду аламдир менга бас беадад,  
Вақтидур, эндики қилсанг мадад.*

Достон анъанавий сайёр сюжетга давр руҳини янгича карашлар, идеаллар асосида сингдирган муҳим достон бўлиб, унинг адабиётимизда тутган ўрни аҳамиятга моликдир.

## ЛУТФИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ

Адабиётимизда туркий шеърятнинг энг забардаст вакили Мавлоно Лутфийдир. Ҳазрат Навоий Лутфийни «Малик ул-калом» (сўз подшоси) номи билан атаб, уни Шарқ адабиётининг Саъдий, Хофиз каби улкан намояндалари қаторига қуяди. Ўзининг «Мажолис ун-нафоис» «Насойим ул-муҳаббат», «Ҳолати Саид Ҳасан Ардашер» каби бир қатор асарларида қайта-қайта ҳурмат билан тилга олади. Лутфийни 99 йил умр кўрганини айтади. Д.Самарқандийнинг «Газкират уш-шуаро», Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» ва бошқа бир қатор манбаларда шоирнинг ҳаёти, феъл-атвори ҳақида маълумотлар учрайди. Ана шу қайдларга кўра шоир 1366 йилларда Ҳирот яқинидаги Дехиканор деган жойда таваллуд топади.

Аввал мактаб, сўнгра мадраса сабоғини олади. Шунингдек, Шаҳобиддин Хиёбонийдан тасаввуф сабоғини олганлиги ва 1465 йилларда оламдан ўтганлиги ҳам айтилади.

Яқинда топилган Шайх Аҳмад Торозийнинг «Фунун ул-балоға» асарида Лутфий фардларидан мисол келтирар экан, уни Лутфийи Шоший – тошкентлик деб тилга олгани ҳам айтилади.

**Ижоди.** Лутфий 20 дан ортиқ асар яратган. Жумладан «Зафарнома» деб номланувчи достон, (кўлёзмада қолиб кетган) ҳамда «Машхунул ҳоқойиқ» асарлари тилга олинсада, ҳеч бири бизгача етиб келмаган.

Лутфий ижодий мероси сифатида ғазал, рубоий, китъа, туюқ, фардлардан иборат «девон»и сақланиб қолган. Навоий «Маноқиб Пахлавон Муҳаммад» асарида Лутфийнинг дунёқараши ва унга мувофиқ ғоя ва образлар дунёси ҳақида фикр юритганда, уни «зохир аҳли шуароси» деб атайди. Лутфий шеърят орқали ўз она тили ва ўз санъаткорлик имкониятлари ва ўз тафаккур оламини кенг планда намоён этган шоирдир. Энг аввало, шоир инсон ва табиатни муқаддас мавжудот сифатида талқин қилади. Одамларнинг муқим ўрнашиб олган муқаддас маскан «каъба» аслида инсоннинг ўзида, ваъда этилган жаннат фароғати шу ҳаётнинг ўзида – қачонки, ақл ва истеъдод унга раҳнамолик қилса, уни чекланган доира, қонун-қоидалар гирдобидан олиб чиқса, олам сирларидан воқиф этса!

***Бурқъани кўтар, тенгри учун, эл сени кўрсун,  
Бу ҳусну малоҳат яна қайси қун учундир.***

Байтда инсонларга одатда хос бўлган, ўзаро муносабатларда ишлатувчи ботиний ва зохирий олам қиёфаси ифода топган. Демак, инсон ҳали комилликдан йироқда.

***Келдим эшикка, орзум юзингдур, кургуз чиқиб,  
Келгинки, Лутфий ҳожати учмоқ эмас, дейдор эрур.***

Англашиладики, шоирнинг ҳожати – дийдор, яъни комил инсонни кўриш, бошқача айтганда инсонни барча ҳаракатлари жаннат илинжида эмас, комиллик илинжида бўлмоғи керак. Инсон ўзида жаннатга ҳожатмандликни эмас, дийдори комилликка ҳожатмандликни ҳис этиши керак.

Мухтасар қилиб айтганда, Лутфий ғазаллари марказида турувчи лирик қахрамон – комил инсон, унинг орзуси дийдори комилликдир. У оддий кишига хос фикр ва хаёл эгаси сифатида бой руҳий олам билан яшайди.

***Жафоу ишва фан илми ичра,  
Кўзунг шогирдидур даврони афлок.***

Лутфий ўз ғазалларида турлича караш, кайфият, рухий ҳолатларни намоён этишда бетакрор нафис образлар кашф этади. Ҳаётий деталлар воситасида оригинал ташбиҳ, ихом, тазод, тажнис, ташхис, татоҳул, лаф ва нашр, радифлар яратиб поэтик образлар билан шеърият ҳуснини бениҳоя бойитади. Лутфий шеъриятида рубоий, қитъа, туюқлар ҳам алоҳида ўрин тутади.

*Эй кунгул, бу йўлда не ғамдур сенга,  
Ким, ҳаёли ёр байрамдур сенга,  
Севдун ўз ҳадингдин ортиқ ёрни,  
Ғар сени қуйдурсалар камдур сенга?  
Ғарчи қурутмас кўзумнинг ёшини,  
Ҳақ узун қилсун ул ойнинг ёшини,  
Йиғлама қўп, бу вужуднинг ишқ ўти,  
Не қуругин қуйгуси не ёшини.*

Лутфийнинг барча жанрлардаги шеърлари учун муҳим бир хусусият халқ мақол ва ибораларини мисраларга маҳорат билан сингдириб юборилишида ҳам кўринади. Бу каби бетакрор хусусиятлар, соддалик ва равонлик ҳар бир давр кишиси учун тушунарли эканлиги шоир шеъриятини халқчилигини таъминлаб келмоқда.

## АЛИШЕР НАВОИЙ

Алишер Навоий – буюк сўз ва истеъдод соҳиби. Алишер Навоий ўзбек халқининг буюк шоири, мутафаккири. Шу билан бирга, жаҳон адабиётининг мислсиз сўз санъаткорларидан биридир. Унинг номи ва мероси ҳам дунё адабиётининг, башар маънавиятининг улуғ сўз соҳиблари, санъаткорлари Гомер, Данте, Рудакий, Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий, Саъдий, Жомий, Шекспир, Бальзак, Пушкин, Тольстой ва бошқаларнинг номи ҳамда мероси каби мангу ўлмасдир.

Алишер Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини, қалби ва шуурини, умуман, онгли ҳаётини инсонга, унинг бахту саодати учун курашга, эл-улус осойишталиги ва фаровонлигига,

мамлакат ва мамлакатлар тинчлиги ва тараққиётига, ўзаро қирғин-барот жангу жадалларнинг олдини олишга, шунингдек, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиётнинг, алалхусус, маданият-маърифат ва маънавиятнинг ривожланишига бағишлади.

Навоий буюк инсонпарвар, донишманд, давлат арбоби, ўзбек адабий тилига асос солган ва миллий адабиётимизни юксакликка кўтарган тенгсиз сўз санъаткори, қомусий билим соҳиби бўлиб етишди, умрбоқий асарлар яратди, даврининг маданий ҳаётига раҳбар, илм-фан, санъат ва маданият аҳлининг яқин маслаҳатчиси, ҳомийси ва кўплаб исътедодли шогирдлар етиштирган мураббий-устоз бўлди, чексиз эъзоз ва эътироф топди. Булар, албатта, катта меҳнат ва куч-қувватни, билим ва машаққатни, шу билан бирга, матонат ва тоқатни талаб этар эди. Буюк бобокалонимиз Навоий тимсолида, биз, айни фазилатларнинг тўла мужассам топганлигини кўрамиз.

Маълумки, Навоий ҳаёти ва фаолиятини, меросини ўрганиш узоқ тарихга эга. Бу тарих бевосита XV асрдан, Навоий давридан Навоийнинг ўз асарлари ва унинг замондошлари мусаннифотларидан бошланади. Айтиш лозимки, 560 йилдан ортиқ вақт мобайнида Навоий фаолияти ва меросини ўрганиш тадрижий тараққиёт босқичларини кечиб ўтди ва такомил топди. Шубҳасиз бизнинг асримизда навоийшунослик жуда катта муваффақиятларга эришди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда биринчи манба унинг ўз асарларидир. Навоийнинг деярли барча асарларида, жумладан, унинг «Муншаот», «Вақфия», «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин», «Хутбаи-давовин», «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн», «Ҳолати Саид Ҳасан Ардашер», «Ҳолати Паҳловон Муҳаммад» каби асарларида шоир шахсияти ва фаолиятига доир кўплаб қимматли маълумотлар мавжуд.

Маълумотларнинг мавзулар кўлами кенг бўлиб, улар Навоийнинг шахсий ҳаёти, ижодий фаолияти, айрим асарлари яратилиш тарихи, ижодий режалари ва орзу-интилишлари, маданий-адабий ҳаёт ва ободончилик соҳасидаги хизматлари, осойишталиги йўлидаги курашлари, муҳрдор ва вазир сифатида амалга оширган хайрли ишлари, дўстлари, ҳамкорлари,

душманлари ва бошқалар билан бўлган муносабатлари, муомалалари, катта-кичик сафар таассуротлари, шунингдек, уларда қувончи, ғазаби, нафрати, руҳияти ва бошқалар акс этганлигини кўраимиз. Булар биринчи манбалар.

Иккинчи манба – Навоий замондошлари томонидан яратилган асарлар, турли манбалардаги маълумотлардир. Булар сирасига Навоий номи илк бор зикр этилган асар – Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдаин ва мажмаи баҳраин» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қуйилиши», 1470); Муҳаммад Ховандшоҳ (Мирхонд)нинг «Равзатус-сафо фи сиярул-анбиё вал мулк вал хулофо», («Пайғамбарлар, халифалар ва шоҳларнинг таржимаи ҳолида сафолик боғи»); Гиёсуддин бин Ҳумомиддин (Хондамир)нинг «Хулосатул-ахбор фи ахлол ал-ахёр» («Хайрли кишилар аҳволидан жаҳон воқеаларининг хулосаси», 1498-99), «Ҳабибус-сияр фи ахбор ва афрод ал-башар» («Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи холи», 1515-1523), «Макоримул-ахлоқ» («Гўзал хулқлар»); Амир Давлатшоҳ бинни Аловуддаво Бахтишоҳ ал-Ғозий Самарқандийнинг «Тазкиротуш-шуаро» («Шоирлар тазкираси»); Абдурахмон Жомийнинг «Ҳафт авранг» дostonлари, «Баҳористон», «Нафоҳатул-унс»; Жомийнинг мулозими ва шогирдларидан Абдулвосеъ Низомий «Мақомоти Мавлавий Жомий» («Мавлавий Жомий турмуши») ва Абдулғафур Лорийнинг «Такмила ва «Нафоҳатул-унс»га кўшимча». Ҳижрий 912 йил (1506-1507); Муъиниддин Муҳаммад ал-Замжий ал-Исфизорийнинг «Равзотул-жиннот фи авсофи мадинаи Ҳирот» («Ҳирот шаҳри таърифида жаннат боғи» (1492); Хусайн Бойқаронинг «Рисола», «Мажолисул-ушшоқ» («Ошиқлар мажлиси»); Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»; Зайниддин Маҳмуд Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарларини ҳамда Навоий ҳаёти ва фаолияти хусусида қимматли маълумотлар, маърифатлар берилган бошқа бир қатор муаллифларнинг китобларини киритиш мумкин. Шулар орқали, биз Навоий ҳаёти ва фаолиятини унинг ҳаётга, инсонга, ватанга ва унинг она-табиатга бўлган, шунингдек, сўз санъатига, бадий ижодга бўлган қайноқ муҳаббатини, умуман, шаклу шамоилини тўла тасвур этамиз.

Шу билан бирга, кейинги асрларда яратилган тазкиралар, қатор тарих китоблари ва мемуарлардан ҳам Навоий кенг ўрин олган. Масалан, Фахрий Ҳиротийнинг «Латифнома», Сом Мирза Сафавийнинг «Тухфаи Сомий», Мирзо Ҳайдар Дўғлатнинг «Тарихи Рашидий», Лутф Алибек Озарнинг «Оташкада», Абдулмўминхоннинг «Томут-таворих» («Тарихлар тугали») асарлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

## НАВОЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳрида туғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин кичкина ва бир неча қариндошлари темурийлар саройига яқин амалдорлардан, бувилари эса темурий шаҳзодаларнинг энагаларидан бўлган. Улар садоқатли хизматлари билан темурийларнинг ишончларини оқлашган ва оила, оила аҳли шаҳзодалар билан яқинлашиб кетган эди. Бинобарин, Алишер гўдаклигидан темурий шаҳзодалар билан бирга тарбияланди. Алишерни тўрт ёшида ўқишга беришди. Ўта зийрак ва қобилиятли Алишер мактабда бошқа болалардан ажралиб турар ва бу ҳол катталар диққатини жалб этар эди. Бу йиллар ёш Алишер учун энг қувончли йиллар эди. У ҳавас билан ўқир, сабоқларни тўла ўзлаштириб олар, бундан ўзи ҳам, ота-онаси ҳам шодланар эдилар. Афсуски, қувончли дамлар, машғулотлар узок чўзилмади.

Шаҳзодалар ва амир-амалдорлар ўртасидаги тож-тахт учун курашлар кучайиб бормоқда эди. Тож-тахт учун бўлган тўқнашувлар оқибатида, беҳуда қонлар тўкилиб мамлакат хароб ва халқ хонавайрон бўлмоқда эди. Йиллар ўтиши билан бу ҳол янада кучайиб боради, келишмовчиликлар авжига чиқади. Вазият, айниқса, 1447 йили, яъни Шохруҳ Мирзо вафотидан кейин ниҳоятда кескинлашиб кетади. Натижада кўплаб хиротликлар тинч ўлкаларга бош олиб кетишга мажбур бўладилар. Алишерлар хонадони ҳам Ироққа кўчиб, Тафт шаҳрида яшай бошлайди.

Маълумки, Тафт ўз даврининг маданият-маърифат марказларидан бўлиб, шаҳар ва унинг атрофида машхур



олимлар, шоирлар, илм-фан аҳллари яшар эдилар. Улардан бири машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий бўлиб, ёш Алишер бу зот билан мулоқотда бўлди. Мавлоно Али Яздий ёш Алишернинг ўткир акли ва фаҳм-фаросатидан беҳад мамнун бўлди.

Орадан 2-3 йил ўтгач, ўзаро урушлар бир мунча пасайиб, Хуросонда бир қадар тинчлик бошланди. Ниҳоят, 1452 йили Алишерлар оиласи Ҳиротга қайтиб келди. Унинг отаси (Ғиёсиддин кичкина) Абулқосим Бобур (1452-1457) саройида хизмат қила бошлади. Кўп ўтмай шоҳ уни Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинлади.

Навоий Ҳиротга келиб ўқишини давом эттиради. У мутолаага берилди, турли мавзудаги асарларни қунт билан ўқиди, ўзлаштирди. Саъдийнинг (1184-1292) «Гулистон», «Бўстон» китобларини, хусусан, Фаридиддин Атторнинг (1230 йилга яқин вафот этган) «Манتيкут-тайр» («Қуш тили») асарини қайта-қайта ўқир ва ёд олар эди. Илоҳий-фалсафий руҳдаги бу асар Алишернинг руҳиятига кучли таъсир этди ва у энди кишиларга қўшилмас, ёлғизликни ёқтирар, сўнгсиз хаёллар оғушида яшар эди. Бундан ташвишланган ота-она «Мантикут-тайр»ни ўқишни ман қилишди. Аммо бундан ҳеч бир фойда йўқ, чунки Алишер китобни бошдан-оёқ ёд олган эди.

Ота ва она фарзандларининг ҳар томонлама илм олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бердилар. У даврининг машҳур мусиқа устаси Хожа Юсуф Бурхондан мусиқа ўргана бошлади, шу билан бирга тарих, адабиёт, ҳуснихат ва бошқа соҳалар билан жиддий шуғуллана бошлади.

Алишер, айниқса, адабиётни, шеърятни севди. Оила муҳити унда айни соҳаларга кучли ҳавас уйғотган эди. Зеро, унинг отаси, тоғалари Мир Сайид (тахаллуси Қобулий) ва Муҳаммад Али (тахаллуси Ғарибий) адабиёт, шеърят муҳиблари эдилар. Булар ҳақида уларнинг фожеали қисматлари туғрисида Навоий «Мажолис ун-нафоис»да афсус билан ёзади. Шунингдек, Навоийлар уйида тез-тез адабий йиғинлар ўтказилар, шеърхонликлар, адабий баҳслар бўлар ва бундан ёш Алишер хайратга тушар, завқ олар эди.

Алишер 12-13 ёшларидаёқ ўзи ҳам мустақил тарзда шеърлар ёзишга киришиб, илк машқларидаёқ катта

шоирларнинг, олимларнинг эътиборини қозонади. Масалан, «Мажолис ун-нафоис»да у кекса шоир Миршоҳий билан хат ёзишганини айтади:

«...фақир агарчи ани кўрмадим, аммо онинг бирла фақир орасинда эълон ва ирсол воқеъ бўлди». Мавлоно Миршоҳий вафот этганида Навоий 12 ёшда эди. Бу катта воқеа бўлиб, ёш Алишернинг юксак қобилияти ва истеъдодидан далолат берар эди.

Тарихчи Хондамирнинг хабар беришича, кунлардан бирида Мавлоно Лутфий Навоийдан янги ёзган шеърларидан ўқиб беришини сўраганида, Навоий қўйидаги матлаъли ғазалини ўқийди:

**Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.**

Ғазал, ундаги маъно инжулари, бадиият мажлиси аҳлида, хусусан, Мавлоно Лутфийда чуқур таассурот қолдиради ва Лутфий ҳазратлари: «Агар мумкин бўлса эди, мен ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг байтимни шу бир ғазалга алмашар эдим. Ва бу ишни ўзим учун катта муваффақият деб билар эдим», дейди Бу, албатта, ёш Алишербек учун, унинг илк ғазали учун берилган юксак баҳо-эътироф эди.

Алишер отадан ёш етим қолди ва маърифатпарвар ҳукмдор Абулқосим Бобур қўл остида тарбиялана бошлади. 15 ёшида у Султон Ҳусайн Бойқаро билан Абулқосим Бобур саройида хизмат қила бошлади. 1456 йили Абулқосим Бобур Машҳадга жўнагач, Навоий ҳам Ҳусайн Бойқаро билан Машҳадга боради ва ўқишни давом эттиради. Ҳусайн Мирзо эса Марвга йўл олиб, тожу тахтни эгаллаш учун ҳозирлик кўра бошлайди.

Машҳадад Навоий мантиқ (логика), фалсафа, риёзиёт (математика), шеърят, адабиёт, тил илми ва бошқалар билан жиддий шуғулланади. Фирдавсий, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Саъдий, Атоий, Лутфий ва бошқа шоирларнинг асарларини ўқиб ўзлаштиради, ўз илмий ва адабий салоҳиятини оширади. Навоий тилни, тилларни, шу тилларга хос маъно нозикликларини чуқур

ўзлаштиради. Жумладан, ўз она тилини, форс-тожик ва араб тилларини чуқур ўзлаштирган шоир ўзбек ва форс тилларида шеърлар бита бошлади, «зуллисонайн» (икки тил эгаси) номи билан шуҳрат қозонди. Ўзбек тилида яратган шеърларига «Навоий» («наво-куй сўзидан») тахаллусларини қўллади.

Навоий Машҳадда Мавлоно Шарафиддин Али Яздийдан ташқари, даврининг улуғ алломалари, олим, шоир ва давлат арбоблари Сайид Ҳасан Ардашер, Камол Турбатий ва бошқалар билан танишиб, яқин муносабатда бўлади. Улар ҳам Навоийнинг қобилияти ва фаҳм-фаросатига тан берадилар, умрбод у билан муносабатда бўлиб келадилар. Навоий улар билан самимий муносабатлари ҳақида асарларида, чунончи, «Мажолис ун-нафоис»да, «Ҳолати Сайид Ҳасан Ардашер»да (бу адабий биографик асар) махсус баҳс юритган, маълумот берган.

Навоий тахминан 18-19 ёшларида Абдурахмон Жомий билан танишади. Улар бир-бирларини чуқур севиб, эъзозлашади, доимий мулоқотда, муносабатда бўлишади.

Ниҳоят Навоий Ҳиротга қайтади. Бу вақт тахт тепасига Абусаид Мирзо келган ва ўзининг шафқатсизлиги, хунхорлиги билан халқ бошига қўш кулфатлар ёғдириб, уларга зулм-зўрлик кўрсатаётган эди. Бугина эмас, у Улуғбекдай зотнинг оила аъзоларидан бир нечасини қатл қилади. Ваҳоланки, улар қариндошлар эди.

Золим ҳукмдор Абусаидга нисбатан халқнинг ғзаби, нафрати ортиб боради. Энди жойларда шоҳга қарши халқ кўзғолонлари кўтарилади. Хоразмда, Бадахшонда бошланган норозилик ғалаёнлари кейинчалик бошқа жойларда ҳам кенг тус олади.

Абусаид саройида бир мунча вақт хизмат қилган Навоий тез орада унинг сиёсатидан қаттиқ ғзабланади, эл-улус ҳолига ачинади. Бу ҳақда Навоийнинг ўз асарлари ва замондошлари хотираларида кўплаб фактик маълумотлар келтирилган. Шу ўринда Хондамир томонидан келтирилган «Боғи сафед» воқеасини эслаш кифоя.

Навоий «Садди Искандарий»да ёзади: «Султон Абусаид кўп мамлакатлар олди ва тиғ билан элга ошуб солди ва лекин сипоҳиси (қўшини) рози эмас эркандин, уруш вақти барча кўзғалди ва ўзи аду (душман) аро таҳликага қолди».

Абусаид ҳам Навоийнинг норозилигини билар эди. Чунки Абулқосим Бобирнинг ҳомийлигида ўсиб-ўлгайган, Ҳусайн Бойқаронинг дўсти ва маслакдоши бўлган Навоийни ҳукмдорга қарши қўтарилган бадахшонийлар ҳаракатига хайрихоҳ Навоийни, албатта, зулмкор Абусаид ўзига душман ҳисобларди. Шу ва бошқа гумон-шубҳаларга кўра, «Ҳиротдин Самарқандга ихрож (сурғун) килди» (Бобур «Бобурнома»).

Навоий Абусаид замонида ниҳоятда моддий қийинчиликда яшади. Чунки у ота меросидан ҳам маҳрум этилган, унга тегишли мол-мулклар шох томонидан мусодара этилган эди.

Навоий шу аҳволда Самарқандга келди ва илм таҳсилига киришди. Самарқанд мадрасаларига қатнай бошлаган Навоий илм-фан, санъат ва маданият аҳли билан яқинлашди ва билим савияси, исътедоду қобилият, хулқу одоби билан тез орада Самарқанд аҳлининг эътиборини қозонди. Фавоий тахаллуси билан шеърлар битган Самарқанд ҳокими, маърифатпарвар Аҳмад Ҳожибек, Самарқанд ақибдорларидан Фазлуллоҳ Абуллайс ва бошқалар Навоийга ҳомийлик қила бошладилар. Файзуллоҳ Абулайс Навоийга мударрислик қилади ва уни ўзига фарзанд деб ҳисоблайди. Бу ҳақда Хондамир «Мақоримулахлоқ»да: «Ҳожа жаноблари Олий ҳазратнинг ўткир зеҳнли эканини ҳар вақт мақтар эди ва бошқа шогирдлардан уни ортик кўрар эди», – дейди.

Самарқанд Марказий Осиёнинг марказий шаҳри бўлиб, у ерда атоқли олимлар, санъат ва маданият арбоблари ва Мирзо Ҳожи Сўғдий, Сайид Қутуб Самарқандий, Юсуф Сафойи, Шайхим Сухайли, Алоий Шоший, Насафий каби шоирлар яшар эди. Мавороуннахрнинг турли музофатларидан ва ҳатто хорижий мамлакатларидан ҳам одамлар Самарқандга келиб таҳсил олишар эди. Самарқанд Навоий ҳаёти ва фаолиятида ҳам муҳим аҳамият касб этди. У Самарқандда ўз билимини бойитди, ижодий қобилиятини оширди. У қомусий билим соҳиби Фазлуллоҳ, Абулайс, исътедодли шоир Алоий Шоший сабоқларида, адабиётнинг турли назарий масалаларига доир суҳбатларда ва мадрасадорларнинг шеърий мусобақаларида, муҳокамаларида фаол қатнашар эди. Булар, сўзсиз, ҳамма учун, Навоий учун ҳам катта фойда берарди. Навоий улардан ўрганиш билан бирга, айни чоқда уларга ўргатар, беғараз маслаҳатлар

берар эди. Масалан, у андижонлик шоир Мавлоно Юсуфшоҳ (тахаллуси Бадиий) шеърларига ихлос қилгани ҳақида «Мажолис ун-нафоис»да шундай дейди:

«...фақир таҳсил учун Самарқандга борганда Андижондин келди ва анда фақир бирла булур эрди. Сиғари син (ёшлиги) жиҳатидан шеърида хомлиғ бўлса, ислоҳ қилинур эрди. Фақирдан ўзга киши анинг шеърида сўз айта олмас дерлар эди...»

Навоий ўзга тилларни мутлақо камситмагани ҳолда, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида бадиий асарлар яратишга ундади, қимматли маслаҳатлар берди. У Мирзобек, Мирзо Хожи Сўғдий, Аҳмад Ҳожибек, Қаландар Самарқандий ва бошқа шоирлар билан бирга, Лутфий, Атоий, Саккокий каби шоирларнинг анъаналарини изчил давом эттирди, такомиллаштирди.

Шунингдек, Навоий Самарқандда Саккокий ва бошқа шоирларнинг, олимларнинг адабий, илмий мерослари билан, Самарқанднинг маданий ҳаёти, обидалари, иклими, муҳити, Самарқанднинг умуман, Моварауннахрнинг географик ҳолати, Улуғбек обсерваторияси, Улуғбек мадрасаси, Гўри амир, Шохизинда, Бибихоним мақбара-мадрасалари, шаҳар атрофида Амир Темур томонидан қурдирилган Боғи дилқушо, Боғи Шамол, Боғи баланд, Боғи Жаҳоноро (жами 12 та боғ) каби сўлим ва кўркам боғлар, улардаги бемисл кўшқлар, айвонлар, равоқлар, ҳовузлар, сопол қувурлар орқали тоғ бағирларидаги чашмалардан келтирилган зилол сувлар ва ҳоказо билан яқиндан танишади, уларнинг бетакрор илмий, илмий-адабий марказлар эканлигидан, улар бетакрор санъат обидалари эканлигидан воқиф бўлади, хайратга тушади. Улуғ инсонпарвар ва ватанпарвар Навоий учун унинг ҳашамати ва аҳамияти ўзгача эди. Бинобарин, Навоий кейинчалик шахсий ҳаёти ва фаолиятида буларга амал қилди, Ҳирот ва унинг теварак-атрофида, сўнгги маълумотларга қараганда, 1001 та бинои хайрлар барпо этди. Улардан эл-улус ўз манфаатлари йўлида самарали фойдаланди. Бугина эмас, яна қанча орзу-ниятларини ўз асарларида чунончи, «Ҳамса» дostonларида бадиий акс эттиради. Шу орқали кишиларни, султонларни элпарварликка, юртпарварликка даъват этди, юртни обод, халқни фаровон

яшашини, орзу қилди. Айникса, у Сайхун (Сирдарё), Жайхун (Амударё) ва Кухак суви (Зарафшон), дарёларининг хўжалик ривожини учун аҳамияти катта эканлигини, бироқ халқ улардан тўла фойдалана олмаслигини, бу дарёларнинг сувлари беҳуда чўлу-сахрода қумликларга сингиб нес-нобуд бўлишини айтади. Буни, биз, «Бобурнома» маълумотларидан ҳам яхши биламиз.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИ

Навоийда бош ғоя-мақсад:

*Одамий эрсанг демагил одамий,  
Ониким йўқ халқ ғамидан ғами.*

Бу улуғ шоирнинг нафақат ижодий, шу билан бирга, ҳаётий шиори мақсади ҳам эди. У бутун умрини, ижодини, умуман, онгли ҳаётини ана шу эзгу ишларга – инсонга, инсоннинг бахт-иқболига она-юртга, унинг гуллаб-яшнаши ва истиқболига, турли миллат ва элат аҳлининг ўзаро аҳил-иноқлигига, меҳр-оқибатига, инсофу адолатга ҳалоллик ва тўғрилиқка, илм-фан ва санъат адабиётига, унинг ривожига, бир сўз билан айтганда, диёнатга, демакки, комил инсонликка бағишлади. Шу ва бошқа умуминсоний ғоялари билан шоир шеърини аҳамият касб этаверади.

*Чун кичик ёшта манга бўлди насиб,  
Назм адосида ҳаёлотини ғариб.*

«Лисонут-тайр»дан.

Алишер Навоий мислсиз лирик шоир. У болалигидан умрининг охиригача лирик шеърлар битди. Лирик туйғулар билан яшаш ва лирик шеърлар битиш шоирнинг бир умрлик севган машғулоти, оддий ҳаётий одати эди. Бинобарин, улуғ шоир ҳаётини, ижодий фаолиятини шеърятсиз, унинг шавқу изтиробларисиз тасаввур этиш қийин. Лирик туйғу, дард унинг қалбини чулғанган эди. Шоир қувончли дамларида ҳам, ғамгин пайтларида ҳам, кишилар орасида ҳам, ёлғизлик онларида ҳам,

сайру саёҳатда-ю сокинлик кунларида ҳам, туйда ҳам, азада ҳам, юрса ҳам, турса ҳам, ва ҳатто хасталик пайтларида ҳам ҳамма-хамма вақт лирик шеърлар битди. Уларда қувончу қайғусини ҳам, дарду ҳасратларини изтиробларини ҳам, ҳайратларини ҳам акс эттирди. Шеърят унинг учун энг яқин ҳамроҳ, ҳамроз эди:

*Кўнгилда не маъни ўлса эрди пайдо,  
Тил айлар пайдо эди назм либосида адо.  
Ул назмга жонни қилибон халқ фидо,  
Солурлар эди гунбази гардунга фидо.*

Алишер Навоий – икки тил соҳиби эди. У болаликдан ҳам она тилини, ҳам форс-тожик тилини мукамал билган, бу тилларга хос хусусиятларни, маъно нозикликларини чуқур ўзлаштирган эди.

Маълумки, Навоий яшаган даврда, форс тили кундалик алоқа восита тили, оддий восита сўзлашув тили бўлган. Айниқса, Хиротдек марказий шаҳарда илм-фан, санъат ва маданият ўчоғида биринчи навбатда форс тилига амал қилинган, шу тариқа ижод аҳли ҳам кўпроқ форс-тожик тилида асарлар яратган.

Алишер Навоий бошқалардан фарқли ўлароқ, ўз она тилида ижод қилди ва бу тилининг бойликларини, имкониятларини амалда исбот этди. Бунинг баҳси «Муҳокаматул-луғатайн»да келтирилган: «Қани эди замон шуароси ҳар икки тилда, кўпроқ ўз тилида (она тилида) ижод қилсалар эди», – деган Навоий, бунга биринчи бўлиб ўзи амал қилди. У туркий тилда яратган асарларига «Навоий» (ўзаги «Наво») ва форс-тожик тилида яратган шеърларига «Фоний» («Ўткинчи», «Йўқлик») тахаллусларини қўллади.

Алишер Навоийнинг тахминан, 12-13 ёшларида илк ёзган ғазали бу бўлажак шоирга катта шуҳрат келтирганлигини биламиз. Бироқ, бунгача ҳам у шеърини байтлар битиб, ижодий қобилиятини такомиллаштириб борганлиги уз-ўзидан аён. Академик Иззат Султоннинг қайд этишича, унинг «шеърни етти саккиз ёшида ёза бошлаганлигини тахмин қилиш ҳам мумкин».

Кунлардан бир кун адабий суҳбатда ёш Алишербекдан янги битган ашъорларидан ўқиб бериш сўралганда, Алишербек

мажлис аҳлига эҳтирому таъзим билан, яқинда бир ғазал битгани, унинг қусур ва нуқсонларини тузатажагини айтиб қуйидаги ғазални ўқийди:

***Оразин ёнқоч қўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, иайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.***

Мовлоно Лутфий ғазални бошдан охиргача хайрат денгизига чўмиб тинглайди ва шундай баҳо беради: «Валлох, агар муяссар бўлса эрди, ўзимнинг форсий ва туркий тилларда айтган ўн-ўн икки минг байтимни шу ғазалга алмаштирардим ва бунга ўзимнинг катта ютуғим деб ҳисоблардим».

Бу, албатта, бошловчи шоирга – Алишербекка берилган юксак баҳо эди. Аммо бу шунчаки мақтов булмай, аксинча, ёш шоирнинг ўткир, кенг мушоҳада, талант соҳиби эканлигининг эътирофи эди. Шу тариқа илк ғазал ўзининг муносиб баҳосини олди, муаллифга шуҳрат келтирди. Мовлоно Лутфийнинг ушбу баҳоси айни вақтда, Навоийга юксак масъулиятни ҳам юклади. Бунга қалбан чуқур ҳис этган Навоий устида тинимсиз ишлаб, шеърини салоҳиятини ошириб борди. Ижодий изланишлар ўз самарасини бера бошлади. Тез орада шоир ғазаллари эл оғзига тушди, мухлислар томонидан ёд олиниб айтила бошлади.

Ниҳоят, 1470-1476 йиллар орасида Навоий «Бадойи ул-бидоя» («Бадиийлик ибтидоси») девонини тузди. «Бадойи ул-бидоя» 842 шеърдан ташкил топган бўлиб, улар 585 ғазал, 3 мустазод, 4 мухаммас 2 мусаддас, 3 таркиббанд, 46 фард эди. Шоир «баъзи абёти ким хомроқ ва баъзи ғазалиётим нотомроқ эрди, китобиёт шуюнидан ва шуҳрат вуқуъиндин ўзгалар орасидин хориж қилмоқлик мутаазир, балки муҳол кўринганлиги туфайли уларни ҳам девонга киритганлигини таъкидлайди. Бундан қатъи назар, «Бадойи ул-бидоя» XV аср адабий муҳитида катта ҳодиса эди. Зеро, «Девон» тематик ва ғоявий-бадиий хусусиятлари билан аввалги шоирларнинг ҳамда Навоийга замондош ижод аҳлининг девонларидан тубдан фарқ қилар эди. Бу, аввало, шеърятда мавзулар оламининг ва мазмун доирасининг кенгайганлигида кўринади. Иккинчидан, муаллиф «Дебоча»да таъкидлаганидек, ўз замондошларидан фарқли ўларок, девонга фақат ғазалларни эмас, балки лириканинг бошқа



жанрларидаги шеърларни ҳам киритади. Энг муҳими, шоир ғазалда мазмун изчиллигига жиддий эътибор берган. Жумладан, «Девон» дебчасида ўқиймиз: «Ул жиҳатдан саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқеъ бўлса, аксар андоқ бўлгайким, мактаъгача сурат хайсиятидан мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай». Булар «Девон» тартиботида катта янгилик эди, албатта. Навоийгача бўлган шеърятда, бу хусусиятни кўрмаймиз. Уларда фикр тарқок, мазмун сочма тарзда бошланар эди. Бир ғазалда бир қанча масала ҳақида баҳс борар, аммо бу масалаларнинг биронтаси ҳам мантиқий интиҳосига етмас эди. ғоявий изчиллиги, мазмун ва шакл мутаносиблиги билан алоҳида аҳамият касб этган Навоий ғазалиёти, ўз давридаёқ ижод аҳлининг диққат-эътиборини тортди, катта қизиқиш уйғотди.

1476-1483 йиллар оралиғида шоир иккинчи девони «Наводир ун-ниҳоя» («Беҳад нодирликлар»)ни тузди. Девон 693 шеърдан, яъни 628 ғазал, 3 мустазод, 3 таржибанд, 5 китъа, 46 рубоий, 1 луғз, 6 муаммо ва 1 туюқдан ташкил топган бўлиб, Навоий адабий даҳосининг янги ва улкан маҳсули эди.

«Бадойи ул-бидоя»нинг XV асрга мансуб нусхалари Париж (1480-81), Лондон (1482-83), Боку (1484) ва Тошкент (1486)да сақланади.

«Наводир ун-ниҳоя»нинг эса ҳозиргача илм-фанда ягона нусхаси мавжуд XV асрнинг 80-йилларида кўчирилган бу нусха Тошкентда сақланади.

«Бадойи ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» Навоийнинг нафақат миллий маънавиятимизда, балки дунё бадий тафаккурида мислсиз лирик обидаси – «Хазойин ул-маоний»нинг вужудга келишига мустаҳкам замин тайёрлади, бирдан-бир манба бўлди.

Алишер Навоий бутун лирик шеърларини жамлаб, маҳсус девон тузиш учун узок вақт жиддий ҳозирлик кўрди. У тинимсиз ижод қилиб, лирик турнинг йигирмага яқин жанрларида шеърлар ёзди, уларни даврлаштирди, тартибитаснифи билан шуғулланди. Бу ҳақда устоди ва яқин маслақдоши Абдурахмон Жомий билан маслаҳатлашганда, у зот барча шеърларини тўрт девон қилиб тартиб беришни маслаҳат берди. Шу зайлда Навоий 1491-1498 йиллар мобайнида маҳсус

тўрт девондан ташкил топган лирик куллийёт – «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»)ни тузди. Куллийёт катта мантик асосида тартибланган бўлиб, Навоий ўз умрини йилнинг тўрт фаслига қиёслаб: ёшлик, йигитлик, ўрта ёшлик ва кексалик даврларига бўлади ҳамда уларнинг чегараларини белгилайди:

Туфулият (ёшлик) – 8 ёшдан 20 ёшгача;

Шабоб (йигитлик) – 20 ёшдан 35 ёшгача;

Кухулат (ўрта ёшлик) – 35 ёшдан 45 ёшгача;

Қарилик – 45 ёшдан 60 ёшгача.

Муаллиф «Хазойин ул-маоний»нинг «Дебочаси»да ҳар бир девонини ўз умрининг айна босқичларидан бирининг маҳсули дея таъкидлайди. Шулардан келиб чиқиб, девонларга махсус номлар қўяди, уларнинг қатъий хронологик чегараларини белгилайди, мазмунан ҳам бир-биридан фарқлайди. Бирок, илмий тадқиқотлар, Навоий лирикаси матни (аслияти) устида олиб борилган текширувлар «Хазойин ул-маоний» девонлари хронологиясининг нисбий эканлигини, шоир умрининг турли даврларида яратган шеърларини девонларига қатъият бир хронология асосида эмас, балки аралаш ҳолда бўлганлигини кўрсатади. Айрим шеърлар, шеъррий парчалар улар киритилган девонларнинг номланишига хронологиясига мутлақо мувофиқ эмас. Масалан, номланишига мувофиқ, «Ғаройибус-сиғар»даги барча шеърлар шоирнинг ёшлик чоғларида ёзган шеърларини ўз ичига олиши керак эди. Бирок, «Ғаройиб ус-сиғар»да шундай байтларга ҳам дуч келамиз:

***Ёшинг эллик бўлди юз қўйгил фано тўпроғига,  
Ким шаббооб айёми айшу беадаблиг чоғи бас.***

«Наводир уш-шаббооб»да эса қуйидаги парчаларни ўқиймиз:

***Ёшим эллик бўлди гоҳ ҳасрат есамким суди йўқ,  
Ўзни майдин ҳуш тутай чун утти умрум ҳушироғи.  
Менки эллик йил чекиб гам, топмадим ҳуш вақтлик,  
Топкаменму умрнинг эллики ўтмиш ҳушироғи.***

Шунингдек, «Ғаройиб ус-сиғар»даги бир қатор шеърларда Ҳусайн Бойқаро номи подшо сифатида зикр этилади. Ваҳоланки, Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққанда Навоий 28 ёшда эди. «Наводир уш-шабоб»га эса шоир Сайид Ҳасан Ардаршер вафотига бағишлаб ёзган марсиясини киритади. Сайид Ҳасан Ардаршер 1488-89 йилда вафот этган бўлиб, бу даврда Навоий 47-48 ёшларда эди. Бундай мисолларни бошқа девонларидан ҳам келтириш мумкин

Демак, «Ҳазойин ул-маоний» девонларининг хронологияси нисбий ва номланиши шартли эканини кўрсатади. Буни муаллифнинг «Муншаот»даги: «Бугунги икки девон ашъори билан сўнгра айтилганларини қўшиб, тартиб била тўртга айрилди», – сўзлари ҳам таъкидлайди.

## **НАВОИЙ “ҲАМСА”СИ ВА ШАРҚ АДАБИЁТИДАГИ ҲАМСАЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ**

Алишер Навоий, энг аввало, улуғ лирик шоир. У болалигидан умрининг охиригача лирик шеърлар битди, ўзидан бой лирик мерос қолдирди. Шу билан бирга у буюк эпик шоир-достоннавис ҳам. Лирикада катта ижодий тажриба тўплаган Навоий, Мовароуннахр, Хуросон ва бошқа ўлкаларда кенг шухрат қозонди. У қисқа вақт ичида, яъни 1483-1485 йилларда беш достондан иборат «Ҳамса»ни яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Навоий «Ҳамса»си ўзбек классик адабиётининг мислсиз бир чўққиси ва жаҳон адабиётининг мангу обидаларидан бири бўлди.

Маълумки, хамсачилик Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида узоқ тарихга ва тадрижий такомилга эга бўлган адабий анъанадир. Бу анъанани улуғ озарбайжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий (1141-1209) бошлаб берди. Унинг «Ҳамса»си нафақат озарбайжон адабиётида, шу билан бирга, Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкалари адабиётида ҳам буюк бир адабий ҳодиса бўлди. Низомийдан сўнг «Ҳамса» яратиш чинакам адабий анъанага айланди. Бироқ «Ҳамса» яратиш шунчаки беш достон яратишдангина иборат эмас эди. Аксинча,

достонлар номи, жанри, вазни, мавзулар олами, мазмун кўлами, образлар дунёси, тузилиши ва бошқа хусусиятлари билан буюк сўз ва тафаккур соҳиби Низомий достонларига, яъни «Хамса»сига мос бўлиши зарур эди. Шунингдек, янги яратилган «Хамса» Низомий «Хамса»сини такрори, ёхуд таклидий нусхаси эмас, балки замон ва замин билан бевосита дахлдор янги, оригинал «Хамса» бўлиши, бир сўз билан айтганда, сўз санъати таракқиётида тамомила янги бир қадам, юксак бир поғона бўлиши керак эди. Демак, ўз-уздан англашиладики, «Хамса» яратиш унинг муаллифидан катта меҳнат, масъулият ва салоҳият талаб этар эди. Бинобарин, йигирмага яқин шоирлар хамса яратган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳеч бири буюк хамсанавис Низомий билан тенглашолмади. Фақат уч шоиргина буюк хамсанавис сифатида эътироф этилиб, Низомий Ганжавий каторидан ўрин олишга муяссар бўлди. Булар улуғ ҳинд шоири ва мутафаккири Хисрав Дехлавий (1253-1325), улуғ форс-тожик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий (1414-1492) ва улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (1441-1501)дир.

Шуни қайд этиш зарурки, Хисрав Дехлавий Низомийдан, унинг адабий даҳосидан ижодий таълим олди. «Хамса»си достонларига ўзи яшаган замон ва замин билан боғлиқ қатор ўзгаришлар киритди. Ўз даври, ўз муҳити ва эҳтиёжларига яқинлаштирди. Шу тариқа, Дехлавий, бир томондан, адабий анъанага қатъий амал қилган бўлса, иккинчи томондан, у хамсачиликда ўзига хос янгилıklar яратишга жиддий эътибор берди. Айтиш зарурки, шу ва бошқа хусусиятлари билан Хисрав Дехлавий «Хамса»си ўзининг санъатча обида эканлиги билан китобхонлар орасида кенг шухрат қозонди ва асрларнинг, наслларнинг эътирофига сазовор бўлди. Бу эса уни Низомий сафидан ўрин олишга мушарраф этди.

Маълумки, хамсачилик анъанаси, айниқса, XV асрда кенг тус олди. Бу вақтга келиб, қатор шоирлар «Хамса» яратишга қўл ўрди. Айтиш мумкинки, «Хамса» яратиш улар учун ҳам, ҳатто айрим халқлар учун ҳам катта синов бўлди. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да бир неча шоирнинг «Хамса»га ёки унинг айрим достонларига монанд асарлар яратганлигини айтади. Уларнинг бирортаси ҳам мукамал «Хамса» яратолмади ва Низомий ҳамда Хусрав Дехлавийлар қаторидан муносиб ўрин

ололмади. Аммо XV асрга келиб, бирданига икки халкнинг икки буюк фарзанди хамсанавис бўлиб етишди. Булардан бири буюк шоир ва мутафаккир Абдурахмон Жомий, иккинчиси Алишер Навоий эди.

Бундай катта, шарафли ва масъулиятли ишга Алишер Навоий қўл урди. Навоий халққа унинг ўз тилида, унга манзур бўладиган асар яратиш лозим, деб ҳисоблайди. . .

*...Гар нукталари жаҳонни тутти,  
Фавголари инсу жонни тутти.  
Чун форсий эрди иукта шавқи,  
Озроқ эди анда турк завқи...  
Мен туркча бошлабон ривоят,  
Қилдим бу фасонини ҳикоят,  
Ким шуҳрати жаҳонга тўлғай,  
Турк элига доғи баҳра бўлғай...*

Қайд этиш зарурки, Навоий «Хамса»си уч юз йиллик тажриба ва анъанага эга бўлган хамсачилик тараққиёти ва такомилида янги ва улкан адабий ҳодиса бўлди. Алишер Навоий устодлари – хамсанависларни, уларнинг буюк адабий фаолиятини эътироф этади, адабий тажрибаларидан таълим олади. У «Хамса»сида уларни улуғлаб-шарафлайди, мадад тилайди:

*Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,  
Кўлдаса Хисрав билан Жомий кўлум...*

Бирок, Навоий уларга кўр-кўрона эргашмайди, тақлид қилмайди. Балки ўз олдига мазмун-моҳияти билан ўзи яшаган заминга, замонга, ҳаёт ва муҳитга вобаста, янги ҳамда оригинал «Хамса» яратишни вазифа қилиб кўяди. Айни мақсадни у «Фаҳод ва Ширин» муқаддимасида шундай баён этади:

*...Ани назм этки тарҳи тоза бўлғай,  
Улусқа майли беандоза бўлғай...  
Бировким бир чаманда сойир эрди,  
Нечаким гул очилгон кўрди, терди.*

*Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,  
Бу бўстон сахнида гул кўп, чаман кўн.*

Навоийча Низомий – шеърятнинг чинакам шери. У билан беллашиш осон эмас, аммо Навоий шер билан тенглашган шер бўлди. Низомий қаторидан муносиб ўрин олди. Қисқа бир муддат, яъни икки йилдан зиёдроқ вақт ичида, Алишер Навоий 51 мисрадан ортиқ беш дostonни яратди. У 1483 йилда «Ҳайрат ул-аброр», 1484 йилда «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр» ва нихоят 1485 йилда «Садди Искандарий» дostonини яратди.

### **«ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР»**

«Ҳайрат ул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») жанр хусусияти ва мазмунан тузилиши жиҳатидан «Ҳамса» дostonларидан тубдан фарқ қилади. «Ҳайрат ул-аброр»нинг бош мезони, асосий хусусияти унинг фалсафий, ахлоқий-таълимий дoston эканлигида. Зеро, файласуф шоир, улуғ мураббий Алишер Навоий бу асарида чуқур фалсафий, ўткир ижтимоий-мафкуравий ҳамда мислсиз ахлоқий-таълимий қарашларини баён этади. Шу орқали кишиларга ўғит-таълим беради.

«Ҳайрат ул-аброр» 7976 мисрадан иборат ва у 64 бобга бўлинган Шулардан 21 боби муқаддима, 40 боби мақолот ва 20 ҳикоя ҳамда масал, сўнги 3 боби эса асарнинг хотимасидир. Дostonнинг асосини 20 мақолот ташкил этади, ҳикоя ва масаллар илова сифатида берилади.

«Ҳайрат ул-аброр»ни маъно-моҳиятига, композицион қурилишига кўра уч гуруҳга ажратиш лозим:

1. Дostonнинг умумий қурилиши композицияси;
2. Мақолотларнинг силсиласи, тузилиши;
3. Ҳикоя ва масаллар композицияси, қурилиши.

«Ҳайрат ул-аброр» ғоявий мазмуни, бобларнинг мазмунан ўзаро боғланиб бориши, бирдан иккинчи бирининг келиб чиқиши ва тадрижий такомил топиши, хусусан, бош тимсол улуғ мутаффақир ва мураббий Навоий образи билан умумий, ягона силсилага эгадир. Шу боис асарнинг анъанавий

муқаддимаси муножот ва наътлар унинг асосий боблари – мақолотлари билан узвий боғланади. Чунки уларда ҳам дostonнинг мақолотларида бўлган умуминсоний ғоялар, халқпарварлик, ватанпарварлик, маърифатпарварлик ва дидактик мушоҳада намуналари, излари бор. Масалан:

*Лутфу карам ганжини неткунг дурур?*

*Кимга атову карам эткунг дурур?*

*Бир неча муҳтожу асиру гадо,*

*Юзлари силийи гуноҳдин қаро...*

*Хон анга ёйгилки эрур муштари,*

*Ту эмас, ар эса бўлур муштари...*

Бу ўринда Навоий йўқсиллар, бева-бечоралар ҳолига ачинади, улар ҳаётининг фаровон бўлишини орзу қилади. Муқаддимадаги Низомий, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий васфлари ҳамда сўз ва кўнгул таърифига бағишланган фасллар ҳам дostonнинг асосий қисми билан бевосита боғланиб кетади.

Хуллас, «Ҳайратул-аброр» мутаффакир, донишманд ва мураббий шоирнинг, комусий билим ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган муаллифнинг асаридир. Унда Навоий ўзининг илоҳиёт билан, дину диёнат билан, ҳаёт ва кундалик турмуш билан, инсон ва унинг шаклу шамойили билан, унинг келажак истиқбол сари интилишу курашлари билан, табиат олами, набототлар, ҳайвонотлар дунёси, умуман, еру кўк, олам-борлик билан унинг сирру синоатлари билан бевосита боғлиқ бўлган масалалар ҳақида мутафаккирона баҳс юритади ва улардан донишмандона, мураббиёна хулосалар чиқаради, ўғитлар беради. Шу жиҳатдан, дostonда ёритилган масалаларни шартли равишда уч катга туркумга ажратиш мумкин:

1. Фалсафий масалалар;
2. Ижтимоий-мафкуравий масалалар;
3. Ахлоқий-таълимий масалалар.

Маълумки, дostonда олам-борлик, илоҳиёт, дин-диёнат, инсон, унинг олий хилқат эканлиги, инсоннинг ўзлиги, тасаввуф ва бошқа масалалар Навоий фалсафий қарашларининг асосини

ташкил этади. Айни ғоялар «Ҳайрат ул-аброр»да маълум даражада ўз акси ифодасини топган.

Асарда оламнинг, оламларнинг яралиши, табиат дунёси, унинг бағрида ҳаёт ва нашъу намо топувчи наботот, ҳайвонот олами, айнан, инсон, унинг олий мавжудот эканлиги, хулки, одоби, эзгу ишлари, шунингдек, жаҳолату-қабохати, ҳаёт, унинг турли-тумая воқеа-ҳодисалари ҳақидаги донишманд ва мураббий шоир умумлашма хулосалари китобхонни чуқур ўйлашга ва уларнинг моҳиятини теран англашга даъват этади. Бу, аввало, дostonнинг муқаддимасида ва унга илова қилинган фаслларда яққол кўзга ташланади. Буларда Навоийнинг исломий қарашлари, Холиққа – яратувчи Зотга, унинг яратувчилик кудратига, буюк мўъжизалар ва санъатлар соҳиби эканлигига имон-эътирофи мужассамлашган. Ва бу табиий ҳол. Бадиий адабиётда бу анъанага айланган. Бироқ Навоий учун анъана шунчаки адабий ҳодиса эмас, аксинча, «Ҳайрат ул-аброр»даги муқаддимани – бир ҳамд, тўрт муножот, беш наът ва уч хайратни мустаҳкам имону эътиқодда бўлган банданинг, ожиз банданинг ўз Роббиси билан дил рози, руҳдан унга ёнишиталпиниши, сўнгсиз шукроналари-ю таважжуҳлари сифатида баҳолаш зарур. Зеро, уларда Оллоҳнинг амру итоатида тақвода бўлган комил инсон Навоий қалбини, руҳиятини энг нозик нуқталаригача чуқур ҳис қилиш, англаш мумкин.

### **«ФАРҲОД ВА ШИРИН»**

«Фарҳод ва Ширин» – севги ва садоқат, дўстлик ва вафо, меҳнат ва ижодкорлик, инсонпарварлик ва фидокорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик достони. Олижаноб инсоний фазилатларни, умрибашарий орзу-ғояларни тараннум этган бу асар нафақат ўзбек классик адабиётида, айни чоқда, Ўрта Шарқ халқлари адабий анъаналари тараққиётида ҳам янги адабий ҳодиса, юксак бир босқич бўлди. Зеро, Алишер Навоий ҳамсачилик тарихидан мустаҳкам ўрин олган «Хисрав ва Ширин» ўрнига янги мавзу ва масалалар, янги мазмун ва ғоялар, янги тимсол ва шамоилларнинг тажассуми бўлган «Фарҳод ва Ширин» достонини яратди.



Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хисрав ва Ширин тимсоллари маълум тарихий илдизга эга бўлиб, Хисрав машхур сосоний подшоларидан Ануширвоннинг набираси Хисрав Парвездир. У 590 йили тахтга чиқиб, 628 йили ўз ўғли Шеруя томонидан қатл этилган. Эрон, Византия, Сурия солномаларида Х аср араб тарихчиси Ат-Табарий асари ва бошқа манбаларда берилган маълумотларга кўра, Ширин ҳам тарихий шахс бўлиб, у Хисрав Парвезнинг энг суюкли хотини экан. Арман кизи ёки оромийлардан бўлган гўзал Ширин мансабдорлар хонадонидан эмас, балки оддий хонадон аҳлидан экан. Шу сабабли сарой аёнлари, амалдорлари Ширинга паст назар билан қараб, уни Хисравга номуносиб деб ҳисоблар экан...

Мана шу тарихий воқеалар заминада турли-туман версиялар, афсона ва ривоятлар пайдо бўлади. Натижада севишганлар саргузашти афсонавий тус олади, янги-янги афсоналар, ривоятлар тўкила бошлайди. Буларнинг айримлари «Қасри Ширин ва Бесутун» номи билан шуҳрат топади. Машхур араб сайёҳи Ёқут (1179-1229) Ширин ҳақида анчагина ривоятлар эшитганини ва уларнинг кўпи Доро I томонидан Бесутун тоғ қоясига ўйиб ёздирилган тошдаги ёдгорликлар эканини ҳикоя қилади. Ҳатто Бесутундаги аҳмонийлар қасрининг харобалари шу кунга қадар «Қасри Ширин» номи билан юритилади.

Шунингдек, солномаларда Фарҳод ва Меҳинбону ҳақида ҳам турли хил маълумот ва ривоятлар мавжуд. Айрим манбалар Фарҳодни тарих билан, Бесутун тоғ қояси билан боғлайди. Баъзи ривоятларга кўра Фарҳод қояга Ширин, Хисрав ва унинг тулпори Шабдиз тасвирини ишлаган экан. Шу тариқа Фарҳод тимсоли дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлади, у орқали ёзма адабиётда такомиллашади. Меҳинбону тимсолининг илдизлари бевосита Сурия солномаси, Сурия-Мидия афсоналарига бориб тақалади.

Маълумки, Хисрав ва Ширин тимсолини ёзма адабиётда биринчи бўлиб Абулқосим Фирдавсий қайта ишлайди. Орадан икки аср вақт ўтгач, бу мавзуга Низомий Ганжавий қўл уради, уни қайта ишлайди. Низомий «Хисрав ва Ширин» достонини ёзишга киришар экан, ўз олдида тамомила янги вазифа ва мақсад, янги масала ва муаммолар қўяди, уни ўзи яшаган XII аср ҳаётига, адабий муҳитига яқинлаштиради... Низомий дoston

вокеалари доирасини кенгайтирди, унга Византия ва Кавказдаги вокеаларни, Мехинбону, Фарход, Ширин ва бошқа тимсолларни киритди...

Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достони жуда кенг шуҳрат қозонади. Айни мавзуда дoston яратиш Ўрта Шарк халқлари адабиётида анъанага айланади. Низомийдан сўнг орадан бир аср ўтиб машхур ҳинд шоири ва мутафаккири Хисрав Дехлавий «Ширин ва Хисрав» номи билан ўз «Хамса»сининг иккинчи достонини яратади.

XII асрда Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини шоир Қутб ўзбек тилига таржима қилади, Навоийнинг «Фарход ва Ширин» достони муқаддимасида маълумот беришича, XV аср ўрталарида вафот этган шоир Мавлоно Ашраф ва яна номаълум бир шоир ҳам дoston ёзган эканлар:

*Бу майдонга, чу Ашраф сурди маркаб,  
Бу сўзни ўзга навъ этти муруттаб,  
Яна бўлгон экан бу нома марқум,  
Вале роқим эмасдур яхиш маълум...*

Бинобарин Навоий батамом янги дoston яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Унинг «Фарход ва Ширин» достони даврининг инсон шаклу шамоилиниинг, инсон фоолиятининг хилма-хил масалаларини қамраб олган, ўрта аср гуманизмининг энг илғор қарашлари ва орзу-интилишларини ифодалаган бир дoston сифатида вужудга келади.

Навоий севги, садоқат, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, дўстлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ҳақидаги фикр-ўйлари ва орзу-интилишларини, хусусан, дostonнинг бош тимсоли Фарход сиймосида акс эттиради. Асарда қайноқ бир муҳаббат билан:

*Ёзиб жон мусҳафидин икки оят,  
Дебон Фарҳоду Шириндин ҳикоят, -*

деган шоир ўз достонига «Фарход ва Ширин» дея ном беради. Навоий дostonи Фарходнинг туғилишини тасвирлаш билан бошланиб, унинг вафоти билан тугалланади. Шоир Фарходнинг

бутун ҳаёти ва кураш йўлларини, севги саргузаштлари ва мислсиз жасоратини ҳикоя қилади.

Фарҳод болалик чоғларидаёқ чинакам инсоний хусусиятларга эга бўлади. У ниҳоятда ақлли, зеҳнли ва қобилиятли бола бўлиб ўсади. Фарҳод ҳавас ва иштиёқ билан ўқийди, турли фанларни ўзлаштириб олади.

*Агар бир қатла кўрди ҳар сабоқни,  
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни...  
Жаҳонда қолмади ул этмаган илм,  
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм...*

Фарҳод нафақат ақлан, балки жисман ҳам бақувват бўлиб ўсади, ҳарбий машқлар билан шуғулланиб, чиниқиб боради. Сувда сузиш чавандозлик, қиличбозлик, ёйондозлик ва бошқа жисмоний машқлар унинг доимий машғулоти эди. У ўзининг ақли, жисмоний куч-қуввати билан, иродаси, матонати ва маҳорати билан кишиларни ҳайратда қолдиради.

Фарҳод – ниҳоятда камтарин. Мансаб-мартаба, отасининг молу жоҳи уни қизиқтирмайди. У кишилар дарду ғамини ўйлайди. Шу сабабли халқ уни севади, унинг дарду алаmidан қайғуради, шодлигидан севинади. Фарҳод доимо ғамгин, чеҳраси сўлгин, қайси йўл билан бўлмасин, эл-улусга манфаат етказиш мақсади билан яшайди. Шу мақсадда машҳур қурувчи-санъаткорлар меъмор Боний, наққош Моний ва тош йўнувчи Қоранлардан ҳунар ўрганади.

*Анингдек қилди хора йўнмогин вирд,  
Ки юз Қоран қошида бўлди шогирд...*

Фарҳод – ижодкор, халқпарвар, инсонпарвар. У умрининг охиригача ўз инсоний бурчига, аҳдига қатъий амал қилади, халқ, ватан, халқлар ва ватанлар манфаатига содиқ қолади, шу йўлда собитқадамлик билан кураш олиб боради. Ариқ, каналлар очиб, асрий ташна ерларга сув келтиради, ҳовузлар бунёд этади. Инсон қадами тегмаган ерларга ҳаёт бағишлайди, бунёдкорлик ишларини адо этади. Фарҳод бунёд этган каналга, ариққа

«Нахрул-ҳаёт» («Ҳаёт дарёси»), ҳовузга «Баҳрун-нажот» («Нажот денгизи») дея ном қўйилади:

***Ариққа қўйдилар «Нахрул-ҳаёт» исм,  
Фалакваш ҳавзга «Баҳрун-нажот» исм....***

Фарҳод – илмпарвар. У инсон ақли ва тафаккурига юксак баҳо беради, унинг инсон ақли тафаккурининг ҳар нарсага кодирлигини эътироф этади:

***Деди: ҳар ишқи қилмиш одамизод,  
Тафаккур бирла билмиш одамизод...***

У эл-юртга, ватанига, дўстларига содиқ. Буни, ватандан йироқдаги севинчу изтиробларида, кишиларга қайноқ муҳаббатига, Шопур ва бошқаларга садоқатида кўриш мумкин.

Фарҳод – чин ошиқ, вафодор. Бу Ширинга бўлган инсоний севгиси ва вафосида яққол кўринади. Босқинчи, худбин ва инсоний фазилатлардан бегона Хусрав уни асир этади, шу йўл билан Фарҳодни маҳв этмоқчи бўлади. Бироқ, унинг иродасини буколмайди, чинаккам туйғу – севги йўлидан қайтаролмайди.

***Деди: недур сенга оламда пеша?  
Деди: ишқ ичра мажнунлуқ ҳамиша...***

Шундан сўнг, бошқа тимсоллар ва асар бадиияти ҳақида боради.

### **«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»**

«Лайли ва Мажнун» жаҳон адабиётида самимий севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан биридир. Бошқа бирон-бир севги асарининг «Лайли ва Мажнун»чалик фожиавий, севишганлар маънавий-руҳий оламининг чуқур ва ўта таъсирли очилганини топиш қийин. Ўтмишда ўнлаб ёзувчилар, халқ ижодкорлари бу севги қиссасини қайта-қайта ишлаганлар. Замонлар ўтиб асар Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, шуҳрат тутган.

«Лайли ва Мажнун» кўп асрлик тарихга эга. Унинг илдизлари VII асрнинг 2-ярмига бориб такалади Айрим араб манбаларининг маълумотига кўра, Мажнун тарихий шахс. У Бани Омир қабиласидан чиққан, унинг асл номи Қайс ибн Мулаввах (ёки Қайс ибн Муод) бўлган. У қабиладоши Лайлини севган ва ўз севгиси, ҳижрон азоблари ҳақида мунгли шеърлар битган. Бундай маълумот ибн Қутайбанинг «Китобут-шеър ва шуаро» асарида ҳам келтирилади. Шу билан бирга, бошқа манбалар бу маълумотларни рад этади. Жумладан, араб олими Авон ибн Ҳаким ал-Қалбий (764 йилда вафот этган), араб тарихчиси Ҳишом ал-Қалбий (819 йилда вафот этган)лар Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи мажозий, севги, ҳижрон шеърлари эса умавий хонадонига мансуб бир ошиқ йигит томонидан битилган ви асл номини ошкор этмаслик учун Мажнун тахаллусини кўллаган, дейишади. Шу тариқа VII асрниг иккинчи ярмидан бошлаб араб поэзиясида Мажнун тахаллусли мунгли шеърлар кўпайиб, кенг тарқалиб боради. Вақтлар ўтиши билан кўплаб афсоналар, ривоятлар тўкилади ва улар турли манбалардан жой ола боради. Энди, Мажнун исми Арабистондагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкаларида ҳам кенг шуҳрат топади.

«Лайли ва Мажнун» ҳақида биринчи марта 1188 йилда улуғ Озарбайжон шоири, мутафаккири Низомий Ганжавий дoston яратади ва у ғоявий-бадий юксак, мукамал бадий асар даражасига кўтарилади ҳамда хамсачиликнинг анъанавий дostonига айланади.

1298/99 йилларда улуғ хинд шоири ва мутафаккири Амир Хисрав Дехлавий «Мажнун ва Лайли» дostonини яратди. Дехлавий Низомий дostonининг мазмуни ва қурилишини деярли сақлаб қолди. Аммо у дostonга бир қатор ўзгаришлар киритди. Масалан, Мажнунга Навфал қизининг никоҳ қилиниши, Лайли ва Мажнуннинг саҳрода ҳайвонлар ҳимоясида тунни ўтказиши ва б.

«Лайли ва Мажнун» дostonининг тадрижий такомиллида Навоий дostonи янги бир адабий ҳодиса бўлди. Навоий араб ривоятлари, Низомий ва Дехлавий дostonлари ва Ашрафнинг бизгача сақланиб қолмаган «Лайли ва Мажнун»и билан яқиндан таниш бўлган. Навоий олдида ана шу мавжуд манбалардан

ижодий фойдаланиш, шу билан бирга, ўз даври, унинг эҳтиёжу талабларига тўла жавоб бера оладиган янги бир «Лайли ва Мажнун» асарини яратиш вазифаси турар эди.

*Мен хастаки бу рақамни чектим,  
Таҳрири учун қаламни чектим.  
Ёзмоқта бу ишқи жовидона,  
Мақсудум эмас эди фасона,  
Мазмунига бўлди руҳ майли,  
Афсона эди анинг туйфайли...  
Мен туркча бошлабон ривоят,  
Қилдим бу фасонани ҳикоят.  
Ким шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,  
Турк элига доғи баҳра бўлғай...*

Парчада шоирнинг эзгу нияти очиқ ва мунаввар акс этган. Биринчи мақсад, «афсона» ва «мазмун»га, яъни асарнинг қобиғи ва мағзига, ички моҳиятига, иккинчи мақсад, тил масаласига эътибордир. Айни шу фазилатлар Навоий асарининг юксак муваффақиятини, эътирофи ва шуҳратини таъминлади. Чунки замин ва замон, яъни шоир яшаган давр, муҳит ана шундай бир асарни талаб этар эди... Сиртдан қараганда, дoston воқеалари қачонлардир араб саҳроларида бўлиб ўтгандек... Бирок, Навоий «Лайли ва Мажнун» дostonини яшаган даврининг ҳаёт эҳтиёжлари асосида яратди. Шоир Лайли ва Мажнун фожеаси билан яшаган муҳитнинг ноинсоний қонун-қоидаларига, айрим урф-одатларига қарши чиқди, исён кўтарди. Шу орқали самимий севгини, садоқатни, инсоний ҳақ-ҳуқуқларни ёқлади, шарафлади. Бу ўринда, шуни ҳам қайд этиш зарурки, «Лайли ва Мажнун» можароси, воқеалари қачонлардир, исломгача бўлган замонларда, жоҳилият асрларида, қизларни тириклайин ерга кўмиб ташланадиган, уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари билан ҳеч ким ҳисоблашмайдиган, жаҳолат, молу жоҳга ҳирс-ҳавас кучли бўлган замонларда кечган. Буюк инсоний фазилатларни, қадриятларни тараннум этган хамсанавислар ва айникса, Алишер Навоий бундай манфур одатларга, қотиллик ва бедодликларга қарши исён кўтарди, Лайли ва Мажнун, лайлилар ва мажнунлар севгисини, улар шаънини шарафлайди.

Алишер Навоий салафларидан фаркли уларок дostonга Зайд тимсолини ва давр ҳамда муҳит билан чамбарчас боғлик айрим ўзгаришларни киритди. Айниқса, севишганлар руҳияти тасвирини кучайтирди, унинг таъсир кучини оширди. Бинобарин, китобхон бевосита севишганлар билан мунгдошлик қилади, улар қисматидан даҳшатга тушади...

### «САБЪАИ САЙЁР»

*Лутф бу назмаро бағоятдур,  
Ғараз аммо етти ҳикоятдур.  
Халққа зеби торак айла ани!  
Ўқуғонга муборак айла ани!*

Маълумки, «Сабъаи сайёр» дostonи, у билан боғлик версиялар Шарқда кенг тарқалган. Навоий ҳам ўз дostonига Шарқ халқлари орасида машҳур ва манзур бўлган «Баҳром Гўр» афсонасини асос қилиб олади. Навоий катта ижодий меҳнат билан қисқа вақт ичида (атиғи 4 ой ичида) ёзиб тугатган бу дostonга «Сабъаи сайёр» («Етти сайёра» кезувчи) деб ном қўяди:

*Бўлди чун бу рақам иши тайёр,  
Қўйдум отини «Сабъаи сайёр».*

«Сабъаи сайёр» – ишқий саргузашт дoston. Унда дostonнинг бош тимсоллари – шоҳ Баҳром ва малика Дилором севги саргузаштлари ҳикояси асосида, яъни бош қолипловчи ҳикоя ва шу ҳикоянинг узвий силсиласи ўларок етти мустақил ҳикоя асосида асосий ғоя – бош мақсад талқин қилинади.

Маълумки, ошиқ ва маъшуканинг севги саргузаштларига бағишланган Баҳром ва Дилором ҳикояси узоқ тарихга эга. Баҳром Гўр, унинг севги саргузаштлари, адолати, мақсад йўлидаги собитқадамлиги, муваффақияту янглишишлари, қатъияту лоқайдликлари, севги йўлида чеккан изтироблари-ю, шу билан бирга, беқарорликлари адабий анъаналар тараққиётида янги бир ҳодиса эди...

Узоқ тарихда сосонийлар сулоласида Варахран<sup>1</sup> V (418-438) деган бир подшо ўтган эди. У гўр – қулон овига ружуъ кўйгани учун Баҳром Гўр номи билан шуҳрат топган экан. Бу ҳақда Навоий «Тарихи мулуки ажам» («Ажам мамлакатлари шоҳлари тарихи»)да шундай ёзади:

«Ани Баҳром Гўр дерлар. Муниг жиҳатин баъзи дедиларким, гўрни шерсайд қилғонда, аниг ўқи эгнисидан ўтуб, ерга тегди. Баъзи дебтурларким, гўр овига кўп мойил эрди».

Баҳром Гўр ҳақидаги кўпдан-кўп афсона ва ривоятлар, халқ нақллари дастлаб Ҳинд-Эрон халқлари томонидан яратилган ва замонлар ўтиши билан Эронга туташ бўлган сарзаминларда яшовчи халқлар, хусусан, арманлар, гуржилар орасида ҳам пайдо бўлади ва асрлардан-асрларга, насллардан-наслларга ўтиб, Шарқ халқлари орасида кенг тарқалиб кетади. Шу тариқа Баҳром Гўр шон-шавкатли подшо, моҳир мерган, овчи ҳамда ишратпараст шахс сифатида дастлаб халқ поэтик ижодидан, ундан кейин ёзма адабиётдан, айни чоқда, манокӣб ва хотира-мемуар асарлардан чуқур ўрин олди. Унинг илдизларини, дастлабки намуналарини, «Худойнамак», «Шоҳнома» ва бошқаларда ҳам кўриш мумкин.

Халқ орасидаги турли афсона ва ривоятлардан ҳамда ёма обидалардаги материаллардан ижодий фойдаланган форс-тожик классиги Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да, демакки, бадий адабиётда биринчи бўлиб Баҳром Гўр ҳақида дoston яратди.

Фирдавсий Баҳромни бир томондан, шуҳратли, адолатпеша подшо, ватанпарвар, тенгсиз ақл-идрок, куч-қувват соҳиби, моҳир овчи, иккинчи томондан, айш-ишратга, эҳтиросга муҳиб, худбин, қаҳри қаттиқ шахс сифатида тасвирлайди.

Фирдавсий Баҳром Гур характерини кенгроқ очиш мақсадида ҳикоя ва афсонлардан ижодий фойдаланади. Шу жиҳатдан дostonдаги эпизодлар орасида Баҳром Гўрнинг овда ўз канизаги Озода билан тўқнашуви тасвирланган ҳикоя характерлидир. Кейинчалик ҳам бу ҳикоя кўплаб шоирларнинг диққатини ўзига тортди...

---

<sup>1</sup> Варахран дарий тилида «Баҳром» маъносини англатади.



Маълумки, Баҳром Гўр ҳақида биринчи бўлиб махсус дoston яратган шоир Низомий Ганжавий бўлди. Шоир «Ҳафт пайкар» дostonида Баҳром Гўр ҳақидаги сюжетни қолипловчи ҳикоя сифатида беради. Бироқ, Фирдавсий томонидан қаламга олинган воқеа-ҳодисаларни айнан такрорламайди, балки уларни ижодий тарзда бойитади ва ўзи яшаган муҳит билан боғлайди. Шу билан Баҳром Гўр хамсачиликнинг анъанавий тимсолига айланиб қолди.

Низомий Баҳром табиатидаги яхши фазилатлари бўрттириб кўрсатиш ниятида унга қарама-қарши тимсолларни ҳам яратади. Шулардан бири Баҳромнинг отаси – Сосоний хукмдори. Яздигурд (Яздигурд)дир. Бир-бирига тамомила қарама-қарши ота ва фарзанд қиёфаларини яратиш билан шоир инсон ҳаётида, камолотида тарбиянинг таъсири катта ва муҳим эканлигини таъкидлайди.

Низомий Ганжавийдан кейин Амир Хусрав Дехлавий (1253-1325) Низомийнинг «Ҳафт пайкар» дostonига эргашиб, «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат») дostonини яратди. Дехлавий дostonида ҳам Баҳромнинг саргузаштларини тасвирловчи асосий қолипловчи ҳикоя ва етти малика ҳикояси мавжуд. Айни ҳикояларни жамлаган (8 ҳикояни) дostonини Дехлавий «Ҳашт биҳишт» деб номлайди.

Низомий ва Дехлавий дostonлари бир-биридан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

Низомий «Ҳафт пайкар»да марказлашган давлат, халқ, адолат масалаларини бош ғоя сифатида берган ва асосий эътиборни шунга қаратган бўлса, Дехлавий «Ҳашт биҳишт»да диққатни қисман буларга қаратган бўлса ҳам, бироқ асосий эътиборни бадиият масалаларига, классик поэтикага қаратади. Ва шу орқали Баҳром саргузаштларини, унинг мураккаб фаолиятини, адолат ва жасоратини, инсоний фазилатларини очиб беради.

Айни анъана заминиде яратилган асарлардан яна бири Мавлоно Ашрафнинг «Ҳафт пайкар»и бўлиб, бу ҳақда Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»да шундай дейди: «Яна чун «Сабъаи сайёр» расадин замирим боғлабтур, Ашраф «Ҳафт пайкар»ининг етти Хурвашин пешкашимга яроғлабтур...».

Афсуски, бу дoston бизга ҳозирга қадар номаълум қолиб келмоқда.

Навоийга қадар бадий адабиётда Баҳром Гўр шахсияти ва фаолиятига доир бой ижодий тажриба тўпланган, адабий анъана вужудга келган, тадрижий такомил топан эди. Навоий, сўзсиз, буларнинг барчасини чуқур ўрганди ва бу борадаги, хусусан, салафлари асарларидаги ютуқларни, шу билан бирга, нуқсонларни ҳам англаб етди, яратажак дostonнинг ҳам вазибалари ва режаларини белгилаб олди.

Навоий, аввало, улуғ сўз сохиблари дostonларига ҳар жиҳатдан тенг кела оладиган, ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан тенглаша оладиган асар яратиши лозим эди. Иккинчидан, уларга содиқ қолиши, шу билан бирга, бу борада фақат анъаналар қобиғида қолиб кетмаслик, шуларнинг барчасини турк китобхонларига мос, монанд қилиб бериш, туркийзабонларнинг бу борадаги катта талаб ва эҳтиёжларини қондириш масъулиятини олади.

Салафларига издошлик қилган Навоий ҳам «Сабъаи сайёр»да Баҳром ҳикоясини бош қолипловчи ҳикоя қилиб олиб, унинг ичига ҳафтанинг етти кунда, етти рангдаги етти қасрда, дунё-заминнинг етти иқлимдан келган етти мусофир тилидан айтилган етти ҳикояни мужассамлаштириб беради.

Навоий ҳамсанависларнинг ижодий изланишлари ва муваффақиятларини эътироф этади, улардан таълим олади. Ўзини уларнинг шогирди – издоши деб билган шоир ёзади:

***Менки шогирди бебизоат мен,  
Ул иковга мутеи тоатмен.***

Бу, албатта, холисона эътироф, устодлар ижоий меҳнати ва салоҳиятига берилган юксак баҳо эди. Айни пайтда Низомий ва Дехлавий дostonларидаги филжумла, Баҳром қиёфасидаги камчиликларни ҳам холислик билан кўрсатиб беради, танқид қилади. Бу асосан, икки жиддий қусур эди:

***Бири буқим, йўқ анда мояи дард,  
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард...***

*Яна бири буки, анда баъзи иш,  
Зоҳиран номуносабат тушимши.  
Бўйла туҳматки айш учун Баҳром,  
Ясади етти қаср сурғали ком.  
Етти иқлим шоҳидин етти қиз,  
Ҳар бири лутфу хусни зоятсиз.  
Етти қасри ичра келтурди,  
Ком ҳар кун бири бирла сурди.  
Турфа буқим чу бўлди бодапараст,  
Қилди оқиомга тегру ўзни маст.  
Уйқу комин олурга мастона,  
Шўхларга буюрди афсона.  
Бу ажабким алар дағи дедилар,  
Қиссахон қизлари магар эдилар:  
Тонгдин оқиомга тегру пайдар-пай,  
Улки ичар қадаҳ тўла-тўла май.  
Анга худ гафлат ўлди даъбу сифат,  
Уйқусига фасона не ҳожат?  
Бўлса ҳам ақл манъ қилмасму?  
Қисса айтур киши топилмасму?*

Бу ўринда Навбий «номувофик»ликни холисона кўрсатиб беради. Баҳром фаолиятида, саргузаштларида киши ақлини хайратга соладиган, қаҳрамонга нисбатан муҳаббат уйғотиб хайрихоҳлик туғдирадиган ўринлар билан бирга, лавҳада ақлга тўғри келмайдиган, ҳақиқатдан йироқ жиҳатлар ҳам мавжуд. Баҳром – ошиқ. У шунчаки ошиқ эмас, балки ошиқи беқарор. Севгисиз, севгилисиз ҳаёт унинг учун маъносиз. Бу – табиий. Навоий буни ёқлайди. Аммо уззу кун «ком суриш» – кайфу сафо қилиш, айш-ишратдан ўзга нарсаларни, ҳатто, тахти-тожни, эл-улусни, умуман, салтанатни унутиш, шу йўлда ўзликдан кечиш тўғри эмас. Навоий буни рад этади. Чунки эл-улус, мамлакат тақдири-қисмати унинг изнида. Баҳром – шоҳ, ҳукмфармон. Ошиқлик ва шоҳлик – улугъ шараф. Шу билан бирга, мислсиз масъулият. Вазифа – ошиқлик ва шоҳлик, шоҳлик ва ошиқлик бурчини, чинакам инсоний вазифасини ўташ. Аммо у, туну кун маст-аласт... Бу – ёмон. Демак, ўз-ўзидан мантиқсизлик келиб чиқяпти. Шундай экан, Баҳромни васф этиш, унинг фаолиятига

ижобий баҳо бериш мумкинми? Йўқ, албатта. Бинобарин, Навоий ёзади:

*Ким мунингдек икки воҳиди замон,  
Ҳар бири ўз вақтида фариди замон.  
Бўйла нодон учун ёзиб авсоф, у  
Анга қилгайлар ўзларин вассоф.  
Мадҳини беҳисоб ёзгайлар,  
Балки мавзун китоб ёзгайлар...*

Навоий «Сабъаи сайёр»да бу нуқсонларга йўл қўймайди. У салафларидан фарқли ўлароқ, ўз достонини мукамал ишқий саргузашт дoston макомига кўтаради. Баҳромни «мояи дард» ҳамда «ишқ сўзи»га гирифтор бўлган киши сифатида тасвирлайди. Шоҳлик худбинлиги тошиб, Дилоромни жазолаган, қўлларини боғлиқ ҳолатда чўлу биёбонда қолдириб кетган Баҳром жаҳлидан тушиб совиғач, ўз қилмишидан пушаймон бўлади, жисман ва руҳан изтироб чекади. Аркони давлат ва ҳакимлар унинг дардига даво излаб, узоқ мажлис-машваратдан сўнг етти қаср қурадилар ва Баҳромни етти мамлакат шоҳининг кизига уйлантирадилар... Бу билан шоҳнинг баҳри-дили очилмайди, ҳижрон дардларидан қутулмайди. Шунда жаҳонгашта мусофирни чорлаб, афсона айттирадилар. Ниҳоят, Баҳром Дилоромдан дарак топади ва висолига етишади.

«Сабъаи сайёр»нинг ғоявий-бадиий қўламида етти ҳикоя жуда кенг ва катта ўрин тутади. Бинобарин, Навоий:

Лутф бу назм аро бағоятдур,  
Ғараз аммо етти ҳикоятдур, – дейди.

Навоий қасрлар туси ва кунларни, уларнинг адади ва тартибини айнан Низомий ва Деҳлавий дostonларидагидек сақлаб қолади:

Биринчи ҳикоя – Шанба – қора қасрда;  
Иккинчи ҳикоя – Якшанба – сариқ қасрда;  
Учинчи ҳикоя – Душанба – яшил қасрда;  
Тўртинчи ҳикоя – Сешанба – гулгун қасрда;  
Бешинчи ҳикоя – Чоршанба – нилуфар қасрда;  
Олтинчи ҳикоя – Пайшанба – сандал тусли қасрда;  
Еттинчи ҳикоя – Жума – оқ қасрда.

Таъкидлаш жоизки, Навоий ҳикоялари бутунлай янги ҳикоялар бўлиб, улар халқ оғзаки ижоди асосида яратилган, уларда халқ руҳи, халқона моҳият сингдирилган. Уларда самимий севги ва садоқат, дўстлик ва оқибат, ҳиммат ва саховат, мардлик ва матонат, халқпарварлик ва донишмандлик каби масалалар сингдирилган. Ҳикояларнинг мавзулар кўлами кенг, уларда ҳаёт масалаларидан тортиб, турмуш воқеа-ходисаларигача, табиат ва унинг бағридаги наботат ва ҳайвонат олампидан тортиб, коинот ва унинг бағридаги жисмларгача, алалхусус, она-ер, кўк билан ва уларнинг гўзалликлар олами билан боғлиқ барча-барча масалалар ҳамда уларга хос хосса ва хусусиятлар мужассамлашган. Мутафаккир шоирнинг ҳаёлотӣ Мовароуннаҳр, Хуросон, Аҷам, Ҳиндистон, Сарандиб, Миср, Рум, Яман ва бошқа ўлкаларга, сарҳадсиз саҳроларга, тўлқин уриб ётган денгизларга, сирли-синоатли жазирама жойларга парвоз қилади, турли манзил ва маконлар, хилма-хил эътиқод ва ижтимоӣ гуруҳларга ҳамда касб-корга эга бўлган кўплаб кишиларнинг тимсолларини, уларнинг шаклу шамоӣлларини яратади.

*Биринчи ҳикоя.* Шанба. Қора қаср. Ҳижрон дардидан қалби зим-зиё бўлган Баҳром қора либосда... У қора либос кийган ҳинд гўзали билан мушкин май ичади. Кун бўйи қалби зимистон, кўнгли ғаш... Кеч кириб, оламга қоронғилик чўкди, Баҳромнинг ҳижрон дардлари янада ортди, уйқусизлик. Ниҳоят, бир мусофирни олиб кирдилар. Қора либос кийган ҳиндистонлик мусофир шахзода Фаррух ва саҳий Аҳий, улар бошидан кечирган қора кунлар ҳақида ҳикоя қилади...

*Иккинчи ҳикоя.* Яқшанба. Сарик қаср. Зарбоф либослар кийган Баҳром сарик либос кийган румлик гўзал билан олтин қадаҳда сарик май ичиб, кўнгли ғаш ҳолатда кунни кеч қилади. Бунда румлик мусофирни чорлаб келадилар. Мусофир Зайд Заҳҳоб (Зайд заргар) деган шахснинг саргузаштларини ҳикоя қилади...

*Учинчи ҳикоя.* Душанба. Яшил қаср. Яшил либос кийган шахрисабзлик гўзал билан яшил қадаҳда май ичиб, кунини кеч қилади. У Саъд ҳақида ҳикоя қилади... Саъд оғир шартларни бажариб, даҳшатли тўсиқларни енгиб, катта синовлардан ўтиб

маъшукаси висолига эришган жасоратли, мард ва матонатли йигит...

*Тўртинчи ҳикоя.* Сешанба. Гулгун қаср. Гулгун либослар кийган Баҳром шафақ ранг кийим кийган гўзал билан ёқутфом соғарда лаъл май ичиб, кунни кеч қилади. Тунда ҳиндистонлик мусофир шоҳ Жуна ва сахий Масъуд ҳақида ҳикоя сўзлайди. Ҳикояда яхшилик ва ёмонлик, саховат ва зикналик, олижаноблик ва бахиллик, ёвузлик ва эзгулик ҳақида баҳс юритилади. Яхшилик, олижаноблик, умуман, эзгулик ёмонлик устидан тантана қилади:

Хушдурур боғи коинот гули,

Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

*Бешинчи ҳикоя.* Чоршанба. Мовий қаср. Мовий либослар кийган Баҳром, нилуфарий либосдаги гўзал билан бирга фирузагун жомда май ичиб, кунни кеч қилади. Аммо кўнгли ғаш... Эҳтимол, афсона дардларини енгиллаштирар деган умидда, бешинчи иқлимдан келган йўловчи қиссахонни келтирадилар. У Меҳр ва Суҳайл ҳақида ҳикоя сўзлайди... Бунда ҳам яхшилик, меҳр, вафо, умуман, эзгулик қабоҳат, жаҳолат, разолат устидан ғалаба қилади. Севгилиси Меҳрнинг маслаҳату тадбири билан зиндондан қутулган Суҳайл ёвузлик, қабоҳат тимсоли Жобирга ҳамла қилади ва дейди:

***Сен агар зоҳир эттинг итликни,***

***Мен санга кўргузай йигитликни...***

Жобир шармандаю шармисор тарзда енгилиб, маҳв бўлади...

*Олтинчи ҳикоя.* Пайшанба. Сандал тусли қаср. Шу рангда либослар кийган Баҳром, сандалнинг хуш ҳиди таралиб турган гўзал билан сандал ранг май ичиб, кунни кеч қилади. Олтинчи иқлимдан келган мусофирдан Муқбил ва Мудбир ҳақида ҳикоя тинглайди... Чексиз ҳаёлот асосида яратилган ҳикоя-эртақда инсоний фазилатлар эгаси Муқбил билан ёлғончи, ҳийлакор Мудбир ҳақида баҳс кетади. Охир-оқибатда тўғрилиқ, ҳақиқат устун келади, кўп кийинчиликлар, машшаққатлар чеккан Муқбил мурод-мақсадига етади...

*Еттинчи ҳикоя.* Жума. Оқ қаср. Оппоқ либослар кийган Баҳром шу тусдаги либосларга бурканган гўзал билан биллур жомда оқ май ичиб кунни ўтказди. Кеч кириб, шом чўкди. Баҳромнинг кўнгли ғаш... Шу чоқ хоразмлик мусофирни чорлаб келтиришади. Мусофир ўз саргузаштлари билан бирга, Дилором ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Ниҳоят, қанча жудолик, фироқ дардлари ва ҳижрон аламларидан сўнг, Баҳром севгилиси Дилоромдан дарак топти, қалбини умид ва севинч нурлари мунаввар қилди. Энди у висол умидлари билан яшай бошлади...

Биринчи ҳикоя қора қасрда тингланган эди. Баҳром мунг ичида ҳикоя тинглади, аммо ҳижрон дардлари енгиллашмади, орти ва бу табиий эди...

Еттинчи ҳикоя оқ қасрда ва жума куни тингланди. Бунда катта рамз, маъно бор. Ҳикояда ҳаётий мазмундан ташқари, исломий моҳият бор. Чунки оқ ранг, ҳамма нарсанинг, ашёларнинг оқ, оппоқ тусда бўлиши ва яна истакларнинг ижобат бўладиган куни – Жума куни Баҳром мурод-мақсадига етди. Афсуски, шоҳ бундан хулоса чиқармади, ўткинчи хою-ҳавас, инсон ақлини лол қиладиган эҳтирослар жиловини тутолмади, яна ўзлигини унутиб айш-ишратга, кайф-сафога берилиб кетди. Ва охир-оқибатда қилмишига яраша жазо топди.

Хулоса қйлиб айтганда, «Сабъаи сайёр» ҳам улуғ мутафаккир мураббий шоирнинг бошқа дostonлари, умуман, асарлари каби ўтмиш билан, муаллиф яшаган замон ва замин ҳамда бизнинг кунларимизу келажак асрлар билан бевосита боғлиқ бўлган умумбашарий ғояларни қамраб олган.

## «САДДИ ИСКАНДАРИЙ»

«Садди Искандарий» Навоий «Хамса»сининг охириги, яқунловчи дostonи бўлиб, унда «Хамса»нинг итмоми ва унинг буюк сўз соҳиблари томонидан эътироф этилгани ҳақида махсус фасл ҳам мавжуд. «Садди Искандарий»да Навоий «Хамса»нинг аввалги дostonларида баҳс юритган фикрларига умумий хулоса-хотима ясайди. Муаллиф аввалги дostonларнинг, улардаги ижтимоий-мафкуравий, маънавий-маърифий, ахлоқий-

фалсафий, ҳаётий ва илоҳий қарашларини янада бойитади, уларни тадрижий такомилли ва интиҳосига етказди. Шу маънода, айтиш лозимки, Искандар буюк инсонпарвар шоирнинг лирик, эпик ва бошқа асарларида яратган подшолар тимсолларининг, Навоий наздидаги адолатли ва маърифатпарвар шоҳнинг мукаммал бадий тимсоли тажассумидир.

Маълумки, Искандар номи билан Яқин ва Ўрта Шарк мамлакатларида Искандари Зулқарнайн, Искандари Румий ёки Искандар Макдон деб юритилган Александр Македонский тасаввур қилинади. Аммо, шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Навоий тимсоли билан тарихий Искандар ўртасида айрим ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлса-да, Навоий талқинидаги Искандар мутлақо тарихий Искандар – Александр Македонский эмас. Навоий Искандари шоир орзу қилган адолатли ва маърифатпарвар шоҳнинг мукаммал тимсолидир. Зеро, Навоий «Тарихи мулуки аҷам»да таъкидлаганидек, «Искандар нисбатида ихтилоф кўптур...».<sup>2</sup>

Искандар мавзуи Алишер Навоий тафаккури ва талқинида ўзининг янги ва юксак мақомини топди. Навоий Искандар тимсолини, яъни ўз «Хамса»сининг анъанага кўра, бешинчи достонини яратишга киришар экан, вазифасининг нечоғлик катта ва ўта масъулиятли эканлигини чуқур ҳис этади. Бунинг учун катта адабий, бадий салоҳият ва ҳаётий тажрибадан ташқари, араб, форс, турк ва бошқа тиллардаги мавжуд маълумотларни тўплаши, жиддий ўрганиши ва шулар асосида ўз ҳаёли-хотиридаги буюк фотих, олим ҳамда ўзгаларга ибрат-намуна бўла оладиган шоҳ тимсолини яратишни мақсад қилиб кўяди.

Маълумки, Навоий Искандар образига қайта-қайта мурожаат этади. Дастлаб «Ҳайрат ул-аброр»да Искандар ҳикоясини яратган шоир, «Искандарнинг етти иқлим мамолигини панжаи тасарруфига кийирғони ва холий идик била

---

<sup>2</sup> Александр номи Шарқда «Искандар» сўзи билан юритилади «Румий» ва «Макдон» эса унинг ватанини, «Зулқарнайн» («Икки шоҳли») атамаси Искандарнинг илоҳийлаштириш замириди унга нисбат берилган сифатини англатади.



оламдан рихлат маркабин сурғони» тўғрисида сўзлайди. Ҳикоя – ибрат. Унда, бир томондан, улуғ музаффарлик, шаън-шавкат.., иккинчи томондан, ҳолизабунлик, банданинг ким бўлишлигидан қатъи назар, охир-оқибатда мағлублиги – «холоий илик, била оламдин рихлат маркабин сур»иши, дунёга, тахту жоҳга эътимод кўймаслик, инсон бир умр эзгу мақсадлар билан яшамоғи қераклиги ҳақида ўғит-насиҳат беради. Зеро, бу борада мутафаккир ва мураббий шоирнинг фикри қатъий:

*Кимники, тахт уза қилур аржуманд,  
Тахта уза оқибат айлар нажанд.  
Ҳар киши шаъни-ки рафеъ айлади,  
Амрига оламни мутеъ айлади.  
Қилди яна жавр била зердаст,  
Даст ба даст айлади тупроққа наст.*

Искандар ҳақидаги бир қадар тўлиқроқ маълумотни Навоийнинг «Тарихи мулуки ажам» («Ажам подшоҳлари тарихи»)дан олиш мумкин. «Искандар нисбатида ихтилоф кўптур», деган муаллиф, масалага тегишли, илмий-назарий, тарихий-маноқибий, адабий-бадий манбаларни номма-ном кўрсатади. Булар Жалолоийнинг «Низомут-таворих» («Тарихлар низомномаси»), Банокатийнинг «Жомеъут-таворих», Имом Муҳаммад Ғазолийнинг «Насиҳатул-мулук», Шайх Бу Али Мискавийнинг «Одобул-ароб вал-фурс», Ҳамдуллоҳ ал-Муставфийнинг «Мунтаҳобут-таворих» асарлари, яна «Девонун-насаб», муаррих Қози Байзавий ва бошқадарнинг қатор илмий, адабий, бадий обидаларидир.

Искандар насаби ҳақида Навоий шундай ёзади: «Баъзи ани Дороб ўғли дебтурлар... Ва Банокатийда ва «Девонун-насаб» кигобидин мундоқ нақл қилибтурларким, Искандар Хирмиси Румий ўғлидурким, Хирмис отаси Лафти бинни Юнон бинни Тораҳ бинни Ёфас бинни Нухдир...». Бошқа бир ривоятда Бозур бинни Албон билан Искандария подшоҳи ўртасида узоқ вақт келишмовчиликлар, жангу жадаллар давом этади. Ниҳоят, икки ўртада ахил-иттифоқчиликни йўлга қўйиш учун Бозур Афлюннинг кизига уйланади... Ўртада фарзанд туғилади, унга Искандар деб исм қўйишади. Искандар «Оз вақтда жамеъ

фазоил ва камолотни касб қилиб сипоҳийлик русули ва баҳодирлик фунунида ҳам ягона бўлади».

Шундан сўнг, Навоий Искандарнинг дунё кезиши ва дунёни эгаллаши, тириклик сувини излаши ва унга етолмаслиги, шаҳарлар бунёд этиши, Доро билан жангги ва Искандарнинг ғолиб чиқиши ҳамда дунёнинг, мансабу жоҳнинг ҳеч кимга вафо қилмаслиги, шундай экан, Инсон ўзлигини англамоғи, ўткинчи хою-ҳавасга берилмаслиги ва бошқалар ҳақида баҳс-мушоҳада юритиб, наслларга улуғ ибратлар беради...

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Алишер Навоийни тарихий Искандар эмас, балки бадиий адабиётда анъанавий тус олган Искандар ва унинг фаолияти кизиқтирар эди. Бинобарин Навоий ўз олдига мавжуд материалларни танлаш, саралаш ва уларни ижодий қайта ишлаш, янги материаллар киритиш, Искандар тимсолини ва ундан кузатилган амалий мақсадни ўзи яшаган замин ва замонга – XV аср ҳаётига яқинлаштириш, подшо ва халқ, подшо ва сарой аҳли, подшо ва қўшин, подшо ва илм-маърифат аҳли каби масалаларни ёритишни, хуллас, ўз идеалидаги мукамал Шоҳ тимсолини яратишни ва ундан ўзга шохларнинг, хусусан, темурий шахзодаларнинг ибрат олишини вазифа қилиб қўяди.

«Садди Искандарий»да бир қанча олимлар тимсоллари мавжуд. Улар қомусий билимлари, ақлу заковати билан, ижодкордиклари билан ҳар қандай мушкулртларни ҳал қилишган, эзгу мақсадлар йўлида курашиб, инсониятга чексиз манфаатлар келтиришган. Булар Нақуможис (достонда Арастунинг отаси), Арасту (Аристотель), Филотун – Афлотун (Платон), Сукрот (Сократ), Аскалинус (Искилинус), Букрот (Гиппократ), Хурмус (Гермес) ва Файсоғурс (Пифагор)лардир. Қадим замонлардан бошлаб антик грек олимлари ва файласуфлари, хусусан, Аристотель, Платон, Сократ, Гиппократ ва бошқалар Яқин ва Ўрта Шарқ халқларига ҳам яхши таниш бўлиб, уларнинг кўпгина асарлари араб тилига таржима қилинган ва қадим Турон ва бошқа сарзаминларнинг олимлари томонидан шарҳланган, таҳлил қилинган ва айримлари ижодий қайта ишланган эди. Аммо Навоий «Садди Искандарий»да қадим дунё одимлари, файласуфларининг тарихий образларини яратиш ёхуд уларнинг илмий фаолиятлари ҳақида маълумот

бериш, илмий-фалсафий қарашларини ёритиш мақсадини ўз олдига қўймайди. Достонда улар тилидан баён этилган фикр-мулоҳазалар Навоийнинг ўз фикр-мулоҳазаларидир...

Навоий «Садди Искандарий»да олижаноб инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган Бону (Искандарнинг онаси), Луъбати Чин (Чин қўғирчоғи) каби ҳар томонлама етук, оқила, комила, саботли, матонатли хотин-қизлар тимсолларини яратган.

Бону – мушфиқ ва меҳрибон она. Бугун куч-қуввати, ақли-идрокини, бир сўз билан айтганда, жисми-жонини фарзанди-аржуманди Искандарга, унинг тарбияси ва камолотига бағишлайди. У олижаноб, фидойи, тажрибали ва тадбиркор аёл сифатида давлат ишларида, адолат ва осойишталик бобида катта фаоллик кўрсатади, ўғлига насихату маслаҳатлар беради, эзгу ишларига сидқидилдан мададкорлик қилади...

Луъбати Чин – Чин гўзали, ҳусну чиройда тенгсиз бўлиши оилан бирга, жасоратда ва матонатда ҳам кишиларни ҳайратга солади.

### «ЛИСОН УТ-ТАЙР»

Алишер Навоий ҳаётининг сўнги йилларида – 1499 йилда ўзининг «Лисон ут-тайр», яъни «Куш тили» деб номланган достонини яратди. «Лисон ут-тайр» мураккаб фалсафий-сўфиёна достон бўлиб, унда Навоий мажозий образлар ва уларнинг рамзли саргузаштлари орқали объектив борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашларини баён этади, шу билан бирга, у реал ҳаёт лавҳаларини, кишиларнинг хатти-ҳаракати, феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятларни тасвирлайди.

Алишер Навоий ушбу асарнинг ўзида маълумот беришича, 9-10 ёшларида Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонини жуда ёқтириб қолади ва шу достонни тинимсиз мутолаа қилади. Бу асар унга ҳатто ёд бўлиб қолган эди. «Мантиқ ут-тайр» унга умрбод йўлдош бўлди. Шоир умрининг сўнги йилларида унга жавоб ёзишга журъат этди. Зеро, бундай мукамал достонни фақатгина инсон ва унинг умри, моҳиятини, ҳаётни, илоҳиётни англаш, тушуниш, фалсафий идрок этиш натижасидагина яратиш мумкин эди.

«Лисон ут-тайр» достонининг бош ғояси – ваҳдати-вужуд (вужуд ягоналиги) ва тажаллий (асл моянинг оламдаги зухуроти) Алишер Навоий маънавий ҳаётининг мағзини ташкил этади. Достондаги бош қолипловчи ҳикоя: жаҳон қушларининг йиғилишиб, мартаба ва фазилатларига кўра жой талашиб воқеаси билан бошланади. Қушларнинг Худхуд бошчилигида Симурғни излаб етти водийдан (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Ғақру Фано) ўтишлари ва Симурғни тополмай, Симурғ, яъни уни излашга чиққан си мурғ (ўттиз қуш)нинг ўзи эканлигини билишлари, достондаги Шайх Санъон қиссаси ва ўнлаб ҳикояларидан чиқадиган хулоса битта эканлиги: одам – борлиқ Оллоҳнинг зухуридан иборатдир. Қушлар (одамлар) Симурғни излаб (яъни худога етишиш учун) йўлга чиқадилар. Худо излашга умр сарфлайдиган дарвешлар етти риёзат босқичидан (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Ғақру Фано) ўтадилар ва руҳга айлангач худо билан қовушадилар. Гуё Оллоҳ – қуёшдир, оламдаги барча нарса ва одамлар унинг нур-зарраларидир. Туғилиш – зарранинг қуёшдан узилиб, нурга айланиб кетиш; ўлим эса зарранинг аслига қайтиб қуёш бағрига етишишдир.

«Лисон ут-тайр» достони Алишер Навоийни қандай диний ва дунёвий масалалар банд этгани билан таништиради. Инсон дунёга келган экан, ҳамиша талаб йулига кириши, изланиш, ўз маҳбубаси ёки севган касбига чин муҳаббат билан ёндашуви лозимлиги, у ҳақда тўғри билим ҳосил қилиш – маърифатли булиши кераклиги, камолотга етиш зарурати каби муҳим масалаларни чуқур ўйлашга ундайди. «Лисон ут-тайр» достони Навоийнинг диний-сўфиёна қарашларини ўзида ифода этган фалсафий асардир. Шоир бу достонида мажоз усулидан, рамзлардан фойдаланди, достоннинг сюжетини ҳам, унинг персонажларини ҳам шу асосда яратди. Бундан ташқари, Навоий турли хил воқеаларни ҳикоя қилар экан, бошқа асарлардан фарқли равишда, айрим ўринларда «қиссадан ҳисса» чиқармайди, персонажлар фаолияти ва хулқ-атворига баҳо бермайди, буларнинг барчасини у китобхоннинг ўзига ҳавола қилади, эҳтимол, «Лисон ут-тайр» достонининг турлича талқин этилишининг сабаби ҳам шундадир.

«Лисон ут-тайр» анъанавий ҳамд, муножот, наът, меърожнома, чорёрлар васфи билан бошланади. Достон мукаддимасида Фариддин Атторга бағишланган боб алоҳида аҳамиятга эга. Достон хотимасида шоир асарнинг яратилиш тарихи, асарда қўллаган «Фоний» таҳаллуси тўғрисида тўхтаб ўтади.

«Лисуон ут-тайр» 192 кичик бобдан иборат. Бу боблар алоҳида эпизодларни, савол-жавобларни ва кичик ҳажмли ҳикоя масалларни ўз ичига олади. Достонда Худхуд бошлиқ турли қушларнинг Симурғни излашлари достоннинг қолипловчи ҳикояси – масали бўлиб, шу ҳикоянинг ичида жуда кўп масал ва ҳикоялар, мунозаралар берилади. Достонни шартли равишда «Мукаддима», Симурғ таърифи, Симурғни излаш йўлида, Водийлар таъриф-тавсифи, Муножотлар қисми ва «Хотима»га ажратиш мумкин. Достоннинг сюжети мажозий бўлгани каби, ундаги тимсоллар ҳам мажозийдир. Симурғ – худо, Худхуд – шайх, муршид, қушлар – кишилар, аниқроғи тариқат йўлига киришга отланган солиқлардир. Навоий Симурғни тўла эътироф қилади, уни комил, энг олий борлиқ деб ҳисоблайди. Бйроқ у Худони оламдан ташқарида эмас, балки шу оламнинг ўзида, бутун коинот ва мавжудотда мужассамлашган, ҳар бир кимса ва нарсада зухур этган олий моя – субстанция деб тушунади. Худхуд раҳномолигидаги қушларнинг улуғ мақсади Симурғга етиш экан, бу мажозий мазмун замирида солиқнинг ҳақ васлига етишиш учун чеккан азоб-уқубатларини англаш мумкин. Достон қушлар босиб ўтиши мумкин бўлган етти водий (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру Фано водийлари) тасаввуф йулига кирган солиқ, риёзат чекиб босиб ўтиши лозим бўлган тариқат мақомининг етти босқичидир. Бу водийларни босиб ўтиш учун отланган юзлаб қушлардан қанча-қанчаси азоб-уқубатга дош беролмай ҳалок бўлади, чўлу-биёбонларда қолиб кетади. Бу эса сўфийлик йўлига кирган солиқ ўзининг улуғ мақсадига етиш учун ҳамма нарсага, ҳатто жондан кечишга ҳам тайёр туриши лозимлигини англатади. Қушлардан фақат ўттизтаси мақсад манзилига етиб келди. Навоийнинг таъкидлашича, энди бу ўттиз қуш Симурғни излашдан воз кечди, чунки уларнинг ўзи – ўттиз қуш – (си – ўттиз, мурғ – қуш) – Симурғ эканлигини англадилар:

*...Кўрдилар ўзни қаёнким тушиди кўз,  
Олло – олло, не ажойибдур бу сўз,  
Ким қилиб Симураг ўттиз қуш ҳавас,  
Ўзларин кўрдидар ул Симураг бас.*

Демак, кушларнинг энди Симурагни излаши беҳуда эди. Уларнинг ўзи ўша Симурагнинг зарраси, унинг зуҳури эди. Навоийнинг ўзи буни сўз ўйини воситаси билан яқунлайди. Бу яқун дostonнинг фалсафий-ғояфий яқуни ҳам эди.

«Лисон ут-тайр»дан кўплаб ҳикоялар ўрин боған. Буларнинг айримлари тарихий илдизларга эга бўлган, афсонага айланган шайхлар, авлиёлар ҳаёти билан боғлиқ ҳикоялардир. Шайх Санъон, Нажмиддин Кубро ҳикоядарини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Маълум фикрни, даъвони асослашни учун Шарқ адабиётидаги анънага мувофиқ ҳолда келтирилган ушбу ва шунга ўхшаш бошқа ҳикояларнинг ҳаммаси жуда гўзал юксак санъаткорлик маҳорати билан ифодаланган, жонли ва реалистик, жалб этувчи ҳикоялардир. Мазкур ҳикояларда Навоий тариқат, сўфийлик, фақру фано йўлига кирганларнинг табиатга, дунёга ўз ҳаёти ва ўзлигига муносабатини ифодадайтиди. Бу ҳикоялар Навоий ижодининг меваларидир. Ударда Навоий чинакам муҳаббатни улуғлайди. Айёрлик ва фирибгарликни, тамагирлик ва текинхўрликни, нодонлик ва жоҳилликни, хуллас, яшаган муҳитининг бир қатор иллатларини қаттиқ танқид қилади. Гўзал подшо, қаллоб заргар, ўқувсиз боғбон, тўймас полвон ва бошқалар ҳақидаги ҳикоялар шулар жумласидандир. Навоийнинг бу ҳикоялари унинг кичик эпик жанрда ҳам катта бадиий маҳорат эгаси эканини кўрсатади.

Бу ҳикоялар орасида, айниқса, Шайх Санъон ҳикояси алоҳида аҳамиятга эга. Шайх Санъон тарсо санамга кўнгил бериб, Каъбадан воз кечиб, куръонни ўтда ёкиб юрганида, яъни исломга қарши хатти-ҳаракатларини учига чиқарганида у худо хусни фидойиси эди: тарсо санамда оллоҳ хуснига маҳлиё бўлган ва ҳамма нарсдан унинг у учун воз кечган эди. Яъни тарсо санамда оллоҳ хусни тажаллий этган эди, жилви қилган эди.

Тасаввуфдаги ана шу ўзак масала – оламнинг Оллоҳ жилвасидан иборатлиги, Одамнинг Оллоҳ куёшининг зарраси

эканлиги ҳақидаги таълимот Фариддин Аттор ижоди, Алишер Навоий ижоди ва Машраб ижодида ўзак томир сифатида яшайди,

Навоий «Лисон ут-тайр» ҳикояларида ҳам худди асарларидаги сингари қаллоблик ва ҳийлагарликни, нодонлик ва жоҳилликни танқид қилади. Масалан, бир ҳикояда оддий тош ва шишаларни асл тош деб сотиб юрган, лекин охири сири фош бўлиб қатл қилинган қаллоб заргар саргузаштини, яна бир ҳикояда ўз касбини яхши билмай, жоҳиллиги туфайли ҳалок бўлган боғбон саргузаштини баён этади.

«Лисон ут-тайр» сюжети ва композицияси мураккаб дostonдир. Худхуд бошлиқ турли қушларнинг Симурғни излаш саргузаштлари дostonнинг асосий воқеасини ҳамда қолипловчи ҳикоясини ташкил этади. Қолипловчи ҳикояда Симурғ, Худхуд, Тўти, Кумри, Кабутар, Қарчиғай ва Хумо каби мажозий образлар яратилган. Симурғ Худдонинг рамзи. У дostonда бевосита иштирок этмайди, бироқ бутун воқеалар шу образ билан боғланади. Бошқа қушлар эса дostonдаги воқеаларнинг бевосита иштирокчиларидир. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Худхуд. 2. Барча бошқа қушлар.

Худхуд – ҳақ йўлига бошловчи, тариқат раҳномаси – муршид – шайх тимсоли. Бошқа қушлар эса тариқат йўлига кирган солиқлар тимсолидир. Шоир қушлар тимсолида солиқлар тимсолини яратсада, шу билан бирга, ҳар бир қушнинг ўзига хос сифати, ҳаёти ва табиати билан тасвирлайди, бошқача айтганда қушларнинг «қушлиги»ни ҳам сақлаб қолади. Бу шоирнинг мажозий образлар яратиш ва уларни индивидуаллаштиришдаги маҳорати эди.

«Лисон ут-тайр»да қолипловчи ҳикоя ичига жойлашган кўпгина кичик ҳикоялар қолипловчи ҳикоядан келиб чиққан бирор масалани ёритиш ва конкретлаштириш учун иллюстрация вазифасини бажаради. Айни пайтда улар мустақил ҳикоячалар бўлиб, ҳар бирининг ўз мавзуси ва мақсади, мустақил сюжети ва композицияси, тимсоллари бир. Бу ҳикояларда шоир кичик бир воқеа тасвири билан катта масалани ечади, ибратли хулосалар чиқаради.

«Лисон ут-тайр» рамал баҳрида (рамали мусаддаси маҳзуф -фоилотун, фоилотун, фоилун) ёзилган. У классик адабиётдаги бошқа дostonлар каби маснавий йўлида қoфияланган.

Хуллас, «Лисон ут-тайр» дostonи орқали Алишер Навоийни қандай диний ва дунёвий масалалар банд этгани билан танишиш мумкин. Дostonни ўқиган кишини албатта, инсон оламга келган экан, ҳамиша талаб йўлига киришиши, изланиши, ўз маҳбубаси ёки севган касбига чин муҳаббат билан ёндашуви лозимлиги, у ҳақда тўғри билим ҳосил қилиши, маърифатли бўлиши кераклиги, камолотга етиш зарурати каби муҳим масалалар ўйлантиради.

### **«МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ»**

«Маҳбуб ул-қулуб улут мутафаккир ва буюк шоир Алишер Навоийнинг умри охирида 906 (1500-1501) йилда ёзилган насрий асардир. Бу асар муаллифнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва хулосалари, йиғиндисидир. Навоий бу асарида ҳаётдан олган тажрибаларига, таассуротларига, ўзининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларига яқун яшаш, турли ижтимоий табақа, ва гуруҳларни тасниф ва таъриф қилиб, уларнинг бурчи ҳамда вазифаларини ёритиш, айримларининг фаолияти, хатти-ҳаракати ва хулқ-атворидаги иллатларни фoш этиш, уларни яхшиликка йўллаш, мақсадини ўз олдига қўяди. Бу асар Навоийнинг кузатган мақсадига кўра, ижтимоий-сиёсий масалалар ва ахлоқ-одоб бўйича бир дастурамал бўлиши, ҳаётни тузатиш ва яхшилашга хизмат қилиши лозим эди. Шоир жуда мураккаб ва зиддиятли ҳаёт йўлини босиб ўтди, ўзи яшаган замоннинг, муҳитнинг муаммо ва қарама-қаршиликлари билан бирга яшади, бу муаммо ва қарама-қаршиликлардан айримларининг моҳияти ва сабабларини тушунди, айримлари олдидан ожиз бўлиб қолди. Ўз ҳаёти ҳақида шоир «Маҳбуб ул-қулуб»нинг муқаддимасида шундай дейди:

***Гаҳе топтим фалакдин нотавонлог,  
Гаҳе кўрдум замондин комронлиг,***



***Басе иссиқ-совуз курдум замонда,  
Басе аччиқ-чучук топтим жаҳонда.***

Навоий ўзининг мураккаб ҳаёти ва кураш йўлини, ушбу асарининг яратилиш сабаби ва мақсадларини таъкидлайди, асарнинг номланишини изоҳлаб беради, яъни:

«Чун бу мақолатларнинг кулубқа маҳбублиғи маълум бўлди, онга «Маҳбуб ул-кулуб» («Кўнгилларнинг севгани») от кўюлди».

Асарнинг қадимги қўлёзма нусхалари жуда оз. Қўлёзма нусхалардан учтаси XVI асрга, қолганлари XVIII-XIX асрларга мансуб.

«Маҳбуб ул-кулуб» фалсафий ва ахлоқий-таълимий асар. Унда Навоий XV асрдаги ижтимоий табақа ва гуруҳларни тасниф ва таъриф қилади, ўз ижтимоий-сисёий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этади, панд ва танбеҳ беради. Шу жиҳатдан ушбу асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома» ва «Рўшноинома», Саъдийнинг «Гулистон», «Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон» асарлари типигаги ўзига хос бир насиҳатномадир.

«Маҳбуб ул-кулуб» унда кўйилган масалаларнинг характерига қараб, 3 қисмга бўлинади:

Аввалги биринчи қисм – халойиқнинг аҳволи ва феъл-атвори ҳамда сўзларининг кайфияти.

Иккинчи қисм – яхши қилиқлар ва ёмон хислатлар хусусияти.

Учинчи қисм – яхшиликнинг натижаси ва ёмон хислатларнинг оқибати.

Асарнинг биринчи қисми кишиларнинг аҳволи, феъл-атвори ва гап-сўзларининг аҳамияти ҳақида бўлиб, у 40 фаслдан ибрат. Навоий бу ўринда турли ижтимоий табақа ва гуруҳларни тасниф қилади, таърифлайди. XV асрнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳақида кенг маълумот беради ва ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари, орзу-идеаллари билан мукамал таништиради.

Адиб ижтимоий табақа ва гуруҳларни тавсифлар ва таърифлар экан, эл-юрт манфаатини, давлат ҳокимиятининг мустаҳкам ва барқарор бўлишини, иқтисодий, маданий

тараккиёт истикболларини кўзда тутишга ҳаракат қилади. Шунингдек, адиб айрим гуруҳларни ёки баъзи хатти-ҳаракатларни, хислатларини беаёв танқид қилади, халқпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини қизғин тартиб этади. Навоий ўзи яшаган муҳитнинг айрим иллат ва зиддиятларини танқид қилиб туриб, уларни маърифат билан, хулқ-атворини тарбиялаш йўли билан, панд-насихат ва ўғит қилиш билан тугатиш мумкин, деб айтади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Навоий ушбу асарида турли ижтимоий табақа ва гуруҳларни тасниф ва таъриф қилади. Жумладан, подшо ва амалдорлар ҳақида кенг ва батафсил тўхтаб ўтади. Навоий адолатли ва маърифатпарвар подшо бошлиқ марказлашган давлат ҳокимияти учун кураш ғоясини илгари суради. Навоийнинг фикрича, мамлакат сиёсий, ҳокимиятининг мустақамлиги ҳам, иқтисодий ва маданий тараккиёти, эл-юртнинг осойишталиги ҳам аввало ҳукмдорнинг ўзига, унинг шахсий фаолияти ва шахсий хислатларига боғлиқ. Навоий бошқа асарларида (масалан: «Ҳайрат ул-аброр») таъкидлаганидек ҳукмдорларни «яхши» ва «ёмон» ҳукмдорларга ажратади, «яхши» ҳукмдорларни таъриф қилади, мактайди, «ёмон» ҳукмдорларни қаттиқ танқид қилади, қоралайди. Одил ва оқил ҳукмдор туфайли мамлакат обод, эл-юрт шод ва фаровон бўлади, фақирларнинг хуррамлиги, мусофирлар йўлининг бехатарлиги, болаларининг қувноқлиги – ҳамма-ҳаммаси ҳукмдорнинг адолати ва маърифатидандир. Мана шундай ҳукмдорни орзу қилган Навоий уни «золим ва жоҳил ва фосиқ» подшоларга қарама-қарши кўяди. Золим подшоҳ назарида, дейди Навоий узоқ муддат сидқидилдан яхши хизмат қилганларнинг мутлақо эътибори йўқ. Чунки у кичик бир хато учун нобуд қилиб юборишга тайёр. У ўта жоҳил бўлиб, фиқ-фужурни, лаганбардонликни севади ва ҳ.к. Навоийнинг бундай золим шоҳга берган баҳоси аввалдан охирга қадар қош қилиш ва қорадаш руҳида ёзилган. Навоийнинг сарой амалдорлари, шоҳ атрофидаги мансабдорлар ва бошқа нуфузли табақалар ҳақидаги барча айтганлари ўта танқидий руҳда ёзилган. Адиб ўзи яшаб ижод этган муҳитнинг иллатларини аёвсиз тарзда қош этиб ташлайди.

«Махбуб ул-қулуб»нинг «Лашкарлар ва ҳарбий юришдаги қора черик тўғрисида»ги қисмида деҳқонлар, уларнинг яратувчанлик кудрати ва меҳнатининг баракаси ҳақидаги фасл алоҳида юрак тафти билан қаламга олинган. Айнан шу қисмдаги мударрислар, табиблар, котиблар каби ижтимоий гуруҳлар ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир. Олим бу тоифадаги кишилар ҳақида гапирар экан, уларга хос бўлган камчиликлар ва шу билан бир қаторда, уларнинг ижобий томонларини кўрсатиб беради.

Жумладан, мударрислар Навоийнинг фикрича, жумла жамият учун керак. Аммо улар амалпараст бўлмаслиги, ўзи, билмаган нарсалар ҳақида сўзламаслиги лозим. Шунингдек, бир камчиликлардан фориғ бўлишлари зарур. Табиблар ҳақида фикр юритар экан, бу тоифа ўз ишида маҳоратли, беморларга шавқатли ва марҳаматли, айниқса улар билан хушмуомала бўлиши лозим, деб алоҳида уқтиради.

Алишер Навоий замонанинг маърифат тарқатувчилари котибларнинг меҳнатига катта баҳо беради. Навоий котибларни сўз хазинасининг хазинадори деб атайди. Хати чиройли котиблар сўзга оройиш беради, сўзлагувчига эса осойиш етказди, дейди у. Бу ғоят муҳим ва масъулиятли санъатга катта талабчанлик билан қараган Навоий унинг намояндалари орасида саводсиз, лоқайд ва бадхатлари бўлишини истамайди ва ўз нафратини ана шундайларга қаратади.

Алишер Навоийнинг адабиёт ва санъат намояндаларига қарашлари ҳам ғоят муҳимдир. Чунки Навоийнинг қарашлари фақатгина оддий назариётчи ёки холис тарихнависнинг қарашини балки бутун бир давр маданий ва адабий ҳаётини йўналтириб турган, унинг бурчини белгилаб берган буюк арбобнинг, маданият хомийсининг қарашидир.

Навоий шеърга ва шоирларга юксак баҳо беради, шоирларни тоифаларга ажратади. Тасаввуф йўлида ижод қилган шоирларга, мажоз йўли орқали тасаввуф ғояларини ифодаловчи шоирларга, фақат дунёвий муҳаббатни куйловчи шоирларга таъриф беради Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий, Хисрав Дехлавий, Санойӣ, Ҳофиз, Салмон Соважий, Носир Бухорий ва кўплаб бошқа шоирларнинг номини алоҳида ҳурмат

билан тилга олади. Абдурахмон Жомий ижодини таъриф-тавсиф қилади.

Алишер Навоий дин ва тасаввуф аҳлига алоҳида эътибор берган эди ва ушбу асарида ҳам бир бобни шу масалага бағишлайди. Навоий дин ва шариатни эътироф қилади, тасаввуфнинг XV асрда кенг ёйилган тариқати нақшбандийликка эътиқод билан қарайди. Унинг фикрича, дин – шариат пешволари, шайхлар ва сўфийлар диннинг асосларини тарғиб қилишлари ва шариатнинг қонун-қоидаларини ҳимоя этишлари ҳамда кишиларнинг ҳулқ-атворини тарбиялашлари ва ўз фазилатлари билан ҳаммага намуна бўлишлари керак.

У дин – шариат пешволари, тасаввуф аҳлларини ҳам «яхши» ва «ёмон»га ажратади, бирини мақтайди, иккинчисини танқид қилади, айримларини қоралайди. Дин – шариат пешволарининг, тасаввуф аҳлларининг бурч ва вазифаларини баён этади.

«Маҳбуб ул-қулуб» ўзига хос насиҳатномадир. Ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг таърифида қимматли ахлоқий-таълимий фикрларни илгари сурган Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисмидаги айрим бобларни ва бутун учинчи қисмини ахлоқ-одоб масалаларига бағишлайди. «Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисм ўн фасл(боб)дан иборат. Унда тавба, захд, таваккул, қаноат, сабр, тавозуъ ва одоб, шариат, таважжуҳ (назар солиш), ризо ва ишқдан иборат бўлиб, булардан икки боб: тавозуъ ва одоб ҳамда ишқ бовосита ахлоқ-одоб масалаларини ифодалайди, қолган бобларда эсаа ахлоқ-одобга доир баъзи ўринлар бор. «Маҳбуб ул-қулуб»нинг укинчи қисми кичик-кичик танбехлардан, ҳикоялардан мақол ва ҳикматли сўзлардан ташкил топган.

«Маҳбуб ул-қулуб»да адиб севги ва садоқат масалаларига алоҳида эътибор беради. Ажойиб ошиқлар сифатида Фарҳод ва Мажнун номини зикр этади, Хисрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийни севгининг ҳароратли куйчиси деб баҳолайди.

Навоий ишқни уч қисм (турга) ажратади: 1. Авом ишқи (оддий кишилар ишқи); 2. Хавос ишқи (хос кишилар ишқи); 3 Сиддиқ ишқи ( Ҳақ, рост сўзли кишилар ишқи).

Авом ишқида Навоий бир-бирини севиб қолган, муддаоси фақат бирга бўлишга қаратилган ва никоҳ билан мурод-мақсади хосил бўлувчи кишиларнинг ишқини кўзда тутди.

Унинг таърифича хавос севгиси, пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдир ва пок кўнгул ул пок юз ошубидан кўзгалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи пок маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқдир.

Учинчи турдаги севги дунёдан ва реал ҳаётнинг бутун неъматларидан воз кечганлар севгиси. Навоийнинг фикри ва таъбирича, бу севги олам ва инсоннинг худонинг зуҳури эканини тушунмай, бутун орзу-мақсадни у дунёга, худога қовушишга қаратган кишиларнинг севгисидир.

Бошқа бобларда Навоий ислом дини ва шариатни тарғиб этади, улардаги ижтимоий-ахлоқий фикрларни ёритади. Қаноат, сабр, саховат, ҳиммат, мурувват, вафо, тил одоби ва бошқалар ҳақида сўзлайди, танбехлар, мақол ва ҳикматли сўзлар келтиради. Навоий тил одобига катта эътибор бериб, кишиларни қисқа ва мазмунли, ўринли ва мантиқли сўзлашга чақиради, сергак, лақма ва тилига ортиқча эрк берганларни қоралайди. Шу билан бирга, у мақтанчоқ ва кибр-ҳавога берилган кишиларни ҳам аччиқ танқид қилади.

Навоийнинг бу асари ёшларни маънавий баркамол бўлишга чақиради. Асарда яна бир қатор ахлоқий-таълимий масалалар бўйича қимматли ўғитлар, панд-насиҳатлар бор.

Демак, «Маҳбуб ул-қулуб» XV аср фалсафий-бадий тафаккурининг намунаси сифатида ҳамда бадий проза таракқиётининг намунаси сифатида алоҳида қимматга эга бўлган асардир.

## НАВОИЙ – АДАБИЁТШУНОС

Бобокалон шоир Алишер Навоий мислсиз сўз санъаткори, шу билан бирга, ўз даврининг атоқли назарийтчиси – адабиётшуноси, адабий-эстетик тафаккур оламининг улкан намояндаларидан биридир. Навоий сўз санъатининг турли масалаларига доир қимматли фикр-қарашлари, илмий-адабий ёдгорликлари ҳамда кўплаб замондошларининг асарларига доир

мулоҳаза-маслаҳатлари билан бадиий адабиётнинг ҳаёт эҳтиёжларига жавоб бериши, инсон ва унинг саодати учун хизмат қилишига жиддий эътибор берди, умр бўйи шу мақсад йулида курашди. Демак, Навоий адабий-эстетик тафаккур ва унинг тараққиёти учун ҳам беқиёс хизмат қилди. Айни хизматлари билан у кейинги асрлар адабиёти, адабий-эстетик тафаккури равнақига ҳам катта таъсир кўрсатди.

**Навоий – сўз санъати ҳақида.** Маълумки, Алишер Навоий адабиётшуносликка доир учта махсус асар яратди. Булар «Мажолис ун-нафоис» («Гўзал мажлислар»), «Мезон ул-авзон» («Вазнлар ўлчови») ва «Муфрадот» («Рисолаи муаммо» ёки «Муаммо ҳақида рисола») асарларидир. Ушбу асарлар миллий адабиётимизнинг, шеършунослигимиз, умуман, адабий-эстетик оламимизнинг бебаҳо кўзгусидир.

Биринчиси, «Мажолис ун-нафоис» 450 дан зиёд ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар, уларнинг ижоди, асарларидаги ютуқ-камчиликлари ҳақида баҳс юритувчи, муҳим маълумот-маърифат берувчи қомусий тазкира, обидадир.

Иккинчиси, «Мезон ул-авзон» адабиётшуносликка, адабиёт назариясига доир қимматли асар бўлиб, унда Навоий адабиёт назариясига сифатида, адабиётшунослигимизнинг етакчи тармоғи – аруз вазни ҳақида баҳс юритади, қимматли фикр-мулоҳазалар билдиради. Булар, ўз-ўзидан, аруз илмини бойитади, унинг тақомилини таъмин этади.

Учинчиси, «Муфрадот» адабиётшунослигимизнинг муҳим соҳасига, муаммо жанрига бағишланган бўлиб, унда санъаткор ва мутафаккир Навоий жанр хусусиятларини, унинг назарий-амалий жиҳатларини кўрсатиб, далиллар билан асослаб беради.

Алишер Навоий турли касбу қор, хунар ва ижод аҳлининг раҳномаси, яқин маслаҳатчи-мураббийси бўлгани каби, бадиий адабиётнинг, шу соҳа кишиларнинг ҳам раҳбари-раҳномаси эди. У сўз санъаткорлари, ижодкорлар билан доимий мулоқотда бўлар, улар яратган асарлар юзасидан ва умуман, адабиёт, шеърят бўйича суҳбатлар уюштирар, уларга мураббий устод сифатида маслаҳатлар берар, муваффақиятларидан севиниб, ижодий ишга янада кучлироқ иштиёқ, илҳом уйғотар эди.

Навоий фикрича, сўз, сўз санъати, кенг маънода, адабиёт маънавий оламнинг муҳим бир соҳаси. Шундай экан, сўз санъатсиз, бадиий адабиётсиз ҳаётни, унинг воқеа-ҳодисалари моҳиятини чуқур тасаввур қилиш қийин. Чунки бадиий адабиёт ўзида ҳаётни, унинг турли-хил ҳодисаларини, долзарб масалаларини акс эттиради. Шу орқали кишиларга ҳаётдан, унинг воқеа-ҳодисаларидан сабоқ беради. Дарҳақиқат, адабиёт чин маънода ҳаёт дастури. Ўзида ҳаётни, унинг ранг-баранг воқеа-ҳодисаларини акс эттирган бадиий адабиёт, сўзсиз, кишилар онгига, шуурига кучли таъсир кўрсатиб, китобхонларни эзгу мақсадларга чорлайди. Бинобарин Навоий сўз санъатининг маъно-моҳиятини, масъулиятини тийран англаган қалам эгаларини, улар яратган асарларни эътироф этади, мақтайди. Аксинча, дидсиз, салоҳиятсиз шоирларни, улар яратган маъно ва бадииятдан йироқ, нурсиз асарларни танқид қилади. Бундай шоирлар ва улар яратган асарлар ҳақида «Ҳайрат ул-аброр»да шундай дейди:

*Турфа буким, шеър кўюбон отини,  
Еткурубон кўкка мубоҳотини.  
Турфароқ улким, тониримни билиб,  
Ҳақдин уялмай, манга зоҳир қилиб.  
Ваҳки манга жилвагар айлар чоғи,  
Истабон эҳсон доғи, таҳсин доғи...*

Лавҳада мутафаккир шоирнинг сўз, сўз санъати, ижодкорнинг бурчи-вазифаси ҳақидаги фикр-қарашлари аниқ-тиниқ акс этган. Бугина эмас, ҳақиқий ижодкор сўзни, унинг сеҳру жодусини, кудратини чуқур англаши, сўз ганжинасидан моҳирона фойдалана билиши шарт:

*Донау дур сўзини афсона бил,  
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.*

Шоирнинг фикрича, олам-борликда сўздан ортиқ бойлик-ганжина йўқ. Ҳар қандай бойлик тугаши, йўқ бўлиши лозим, аммо сўз бойлиги тугамайди ва уни ўзгалар истифода этолмайди. Сўз – қалб ганжини ва уни қанча сарф қилган билан

тугамайди. Сўз қанча ишлатилса, шунча янгилиниб, жилолиниб туради ва киши, кишилар қалбига шунча роҳат-ҳаловат бағишлайди.

Бирок, сўзда ҳам сўз бор. Навоийча ҳақиқий сўз, бадий сўз (шеърят) чинакам жозобага – таъсирга эга бўлиши: бунинг учун, аввало, мазмунга, шу билан бирга, маълум шакл-тартибга солинган бўлиши керак. Аксинча, у гўзалликдан, таъсирдан йироқ оддий сўзга, тизмага айланиб қолади. Буни эса чинакам сўз, шеър дейиш мумкин эмас:

*Чун гараз сўздин зрур маъни анга,  
Ноқил ўлсун хоҳ хотун, хоҳ эр.*

Алишер Навоийнинг сўзга, сўз санъатига бу қадар катта талаб ва мезон билан қараши ўз даври адабий муҳитининг чинакам жонқуяри бўлганлигидан, ҳақиқий раҳнамолигидан далолат беради. У адабий жараёни, ундаги ҳар бир ўзгариш ва янгиликни жиддий кузатиб боради, ўзининг қизғин муносабатини билдиради. Шу жиҳатдан адибнинг «Мажолис ун-нафоис» («Гўзал мажлислар») асари алоҳида аҳамиятга эга.

**«Мажолисун-нафоис»** – адабиётшуносликнинг муҳим манбаи. Маълумки, «Мажолис ун-нафоис» – ўзбек тилида яратилган биринчи тазкира. Унда муаллиф ўз даври адабиёт аҳллариининг номларини ҳамда ижод намуналарини авлодларга битиб қолдиришни, шу орқали улар номларини абадийлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Тўғри, Навоийгача ҳам тазкиралар яратилган. Аммо улар форс-тожик тилида бўлиб, ўзбек китобхонларининг талаб ва эҳтиёжларини қондирилмас эди.

Форс тилида яратилган тазкираларнинг энг қадимийси, биринчиси Муҳаммад Авфийнинг «Лубоб ул-албоб» («Негизлар негизи») тазкираси бўлиб, у 1222 йилда тузилган. Галдагиси Давлатшоҳ Самарқандийнинг 1487 йилда яратган «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар ҳақида тазкира»)си бўлиб, муаллиф уни Навоийга бағишлайди. Шунингдек, 1486-87 йилларда Абдурахмон Жомий «Баҳористон» номли ахлоқий-бадий асар яратди. «Баҳористон»нинг 7 фасли(равзаси)да 30 дан ортик шоирлар ҳақида маълумотлар ва улар ижодидан намуналар



келтирилади. Тазкирада Навоий шаънига айтилган сўзлар, ижодига берилган баҳолар алоҳида аҳамиятга эга.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да ўз салафи Авфий ва замондошлари /Давлатшоҳ ва Жомийлардан ўзгача йўл тутиб, тазкираси материалларига улкан сўз санъаткори, буюк адабиёт тадқиқотчиси сифатида ёндашади, ўз даври адабиётига ўзининг илғор мақсадлари асосида муайян йўналиш беришга интилади, адабиётнинг моҳиятини талкин этиш, уни баҳолашда ўз даврининг энг илғор гуманисти ва ҳалқпарвари сифатида фикр юритади».

«Мажолис ун-нафоис»да ижод аҳли хронологияга (I, II, III фасллар), территорияга (IV фасл); касб-кори, мансабига (V, VI, VII, VIII фасллар) қараб саккиз мажлисга – бобга ажратилган. Тазкирада 459 шоир, шулардан 1-мажлисда – 46, 2-мажлисда – 91, 3-мажлисда – 175, 4- мажлисда – 72, 5-мажлисда – 21, 6-мажлисда – 31, 7-мажлисда – 22 шоир ва 8-мажлисда Хусайн Бойқаро номлари зикр этилиб, уларнинг асарларидан намуналар келтирилган.

«Мажолис ун-нафоис»нинг ушбу умумий қурилишидан ташқари, айти мажлисларнинг яна ички тартиби ҳам мавжуд. Давр анъанасига биноан, муаллиф «Мажолис ун-нафоис»ни «табаррак қилмоқ ниятида» шайхул машойих «Ҳожа Қосим Анвор зикри билан» бошланганлигини қайд қилади. Сўнгра унинг шогирдларидан Мир Махдум, Ҳофизи Саъд номлари зикр қилинади, асарларидан намуналар берилади ва бошқалар...

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да ўзи яшаган давр адабий муҳитини, унинг умумий аҳволини тасвирлар экан, маълум дарждада таҳлил ҳам қилади. «Мажолис»нинг муҳим хусусиятларидан яна бири шуки, муаллиф унда ўзига замондош бўлган барча шоирлар ва улар яратган асарлардан намуналарни келтиради. Ҳатто адабиёт майдонида энди кўрина бошлаган қалам соҳибларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Масалан:

«Мавлоно Сифотий эмди пайдо бўлғонлардиндур, фақир хануз ани кўрмайдурмен, аммо шеърини эшитибмен»; «Мавлоно Асирий ҳам эмди пайдо бўлғон хуштабъ йигитлардиндур...» ва ҳаказо. Булар шундан далолат берадики, Навоий ўзи бевосита кўрган, билган ва адабий мероси билан яқиндан таниш бўлган

ижодкорлардан ташқари, ҳали элга танилмаган, энди-энди ижод гулшанига кадам қўяётган ёш шоирлар, улар қаламига мансуб асарлар ҳақида ҳам сўраб-суриштиради, таъбир жоиз бўлса, уларни кашф этади, адабиёт аҳлига, кенг китобхонлар оммасига улар ҳақида мужассам маълумот бериб, таништиради.

XVI асрнинг ўзидаёқ уч бора, яъни: Ҳиротда Тахмаси шоҳнинг сарой шоири Фаҳрий бин Султон Муҳаммад Амирий (Ҳирот. 928/1521-1522 йиллар), турк олими Муҳаммад Қазвиний (Истамбул. 929/1522-1523 йиллар) ва Шоҳ Али Абдулали (Нишопур. 1006/1598 йил) томонидан форс тилига таржима қилинди. Ушбу таржиманинг тугалланмаган ягона нусхаси Британия музейида сақланади.

Фаҳрий Ҳиротий ва Муҳаммад Қазвиний таржималари 1945 йилда (ҳ. 1323) Техронда профессор Али Асғар Ҳикмат томонидан бир китобда нашр этилган.

«Мажолис ун-нафоис» – тазкира-мажмуъа. Аммо у комус аҳамиятга эга. Ундаги маълумотлар мўъжаз-мужассам. Бироқ, жуда муҳим, қизиқарли. Уларда қалам аҳлининг шахсиятига, ҳаётига доир, баҳоланаётган асарига тегишли етакчи хусусиятлар характерли далиллар асосида лўнда, асосли ва холис акс эттирилган..

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да шоирларга баҳо берар экан, муҳим жиҳатга, улар табиатидаги инсоний фазилатларга: одоби. ахлоқи, муамоласи, илми, меҳнатқашлиги ва бошқаларга алоҳида эътибор беради. Масалан, Абдурахмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Шайхим Сухайл Мирзобек, Саид Ҳасан Ардашер, Ҳофиз Шарбатий, Шоҳ Ғариб Мирзо, Мавлоно Шоҳий, Комил, Зиё ва бошқалар ана шундай комил инсонлар, камолот соҳиблари сифатида зикр қилинади.

Шу тариқа Навоий ҳар бир шоир шахсиятига бевосита, холис баҳо берар экан, улар табиатидаги айрим нуқсонларни, маънавий қиёфасидаги номукаммаликларни ҳам кўрсатиб ўтади. Масалан, Сайфий, Сайид Имод, Ҳофизи Саъд ва бошқаларнинг ичкиликка берилиб кетганлигини; Сайид Қуразо, Қутблакаданг, Абу Наср, Шоҳқули, Уйғур ва бошқаларнинг фитначи, дилозори, жангари эканликларини; Мавлоно Қавсий ва Мавлоно Осафийларнинг яхшигина иқтидори, салоҳияти бўла туриб, бадий ижод билан жиддий шуғулланмасликларини, аксинча

ялқовлик қилиб, азиз умрни беҳуда ўтказишлари, олифтагарчилик ва чапаничиликни касбу-камол (айникса, Осафий) қилиб олганликларини қаттиқ танқид қилади. Худди шундай Қанбарий, Зайний, Соқит, Вали Қаландар, Кавсарий ва бошқалар ҳақида ҳам афеус-надомат билан сўзлайди.

«Мажолис ун-нафоис»даги Али Оҳига берилган баҳо айни жиҳати билан алоҳида аҳамиятга эга. «Мавлоно Али Оҳий – Машҳаддиндур. «Хамса» муқобаласида неча маснавий айтибдур. Чун муқобалага келтурса бўлмас, гўёки ул жиҳатдин шуҳрат тутмайдур. «Хаёл ва висол» китобида бир байт бор, магарки мулҳими ғайб анинг тилига ўз шеъри бобида солғандурким:

***Шеърики бувад зи нукта сода,  
Монад ҳама умр як савода.***

Таржимаси: Шеър нозик (яхши) маънодан холи бўлса, бутун умр бир қоралик бўлиб қолади.

Хуллас, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да ўткир ва нозик фаҳм адабиётшунос олим, зийрак мунаққид сифатида ўз салоҳияти ва ижодий қудратини намойиш этди, тазкирачилигимизнинг тараққиёти ва такомиллиги муносиб улуш кўшди...

## **«МЕЗОН УЛ-АВЗОН» – ШЕЪРШУНОСЛИГИМИЗ ДАСТУРИ**

**«Аруз фани шариф фандур»  
Алишер Навоий.**

«Мезонул-авзон» («Вазнлар ўлчови») нафақат Алишер Навоий адабий мероси, балки адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади.

«Мезон ул-авзон» – аруз назариясига бағишланган асар. Аруз шеърятнинг жуда мураккаб вазн тури бўлиб, у илм сифатида дастлаб араб заминида пайдо бўлди. Кейинчалик ажамда ҳам ёйилиб узоқ асрлар мобайнида тараққий ва такомил

топди. Шу тарика аруз вазни араб шеърияти, форс тилидаги шеърият, ўзбек, озарбайжон, турк, туркман ва бошқа халқлар шеъриятида кўп асрлик тарихий жараёни кечиб, шеъриятнинг асосий вазн турига айланди. Дарҳақиқат, проф. Н.Маллаев қайд этганидек, «бу вазн турли халқлар поэзиясида умумий принцип ва хусусиятларга эга бўлиши билан бирга, бу халқлардан ҳар қайсисининг поэзиясида ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Ўтмиш адабиётшунослигида «арузи арабий», «арузи форсий» ва «арузи туркий» терминлари қўлланишига сабаб шу эди».

Аруз вазнининг асосчиси Араб филологиясининг патриархи» истеъдодли адабиётшуноси Халид ибн Аҳмад бўлиб, тўлиқ исми Абдурахмон ал-Халил ибн Аҳмад ал-Фароҳидий ал-Басрийдир. У ўз даврининг таникли мусиқашуноси, шоири ва адабиётшуноси сифатида араб маданиятида, хусусан, бадий адабиётида чуқур из қолдирган. Унинг мусиқага доир «Қўлланма китоби», шеършуносликка оид «Китоб ал-аруз» («Аруз китоби») асари нафақат VIII аср араб мусиқа санъати ва араб адабий-эстетик тафаккури тараққиётида, балки кейинги асрларнинг маданияти-маънавиятида ҳам салмоқли ўрин тутади.

Манбаларда келтирилишича Халил ибн Аҳмад назарияси тарафдорлари унинг «Китоб ал-аруз»ида кўрсатилмаган янги баҳр ва вазнларда шеър ёзишни тан олишмаган, ҳатто қоралашган ҳам. Айни чоқда Халил ибн Аҳмад назариясига қарши чиққанлар, унинг фикр-қарашларини кескин танқид қилганлар. Шулардан бири ва биринчиси Абул Ҳасан Ахфаш эди. У араб шеъриятига оид янги назария ишлаб чиққан, шеърий система жорий этиб, уни тарғиб қилган. «Халил ибн Аҳмад системаси, – дейди, арузшунос олим У.Тўйчиев, – араб поэзияси шеърий техникасини мукамал қамраб олмаса ҳам, бари бир, арузшуносликка пойдевор бўлиб қолди».

Орадан икки аср вақт ўтиб, форс арузшунослиги вужудга келди. Унинг асосчиси Мавлоно Юсуф Арузий Нишобурий қариб баҳрини жорий қилади: Вақтлар ўтиши билан яна форс тилида арузга доир бир қанча асарлар: Шамс Қайснинг «Ал-мўъжам», Рашидаддин Ватвотнинг «Ҳадоийкус-сеҳр» («Сеҳр боғлари»), Хожа Наср Тусийнинг («Меъёрул- ашъор»

(«Шеърлар меъёри»), Салмон Саважий рисоласи ва бошқалар яратилди.

XV асрда Дарвеш Мансур томонидан арузга доир биринкетин икки асарнинг, Абдурахмон Жомий томонидан «Аруз» рисоласининг яратилиши маълум даражада айна талаб ва эҳтиёжларнинг қондирилиши йўлидаги уринишлар эди. Бироқ, булардан қатъи назар, арузга доир янги, мукамал ва янада муҳими, ўзбек китобхонлари эҳтиёжини қондира оладиган, кўп асрлик тажриба ва билимларни ўзида мужассам этган, фақат шеършуносларгина эмас бутун оммага атрофлича маълумот-маърифат бера оладиган дастур-қулланмага талаб катта эди. «Мезон ул-авзон» ана шу талаб ва эҳтиёжлар замирида вужудга келди.

Ёшлигидан адабиёт, бадиий адабиёт унинг турли соҳалари бўйича чуқур билим олган Навоий, илм соҳасида, жумладан, аруз илмида ҳам Мавлоно Дарвеш Мансурдан махсус таълим олди, бу соҳанинг назарий, амалий томонларини ўзлаштирди. Ва Халил ибн Аҳмад, Шамс Қайс, Хожа Наср Тусий, Салмон Соважий ҳамда Абдурахмон Жомий ва бошқаларнинг арузга мансуб асарларини чуқур ўқиб-ўзлаштирган Алишер Навоий аруз илми ҳақида махсус асар ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Навоийгача бўлган аруз илмига доир китобларда туркий шеърятнинг назарий асослари, вазнлари махсус тадқиқ қилинмаган, улар маълум бир тартибга солинмаган эди. Тарих эса туркий поэзияда аруз вазнининг маншаъси узоқлигидан далолат беради. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони (XI аср) арузнинг мутақориб баҳрида битилганлиги бунинг ёрқин далилидир. Ўз-ўзидан англашиладики, туркий арузнинг тажрибаси, тарихи 4-5 асрлик ижодий ва тарққийёт жараёнини туркий шеърятдаги аруз тажрибаларини ўрганиш тадқиқотчидан жуда катта меҳнатни, тажриба ва салоҳиятни талаб этар эди. «Мезон ул-авзон»дек туркий шеърятнинг мислсиз назарий обидасини яратиш билан Алишер Навоий, айна масъулият ва вазифаларни тўла адо этди.

Маълумки, «Мезон ул-авзон шеършунослигимизнинг, туркий арузнинг кенг қамровли асари бўлиб, ундаги мавжуд маълумотлар аруз терминларининг келиб чиқиши, рукнлар,

асллар, баҳрлар ва уларнинг доираси, тактеъ ва бошқа муҳим масалаларни ўз ичига олади. Шунинг таъкидлаш жоизки, «Мезон ул-авзон»да Навоий тактеъ масалаларига батафсил тўхтади. Бунда у ўзбек тилининг ҳамда ўша вақтдаги хат-имлонинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ катор янги фикрларини, хулосаларини келтиради.

Навоий аруз баҳрларидан тавил, мадид басит, вофир ва комил баҳрларини алоҳида ажратиб кўрсатар экан, бу баҳрларнинг ўзбек ва форс шеърлятида ҳам ишлатилганлигини кайд этади.

Арабий, форсий ва туркий аруз илмини чуқур ўрганган ва тадқиқ қилган Навоий арузнинг **мухталифа** ҳамда **мунтазиъа** доираларига яна уч доира қўшимча қилади, уларнинг пайдо бўлиши сабабаларини изоҳлайди.

1. «Доираи мужтамаи» – аруз доирасига илк бор Навоий томонидан киритилган махсус доира. Олим мунсарих, музориъ, муқтазоб, мужтасе, сари, жадид, қариб, ҳафиф ва мушокил баҳрларининг солим (ўзгарилмаган, бутун) шакллари орасида умумийлик топади ва айни умумийликни «Мезон ул-авзонда бир доирага киритиш билан ифода этади.

2. «Доираи мухталита» ҳам Навоий каламининг ижодкорлигига мансуб бўлиб, муаллиф уни шеърда ҳам ишлатиладиган комил ва вофир баҳрларидан тузади. Бу доиранинг Навоийга қадар бўлган арузчиларда кам учрайди.

3. «Доираи муштабиҳа» ҳам Навоий топган янгилик бўлиб, муаллиф уни араб шеърлятига хос бўлган тавил, мадид ва басит баҳрларига асосан тузади.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий «Мезон ул-авзон»и узоқ тарихий жараённинг, хусусан туркий аруз тараққиёти, тадрижий такомиланинг натижаси ўлароқ пайдо бўлди. У ўзида туркий шеърлятнинг тажрибасини интиҳо қилди.

## **XV АСРНИНГ 2-ЯРМИ ВА XVI АСРЛАР АДАБИЁТИ**

Бу даврда ўзбек адабиёти ва маданияти гуллаб-яшнади, туркий тил юксак кадр ва эътибор топди. Хусайн Бойқаро 1485 йилда битган «Рисола»сида биргина Ҳирот ва унинг атрофида мингга яқин киши шеър билан машғул эканлигини гурур билан тилга олади.

Абулқосим Бобур, хусусан, Хусайн Бойқаро даврида Ҳирот маданий-адабий марказга айланди. «Аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлу эди» деб ёзган эди Бобур. Биргина Навоийнинг ўзи Ихлосия, Низомия, Хусравия каби мадрасалар, Халосия, Шифоия, Фаноия каби хонақоҳлар, ўнлаб масжидлар, шунингдек, 52 работ, 20 ховуз, 16 кўприк ва 9 ҳаммом қрдиргани маълум. Шунингдек, Самарқандда «Шайбонийхон» (1515-1516), Бухорода «Мир Араб» (1535-1536) мадрасаларининг бино қилиниши шу даврга тўғри келади.

Бу даврда кўпгина темурийларнинг шахсий кутубхоналари бор эди. Масалан, шоир ва олим Мавлоно Соҳибдоро (1511 йили ваф.) Хусайн Бойқаро кутубхонасининг бошлиғи эди. Бу даврда хат ёзиш санъат даражасига кўтарилади. Навоий даврида унинг 36 та тури қайд этилган. Мақом санъати янги-янги куйлар билан бойиб борди. Ҳиротда Абдулқодир Нойи, Хусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Нажмиддин Кавкабий (Мунажжим ва шогир, «Мажолис ун-нафоис»га киритилган, «Рост» мақоми учун қуллиёт тузган) каби машхур санъаткорлар етишдилар.

### **ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ**

Узоқ ўтмишда ижтимоий ҳаётнинг кўп соҳаларида муҳим роль ўйнаган йирик сиймолардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур. У ўз даврида истеъдодли лашкарбоши ва давлат арбоби, талантли шоир ва адиб, санъат, адабиёт ҳамда фаннинг қадрини биладиган атоқли олим бўлган. Унинг мусика, ҳарбий иш ҳақида ёзган рисолалари бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, бироқ унинг бошқа қатор асарлари илмий жиҳатдан катта

аҳамиятга эга бўлиши билан ғарб тарихчиларини қизиқтириб келгани каби Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихини текширувчи шарқшунос олимлар учун ҳам кўпдан буён илмий таянч манбаларидан бири бўлиб келмоқда.

Бобурнинг лирик девонлари, «Бобурнома»си, арузга доир рисоласи, Хатти Бобурий, «Ҳарб иши», «Муסיқий илми» ва бошқа асарлари ўзбек адабий тили, адабиёти ва илм-фаннинг равнақ топишига бебаҳо ҳисса қўшди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон шаҳрида туғилди. Унинг отаси Умаршайх мирзо темурийлардан бўлиб, Фарғона улусига ҳукмоонлик қилар эди. Бу даврда Мовароуннаҳрда темурийларнинг бир маҳаллар маълум даражада марказлашган давлати парчаланиб, майда феодал давлатларга бўлиниб кетган эди. Улар ўртасидаги низолар, тахт учун олиб борилаётган тўхтовсиз курашлар мамлакат халқларнинг иқтисодий ва маданий имкониятларини издан чиқарган эди. Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо ана шундай – тож-тахт учун кураш кескинлашган даврда ҳокимлик қилди ва бу курашларда фаол иштирок этди.

Бобур юкори савияли муаллим ва мураббийлар қўлида билим олди, тарбияланди. У жуда тез орада хат-саводини чиқариб, илм-фан, адабиёт ва тарих билан шугуллана бошлайди. Шунингдек, у кўп вақтини ҳарбий машқлар ва ов билан шугулланишга сарф этди. Ўз қобилияти билан катталарни хайратда қолдиради эди.

1494 йил Андижон ҳокими, Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо тасодифан ҳалок бўлади ва унинг ўрнига тахтнинг вориси, 12 ёшлиқ ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур тахтга чиқади. Бу воқеалар баёни «Бобурнома» асарида батафсил баён қилинган.

Бобур мамлакатни аввал шайх Мазидбек, унинг вафотидан кейин Бобоқули Бобо Алибек ҳамда тадбирли онаси Нигорхонимнинг раҳбарлиги ва кўмагида бошқаради. Уларнинг кўмагида қўшинни қайта тузиб, шаҳарлар ва кўрғонларни мустаҳкамлайди, душманнинг ҳужумини моҳирлик билан қайтариб, уни чекинишга мажбур қилади. Отаси тириклиги даврида (1494) Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзо



(Умаршайх мирзонинг ўз акаси) ва Тошкент ҳокими Маҳмудхон (Умаршайхнинг қанағаси ва Султон Аҳмаднинг куёви) бошлаган урушни бартараф қилишга муваффақ бўлади, душманни чекинишга мажбур қилади. Бу Бобурнинг биринчи ва энг катта ғалабаси эди.

XV асрнинг охирида Мовароуннаҳр ва Хуросонда феодал тарқоқлик ҳукм суради, ҳар бир бек ўз ихтиёрича иш тутишга ҳаракат қиларди. Шайбонийхоннинг тарихчиси Муҳаммад Солиҳнинг таъбирича, ҳамма бир-биридан кўрқар, ўзича шохлик талаб қилиб, мамлакатда иғво уруғини сочардилар. Мовароуннаҳр тупроғида авж олган ўзаро жангларда Бобур Мирзо ҳам қатнашишга мажбур эди. Халқ оммаси оғир аҳволда қолган эди.

Султон Маҳмуд Мирзо вафотидан сўнг, 1495 йил январь ойида унинг иккинчи ўғли Бойсунқур Мирзони Самарқанд тахтига ўтказдилар. 1496 йил Бойсунқур Мирзога қарши Самарқандда тархонлар исёни бошланади. Бундан хабар топган Бобур Мирзо ҳам Самарқанд тахтига даъвогар бўлиб, 17 июнда ўз кўшини билан Шавдар туманига етиб келиб Самарқанд қамалига киришади. Айни шу пайт Султон Масъуд Мирзо Самарқанднинг иккинчи тарафидан, Султон Али Мирзо эса учинчи тарафдан қамал қиладилар.

Қиш яқинлашиб қолгани учун мазкур шаҳзодалар Самарқандни қамалдан бўшатиб, ўз юртларига қайтиб кетадилар.

Бобур Самарқандни 1498 йилда, 15 ёшида бир уринишлардан кейин қўлга киритади. Бироқ Самарқанднинг ички вазияти Бобур кутганича бўлиб чиқмади. Ўзаро урушлар ва солиқлар натижасида шаҳар қашшоқ бир аҳволга келиб қолган эди. Буни устига Андижонда Узун Ҳасаннинг салтанатга қарши исён кўтарган хабари келади. Юз берган сиёсий ва иқтисодий тангликни мушоҳада қилган Бобур Мирзо, қандай бўлмасин Андижонни сақлаб қолиш пайига тушади. Мазкур сабабларга кўра, Бобур Мирзо Самарқандда 100 кун ҳукмронлик қилгач, уни тақдирнинг иродасига ҳавола қилиб, ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади.

Бобур Мирзо Самарқанддан чиқиб, Хўжандга етганда, Андижоннинг қўлдан кетганлиги ҳақида хабар олади. Бу пайтда

Самарқандни эса Султон Али Мирзо эгаллаган эди. Бобур Мирзо икки йил давомида Самарқанд билан Андижон орасида саргардон бўлсада, бироқ ҳар икки шаҳардан ақалли бирортасини ҳам қўлга киритишга муваффақ бўлолмади.

Икки йил ўтгандан кейингина Бобур Андижонни қўлга киритди, янгидан Самарқандни олиш ниятида қўшин тортиб келди. Бу пайтда Мовароуннахрнинг марказий вилоятларини қўлга киритиш ниятида юрган Шайбонийхон Самарқандга яқинлашиб қолган эди. Самарқанд ҳокими Султон Али Мирзонинг розилиги билан Самарқанд Шайбонийхон қўлига ўтади.

1500 йилда Бобур Мирзо Самарқанд шахрига тўсатдан бостириб кириб, Шайбонийхоннинг асосий кучини кириб ташлайди. Бу пайтда Шайбонийхон Кониғулда эди. Самарқандни эса унинг амирларидан бири бошқараётган эди. Шундай қилиб, Бобур Мирзо Самарқанд тахтита иккинчи марта чиқади.

Лекин бу сафар ҳам Бобур Мирзо Самарқандда узок туролмади. Чунки шаҳарда вайроналик ва очлик ҳукмронлик қиларди. Ана шундай вазиятда Бобур шаҳарни қамал қилган Шайбонийхоннинг сулҳ тузиш ҳақидаги таклифини қабул қилади. Бу воқеа тўғрисида Гулбаданбегимнинг «Хумоюннома» асарида баён этилган.

Самарқанддан чиқиб кетган Бобур тоғаси Султон Маҳмудхон вилоятдан, навкарларнинг кўпидан ажралган Бобур Тошкентда кўп алам-изтироб чекади. Бобур тоғаси Маҳмудхоннинг ёрдами билан Андижонни яна қўлга киритмоқчи бўлади. Бироқ Шайбонийхонга қарши бирга курашишга даъват этиш натижасиз чиқади. Маҳмудхон енгилиб, Шайбонийхонга асир тушади. Шайбонийхон Тошкентни ҳам қўлга олади. Бобур Мўғулистоннинг шимоли-шарқий томонига қараб қочади. Бирмунча вақтдан кейин Фарғона водийсига қайтиб келади. Бироқ Мовароуннаҳрда йирик ва мустаҳкам ҳокимият вужудга келтиришга кўзи етмагач, 1504 йилда 300 дан ортиқ йигити билан Афғонистонга қараб йўл олади.

Бобур Мирзо Қобул томон юриб, 1504 йил сентябрь ойида Қобулни Зуннун Арғуннинг ўғли Муҳаммад Муқимдан тортиб

олади. Шундай қилиб, Қобул ва унинг атрофи Бобур Мирзо тасарруфига ўтади.

1505 йилда Ҳусайн Бойқаро барча ўғиллари қатори Бобур Мирзони ҳам Ҳиротга чақиртиради. Бу йиғилишдан мақсад Шайбонийхонга қарши иттифоқ тузиб, урушга тайёргарлик кўриш эди. Бобур Мирзо бу кенгашга албатта боражагини айтиб, Сайид Афзални жўнатади.

1506 йил 5 май куни Султон Ҳусайн Бойқаро Шайбонийхон устига қўшин тортиб, Бобо Илоҳий мавзеига етганда вафот этади. Бобур Мирзо фотиҳа зарурати билан Ҳиротга боради ва Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари билан учрашиб, уларнинг ўзаро ички низо ва хусуматларини сезади ҳамда бу шахзодалар билан иттифоқ тузиб, Шайбонийхонга қарши курашиб бўлмаслигига ақли етиб, ноумид бўлиб қайтиб келади. Қобулга яқинлашаркан, амакиваччаси Мирзохон Қобулда исён кўтариб, ўзини шоҳ деб эълон қилгани ҳақида хабар келади. Бобур Мирзо кўп қийинчиликлардан сўнг Қобулни қўлга олади.

1507 йилда Шайбонийхон Ҳирот билан бутун Хуросонни забт этгач, Қандаҳорга юришга жазм қилади. Уни эгаллаб олгач, укаси Носир Мирзони ҳоким қилиб тайинлайди ва ўзи Қобулга қайтиб келади. Шайбонийхон Бобур Мирзони Қандаҳорда деб гумон қилиб қўшини билан келиб, шаҳарни қамал қилади. Носир Мирзо шаҳарда туrolмай, Қобулга қочиб келади.

Бу хабарни эшитган Бобур Мирзо Шайбонийхон билан учрашишдан кўра, ҳар ҳолда, кўздан нарироқ туришга қарор қилади. Ўзининг бек ва амирларини йиғиб, ўз фикрини изҳор қилади. Бобур Мирзонинг фикрича, мавжуд вазият тақозосига кўра, Шайбонийхон кўздан йироқроқ туриш мақсадида Бадахшонга ёки Ҳиндистонга юряқлик лозим эди.

1507 йил сентябрда Бобур Ҳиндистон сафарига йўл олади. Аммо Шайбонийхон Қандаҳорни ололмай, сулҳ тузиб, орқага қайтгани ҳақидаги хабарни эшитгач Қобулга қайтиб келади.

Носир Мирзога Ғазна вилоятини ва Абдураззоқ Мирзога Нангинаҳор, Миндаравур, Дарайи Нур Киз ва Нургул ҳокимлигини инъом қилади.

1508 йил март ойида Бобур Мирзонинг катта ўғли Ҳумоюн Мирзо туғилади. Шу муносабат билан Бобур Мирзо ўзини бундан буён Бобур подшоҳ деб аташларини буюради.

1510 йил Шайбонийхоннинг ўлиmidан сўнг, Бобур Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан ҳарбий битим тузиб, Самарқандни қўлга киритади ва битимга мувофиқ шоҳ Исмоил номига хутба ўқитдиради. Бундан норози бўлган халқ оммаси (Исмоил шиа мазҳабига мансуб эди) рухонийлар таъсири остида Бобур подшоҳга нисбатан душманлик кайфиятида бўладилар. Шунга қарамай, Бобур подшоҳ Самарқандга саккиз ой ҳукмронлик қилади.

Бу аснода Шайбонийлардан Убайдуллахон беш минг кўшин билан Бухорога юриш бошлайди. 1512 йил 28 апрелда Хайробод ва Қоракўл ўртасидаги қўшмалик ёнида ҳал қилувчи жанг бўлади. Бу жангда Убайдуллахон кўшини кутилмаганда Бобур подшоҳ кўшинини тор-мор келтиради. Бобур подшоҳ тезлик билан Самарқандга қайтиб келади ва ўз яқинлари ва аскарларини олиб, Ҳисор орқали Қобулга кетади. У эндиликда Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилиш хаёлини бошидан бутунлай чиқариб ташлайди ва тақдирга тан бериб, яна Ҳиндистон томон юриш масаласини кун тартибига қўяди.

Бобур подшоҳ Қобулдан Ҳиндистонга беш марта юриш қилади. Бешинчи юришда, яъни 1526 йил 21 апрелда тарихда машҳур жанг -Панипат жанги бўлади. Бу жанг Дехли ҳукмдори Султон Иброҳим ибн Султон Искандар ибн Бахлул Лўдий билан бўлиб ўтади. Тарихчиларнинг маълумотларга қараганда, Султон Иброҳим Лўдийнинг юз мингга яқин аскар ва мингтага яқин жангари филлари бўлган. Бобур подшоҳнинг эса жами ўн-ўн икки минг аскарлари бўлган. Гулбаданбегим «Ҳумоюннома» асарида ушбу воқеаларни анча батафсил баён қилади. Иброҳим Лўдий устидан қозонилган ғалабадан сўнг 27 апрелда Дехлида Бобур подшоҳ номига хутба ўқилади Бобурнинг бу ғалабасидан кейин баъзи ҳинд ва афғон феодаллари иттифок тузиб, Читора ҳокими Рано Санго раҳбарлигида Бобурга қарши бош кўтардилар. Бу даҳшатли жанг ҳам Бобур ғалабаси билан яқунланди. Бу ғалаба билан Бобур Ҳиндистонда узил-кесил ҳокимиятини ўрнатган эди. У йирик бир давлат – империя вужудга келтирган эди. Бу империяни европаликлар «Буюк

мўғул империяси» деб номлай бошладилар, чунки улар темурийларни Чингизхон авлодлари деб ҳисоблар эдилар. Бобур умрининг охиригача Ҳиндистонда қолди. Унинг айрим беклари ва аскар бошлиқлари Афғонистонга қайтиб кетган эдилар.

Бобур ватанни қўмсайди, ёр-дўстларини соғинади. У Афғонистон ва Мовароуннаҳрдаги дўстлари, ёр-биродарлари билан муттасил алоқада бўлиб туради, уларга ўзининг янги асарларини ва совға-саломларини юборади. Лекин у умрининг охирига қадар ватанига қайтиш орзусидан айрилади олмайди.

Бобур асос солган давлат Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий иқтисодий-маданий тараққиётида ғоят катта прогрессив роль ўйнади. Катта ва марказлашган давлатнинг вужудга келиши Ҳиндистоннинг тараққиёти учун анча кенг имконият туғдирди. Бобур Ҳиндистоннинг хўжалик ҳаётига, маданияти ва ободончилигига катта эътибор берди. У ариқ ва каналлар очтирди, турли бинолар қурдирди. У Ҳиндистондаги хилма-хил қабила ва халқларнинг урф-одат ва расм-қоидаларига қараб иш кўра бошлади. Атрофига олим ва фозил кишиларни тўплади. Ҳинд олимларидан Шайхорани ўзига вазир ва маслаҳатчи қилиб тайинлади. Машҳур тарихчи Хондамир ва бошқа айрим шоирлар, фозиллар Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан кейин Бобурнинг даргоҳига бордилар. Унинг саройида кўпгина шоирлар ва олимлар тўпланди. Бобур атрофидаги беклар ва фозил кишилар билан кенгашиб иш кўрар эди. Ўғилларига ҳам шуни маслаҳат берарди.

Бобур 1530 йил 26 декабрда Аграда ўзи обод қилган Зарафшон чорбоғида вафот этди. Бобурнинг васиятига мувофиқ, чевараси Шохжахон унинг хокини Қобулга қўйдириб, макбара қурдирди.

Бобур асос солган давлат Ҳиндистоннинг Англия томонидан босиб олиншига қадар давом этди. Бобурнинг ворислари – бобурий подшолар Ҳиндистоннинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда катта ижобий роль ўйнадилар. Улар маҳаллий халқлар билан тобора яқинлашиб, чатишиб кетдилар. Ҳиндистоннинг хўжалиги ва маданияти айниқса машҳур подшо, Бобурнинг набираси Акбар даврида (1556-1605) тез ўсиб ривожланди. Бобур ва бобурийлар даврида Ҳиндистонда туркий

тилдаги адабиёт ҳам вужудга келади, Байрамхон (XVI аср) каби шоирлар етишади.

Жавоҳарлал Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» номли асарида Бобурга баҳо бериб, шундай ёзади: «Бобур дилбар шахс, уйғониш даврига хос ҳукмдор, довюрак, серғайрат ва эпчил инсон, у ҳаёт нафосатидан, лаззатидан лаззатлана билган... Бобур Ҳиндистонга келиши билан у ерда янги давр ва янги салтанат бошланди. Мамлакат қудрати ва шуҳрати ошиб, бобурийлар салтанатининг шуҳрати бутун Осиё ва Европа бўйлаб тарқалди».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур фақат йирик давлат арбоби ва моҳир лашкарбошигина бўлиб қолмай, буюк шоир, адиб, тарихчи ва олимдир. Бобурнинг мероси хилма-хилдир. У ҳам шоир, ҳам ёзувчи бўлган, у мусиқа илми, шеърини услуб ҳамда ҳарбий санъат ҳақида илмий рисолалар ёзган. Аммо унинг бу асарлари ҳозиргача топилмаган ёки бизгача етиб келмаган. Унинг «Бобурнома»дан ташқари «Шеърлар девони» бўлиб, мазкур девон Бобурнинг Лутфий ва Навоидан қолишмайдиган даражада етук бир лирик шоир эканига далилдир. Бобур ўзининг «Мубаййин» номли асарида солиқ солиш тартиблари, экин майдонларини тайинлаш, қандай ерлардан қайси ҳажмда солиқ олишни шариат мезони билан ўлчаб, чиройли назмий асар яратган. Бобур ушбу асарини ўғли Ҳумоюн Мирзога атаб ёзган, деб тахмин қилиш мумкин. Чунки асарда у Ҳумоюн, Комрон Мирзоларнинг номларини тилга олиб, уларга тилак билдиради. Бундан ташқари, Бобур Хўжа Аҳрорнинг тасаввуфга оид «Волидия» номли асарини назмга солиб, эски ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, Бобур аруз илмига мансуб бўлган «Мухтасар» номли кимматли асарнинг ҳам муаллифидир.

Бобур алифбе масалалари билан ҳам шуғулланган. У алоҳида тури «Хатти Бобурий»нинг ихтирочисидир. Бобур ижоди ниҳоятда серқирра. Гарчи умри қувғинлик ва мусофирлик ташвишлари билан ўтган бўлса-да, у таҳорат, таяммум билан ўзини пок тутиб, мусулмонлик фарзу суннатини адо этган. Бунинг устига келажак авлодлар учун даъватнома деб айтиш мумкин бўлган «Китобу-с-салот»)» – «Намоз китоби»ни ёзиб қолдирган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур исмининг луғавий маъноси – «Йўлбарс»дир. Унинг жисми исмига монанд бўлиб, йўлбарсдек кучли, довурак, абжир ва эпчил бўлган.

Бобурнинг энг йирик ва ажойиб асари, уни бутун дунёга танитган, Европа шарқшунослари томонидан Юлий Цезарнинг комментарийлари билан бир қаторга қўйилган китоби «Бобурнома»дир. «Бобурнома» тарихий-бадиний асардир. «Бобурнома» тарихий манба бўлиши билан бирга, ўзбек прозасининг қимматли ёдгорлигидир. Шу билан бирга, «Бобурнома» география, этнография, тиббиёт, халқ медицинаси ва бошқа илмий соҳалар бўйича маълумот берувчи асардир. У ўзбек адабий тилининг муҳим ёдгорлигидир.

Бобурнинг фаолияти ва адабий меросини ўрганишда турли соҳа олимлари – тарихчилар, филологлар, географлар ва бошқлар катта натижаларга эришдилар. Фанда бобуршунослик деб айтиш мумкин бўлган махсус соҳа вужудга келди. Бобур фаолиятини ўрганиш бўйича Европа шарқшуносларидан Витсен, Джон Лейден, В.Эрскин, Р.М.Каленот, Паве де Куртейл, Денисон Росс, А.Бевериж хоним, Лен Пуль, Э.Холден, В.Х.Моремед ва бошқалар, рус олимларидан Н.И.Ильминский, В.В.Вяткин, А.Самайлович, В.Бартольд ҳамда афгон ва ҳинд олимлари олиб борган тадқиқотларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Ўзбек олимларидан Ҳ.Ёкубов, В.Зоҳидов, С.Азимжонов, С.Алиев, А.Қаюмов, С.Жамолов, Ҳ.Ҳасанов, И.Ҳаққулов, Ҳ.Қудратуллаев ва бошқалар самарали хизмат қилдилар. Бобур ҳақидаги тадқиқотлар чоп этилди, Бобур асарларининг луғатлари тузилди, Бобур асарларининг қайта-қайта чоп этилишга эришилди.

## БОБУР ЛИРИКАСИ

Бобурнинг лирик асарлари асосан унинг девонига жамланган. Шоирнинг ўзбекча девонининг икки қўлёзма нусхаси борлиги маълум. Булардан бири Парижда, иккинчиси Ҳиндистонда сақланади. Бобурнинг лирик меросини шу икки қўлёзма нусха ва «Бобурнома»даги шеърлар ташкил этади. Мана шулар асосида Бобурнинг бир неча бор нашр қилинди.

Бобурнинг шеърларини 1910 йилда инглиз шарқшуноси Денисон Росс тўплаб инглиз тилига таржима қилиб, нашр этди. Шоирнинг баъзи шеърлари 1931 йил Истамбулда чиққан «Миллий татаббуълар» мажмуасига ҳам киритилган. Бобурнинг шеърлари ўтмишда инглиз, француз ва бошқа Европа тилларига ҳам таржима қилинган эди. Кейин 60-70 йил ичида Бобур шеърлари қайта-қайта нашр қилинди, хрестоматияларга, турли тўпламларга киритилди ва бир неча марта танланган асарлар тарзида босилиб чиқди.

Бобур девони лирик турнинг ҳар хил жанрда ёзилган шеърларни, жумладан, ғазал, рубоий, туюқ, маснавий, қитъа, фард ва бошқаларни ўз ичига олади. Унда оддий ғазаллар билан бир қаторда ғазали мусажаъ (марказий рукнлари қофиядош бўлган ғазал), қитъа ғазал (биринчи байти қофиясиз бўлган ғазал), ғазали ҳусни матлаъ (матлаъдаги кейинги байтнинг ҳар иккала мисраси матлаъга қофиядош бўлган ғазал), кўшалок вазни ва қофияли, рубоий тарона (тўртала мисраси қофиядош бўлган рубоий), оддий туюқдан ташқари, кўшалок тажнисли туюқ, тажнисиз туюқ ҳамда тажнисли қитъа, тажнисли фард, қофияли фард ва қофиясиз фард шакллари ҳам кўриш мумкин. Ғазал, рубоий ва туюқ Бобур лирикасининг энг характерли жанрларидир.

Бобур арузнинг ҳафиф, рубоий, ражаз, рамал, сареъ, тавил, мутақориб, мужтасс, музореъ, муъсареҳ ва ҳазаж баҳрларидан ҳамда бу баҳрларнинг 25 турдаги ички хилларидан фойдаланади.

Бобур девони асосан унинг ўзбек тилидаги шеърларидан ташкил топган. Бироқ шу билан бирга, унда форс-тожик тилида ёзилган бир неча шеър ҳам бор. Бобур ўз она тилига бўлган муҳаббатини бир шеърда шундай ифодалаган эди:

*Эрур турк ошиқ, қош билсам форсий қони,  
Десам ҳолимни билса, форсийдан дилбарим они.*

Бобур форс-тожик адабий тилини ҳам мукаммал билар эди. Бунга шоирнинг форс-тожик тилидаги шеърлари яққол мисол бўла олади. Бобур Лутфий, Алишер Наоий, Умар Ҳайём, Ҳофиз сингари устоз санъаткорларнинг бир қатор анъаналарини



давом эттирди ва ривожлантирди, уларнинг ғазалларига назира ва мухаммаслар боғлади.

Бобур лирик асарларининг мавзу кўлами кенг ва хилма-хилдир. Бобур умуман воқеликни, хусусан ижтимоий фикрни, ижтимоий ҳаётни кенгрок қамраб олишга ҳаракат қилади ва бу соҳада кўпгина ютуқларни қўлга киритади. Кишиларнинг маънавий қиёфаси, дин, тасаввуф, ҳокимият ва марифат масалалари, ёр ва унга бўлган муҳаббат, ватан ҳақидаги ўйлар, унга интилиш, замондан норозилик, ҳаётни севиш Бобур лирикасининг мавзулари ҳисобланади. Мураккаб ва зиддиятли ҳаёт ва кураш йўлини босиб ўтган Бобурнинг ўзи бу лириканинг марказий қаҳрамонидир.

Бобур лирикаси тил ва услуби жиҳатидан ниҳоятда содда ва равондир. У жўшқин ва мусиқий мисраларида ҳаётий, оригинал образлар яратади, халқ тили ва унинг оғзаки ижоди бойликларидан унумли ва ўринли фойдаланиб, шеърларининг тилини бой ва ранг-баранг қилишга эришади.

Бобур ҳаёт, севги ва шодлик куйчисидир. У одамларни ҳаётни кадрлашга ва севишга, ростгўй тўғри бўлишга, ўз шахсий манфаати кетидангина қувмасликка, ҳалол, соф қўнғил бўлишга, умуман руҳий бойликка эга бўлишга, мазлум ва муҳтожларни оёқости қилмасликка, мақсадга зўр бериб интилишга, қатъият билан қандай бўлмасин унга эришишга чақиради.

Бобур ҳаёт, севги ва шодлик куйчисидир. У дунёни, ҳаётни, ҳаёт қувончларини, инсон тириклигини, унинг курсандчилигини, баҳор ва унинг латофатини севади:

*Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,  
Хуш ул кишиким айш ила ўтгай қишу ёзи.*

Шоир лирикасида бунга кўплаб характерли мисоллар келтириш мумкин, жумладан:

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,  
Шеър баҳси, шиқ дарди, боданинг кайфияти.*

*Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,  
Кимга бу нашъа муяссар бўлса бордур давлати.*

***Ишқ дардин чекиб ҳар кимки топса васли ёр,  
Ул замон бўлгай унут, юз йилги ҳижрон шиддати.***

Шоир «ёз фасли» билан боданинг кайфиятини, «ёр васли» билан «ишқ дарди»ни, «дўстларнинг суҳбати» билан «шеър баҳсини» куйлайди. У дилкаш, бамаъни ва хушчақчақ мажлисларни, дўстлар суҳбатини истайди ва таъриф қилади.

Бобурдаги бу кайфият ўзининг чуқур фалсафий асосларига эга, зотан ҳаётни каттиқ сеувчи ва шу билан бирга, унинг завқ-шавқини тарк этишни истамайдиган, умрнинг инсонга берилган неъмат эканлигини идрок этадиган унинг моҳиятини англаган инсон албатта унинг қадрига етишга даъват этган:

***Ғофил ўлма, эй соқий, гул чоғин ганимат тут,  
Вақти айш эрур боқий, ол чоғир, кетур, бот тут.  
Бу насиҳатим англа, не билур киши ёнгла,  
Не бўлур экин тонгла, сен бугун ганимат тут.***

Бобурнинг бундай эркин фикрлари ўз даврида фавқулудда аҳамиятга эга эди ва улар Бобур адабий мероси учун катта ижтимоий моҳият, ёрқинлик, мазмундорлик, жозиба бахш этади.

Бобур шеърियाи илм-маърифатни, ахлоқ-одоб каби масалаларни ҳам қамраб олади. Шоир илмнинг ўз-ўзидан бунёд бўлмаслигини таъкидлар экан, киши фақат хавас ва иштиёқ билангина илмга эга бўлиши мумкин дейди:

***Ким ёр анга илм толиби илм керак,  
Ўргангали илм толиби илм керак,  
Мен толиби илму толиби илм йўқ,  
Мен борман илм толиби, илм керак.***

Яхши хулқ-атворга эга бўлиши, кишиларга яхшилик қилиши энг эзгу хислат ва олижаноб фазилатдир:

***Халқингни рост этгил ҳар соризаки борсанг,  
«Аҳсанта» деб бори эл, гар яхши от чиқарсанг...  
Бори элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.***

Бобурнинг кўпгина шеърларининг мазмунини ватан иштиёқи, ғурбат ҳасратлари, соғинч кайфияти ташкил этади. Бу бевосита шоирнинг мураккаб ҳаёти ва кураш йўли, шодиёна аламли саргузаштлари билан боғлиқ. Бобур темурийлар салтанатини сақлаб қолиш, Мовароуннаҳрда йирик ва мустақкам давлат куришга интилди. Бирок бу орзулари амалга ошмади. У ватанини ташлаб кетди. Ундан олисда кўплаб машаққатларни бошидан кечириб яшади.

Бобурнинг ватанига қайтиш орзуси ушалмади. У юртдан узоқда қолиб кетди, давлати ва салтанати уни умр бўйи чет элга боғлаб қўйди. Бинобарин, у:

***Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур,*** – деган эди.

Бобур шеърлари орасида ўзининг ватанидан олисга кетиб қолишини «хатолиғ» деб баҳолаган пушаймонлиғ кайфияти ҳам учрайди:

***Толёй йўқки, жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишниким айладим, хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.***

Демак, Бобур ўз ватанини иштиёқ билан севади, ғурбатдан ҳасрат ва надомат чекади, бу кайфиятини, ҳолатини ўз шеърларида – ғазал ва рубоийларида маҳорат билан ифодалайди.

Бобур лирикасидаги ишқ мавзуси жуда кенг қамровли. У оддий инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатидан, инсоннинг илоҳга бўлган муҳаббати даражасига кўтарилган. Бу эса Бобур шеърлятидаги сўфиёна майлларни намойиш қилади. Бобур ошиқни зоҳидга, ишқни зуҳду – тақвога қарама-қарши қўяр экан, бир жиҳатдан Навоий сингари шоирларнинг анъаналарини давом эттириб, таркидунёчиликни оқламаса, иккинчи томондан, тасаввуф таълимотидан бизга маълум бўлган зоҳидлар ва ошиқлар (сўфийлар) ўртасидаги келишмовчиликларни кўрсатиб беради:

*Зоҳидо дўзах ўтидин мени не кўрқутасен,  
Ҳажр ўти қошинда кўрмасмен ани учқунга.*

Ёки:  
*Тийрадур зуҳд дамидин кўнгул,  
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак...*

*...Зуҳд кетти, эса карам қилди,  
Ишқ келди-ю муҳтарам қилди.*

Хуллас, Бобур лирикасининг мавзу доираси ранг-баранг бўлиб, у ўзбек классик шеърятининг равнақ топишига, ижтимоий-фалсафий фикрлар тараққийсига катта ҳисса қўшди.

Бобур – етук санъаткор шоир. У Лутфий, Навоий сингари буюк сўз санъаткорларидан таълим олиб, уларнинг анъаналарини давом этириб ривожлантирган шоирдир. Шоир шеърятнинг бадиий соддалиги учун курашди. Шоир яратган тимсоллар самимийлиги ва табиийлиги билан китобхонни ҳайратга солади, Шоир бадиий содда, равон, мусикий, тили бой ва рангдор шеърлар яратди. Унинг шеърларида ўй ва фикр, ҳис ва туйғу, тасвир ва тавсиф, сўз ва мусикийлик бир-бири билан узвий боғланиб кетади. Инсоннинг хилма-хил ички кечинмалари, шодлиги ва қайғуси, орзу ва армон, толеи ва тақдири ўзига хос бадиий бўёқлар билан тасвирланади, жонли образ ва портретлар яратади, табиат манзаралари ва турли лавҳаларни рассом каби чизиб беради. У ҳар бир шеърдаги мазмунни, кайфиятни эътиборга олган ҳолда унга мувофиқ шакл вазн қўллайди, ички қофиялардаги, сўз ўйинларидан, интонация ва товуш товланишларидан усталик билан фойдаланади. Масалан, жанрнинг:

*Кўнглумни чу ул пари олибтур,  
Девона бўлурга не қолибтур.*

Ёки:  
*Сабо ул гул ҳарамига гузар қил,  
Менинг ҳолимдин ул гулга хабар қил*

каби мисралари ниҳоятда содда, равон ва мусиқийдир.

Лирик шеърларида шоир фақат сиёсий фаолияти заминида вужудга келган кайфиятлари билан эмас, балки ошиқ, маърифатпарвар ва мураббий бир инсон сифатидаги фикр туйғулари билан ҳам мужассамланади.

Бобурнинг санъаткорлик маҳорати бадиий санъат ва тасвир воситаларини қўллашда ҳам намоён бўлади. У ўхшатиш, тазод, нашр, параллелизм, муболаға ва бошқа турдаги усул ва бадиий тил воситалари орқали мавзуни, образни, ҳолат ва ҳис-туйғуни мукамалроқ ёритишга эришади.

Хуллас, Бобур лирикаси ранг-баранг жанрлардан ташкил топган. Унинг мавзу доираси кенг. Шарқ шеърляти анъаналарини давом эттирган шоир мавжуд шеърӣ санъатлар ва тасвир воситалари дея маҳорат билан фойдаланиб, ўз санъаткорлигини, ўзбек шеърлятида ўзига хос ҳодиса эканлигини намоӣш қилди

## «БОБУРНОМА»

Захириддин Муҳаммад Бобурдан қолган ижодий мероснинг энг муҳим ва энг йириги Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографиясига оид нодир ва қимматли маълумотларни ўз ичига олган ва адабий тилнинг ёрқин намунаси бўлган «Бобурнома» асаридир.

Асарнинг асли номи «Бобурия» бўлса-да, уни «Воқеанома», «Тузуку Бобурий», «Воқеоти Бобурий» деб атадилар, кейинчалик асар «Бобурнома» деган ном билан машхур бўлиб кетди.

«Бобурнома» мемуарлар (эсдаликлар) тўпламидир. Бу тарихий-бадиий асар 1494 -1529 йиллардаги воқеаларни, Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда рӯй берган ва кўпида Бобурнинг ўзи иштирок этган ўзаро феодал урушларни ўз ичига олади. Афтидан, Бобур сиёсий фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб воқеаларни хотира сифатида қайд этиб борган, кейинчалик бу қайдлар «Бобурнома»нинг яратрилишига асос бўлган. Бобурнинг

«Бобурнома»ни қачон ёзишга киришгани маълум эмас. Бирок асарнинг айрим ўринлари унинг кўпроқ қисми Ҳиндистонда ёзилгани ёки қайта таҳрир қилинганини кўрсатади. Масалан, адиб 909 (1503-1504) йилги Афғонистон воқеаларини баён қилар экан, Иброҳим Лўдий устидан қозонган ғалабасини эслайди. Бу эса Бобурнинг 909 йил воқеаларини Ҳиндистонда ёзганини ёки аввалги ёзганаларини таҳрир қилганини кўрсатади. Бобур бу асарини умрининг охирларида, 1529-1530 йилларда ёзиб тугатади.

Бобурнинг ўз сўзи ва унинг қизи Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома»даги маълумотларига қўра, «Бобурнома» дастлаб «Воқеанома» деб аталган. «Бобурнома»даги бир рубойида шоир шундай деган эди:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,  
Ҳар ким бу «Вақое»ни ўқур, билгайким,  
Не ранжу не меҳнату не гамлар кўрдум.*

«Бобурнома»ни кўчирган бир котиб уни «Бобурия» деб номлайди. Демак, «Бобурнома» асари ўз даврида юқорида айтиб ўтганимиздек бир қанча номлар билан аталган экан.

«Бобурнома»нинг ўндан зиёд қўлёзма нусхалари маълум. Асарнинг Бобурнинг ҳаёт давридаёқ кўчирилган икки нусхаси ҳақида маълумотлар бўлса-да, уларнинг қаерда сақланаётгани маълум эмас. «Бобурнома»нинг XVII-XVIII асрларда кўчирилган нусхалари Ленинград, Калькутта, Агра, Ҳайдаробод, Манчестр, Лондон, Эдинбург ва бошқа жойларда сақланади.

«Бобурнома» 1857 йилда Қозонда туркшунос рус олими Н.Ильминский томонидан нашр этилади. 1905 йил инглиз олимаси А.Бевеиж хоним «Бобурнома»нинг Ҳайдарободда топилган қўлёзмасининг факсимилиесини нашр эттиради. Асар Туркияда ҳам нашр этирилган. Асардан парчалар бир неча хрестоматияларда нашр этирилди. 1948-49 йилларда икки китоб ҳолида, 1965-66 йилларда уч томлик таркибида, 1990 йилда алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. «Бобурнома» асари билан шарқ ва ғарб олимлари алоҳида қизиқишган. Уни энг камёб ва нодир асарлардан ҳисоблаган кўпгина ғарб олимлари

тадқиқ этиб ўрганганлар, таржима қилганлар. Жумладан, ғарб тарихчи олимлардан Элфинстон Бобурнинг бу асари ҳақида шундай ёзади: «Бу мемуарларда буюк турк подшосининг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг шахсий хис-туйғулари ҳар қандай муболагадан, пардадан холи. Унинг услуби оддий ва мардона, шунингдек, жонли ва образли. Ўз замондошларининг биографияларини, уларнинг қиёфаларини, урф-одатларини, қилиқларини ойнадек равшан тасвирлайди. Бу жиҳатдан у («Бобурнома») Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир...»

«Бобурнома» бир неча тилларга таржима қилинган. Акбаршоҳ даврида (1586) «Бобурнома» форс тилига таржима қилиниб, унга миниатюралар ишланган. Бу таржиманинг нусхалари кўп. Асар 1705 йилда Витсен томонидан голланд тилига таржима қилиниб, Амстердамда босилади. Джон Лейден билан В.Эрскин «Бобурнома»нинг ўзбекча ва форсча нусхаларини солиштириб, уни инглиз тилига таржима қилишган ва 1926 йилда Лондонда нашр эттиришган. А.Кейзер «Бобурнома»нинг инглизча таржимаси асосида уни қисқартирилган ҳолда немис тилига таржима қилинади ва бу таржима 1828 йилда Лейпцигга босилади. Француз олими Паве де Куртейль таржима қилади. Бу таржима 1871 йилда Парижда нашр этилади. «Бобурнома»ни рус олимларидан дастлаб Н.И.Пантусов, С.И.Поляков, В.Вяткинлар таржима қилган бўлсалар, у кейинчалик М.Салье томонидан рус тилига тўла таржима қилинди ва икки марта нашр этилди.

Ўзбек адабиётшунослари томонидан «Бобурнома»нинг кўп жиҳатлари тадқиқ этилган. Бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар А.Фитрат, Ҳ.Ёқубов, Я.Фулотов, В.Зоҳидов, И.Султон, М.Шайхзода, Ф.Сулаймонова, А.Қаюмов, Ҳ.Ҳасанов, Н.Маллаев, С.Ҳасанов, Х.Назарова, П.Қодиров, Р.Набиев, Х.Қосимов, Ғ.Саломов, С.Жамолов, Н.Комилов, А.Абдуғофуров, И.Ҳаққулов, Ҳ.Қудратуллаев, тарихчи олимлардан С.Азимжонова ва бошқаларни номи билан боғлиқ.

«Бобурнома» тарихий манба сифатида алоҳида қимматга эга, Унда XV асрнинг охиридан XVI асрнинг 30-йилларига қадар рўй берган тарихий воқеалар акс эттирилади. Асар 1494

йил воқеаси тасвири билан, Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзонинг Фарғонага хужуми, Умаршайх Мирзонинг ҳалок бўлиши ва 12 ёшга қадам қўйган Бобурнинг тахтга чиқиши билан бошланади. Асарда воқеалар доираси кенгайиб, чуқурлашиб, мураккаблашиб боради. Муаллиф Мовароуннаҳрдаги, кейинроқ Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда воқеаларни баён қилади.

Фактик материалларнинг кўплиги, бойлиги, аниқлиги ва тўлаллиги, тарихий воқеаларнинг асосан объектив, беғараз ва ростгўйлик билан баён этилиши, хронологик изчиллик, ифоданинг соддаллиги ва раволиги «Бобурнома»нинг тарихий манба сифатидаги афзалликларини ташкил этади. Шу жиҳатдан караганда «Бобурнома» ўтмишнинг кўпгина тарих китоблари ва мемуарларидан устун туради. «Бобурнома»да тарихий воқеалар асосан объектив баён этилади. «Бобурнома» содда услуб, раво, ширали ва бой тил билан ёзилган, жонли манзаралар, портрет ва характерлар, оригинал бадиий тил воситалари билан бадиийлаштирилган асардир. Айнан мана шу афзал жиҳатлари билан «Бобурнома» узоқ замонлардан буён тарихчиларнинг ва бошқа олимларнинг диққат-эътиборини ўзига «жалб этиб, юксак баҳоланиб келмоқда. «Бобурнома» XV-XVI аср тарихий ҳодисалари билан танишиш ва уларни умумлаштириш, Шарқ феодал жамиятининг хусусиятларини белгилаш ва ёритишда жуда кўп характерли фактлар, маълумотлар беради.

«Бобурнома» ўзбек адабиёти тарихида бадиий прозанинг энг биринчи йирик намунаси ҳисобланади. Бу асар адабиётимизда прозанинг ривожланишига узоқ вақт ижобий таъсир этиб келди. Бу асарда бадиий прозанинг деярли маълум даражада барча элемаентлари бор. Муаллиф ўз асарининг кўп қисмларини худди ана шу планда ёзади, ўз бошидан кечирган ва кўрганларини, ўзининг атрофидаги ёки тарихий алоқадор бўлган одамларни, бу одамлар нима қилган бўлсалар – уларнинг барчасини тасвирлайди. Мазкур асарда муаллифнинг жуда чуқур билими, бадиий салоҳияти ва маҳорати намоён бўлади.

«Бобурнома»да қахрамонларнинг ҳаракатлар билан воқелик узвий ва чамбарчас боғланиб кетади. Муҳими шундаки, бу воқеаларнинг барчасида Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг ҳарбий юришлари етакчилик қилади. Улар ўқувчига шундай



етказиб бериладики, асарнинг баъзи жойлари бадий умумлашма даражасига кўтарилади.

«Бобурнома» нинг сюжети жуда мураккабдир. Бобур сюжетни ривожлантиришда Шарқ адабиётида кенг тарқалган баён ичига баён киритиш усулини қўллайди. Мазкур усул турли мавзуларни қамраб олишга, конфликтнинг кучайишига ва асарнинг серқирра бўлишига имконият беради.

Мухими шундан иборатки, Бобур кўпинча бадий умумлашма ва воқеликни реалистик акс этгириш орқали юксак маҳоратга эришади. Бу жиҳатдан «Бобурнома»да баён қилинган 1502-1503 йил воқеаларини ўз ичига олган бобнинг (иккинчи ярмида ёлғиз қолган Бобурнинг душманлар таъкиб қилар экан, у барча хавф-хатарни билгани, тушунгани ҳолда узоқ вақт катта масофани ажал билан ёнма-ён босиб ўтганлиги) тасвири ажралиб туради.

Муаллиф эпизодик ҳодисаларни акс эттирганда ҳам шу усулни қўллайди. Воқеаларни тасвирлаган адиб уларнинг кўпида бевосита ёки билвосита иштирок этади, воқеалар Бобурнинг ўз образи орқали бир-бири билан уланади, ўзига хос сюжет чизиғини яратади. Шунинг учун ҳам «Бобурнома» жуда енгил ўқилади, китобхонни ўзига мафтун этади. Рус шарқшунос олими, академик В.В.Бартольд «Бобурнома»ни «туркча проза»нинг энг яхши асарларидан бири, деб баҳолаган эди.

Бобур бирор тарихий воқеани ҳикоя қилишга киришар экан, кўпинча, аввал воқеанинг ўрнини батафсил тасвирлайди, воқеада иштирок этувчи кишиларнинг афт-башарасидан тортиб феъл-атвори ва хатти-ҳаракатига қадар таърифлайди, сўнг воқеанинг баёнига киришади. Баъзан воқеа давомида чекиниш қилиб, жой ёки манзарани тасвирлайди. Китобхоннинг кўз ўнгида XV-XVI асрлардаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкалари, улардаги шаҳар ва қишлоқларнинг манзараси, топографияси, об-ҳавоси, ўсимликлар дунёси, аҳолиси, урф-одатлари намоён бўлади.

Бобур пейзаж устасидир. Мисол учун, Бобур ва унинг одамлари ўз йўлларида дуч келган ва улар кечиб ўтишлари лозим бўлган дарёнинг кенглигини, улуғворлигини ва секин оқишини муаллиф қуйидагича қисқа ва образли қилиб ифодалайди: «Ғариб улуғ сув назарга келди. Ул юздаги даштлар

худ асло кўринмайдур. Сув осмон била пайваст кўринадур, ул юздаги тоғлар ва пушталар нетаврким, серобнинг ул юзидаги тоғ ва пушталар муаллақ кўринур...» «Бобурнома» муаллифи бундай ўринларда истеъдодли адиб ва шоир сифатидагина эмас, балки билимдон ва кузатувчан бир олим, географ, табиатшунос, этнограф, тилшунос, санъатшунос сифатида гавдаланади. У айрим кичик деталларга ҳам катта эътибор беради, реалистик лавҳалар яратади ва ҳассос, рассом сифатида табиатнинг хилма-хил манзараларни чизади. Андижон, Марғилон, Ўш, Хўжанд, Қобул, Ғазна, Ҳирот ва бошқа шаҳарлар тасвири худди шундай манзаралардир. Жойлар тасвири «Бобурнома»да тарихий воқеаларни, кишиларнинг саргузашти, ҳаёти ва фаолиятини баён этишда бир экспозиция вазифасини бажаради. Масалан, 1494 йил воқеаларни, Умаршайх Мирзонинг ҳалокати ва ўзининг тахтга чиқиб амакисининг кўшинини чекинишга мажбур этганини сўзлашдан аввал Фарғона вилояти ва унинг етти шаҳрини тасвирлайди.

Бобур табиат манзаралари бир-биридан фарқ қилувчи ва ўзига хос бўлган вилоят ва ўлкаларда бўлди. У турли жойларни тасвирлар экан, мана шу табиат манзараларига ҳам катта эътибор беради, уларнинг нозик нуқталарини топа олади ва худди бир рассомдай жонли полотнолар, пейзажлар чизади. «Бобурнома»нинг тарихий манба сифатида баҳолашга биринчи асос – тарихий воқеалар баёни бўлса, иккинчи асос – асарда тарихий шахслар, уларнинг фаолияти ва саргузаштларининг ифода этилишидир. «Бобурнома»да бир неча юз тарихий шахслар ҳақида маълумот берилади. Улар шохлар, вилоят ҳокимлари, амир-амалдорлар, аскарлар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари, деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқа касб эгаларидир. Адиб уларни тасвирлаётган воқеалардаги ролига қараб бирлари ҳақида кенг ва батафсил сўзлайди, иккинчи бирлари ҳақида қисқача маълумот беради, баъзиларини бирор муносабат билан тилга олади ёки эслаб ўтади. Воқеалар ривожда муҳим ўрин тутган Умаршайх мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Султон Аҳмад мирзо, Хисравшоҳ каби «тарихий шахсларнинг фаолияти ва саргузаштларини баён этиш билан бирга, уларнинг шакл-шамойили, насл-насаби, маънавий қиёфаси, хислати, хулқ-атвори, кишиларга муносабати, маданий

савияси ва бошқа жиҳатларини ҳам тасвирлайди, хилма-хил бадиий портретлар, характерлар яратади. Бундай персонажлар бевосита тарихий роман ёки қиссалардаги қаҳрамонларга ўхшаб кетади. Бобур уларнинг таърифи ва тавсифини бир жойга тўплаб, мужассамлаштириб беради, бу билан китобхонни тарихий шахс билан таништиради, шундан кейин воқеалар баёнини давом эттиради.

«Бобурнома»да илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳам катта ўрин берилган. Бобур Навоий, Жомий, Биноий, Муҳаммад Солиҳ, Ҳилолий, Сайфи Бухорий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Шайхим Сухайлий, Юсуф Бадеий, Аҳмад Ҳожибек Бехзод, Султон Али, Хожа Абдулло Марворий, Шох Музаффар, Ғулом Шодий, Ҳусайн Удий каби қатор шоирлар ва санъаткорлар ҳақида маълумот беради, уларни мақтайди, асарлардан намуналар келтиради, баъзан ҳаёти, фаолияти ва шахсий сифатлари ҳақида қизиқарли фактларни келтиради. «Бобурнома» бу кишиларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда, уларнинг маданий ҳаётдаги ўрнини белгилашда жуда аҳамиятлидир.

«Бобурнома»нинг бош қаҳрамони – Бобур. У жуда мураккаб шахс – сиёсий арбоб, лашкарбоши, олим, шоир ва донишманд. Табиийки, барча бадиий асарда инсон, унинг ҳаёти, турмуш тарзи ва характери ўз ифодасини топади. Мумтоз насрий асарлар ҳам бундан холи эмас. Одамлар орасидаги муносабат, энг аввало ҳиссиёт, ҳаяжон, руҳий ўзгаришларсиз вужудга келмайди. Бу ҳолатларнинг бадиий, тарихий, саргузашт, воқеий-илмий саргузашт асарларида қай даражада ёритилганини ўрганиш адиб услуги, баён тарзини белгилашга ёрдам беради.

«Бобурнома»да муаллифнинг психологик ҳолати тасвири алоҳида ўрин тутади. Бобурнинг биринчи марта май ичишга рағбат этгани жиддий руҳий кечинмалар орқали ўтганлиги бунга бир далил. Вақти келиб Бобур ўзида «чоғирга майл пайдо» бўлганлигини сезган. Муаллифнинг инкор қилиб бўлмас сабаблар, холис далиллар келтириб, май ичувчилар даврасига қўшилиши учун руҳан ва маънан тайёрлигини зикр этади, ўзини тинчитади. Бироқ яна бир монелик сезади: Бобурни билган барча кишилар унинг азалдан ичкилик ичмаслигидан бохабар

бўлганликлари туфайли уни қистамас эдилар. Унинг ўзи эса журъат этиб, ичишга майли борлигини очиқ билдира олмаслигини шунчалик аниқ, ҳаётий тасвирилаганки, эҳтимол, бу ҳолатни бунданда мазмунлироқ ёритиб бўлмас: «...сўнгралар йигитлик ҳавасидан ва нафс тақозосидинким, чоғирга майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эрди, балки чоғирга майлини билур киши йўқ эрди. Кўнглум агарчи мойил эди, қилмағон амрни узлук била қилмоқ мушкул эди».

Бобурнинг юқоридаги андишаси темурийзодалар ахлоқи, инсоний кадр-қийматга эҳтироми, атрофдагилар фикр-мулоҳазаси билан ҳисоблашиш, жамиятнинг қонун-қоидалари барча учун, ҳатто, шоҳ Бобур учун ҳам бирдек амал қилишининг ёрқин далилидир. Бобур қанчалик ичишга майли бўлмасин, ёши катталар, даврадошларнинг хоҳиш-истаги бўлмаган экан, у ўзини тияди, ўз иродасини ишга солади, ичмайди. Худди шу хислат давримиз ёшлари учун, уларни май ва бошқа сархуш этувчи моддаларни истеъмол қилишдан бош тортиш учун юксак ибрат ва маънавий сабоқ вазифасини ўтайди.

«Бобурнома»нинг бош қаҳрамони Бобур тимсоли, унинг фаолияти, руҳий-маънавий олами ҳақида ўрناк бўладиган даражадаги жуда кўплаб маълумотларни олиш мумкин.

«Бобурнома» комусий асардир. Унда тарихий воқеалар билаи бирга, табиёт, география, топография, адабиётшунослик, этнографияга ва фаннинг бошқа соҳаларига доир жуда қимматли факт ва маълумотлар берилган. Бобур тоғ ва даралар, кўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонлар, жойларнинг ерости бойликлари, халқларнинг урф-одати, тили, санъати ва адабиёти, айрим сўзларнинг этимологияси ва бошқа масалалар билан қизиқади, буларнинг барчасини эринмай кузатади, ўрганади, турли касбдаги кишилардан, кексалардан маълумот тўплайди. Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонни нафақат сиёсий тарихи, билангина эмас, балки табиати, илм-фани, санъат-адабиёти ва бошқа жиҳатлари билан «Бобурнома»да бирмунча тўла ва мукамал тасвирланади.

«Бобурнома»да шу даражада кўп турли-туман маълумотлар борки, фаннинг деярли барча соҳаларидаги мутахассислар бу асардан баҳраманд бўла оладилар.

Шулар билан бир қаторда, «Бобурнома» ўзбек адабий тилининг жуда муҳим ёдгорликлардан биридир. Бу асар орқали биз XV аср охири XVI аср бошларидаги ўзбек адабий тили ва ҳамда унинг ўша даврдаги асосий шеваларидан бўлган Андижон шеvasи ҳақида кенг ва мукамал тасаввурга эга бўламиз.

«Бобурнома»да Бобурнинг санъаткорлик маҳорати ҳам сезилиб туради. Асарда романтик туйғу, юксак бадий воситалар – ташбеҳ, истиора, мажоз, муболаға, бадий санъатлари орқали воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш унинг жозибадор ва гўзал бўлишини таъминлайди.

«Бобурнома» воқеий-илмий, саргузашт асар бўлганлиги боис муаллиф ўзининг юксак романтик туйғуларини ифодалаш учун гоҳида шоирона туйғуга берилади, реалистик тасвирларига кўтаринкилик бахш этиш ниятида шеърга мурожаат этади. «Бобурнома»нинг ана шу қисмлари, айниқса, жуда равон ўқилади, ўқувчини муаллиф ҳикоя қилган воқеа-ҳодисаларга ҳамроҳ қилади.

Хуллас, Бобур ўзининг лирикаси билан ҳам, «Бобурнома» асари билан ҳам ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди. Бобурнинг «Бобурнома»сидан илҳомланган қизи Гулбаданбегим форс-тожик тилида «Ҳумоюннома» асарини яратди.

«Бобурнома» Навоий насрий асарларидан сўнг туркий тилдаги нодир бадий, илмий наср хазинаси бўлганлиги боис бугунги кунда ҳам ва ҳеч қачон ўзининг илмий-адабий, маърифий қимматини йўқотмайди.

## **МАҲАММАД СОЛИҲ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида яшаб ижод этган исътедодли ўзбек шоирларидан бири Амир Муҳаммад Солиҳнинг номи ўтмишда ҳам кенг китобхонлар оммаси орасида катта шухрат тутган. Бу иқтидорли зуллисонайн шоир ҳақида Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома», Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр», Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихий Рашидий» ва бошқа асарларда сўз юритилади ва унинг ижодидан намуналар

келтирилади. Бир қатор баёз ва тўпламларида шоирнинг газалларига ўрин берилган.

Адабиётшунос олимларимиз мазкур шоир ҳақида турли йўналишда қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар. 1950 йилда А.Иброҳимов томонидан «Шайбонийнома» достони нашр этилди. 1966 йил Анвар Ақромов томонидан «Муҳаммад Солиҳ» номли рисола чоп эттирди, шунингдек, 1971-1972 йиллар орасида «Муҳаммад Солиҳнинг тожикча шеърлари», «Муҳаммад Солиҳ шеърлари» мақолаларида шоирнинг лирик мероси ҳақида сўз юритиб, бир неча шеърларини ўзбек тилига таржима қилади.

Адабиётшунос олимларимиз бу соҳада бирмунча илмий тадқиқотлар олиб боришганига қарамасдан, унинг ижодий мероси ҳали тўла-туғал тўпланиб, кенг йўналишдаги илмий тадқиқот объектига айлангани йўқ.

Амир Муҳаммад Солиҳ 1455 йилда Хоразмда туғилди. Унинг ота авдодлари Темурийлар саройига яқин кишилар бўлган. Бобоси Амир Шохмалик Амир Темур ва Мирза Улуғбек, Жўги Мирзо ва Абу Саид Мирзо саройида хизмат қилган. Муҳаммад Солиҳ туғилган йилларида у Абусаиднинг вассали сифатида Хоразм вилоятини бошқарар эди. Хусайн Бойқаронинг Хоразмга қилган ҳужумидан кейин гуноҳкор сифатида Ҳиротга чақириб олинади, унинг барча мол-мулклари мусодара қилинади, маълум вақтгача Ҳиротнинг Ихтиёриддин қалъасида қамоқда сақланади. Абдурахмон Жомийнинг аралашуви билан у Абусаид томонидан авф этилиб, қамоқдан озод қилинса ҳам, бироқ орадан кўп вақт ўтмай яна ҳибсга олиниб, Марв шаҳрида қатл этилади.

Муҳаммад Солиҳнинг ёшлик йиллари Ҳирот шаҳрида кечди. Отадан жуда ёш етим қолиб, турмушнинг кўп азобу машаққатларини бошидан кечиради. «Шайбонийнома» достонининг кириш қисмида у ўз бошидан кечирган машаққатлари ҳақида ёзади.

«Оташқада» (Лутф Алибек Озар) асарининг хабар беришича, Муҳаммад Солиҳ Абдурахмон Жомий қўлида касби камолот этади. У фақат ҳаттотлик санъатини, араб ва форс тилларини мукамал ўрганиш билангина кифояланмай, Солиҳ

тахаллуси билан ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида шеърлар ёза бошлади.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг бешинчи мажлисида Муҳаммад Солиҳ ҳақида алоҳида тўхталди, унинг хушхулқ, мулойим йигит эканлигини шоирлик қобилияти ниҳоятда баланд ҳаттотлик маҳорати эса таърифга лойик эканлигини таъкидлайди.

Муҳаммад Солиҳ ёшликда жуда кўп қийинчиликларга дучор бўлади, кейинчалик, Ҳусайн Бойқаро саройида бир неча йил хизмат қилади, бироқ бу ерда унча дуруст илтифот кўрмайди. Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий сингари улкан устодлар билан бирга бўлиш, уларнинг маслаҳати, адабий суҳбатларидан баҳрамандлик унга хузур ва ҳаловат бағишласа ҳам, темурийлар томонидан ўринсиз камситилиши ҳамда илтифотсизликлар туфайли, у Ҳусайн Бойқаро саройидан кетишга, гоҳ Хуросонда, гоҳ Самарқанд шаҳрида ҳаёт кечиришга мажбур бўлади.

Отасини қатл этган, ўзига иисбатан эса ишончсизлик билан қараган темурийлардан унинг бутунлай кўнгли қолган эди. Шунинг учун ҳам 1499 йилда Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхон хизматига киради. Шайбонийхон уни кўнгли очиклик билан кутиб олади. Темурийларга нисбатан Муҳаммад Солиҳда пайдо бўлган норозилик Шайбонийхонга айниқса, кўпроқ қўл келади.

Ана шу пайтлардан бошлаб, у Шайбонийлар қароргоҳида туриб, темурийларга қарши ҳам қилич билан, ҳам қалам билан кураш олиб боради. Шайбонийхон унга «амир ул-умаро» ва «малик уш-шуаро» унвонларини беради, У Шайбонийхоннинг бир қатор юришларида ҳамроҳлик қилади. «Оташкада» асарида хабар берилишича, Муҳаммад Солиҳ 941 ҳижрийда (1534-1535) Бухорода вафот этган.

Ҳасанхўжа Нисорий «Музаққир ул-аҳбоб»да Муҳаммад Солиҳнинг Мирзо Улуғбек исмли ўғли бўлганини ва унинг истеъдодли шоир эканини таъкидлайди. Муҳаммад Солиҳнинг оилавий ҳаётига доир бошқа маълумотлар ҳали топилган эмас.

Муҳаммад Солиҳ лирик ва эпик шоирдир. У зуллисонайлик анъаналарини муваффақият билан давом эттирган. Унинг ўзбек ва форс-тожик тилидаги шеърлари

китобхонларга, адабиёт аҳлига манзур бўлган. Муҳаммад Солих лирикада асосан анъанавий мавзулар доирасида ижод қилган бўлса-да, ўз оригинал адабий услубини ярата олган, турли хил бадиий усул ва тил воситаларидан моҳирлик билан фойдаланган, янги-янги образлар, лавҳалар яратган. Шоирнинг лирик шеърлари ва «Шайбонийнома» достони унинг адабий меросини ташкил этади.

## «ШАЙБОНИЙНОМА»

Муҳаммад Солихнинг адабий мероси ҳақида сўз борганда адабиётшунос олимларимиз кўпроқ унинг «Шайбонийнома» асари юзасидан фикр юритадилар. Чиндан, адибнинг бу асари ўз асри ўзбек адабиёти тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Муҳаммад Солихга қадар яратилган дostonлар кўпроқ анъанавий сюжет асосида яратилар эди. Бу вақтга келиб бевосита ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар акс эттирилган реалистик характердаги дostonлар деярли йўқ эди. Бу жиҳатдан Муҳаммад Солихнинг «Шайбонийнома» достони XVI аср ўзбек адабиёти тарихида муҳим ҳодиса бўлди.

«Шайбонийнома»нинг 1510-1511 йилларда Қосим исмли хотиб томонидан кўчирилган энг эски қўлёзма нусхаси Венада сақланади. Настаълик хати билан ёзилган бу нусха 218 варақ бўлиб, унда жанг ва зиёфат манзараларини тасвирловчи 9 та миниатюра ҳам келтирилади. Мана шу қўлёзма асосида Г.Вамбери 1885 йилда Венада дostonнинг асл матнини ва унинг немис тилига қилинган таржимасини нашр эттиради. 1904 йилда рус туркшуноси П.М.Мелиоранский Петербургда «Шайбонийнома»нинг асл матнини нашр эттириб, Вамбери нашридаги камчиликларни тузатди ва ўша нусхадаги икки миниатюрани ҳам китобга киритди. 1961 йил Ўзбекистон Фанлар Академияси нашриёти томонидан тўла босилиб чиқди.

«Шайбонийнома» Шайбонийхонга бағишланган тарихий дoston булиб, унинг Темурийларга қарши олиб борган уруш ва юришларини тасвирлайди.

Дoston 8902 мисрадан иборат бўлиб, 76 бобга бўлинган. Булардан 16 боб дostonнинг муқаддимасидир. 1-III боблар



анъанавий ҳамд, муножот ва наътларни ташкил этади. IV боб сўз таърифи ва Шайбонийхон мадҳига, V-XIV боблар Шайбонийхоннинг таърифи ва тавсифига бағишланган, XV боб Мулло Абдурахимга аталади. Достоннинг асосий қисми XVII бобдан бошланади. Бу бобларда 1499, 1500, 1505, 1506 йилларда рўй берган тарихий воқеалар хронологик изчиллик билан акс эттирилади, икки сулола Темурийлар билан Шайбонийлар ўртасидаги урушлар ва бу урушларнинг оқибати дoston сюжетининг асосини ташкил этади. Бу қонли курашларнинг шохиди ва иштирокчиси бўлган Муҳаммад Солих ўз кўзи билан кўрган, ўзи қатнашган воқеаларни ҳикоя қилади. Шунга кўра, у бундай дейди:

*Ҳар не кўрдим черигида бир-бир,  
Барчасин назм ила қилдим тахрир.*

Достонда Шайбонийхоннинг 1499-1500 йилларда Туркистондан Самарқандга кўшин тортиб келиши, Самарқандни тортиб олиш учун дастлабки уринишларнинг барбод бўлиши ва чекиниши, Бухоро вилоятининг ҳокими Боқи Тархон ва унинг кўшинини Даббусий қўрғонида қамал қилиб, Бухорони босиб олиши, Қорақўл, Қарши, Ғузор ва бошқа жойлардаги аҳолининг кўзғолонларини қаттиққўллик билан бостириши, Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлиши, Шайбонийхоннинг Самарқандни кейинроқ Андижон, Тошкент, Ҳисор, Бадахшон ва бошқа вилоятларни забт этиши бирма-бир баён қилинади. Достон 1504-1506 йилларда Шайбонийхоннинг Хоразмга юриши, уни эгаллаб олиб, Бухорога қайтиши тасвири билан тугайди. «Шайбонийнома» ўзбек адабиёти тарихида жангноманинг янги туридир, у биринчи тарихий достондир. «Шайбонийнома»нинг персонажлари тарихий шахслардир. Икки, сулола ўртасидаги кўринишлар тасвирланган бу асарда, асосан, шу икки сулоланинг вакиллари иштирок этади. Достонда бир томондан Шайбонийхон ва унинг ҳамкорлари Султон Маҳмуд, Темур Султон, Жонвафобий ва бошқалар, иккинчи томондан Бобур, Ҳусайн Бойқаро, Боқи Тархон, Султон Али, Бадиуззамон ва бошқа темурий ҳукмдорлар намоён бўлади. Бу образларни шоир уларнинг ўзаро курашларидаги фаолияти,

тарихий воқеалар ривожда тутган ўрни ва қисман бўлса-да, шахсий ҳаёти, феъл-атвори тасвирида гавдалантиради. Бирок «Шайбонийнома»нинг шоири ҳисобланган Муҳаммад Солиҳ асарнинг барча ўрнида объектив фикрларини ифодалаган, дейиш қийин. У темурийларни иложи борича қоралашга, Шайбонийхон ва унинг тарафдорларини идеаллаштиришга ҳаракат қилади. Бирок воқеаларни, айниқса, уруш, қамал тасвирини берар экан, истар-истамас Шайбонийхон ва унинг ҳамкорларининг золимлигини ахлоқий ва маиший бузукликларини фош қилиб кўяди.

Достонда ўзаро урушлар туфайли дахшатли азобларга гирифтор бўлган дарғазаб шаҳар ва қишлоқ аҳолиси – халқ образи ҳам берилган. Шоир халқ бошига тушган кулфат, харобалик ва вайроналиклардан қайғуради, бироқ бу мусибатларнинг барчасини «такдир» билан боғлайди. Шайбонийга қаршилик кўрсатган аҳолини қоралайди.

Достонда шоирнинг ўз образи ҳам бор. У тарихнавис-нозим, воқеалар иштирокчиси сифатида, ғоявий қарама-қаршиликлар билан бирга гавдаланади. Айниқса, лирик ўринлар шоир шахсиятидаги қарама-қаршиликларни янада чуқурроқ ва тўлароқ очиб беради.

Муҳаммад Солиҳ ўз даврининг фарзанди. Унинг сиёсий эътиқоди, дунёқараши яшаган муҳитнинг ижтимоий-сиёсий хусусиятлари билан унинг ўз ижтимоий мавқеи билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам кўп ўринларда шоирнинг Шайбонийхонни улуғлаб, унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаган мисраларини тез-тез учратамиз. Бирок, шунга қарамай, Муҳаммад Солиҳнинг ўзи яшаган тузум ҳақидаги мулоҳазаларида ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлган элементлар ҳам йўқ эмас. У Навоийнинг подшо ва халқ ҳақидаги фикр-қарашларини давом эттириб, подшо халққа ғамхўр унинг осойишталиги учун курашувчи киши бўлиши лозим дейди. Унинг фикрича, давлатни бошқариш ва эл-юртнинг осойишталигини ҳимоя қилиш учун давлат бошлиқлари, подшо ва унинг амир-амалдорлари аҳил бўлиши, бир ёқадан бош чиқармоғи керак, низо-адоват давлатни ҳалокатга олиб боради, аҳиллик эса уни мустаҳкамлайди, ривожлантиради.

Мухаммад Солиҳнинг давлат ва давлат бошлиқлари ҳақидаги мулоҳазалари унинг маълум даражадаги инсонпарварлик ва халқпарварлик интилишлари заминада вужудга келган эди. Бу мулоҳазалар унинг орзу ва идеаллари эди.

«Шайбонийнома» достони мавзу ва мазмуни ҳамда бадиий хусусиятлари ва тили билан ўзбек классик адабиёти таракқиётида янги ва муҳим бир ҳодиса бўлди. У ўзбек дostonчилигининг янги жанрида – тарихий дostonчиликда тўнғич асардир.

«Шайбонийнома» ўзбек классик адабиёти реалистик тенденцияларини ривожлантиришда қимматли ҳисса бўлиб қўшилган асарлардан биридир. Шоир жой-жойи билан тарихий фактларни хийла объективлик, ростгўйлик билан тасвирлайди. Реализм тенденциялари фактларнинг мазмунидагина эмас, балки уларни баён этиш ва ифодалашнинг бадиий усулларида, бадиий тил воситаларида, хуллас, мазмун билан шаклнинг бирлигида равшан намоён бўлади ва ҳ.к.

Шу жиҳатдан қараганда, «Шайбонийнома»нинг энг муҳим бадиий усулларида бири қаршилантиришдир. Бу усул воқеалар. Образлар ва характерларнинг моҳиятини, уларнинг конфликтини очишга хизмат қилади. Шунингдек, дostonда жонлаштириш, муболаға, тарсеъ, такрор, ўхшатиш, сифатлаш, истиора каби бадиий санъатлар ва бадиий тил воситалари жуда кенг қўлланилган.

«Шайбонийнома» арузнинг «рамали мусаддас маҳбуни маҳзуб» (фоилотун фоилун) баҳрида яратилган. Дostonда мана шу етакчи баҳр билан бирга «рамали мусаддаси маҳбуни мактуъ» (фоилотун, фаълун) баҳри ҳам ишлатилган. Шу билан бирга, шоир ўзининг турли баҳрларда яратган айрим ғазалларини ҳамда Шайбонийхоннинг ўз ғазалини тўлалигича ва бир ғазалнинг тўлалигича матлаини берадики, дostonда бир неча баҳрнинг бўлиши, унинг оҳангдорлигини кучайтиради. «Шайбонийнома» ўзбек классик адабиётидаги барча дostonлар каби маснавий усулида қофияланади. Шоир кўпгина байтларида радифларни ҳам кеиг қўллайди.

«Шайбонийнома» маърифий жиҳатдан ҳам қимматли асардир. Шоир тарихий воқеаларни ҳикоя қилишда ижтимоий

хаётнинг турли соҳалари, аҳолининг касб-кори, маиший турмуши, урф-одати, шаҳар ва қалъаларнинг топографияси, жойларнинг географик ва табиий хусусиятлари, ҳайвонот ва ўсимликлари олами, ҳарбий техника ва жанг тактикаси ҳамда бошқалар ҳақида ҳам маълумот беради. Шу билан бирга у бизни кўпгина терминлар, номлар, атамалар билан таништиради. Буларнинг барчаси XV асрнинг охири ва XVI аср бошлари ҳаётини, энтографиясини, ҳарбий техникасини ва бошқаларни ўрганишга ёрдам беради.

Муҳаммад Солиҳ ўзбек классик адабиётининг йирик ва исътедодли намояндаларидан биридир. Унинг «Шайбонийнома» достони, ғоявий бадиий-зиддиятларига қарамай, ўзбек адабиёт тарихий жанрнинг, реализм тенденцияларининг ва адабий тилнинг тараққийсига катта ҳисса бўлиб кўшилган дostonдир. Бу дoston ҳозирги кунда ҳам маълум тарихий-маърифий ва адабий-эстетик қимматини сақлаб келмоқда.

## XVII АСРДАН XIX АСР ЎРТАЛАРИГАЧА БЎЛГАН ДАВР АДАБИЁТИ

Бу давр Марказий Осиёда турли хонликлар ва майда бекликларга бўлиниб кетиш ҳаракатларининг кучайиши билан характерланади. Зеро урушлар мазкур ҳудудда Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларининг вужудга келишига олиб келди.

Бу даврда Тошкентда Шайхонтохур ва Баракхон мақбаралари, Бухорода Мир Араб мадрасаси (1935-36), Масжиди Калон (1540-41), Нодир девонбеги масжиди, Абдулазизхон мадрасаси (XVII), Самарқандда Шердор (1619), Тиллақори (1646), Хожа Ахрор мазорати (1630), Хивада Арабмуҳаммад мадрасаси (1616), Ануша Окмасжиди, Мадрасаи Шерғозихон (1719), Мадрасаи Муҳаммадамин Иноқ (1770), Қўқонда Мадрасаи Мир, Мадрасаи Хонхўжа сингари маданий обидалар барпо этилди.

Тазкирачилик ривожланди. Мутрибийнинг “Тазкират ушшуаро” (1604-1605) асарида XVI аср охири XVII аср бошларида яшаб фаолият юритган 320 дан ортиқ ижодкорлар ҳақида маълумот берилса, Муҳаммад Бадеъ Малехо Самарқандийнинг “Музаққир ул-асхоб” (1692) тазкирасида Марказий Осиё ва Эронда XII асрда яшаб ижод этган 160 дан ортиқ шоирлар ҳақида фикр юритилади.

Бу даврда кўплаб халқ китоблари яратилди. “Гўрўғли” туркумидаги жангномалар, “Тоҳир ва Зухро”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”. “Сайёд ва Ҳамроп”, “Асил ва Карам”, “Санобар”, “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Алибек билан Болибек”, “Хуршид ва Маликаи Дилором” каби дostonлар шулар жумласидандир. Ушбу дostonлардан “Санобар” дostonи форс-тожик ёзма асари “Гул ва Санобар” таъсирида яратилган, унда Санобар, Гулпаризод, Севар, Меҳрангизлар орасидаги муҳаббат кечинмалари қаламга олинади.

## МАШРАБНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Бизнинг адабиётимиз тарихида фақат ижодкор сифатида эмас, балки «авлиё» сифатида ҳам халқнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, ўзларига мангу мухташам ҳайкал ўрнатишиб, мангуликка авлодлар қалбидан жой олган ижодкорлар анчагина. Булар: А.Яссавий, С.Боқирғоний, Паҳловон Маҳмуд ва ниҳоят шулардан бири Бобораҳим Машрабдир.

Машраб бу ижодкорлар ичида фақат ўзигагина хос бўлган бир сўз билан айтганда «девованор» хусусиятлари – ички руҳий туғённинг кучлилиги, шу боис ҳам оташнафаслиги билан ажралиб турувчи зотдир.

Машраб бу дунёга келиб бутун умр бир рўшнолик кўрмаган, тўғрироғи бу дунёвий рўшноликни шу ҳолича ўзига раво кўрмаган, натижада умрини машаққатлар билан кечирган инсондир.

Машраб Шариат, Тарикат, босқичларини ўтаб, Маърифат оламига эришган, сир шаробини нўш этган, қалбида мислсиз ишқ ўти туғён урган, шу ишқ деб икки дунёнинг бахридан кеча олган ижодкордир. Умуман, Машраб маърифатида сўз ожиз.

XVII-XIII асрлар оралиғида яратилган айрим тазкираларда Машраб ижодига қизиқиш анча илгари бошлангани кўрсатилса-да, шоир ҳаёти ва ижодий фаолиятининг илмий асосда ўрганиш 1800 йилнинг охирларидан бошланади. 1889 йилда «Туркистон вилояти газетаси» (1880 йилдан) қатор сонларида халқ орасида мавжуд «қисса»лар асосида «Намангонлик Машраб девонанинг аҳволини баёни» номи билан мақола эълон қилинади. 1895 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган А.И.Веселовскийнинг «Восточные заметки» асарида ҳам маълумотлар берилади. Шундан сўнг Ликошин, Остроумов, Наливкин каби рус шарқшунослари фаолиятида Машраб ижоди кенгайиб боради.

1923 йилда В.Л.Вияткин «Ал-Искандария» тўпламида Машрабнинг халқ орасидаги обрў-эътиборини қайд этиши билан бирга, унинг ижоди тематикаси ва фалсафий жиҳатларига ҳам тўхталади. Шунингдек, шу муаллиф биринчи бўлиб, икки масалани кўтаради ва бу масала хануз машрабшунослар ўртасида мунозарали бўлиб келмоқда. Бу мунозара «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари устидадир. Жумладан, Ғафур Ғулом

1959 йилда эълон қилган мақоласида шу масалага эътиборни қаратиб, бу асар Мулло Рўзибой Охунд – Машраби Соний каламига мансубдир, деган хулосага келади.

Машрабни ҳаёти, фаолияти, ижодий меросини ўрганиш асосан С.Айний, Ғ.Ғулом, З.Абдуллаев, И.Султон, А.Хайтметов, А.Абдуғофуров каби қатор олимлар томонидан амалга оширилди.

Машраб ҳақида маълумот берувчи тазкираларга асосланиб айтилган сўнги фикрларга қараганда, шоир 1640 ёки 1657 йилда эмас, балки 1653 йилда Наманганда туғилади. Унинг отаси Мулла Валибобо Машрабни 7 ёшларида ўқишга беради. Зийрак, тез идрок, туғма бир қобилият соҳиби Машраб барча берилган илмларни тез ўзлаштиради. Шундан сўнг 1665 йилда шоир Наманганга келиб, Мулла Бозор Охунд кўлига шогирд тушади. Унинг кўлида сўфиёна илмлар баробарида Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Навоий қабилар ижоди билан ҳам анча яқиндан танишади. Шоирлик фаолияти ана шу йиллардан бошланган. 1668 йилда Мулла Бозор Охунд кўлидан кетади. 1672 йилда Самарқанддан Қошғарга бориб, ўз даврининг машҳур шайхларидан бўлган Офоқ Хожага мурид тушади. Унинг кўлида 18 йил бўлади (айрим манбаларда 8-10 йил). 1690 йил яна Наманганга қайтиб келади. Шу йили унинг онаси вафот этади. Шундан кейин бир йил давомида Мовароуннаҳр шаҳар-қишлоқлари бўйлаб саёҳат қилади (М.Самарий «Музаққир ул-асхоб» тазкирасида айтилган Самарқандга 2 марта «қаландар» ж/келиши мана шу даврга тўғри келса керак). 1691 йилдан Пирмат Сийторий билан 20 йиллик узоқ сафарда бўлади. Абдулмуталлиб Хожаи Фахмийнинг тазкирасида кўрсатилганидек ҳижрий 1123, мелодий 1711 йилда Қундузда қатл этилади.

### **ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Машрабнинг ижодий мероси ҳам бизгача мукамал ҳолда етиб келмаган. Сўнги йилларда тўпланиб нашр қилинган шоирнинг шеърлари турли хил манбалардан олиб жамлангандир. Бу манбалар – қиссалар, баёзлар ва турли мажмуалардир. Машраб ҳақидаги қиссалар «Девони Машраб», «Девонаи Машраб», «Эшон Машраб», «Эшони шоҳ Машраб»,

«Эшони шоҳ Машраб девонаи Намангоний» каби номлар билан юритиб келинган. Булар ичида энг оммавийлашгани «Девони Машраб». Бироқ «девон» номи кўшиб аталса-да, унда девонлик хусусиятлари йўқ. Кўпроқ халқ китобларига ўхшайди.

«Девони Машраб» қачон ва ким томонидан тартиб берилгани номаълум. Уларнинг сони ортиб боргани сайин ўртасидаги фарқлар ҳам орта борган.

Ғофур Ғуломнинг «Адабий-танқидий мақолалар»ида: «Бугун бизнинг қўлимизда мавжуд машҳур «Машраб девони» шоирнинг севгилиси Махвашхоним томонидан тўпланган ва тартибга солингандир. Шоирамиз Махвашхоним ўзбек адабиёти тарихи учун қилган бу азамат хизмати учун яна ўша Наманган диндорлари томонидан сочлари қирқилди, бурда қилинди», деган қизиқ бир фикр бор. Бироқ Ғофур Ғулом бу манбани қаердан олганлиги номаълум.

Айтиш лозимки, «Девони Машраб» қиссалари шоир шеърияти намуналарини ўз ичига олган тўплам бўлиши билан бирга, унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар берувчи қимматли манба ҳам ҳисобланади. Албатта, қиссадаги маълумотлар ичида тўқима ҳам анчагина бор. Бироқ шунга қарамасдан улар шоир яшаган давр, муҳит, унинг дунёқараши, турли шахслар билан мулоқотлари ҳамда шоирнинг ҳаёт тарзи ва ҳоказоларни аниқлашда катта илмий аҳамиятга эгадир.

Машраб ўзига хос дилбар шеърят соҳибидир. Машраб шеърятининг изчил кўздан кечирсак, Шариат, Тариқат босқичини ўтаб, Маърифат оламига эришган, Ҳақ ҳусну жамолини тасавурида жонлантира олган ва шу боис Ҳақ васли илинжида сарсон-саргардон юрган, минг хил ғам-аламларга дуч келиб фарёд чеккан лирик қаҳрамон қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Унинг оҳини чеки-чегараси йўқ, гўёки бу оламга фақат оҳ чекиш учун келгандек. «Агар махшар куни оҳ чексам у дунё ва бу дунёгина эмас, ҳатто арш курсисию беҳишти жовидонга ҳам ўт туташгусидир», дейди шоир. Бу ҳам етмаганидек «бутун олам устига ўтлар қалаб барбод этмоққа» чоғланади.

Шоирнинг кўз очиб кўргани муҳтожликдан иборат бўлди. Ҳамма жойда қашшоқлик, хўрлик ва ноҳақликка дуч келади. Ҳақиқат истаб бош сукқан ерида риё, ёлғон, беҳаёлик ва



зўравонлик ҳукмрон эканлигини гувоҳи бўлди. Маърифат нури мушоҳадаси билан ҳолга назар этган шоирнинг қалби, фақат хайронлик, дард, алам жароҳат топди. Ҳар бир ноахлоқий ва номукамал ҳодиса, олинган дард шеърга айланиб борди. Шу боис ҳам шоир ўз шеърларини «дарднома», ўзини эса «жароҳатхона», «ҳасратхона», «мотамкада» деб атайди.

Демак, шоир оҳ-фиғонининг боиси жамият ва инсонларнинг номукамаллигида бўлса, иккинчи томони, маърифатли мушоҳада назари натижасидир.

Жамият ва инсонларнинг тийнати, сийнатига чуқурроқ кириб борган шоир бу барча ахлоқсизлик ва бахтсизликларнинг, азобу изтиробларнинг боиси одамларнинг ўзи, тўймас ва туйдирмас нафси, дунёга нодонликлар сўнгида ҳаддан зиёд берилишларидандир, деган хулосага келади ёки шунга ишонч ҳосил қилади. Чунки, Машрабдан аввал ўтган Яссавийлар, И.Адхамлар, Аттору Навоийлар аллақачон шу хулосага келишган эдилар. Масалан, Навоий:

Шундай хулосага ишонч ҳосил қилган Машраб ҳам ўзига хос йўл тутади – барчасидан воз кечиб дарвешлик, қаландарлик йўлини танлайди. Чунки, Машраб бу дарду ситамларга чора, малҳамини шу йўлдан қидирмоқни афзал билади.

Бирок, «қаландарлик» барча оғирлик ва қийинчиликлардан, ғам-ташвишлардан қутулмоқ маъносини англатмайди. Унинг ҳам ўзига хос, бардош бериш жуда қийин бўлган мураккабликлари кўп бўлган бўлса-да, аммо кайҳоний бир завқ, ҳузурланишнинг манбаи ҳам бўлган. Машрабнииг бундан кейинги бутун ижодида баъзан ана шу қийинчилик, вайроналик, сарсоналиклардан нолиш мотивлари кўзга ташланса-да, кайҳоний завқ, ҳузурбахш сурури, ёхуд шунга умид асосий мавзу бўлиб қолади. Ўз тили билан айтганда бутун салобатини шундан топади, ҳис қилади. Бу эса барча эзгуликларнинг ва бутун оламнинг манбаи ягона ҳақдир.

*Барчага молу жонини, неъмату мулку жойини,  
Менга берубдур оҳини – ушбудурур саловатим.*

*Ўшал рўзеки мен сендин жудолиг бирла, зор эттим,  
Эрурман ошиқинг, халқ жаҳон дерлар мени Машруб,  
Нечунким, манзилимни сояи парвардигор эттим.*

Парвардигор соясини манзил этган Машраб унга нисбатан «Соғинчим дарди шунчалар зўрки, дарахтларни нома, дарёларни сиёҳ еру-кўкни китоб саҳифаси килиб ёзсам ҳам адо бўлмайди», – дейди.

Мумтоз шеъриятимиз мазмун-моҳиятига чуқурроқ назар ташласак, уларнинг айримларида Ҳаққа бўлган илоҳий ишқ бевосита ифода топган, айримларида эса мажоз орқали ифодаланганини гувоҳи бўламиз. Машраб шеъриятида бу икки ҳолат баб-баробар кўзга ташланади.

***Ажаб мажнун эрурман, дашт ила сахрога сизмамдур,  
Дилим дунёи нурдир, мавж уруб дунёга сизмамдур,***

дейди Машраб «Сизмамдур» номли бир ғазалида. Бунда шоирнинг ошиқлига ишқни тушунмаган жамиятга сизмасдан, қочиб, сахрога биёбонларда макон қурган афсонавий Мажнун ишқидан ҳам ортик ва ўзгачадир.

***Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мендодур мавжуд,  
Чу султони азалдурманки, арши аълога сизмамдур.***

Байтдан келиб чиқиб Машраб ишқини ўзгачалиги ва бу маҳдуд дунёга сизмаслиги боисини изоҳлаш ва англаш мумкин. Шариат, тариқат, маърифат инсонни Ҳаққа элтувчи йўл, уни ўзида мужассамлаштириш Ҳақдан бевосита хабардорлик, унинг бекиёс гўзаллигидан баҳра олишдир.

***Мақоми ҳайрат ичра гоҳ ҳудман, гоҳ беҳудман,  
Жунун бозорида мастмадки, истиғнога сизмамдур.***

Ҳақ оламидан баҳрамандлик – ҳайрат. Бу ҳайрат туфайли шоир худ гоҳ беҳуд бўлиб юради. Буларнинг барчасига боис Машрабнинг Ҳаққа бўлган ишқи, муҳаббатидир.

Аммо Машрабнинг бундай улуғвор, ишқ тушунчасини ўз заминидан, замонидан йироқ, хавойи ишқ деб тушунмаслик керак.

***Мақоми қурбат ўтига агар кирсанг – хузур топсанг,  
Ўзунг захрабо ютгил, халқни қомига шаккар тут.***

Қурбат-ҳақиқатга яқинлик, етишганликни англатади. Шоир айтмоқчики, агар ҳақиқат мақомига эришсанг, Ҳақнинг хузуридан баҳраманд ҳам фақат ўзингни ўйламай: биринчи галда халқни маънавий-руҳий балоғат шаккаридан баҳраманд этгил. Машраб ишқи ошиқлиги замирида халқ, инсон маънавий оламини бойитиш, инсонни мукамал кўриш ётади. Демак, Машраб ҳар қачон ўз улуғлигини ўзи каби инсонлар, халққа бўлган муҳаббатда кўради.

***Тавофи олами дил қил, жаҳонда ҳар пешадин сен,  
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмасму.***

***Имонинг шомъини равшантаридур ҳамдом қобил,  
Кўлингдан келса, доим яхши халқларни биродар тут.***

Машрабнинг кишини ҳайратга соладиган улуғвор шеърияти дунёни ўзига хос фалсафий-бадиий идрок этишнинг ёрқин намунасидир. Унинг ҳар бир асаарида оташин ошиқ шоирнинг туйғулари юксак фалсафий тафаккур билан йўғрилган. Шунинг учун ҳам шоирнинг ҳар бир байтини нурга қиёс қилиш мумкинки, ундан баҳрамандлик беқиёс маърифатга эга бўлишидир.

## **МУНИСНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Мунис ўз замонасининг етук шоири, тарихчиси, таржимони, педагог, хаттот ва олимидир. У ўз замонасида ҳам ва ундан кейинги даврларда ҳам катта шухрат қозонган ижодкордир. Мунис ҳаётини ўрганишдаги асосий манба унинг ўз асарлари бўлиб, девоннинг дебочасида, айрим шеърларида тарихий асар қасидаларида ҳаётига доир муҳим маълумотлар берилади.

Шурмуҳаммад Мунис 1778 йилда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилади. Унинг отаси Авазхон саройида бош мироб

ва кемалар нозирлари эди. Муниснинг болалиги дастлаб Қиёт кишлоғида кечади. Кейинчалик у Хивада мактаб таълимини, сўнгра мадраса таълимини олади. Аввал бошда Муниснинг ижодга ҳавас уйғонишида кўшниси Саидэшонхўжанинг таъсири катта бўлади. Кейинчалик ижодкор бўлиб тўла шаклланишида замондошлари Киromий, Андалиб, Нишотий, Равнақ каби адиб ва шоирларнинг бевосита хизмат ва таъсирлари катта бўлади. Мунис мактаб ва мадрасада ўқиб юрган ёшлик йилларининг қийинчиликларсиз, ортиқча ташвишларсиз ўтказди. Бироқ 1800 йилда отаси Аваз мироб қазо қилганидан кейин унинг тинчлиги бузилади. Оила-рўзғор ташвиши энди унинг зиммасига тушади. Бу ҳақида «Мунис ул-ушшоқ» девонининг дебوحасида маълумотлар беради. Отаси вафотидан бироз кейин Хива хони Авазбей иноқ Мунисни отаси ўрнига тайинлайди. Ана шу кунлардан бошлаб Муниснинг ҳаёти сарой билан боғланади.

Муниснинг умри Хоразм хонларидан 4 тасини ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Ёшлигидан то 1804 йилгача Аваз иноқ ҳукмронлиги, 1804-1806 йилларда Аваз иноқнинг катта ўғли Элтузархон даври, 1806-1825 йилларда Элтузарнинг иниси Муҳаммад Раҳимхон даври, 1825-1829 йилларда, яъни вафотига қадар М.Раҳимхоннинг ўғли Оллоқулихон даврида кечади.

Мунис барча хонларни бирдай адолатли, ўзаро тотув ва иноқ, халқпарвар бўлишга чакиради. Уларга атаб бир нечта қасида ва мадҳиялар битади. 1829 йил 51 ёшида оламдан ўтади.

### **ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

«Фирдавс ул-икбол» – 1804 йилда Элтузархон тахтга ўтиргач Мунисни чакириб Хоразмшоҳлар тарихини алоҳида китоб қилиб яратишни буюради. Бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб Мунис Хоразм шоҳларнинг маълум бўлган дастлабки даврларидан бошлаб ёза бошлайди. Китобга «Фирдавс ул-икбол» деб ном беради. Бу асарини 1813 йилгача, яъни М.Раҳимхон давригача бўлган воқеаларни баён этди.

«Равзат ус-сафо» – Мунис машҳур форс-тожик тарихчи Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарини биринчи жилдини тўла ўзбек тилига таржима қилди. Асарнинг Мунис улгурмаган

иккинчи жилдини кейинчалик унинг жияни Огаҳий охирига етказди (М.Раҳимхон даври, 1806-1825 й.)

«Саводи таълим» – Ўз давридаги ўқиш-ўқитиш ишлари билан яқиндан таниш бўлган Мунис бу борадаги муаммоларни бироз бўлса осонлаштириш мақсадида 1803 йилда ўзининг «Саводи таълим» рисоласини яратади. Рисола (250) икки қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмда хат ва савод киши ҳаётидаги ва таракқиётидаги аҳамияти, ёзувнинг сақловчилик хусусияти ҳақида гапиради. 2-қисмда ҳарфлар ва уларнинг имлоси ҳақида гапирилади. Масалан:

**Гар «лом»ини истасанг мураттаб,  
«Нун» бирла «алиф»ни қил мураккаб.  
«Қоф» аввали, «фо»бошига монанд,  
«Нун ҳалқасига» қил пайванд.**

**Шеърляти.** Муниснинг шеърй мероси бизгача унинг ўз калами билан кўчирилган «Девони Мунис», «Девон маа касоид», «Девони ғазалиёти ва мухаммасоти Мунис», котиб кўчирган «Девони Мунис», «Ғазалиёти Мунис» каби қўлёзмалар ҳамда 1879 йилда чоп этилган «Мунис ул-ушшоқ» девони орқали етиб келган. Ушбу девонда «дебоча» ҳам битилган бўлиб, унда шоир ўзининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ маълумот, шу билан бирга ўз девонининг тузилиши, жанр табиати ва умумий ҳажми ҳақида ҳам маълумотлар беради. Хусусан, тузилиши ва жанр табиати ҳақида қуйидагича ёзади:

«Ҳар навъ шеър ила ораста ва ҳар зариф назм билано баста бўлди. Андоқким, гарро (жўшқин) қасидалар ва дилкушо ғазаллар, фасохат ойин (сўзнинг очик, равшан, равон ёқимли қилиш одатига кўра) таркиб бандлар, латофат тазъйин (зийнатланган) китъалар, шариф мусаддас ва мухаммаслар, латиф рубоий ва муаммолар, ширин маснавий ва ранзин туюғлар ва рубойларким мажоз йўсинида ишқ ва хусни зохирий сифатида воқеъ эрди, чун анча ошиқ кўпирок эрди... «Мунис ул-ушшоқ»га мавсум бўлди.

Мунис шеърятининг мавзу доираси бир қадар кенг ва ранг-барангликка эга. Аммо улар орасида адолат ва зулм, эрк ва эрксизлик, бахт ва бахтсизлик, дўстлик ва мунофиқлик, шеър ва

шоирнинг ўз жамиятида аҳволи каби қатор ижтимоий мавзулар, шунингдек, инсон ва унинг ахлоқи-маънавияти билан боғлиқ муаммолар ҳамда анъанавий муҳаббат мавзуси салмоқли ўрин тутади.

Энг аввало шуни айтиш керакки, Мунис бошқа ижодкорлар сингари ўз давридан қониқмайди. Даврининг зиёлиси, етук кишиси сифатида ўзи сингари шуаро ва фузало аҳлини аҳволига ачинади:

*Ютубон бу замонда қон шуаро,  
Назм этар гавҳари фигон шуаро.  
Гуйиё рўзгор аносидин  
Тўғди қулфатга тавъамон шуаро.  
Аҳли давлатга бўлса ҳам маддох,  
Топмас иқболдин нишон шуаро.  
Гуссадин улгай эрди, топмас эса,  
Шеърдек ёри ҳамзабон шуаро.*

Бунинг боисини «Бу дунё бир мусибатхонадир», деб хулоса чиқарган Хувайдо сингари Мунис бу дунё «хунардушман»дир деган хулоса чиқаради.

Муниснинг умри Хива хонларининг 4 таси хузурида кечади, шу боис Мунис ҳам бу хонларга атаб қасидалар битади. Характерли жойи шундаки, бу қасидаларда шоир уларни мақташ, мадҳ этиш билан чегараланиб қолмайди. Ҳар лахза, ҳар дақиқа уларни яхшиликка, адолатга ундаганини, огоҳлантириб турганини кўришимиз мумкин.

Хон тахтга эга бўлгач, зулм йўлига ўтиб, «давлат қўшини хуркитиб» юбормаслиги керак. Агар шоҳ зулм қилаверса, худди сув тошқини мустаҳкам биноларни ҳам қулатганидек, мазлумларнинг кўз ёши давлат биносини қулатади, дейди.

*Сабот истасанг мулк бунёдига,  
Адолат била ет улус додига,  
Адолатдан ўлди эл осойиши.  
Қаю мулкким шоҳи одилдурур,  
Анга барча эл қўнгли мойилдурур*

каби ўнлаб мисралари орқали доноларча маслаҳатлар бергади...

Муниснинг кимлиги, унинг дунёқарашини намоён қилувчи яна бир жиҳат ўз даврининг ҳукмрон мафқураси бўлган ислом ва дин пешволарига муносабатида ҳам яққол кўринади. Мунис ҳам бошқалар қатори Ҳаққа ишонар, дин талабқоидаларига бўйсинарди. Унинг Ҳаққа эътиқоди, ишончи ҳар қандай риёкорликдан ҳоли, ҳеч қандай ғараз ва шахсий манфаатга асосланмайдиган ишонч эканлиги сезилади. Унинг назарида мусулмон киши раҳмдил бўлиши, одиллик билан иш тутиши, бировларни алдаб ҳиёнат йўлига кирмаслиги, ростгўй ва виждонли бўлиши лозим. Қолаверса, Мунис инсон умрининг мазмуни маърифатда эканлигини такрор ва такрор ўқтиргани ҳолда, маърифат фақат диний ақидалардан иборат деб чегара кўювчиларга қатъий қарши чиқади ва уларни очикчасига танқид қилади. «Абас» радифли ғазали мисолида буни кўриш мумкин:

*Таҳсили симу зар учун аблаҳлар олдида,  
Тангри отини варду забон қилмагил абас.  
Ақл аҳли макрингга ҳеч қачон улмагай,  
Ёлгон кароматингни баён қилмагил абас.  
Не бор ниёзию, не ўзи қошингга борур,  
Мунис сари кўзингни нигорон қилмагил абас.*

Боргил эй зоҳид, сени севмас кўнгул чунки сен харидорга сиртдан буғдой кўрсатиб, алдаб арпа сотадиган қаллобсан, дейди Мунис. Агар сен бандаи бечора бўлсанг ҳамма кўз олдида ўзингни намозхон қилиб кўрсатавермасдан бир кеча бўлса ҳам ибодат қил, дея аччиқ гапиради.

Ғазал жанри ва унда ифода этилувчи муҳаббат мавзуси шеърятининг ҳам асосий қисмини ташкил этади.

Ёр таъриф-тавсифида унинг

- қоши – ёйга;
- киприги – укка;
- кўзи – охуга;
- тиши – инжуга;
- қадди – сарвга;
- қоши – ҳилолга;
- лаби – ёқутга;

- рухсори – гул, ойга;
- лаби устидаги тер донаси – гул япроғидаги шабнамга;
- ошиқни ранги – заъфаронга;
- қадди – долга;
- кўз ёшини – дарёларга қиёс этиш билан унинг кечинмалари намоён этиб берилади.

Гарчи буларнинг барчаси анъанавий бўлса-да, лекин ҳар бир шоир, шу жумладан, Мунис ҳам турли ўринларда, турлича усулларда кўллаб янги мазмун кашф этади.

*Оразу қошингни кўргач, бўйла айлармен хаёл,  
Турфадурким, бир қуёшга бўлмоқи икка ҳилол.*

## **МУҲАММАДШАРИФ ГУЛҲАНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ**

XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярми ўзбек адабиёти, хусусан, Қўқон адабий муҳитига мансуб ижод соҳибларидан бири Гулханийдир. Шоирнинг ўз даврида эл назари тушган шоирлардан эканлиги манбаларда қайд этилади.

Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон»; Раҳматулло Возеҳ Бухорийнинг «Тухфат ул-ахбоб фи тазкират ул-асхоб»; Муаллифи номаълум «Тарихи Хўқанд»; Аваз Муҳаммад Атторнинг «Тарихи жаҳоннома»; Пўлатхон Қаюмовнинг «Қўқон тарихи ва адабиёти» каби манбаларда Гулханийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар учрайди.

Фазлий ўз тазкирасида шоирни Қўқон хонлигига қарашли тоғли ўлкадан бўлиб, ота-боболари тоғли халқ ўртасида эътиборли кишилар бўлганини айтади. Бу ҳолат унинг шеърлари тилида ҳам кўринишини айтади. «Бидех» сарлавҳали шеърини мисол қилиб келтиради. Ҳазалда: аз қатори, маржон, нон, имон, айвон каби сўзлар тоғлик тожиклар шеvasига хос аз қатури, маржун, нун, имун, айвун шаклларида қўлланилган:

*Ҳазратим, ай гушнаги мурдаи баман нунам бидех.*



С.Айнийнинг гувоҳлик беришича, бу Қоратегин тожик шеvasига хос хусусият экан.

Адабиётшунос П.Қаюмов «Қўқон тарихи ва адабиёти» асарларида «Гулханий Қўқонда туғилган, онаси ўзбек бўлиб, отаси тожик эди. Шохи Қушбегининг юзбошчиларидан бўлиб, Қоратегиндан келган ва Хўжандда уйланган. Онаси хон саройида оддий қора хизматда кун кечирган. Боласи мадраса тамом эта олмаган, кейинча аскарӣ сипоҳликда пастрок даражада туриб, сарой доирасида кун кечирган», деган маълумотни беради.

Эргашали Шодиев «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 1987 йил 1-сонидан эълон қилган «Гулханий биографиясига доир мулоҳазалар» номли мақоласида Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкирасида келтирилган:

***Нику таъбу хушгую соҳиб хунар,  
Зи Хўқанд набошад, чи чои диган.***

Мазмуни:

***Таъби баланд, ширин сўз, соҳиб хунар.  
Хўқандлик эмас, у бошқа ердандир –***

мисраларига асосланиб, шоир хўқандлик эмаслигини исботлашга уринади. Раҳим Муқимов эса ўз навбатида Э.Шодиев келтирган юқоридаги байтлар янглиш кўчирилганлигини, яъни байт аслида:

***Нуку таъбу хушгую соҳиб хунар,  
Зи Хўқан бошад, на чои диган.***

Мазмуни:

***У таъби баланд, сўзи ширин хунар эгаси,  
Хўқандликдир, бошқа ерлик эмасдир –***

кўринишида бўлиши кераклигини айтади ва «Мажмуаи шоирон»нинг кириш қисмида келтирилган бу мисралар Гулханий ҳақида эмас, аслида қўқонлик бўлган Догий исмли бошқа бир шоир ҳақида эканлигини кўрсатади.

Яна бир манба. Раҳматулло Возеҳ Бухорийнинг «Тухфат ул-ахбоб» тазикрасида «Умархон саройи шоирларидан, асли Намангонлик исми Мулло Муҳаммад Шариф, жуда тез фикрловчи ва сохибкамол... Бошланғич вақтларда ҳаммомдорлик касбига муносабати бўлганлиги сабабли тахаллуси Гулханий бўлгандир», – деб келтирилган маълумотлардан кўринадики, у Гулханийни асли намангонлик дейди.

Маълум бўладики, Гулханийнинг ҳаёти билан боғлиқ жиҳатлар хануз мунозарали бўлиб, бу борада аниқ бир тўхтамга келинган эмас. Шундай бўлса-да, юқоридаги фактларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, Гулханий асли тоғлик халқлардан бўлиб, Кўхистон Мастгоҳ, Фалгар, Гарам тарафрларда дунёга келиб, унинг ёшлик йиллари Шаҳристон, Ўратепа, Гончи, Ноз, Хўжанд атрофларида ўтган ва бизга аниқ бўлмаган сабабларга кўра, Фарғона водийси шаҳар ва кишлоқларини кезиб аввал Наманганга, сўнгра Кўқонга келган.

Олимхон қармоғида оддий навкарлар қаторида хизмат қилган. Ўз қаламига мансуб «бидех» ғазалида, шунингдек, Фазлий тазкирасида ҳам айтилганидек, жуда қийинчиликда кун кечирган.

Олимхон вафотидан кейин тахтга эга бўлган Умархон бошқа шоирлар қатори ўз атрофига жалб этади. Бошқалар қатори хонга атаб назири ва қасидалар битган Гулханий ҳам хурсандлигини ифодалаб, шеърлар битган бўлмаса-да, аввалгидек шикоят ва зорланганини ҳам учратмаймиз. Умархондан кейин тахтга чиққан Муҳаммадалихон отаси давридаги эътиборли кишилар қатори Гулханийни ҳам таъқиб остига олади. Аваз Муҳаммад Атторминг «Тарихи жаҳоннома» ҳамда муаллифи номаълум «Тарихи Хўқанд» асарларида айтилганидек, Янги кўрғонга ҳоким қилиб тайинлаш баҳонасида Наманган ҳокими билан келишиб Сирдарёга чўктириб юборадилар.

### **ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Гулханий ўз даврининг истеъдодли, тез идрок, хозиржавоб, сўзга чечан шоирлардан бўлган.

«Тарихи жаҳоннома»да айтилишича, Гулханийнинг шеър ва қасидалар девони мавжуд бўлиб, бизгача етиб келмаган ёки аниқланган эмас. Бизга ҳозирча 12 ғазали ва бир қасидаси Фазлий тазкираси орқали маълум, холос. Фақат «Тарихи жаҳоннома»дан маълум бўлишича, шоирнинг асли исми Мулла Муҳаммад, Шариф бўлиб, Гулханий таҳаллуси билан шеърлар ёзган, «Зарбулмасал» асарини яратган бўлса, фазлий тазкирасида айтилган:

*Бу Журъатки, аввал эди Гулханий,  
Эрур барча хазён демаклик фани, –*

мисраларидан англашилишича, кейинроқ (кўпроқ тожикча ғазал, қасидаларда) Журъат таҳаллусини ҳам қабул қилган.

Айтиб ўтиш керакки, шоирнинг Гулханий таҳаллусига нисбатан ҳам икки хил қараш бор: «Тарихи жаҳоннома»да ҳаммомдорликка муносабати бўлганлиги учун «Гулханий» таҳаллус олган дейилса, Фазлий тазкирасида:

*Гулханий кўп нарсани билувчи шоирдир,  
Гулхандан эмас, гулшандан ҳам чиройлидир,  
Девона феъллиги ва табъи ўткирлигидан,  
У ўзига «Гулханий» таҳаллус қўйгандир, – дейди.*

Бу борада тазкирада айтилган фикрлар айни ҳақиқатдир. Гулханийнинг бир бутун шеърляти маълум бўлмаса-да, мавжуд ғазалларига асосланиб, унинг шеърлятида, бадий маҳоратда етуқлардан бўлганлигини айтиш мумкин. Анъанавий шерият Гулханий ижодида ҳам ўзига хос жонланганини ифода топишини кўрамаиз.

## «ЗАРБУЛМАСАЛ»

«Зарбулмасал» шоир Гулханийнинг табиати, қарашлари, ўзи яшаб турган муҳит, муҳит кишиларига нисбатан бир бутун муносабатини ёрқин намоён этувчи, шунингдек, шоирнинг илм ва бадий маҳоратини кўрсатувчи асардир.

Афсуски, «Зарбулмасал»га бағишланган бир қатор тадқиқот ишларида бир томонлама ёндашилган, ҳатто мантиқан тесқари фикрлар айтилган. Гулҳаний бу асарида Амир Умархонга қарши борди, ўз танқидий қарашларини у очикчасига баён этолмаганидан, пардали сўз ва иборалар ишлатишга аллегорик образлар воситасида гапиришга мажбур бўлган эди», – қабилидаги фикрлар шу жумладан бўлиб, тесқарисига, зўрма-зўраки айтилган гаплардан бошқа нарса эмас. Бундай муносабат асарни, асар орқали шоирни тўлиқ ва тўғри англаш имкониятини бермайди.

Ваҳоланки, асар Умархоннинг буйруғи билан ёзилган бўлиб, унда хонга қарши чорасизликдан пардали гап қилиш эмас, аксинча, асар сюжетининг қурилишидан тортиб, образлар ва улар ўртасидаги диалогларгача хонни ва унинг салтанатини мақташга қаратилган. Шоирнинг бевосита танқидий муносабатлари эса Умархонни ўраб олган, жамиятда ёмонликни кўзгатувчи савдогар, даллол, қози, сўфи ва ҳатто котибу хаттотларга қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Хусусан, асарни Умархон буйруғи билан ёзганини шоир асарнинг кириш қисмида фахр билан қуйидагича қайд этади: Жаноби султон айтадилар: Зарбулмасал рўзгорки, аввал ўтган машойихлардин яхшилардин қолибдур, чечанлик бобида калимои элоти авои турур». Нечунким, амир Навоий айтмишлар: «Ошни таъми туз билан, одамни таъми сўз билан» мафхашлар зулфидек паришон қолмасун. Ул мажмуъ ичинда Саид Султонхонтўра Адои Ахрорий ва Мавлоно Гулшаний Самарқандий ва Мавлоно Қози Худоёр Истарафшаний ва Мавлоно Фазлий Намангоний ва Мавлоно Хижлат – ҳар қайсилари ўз аҳдиларини хокнийлари эрдилар. Баногоҳ, назари кимёи осорлари, бу камина Мулло Гулҳанийга тушуб, амр қилдиларким, зарбулмасални ҳикоятлар орасида ақл ва донишнинг етканича тартиб бергил деб... Бу сўздин сўнг ҳазрати хон амрларини вожиб билиб, талаб йўлида собитқадам бўлдум».

Шунингдек, асардаги «Бойўғли оғзининг бир бурчагидан чиқар», «Минг чордевор қизимнинг қалини» деб. Холо подшоҳимиз ҳазрати Сайид Умархон амир ул-муслимин аҳд ва замонларида олам маъмур ва раоё масрур. Ҳар нечук аёлмандлар

тасбеҳи маржондин уйрилур – бир чордевор топилмас, каби ўринлар фикримиз тасдиғидир.

Бугунги кун адабиётшуносларимиздан бу каби масалаларга ойдинликлар киритишни талаб этади. Бу асарни ўрганиш ғоявий-бадий хулосалар учун ўта муҳимдир. Қолаверса, асар адабиётимизда масал жанридаги энг нодир ва намунали асар сифатида ўрни бор. Асар ўзига хосликка эга бўлиб, Бойўғли ва Япалоққуш ўртасидаги муносабатлардан иборат ҳикоят ҳамда шу ҳикоят ичига маҳорат билан жойлашган ўн бешдан ортиқ катта-кичик ҳикоятлар бор улар ҳар бири алоҳида қимматга эга. Асарда қўлланилган халқ донолигини ифодаловчи кўплаб мақол, ҳикматли сўз, ибораларининг мавжудлиги асар қимматини янада оширади.

## **ЖАҲОНОТИН УВАЙСИЙ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ**

Жаҳон отин Сиддиқбобо қизи Увайсий XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган истеъдодли шоиралардан биридир. Ўша даврнинг аёлларига нисбатан муносабат маълум. Бу қарашларнинг Увайсийга нисбатан ҳам салбий таъсири катта бўлган. Билимдон, зукко ақл, истеъдодли шоира бўлишига қарамасдан жуда оғир шароитда кун кечиради.

Увайсий Ҳожихон деган кишига турмушга узатилади. Ундан фарзанд: бир ўғил ва бир қиз кўради. Улар улғайишгач ўғли Мажнун, қизи Қуёшхон Хокий тахаллуси билан шеърлар ёзган деган маълумотлар бор.

Айрим китобларда Ҳожихон жуда жоҳил киши бўлиб, Увайсий билан бўлган турмушларининг бузулишига сабаб бўлган деб кўрсатилади. Бу ҳар ҳолда ҳақиқатга яқин фикрлар. Хуллас, Увайсий турмушдан ажрагач бирмунча вақт отаси кўлида бўлади ва ўз илтимосига кўра кейинчалик Қўқонга бориб Умархон саройида сарой шоирлари даврасига қўшилади. Увайсийнинг саройга келиши ҳақида ҳам турли фикрлар бор. Айрим ўринларда отасининг бир таниши орқали дейилса, айрим ўринларда Увайсийнинг ўзи тўғри хон саройига кириб борган

дейилса, баъзи ўринларда Нодира сабаб бўлган деб кўрсатилади. Нима булганда ҳам Увайсий сарой шоирлари даврасидан ўрин олади ва ўзининг бутун истеъдодини намоён этади. Бироқ, Увайсий бу ерда ҳам айтарли рўшнолик кўрмайди. Оқибатда, саройдан кетиб ўғли Муҳаммад, кизи Қуёшхон билан дехқончилик қилиб кун кўра бошлайди. Кейин бир шароитда яшай бошлайди. Ҳатто, ўзининг бир маснавийсида айтишича «бир тузукроқ тўн» йўқлигидан ўғли кўчага чиқолмаганлиги «Кўйлак-ла рўмол дебон» кизи йиғидан бош кўтармай сиқилганлигини айтади. Ўттиз ёшларда кизи Қуёшхон бир қиз колдириб вафот этади. Увайсийнинг умрини сўнгги йиллари шу невараси билан ўтади. 60 ёшларида 1850 йилда вафот этади.

## ИЖОДИ

Увайсий фаолияти ва ижодини ўрганишда О.Шарофиддинов, У.Рашид, А.Қаюмов, Т.Жалолов, Э.Иброҳимов каби олимларнинг хизматлари каттадир. Увайсийнинг бизга 4 нусхада кўчирилган девони маълум. Ҳозирда кўлёмалар институтда сақланади. Девонда 269 ғазал, 29 мухаммас, 55 мусаддас, 8 мураббаъ, «Карболонома», «Воқеоти Муҳаммад Алихон» номли асарлари бор.

Увайсий ғазалларининг ўзига хос бир жиҳати шундаки бошқа шоир ва шоираларда ошиқ тилидан гапирилса, Увайсий ғазалларида маъшукнинг дил рози, орзу-умидлар, каби тўлқинлари ўз ифодасини топади.

Иккинчидан, барча шоирлардаги каби ўз давридан, давр кишилари, аёну амалдорлар, дин пешволаридан норозилик мотивлари кенг ўрин олган. Шоира умр бўйи ярасига малҳам, дардига ҳамдард истаб тополмаганлигидан шикоят қилади.

Учинчидан, Увайсий ғазалларида бошқа шоираларда деярли кўзга ташланмайдиган сўфиёна рух анча юқори ўринда туради.

**Достонлар.** «Воқеоти Муҳаммад Алихон» достонида Муҳаммад Алихоннинг туғилиши, тахтга ўтириши, Қошғарга ҳарбий юриш қилиши тасвирланган. Асарда тасвирланишича Муҳаммад Алихон Қошғарда юз берган «ғазот» муносабати билан у ерга ҳарбий юриш қилади. Онаси Нодирабегим Марғилонгача уни кузатиб бориб, шу ерда интизорлик билан

кутади. Бу кутиш изтироблари дostonда яхши ёритилган. Бирок дoston охиригача тугалланмайди...

«Карбалoнома» дostonи икки қисмдан иборатдир. Дастлаб яхши ўрганилмаганлиги учун ҳар икки дoston шу бир ном билан аталиб келинган эди. Карбалo дostonнинг 2-қисмигагина тегишли бўлганлиги учун 1960 йилда ёқланган бу дostonни «Шаҳзода Ҳасан дostonи» ҳамда «Шаҳзода Ҳусайн дostonи» деб аташ маъкул топилади.

Иккала дostonда ҳам Фотиманинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн воқеалари берилади. Дostonда айтилишича Али вафот этган у ҳокимлик қилган Куфа ерлари катта ўғли Ҳасан ихтиёрига ўтади. Алининг доимий рақиби бўлган, унинг ўлганини эшитиб қўшин тортиб келади. Ҳусайн эса унга қарши «сулҳ» тузилишини ўзаро келишувни таклиф этади. Муовия бунга кўнса-да, бошқа йўл тутиб, Ҳасанни заҳарлаб ўлдириш чорасини излайди. Охирида олмос қириндиси кўшилган заҳар бериб ўлдиради.

Гарчи тарихда бундай бўлмаган бўлса-да, Увайсий замонаси учун фойдали фикрларни баён этиш мақсадида шундай тасвирлайди.

*Юрурсен сохиби хуни жигардин беҳабар токай,  
Магас аҳволига раҳм айламай, ай шеринар, токай?*

*Тааллуқ бодасин тожи азиз бошингга йўл топди,  
Хирад тарекин ол комингга, ваҳким, дардсар токай?*

*Кишиким аҳли дилдур, дўстлиг даврига кўз очса,  
Йироқ аҳли яқинликда эрурлар мўътабар токай.*

*Билурму аҳли гафлат кавкаби бедор униб дер,  
Кечалар тортган оҳимдин фалак узра шарар токай?*

*Қаноатда садаф батнида дурдин беҳабардурлар,  
Чумуб заввос сочгайсанки диллардин гуҳар, токай?*

*Увайсий, қалб миръотига кўргуз дил юзун, эй шўх,  
Қилурсан бу жаҳоннинг неқномидин ҳазар токай?*

## МОҲЛАРОЙИМ – НОДИРА ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

XVIII асрнинг сўнги XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабиёти, хусусан Қўқон адабий ҳаракатчилигида бўлган забардаст шоиралардан бири Моҳларойим-Нодирадир. Нодира айни пайтда зукко ва фозила аёл, мунис ва меҳрибон она, тадбиркор давлат арбоби эди.

Моҳларойим 1792 йилда Андижонда таваллуд топди. Унинг отаси Раҳмонкулибий Андижон вилояти ҳокими эди, Моҳларойимга жуда ёшлик чоғларидан унинг таълим-тарбиясида бувиси Ситорабону ўрнак бўлган, савод берган экан. Сўнгра отинойилар кўлида таълим олади. Адабиёт ва шеърятнинг ихлосманди ва иштиёқманди бўлиб вояга етади. 1808 йилда ота томонидан қариндош бўлган Қўқон хони Олимхоннинг укаси Марғилон ҳокими Умархонга турмушга берадилар. 1810 йилда Олимхон вафотидан сўнг Умархон хонлик тахтига ўтиради. Нодиранинг истеъдодли шоир Амирий (Умархон) билан ўтказган йиллари умрининг бахтли онларини ташкил этади. Муҳаммадалихон ва Султонмаҳмудхон исмли икки ўғилни вояга етказди. 1822 йилда Умархон вафот этгач, меросхўр ворис сифатида Муҳаммадалихон тахтга расман хон бўлиб чиққан бўлса-да, салтанатнинг барча ташвиши Нодира зиммасига тушади. Чунки, Муҳаммадалихон ҳали анча ёш эди. Мана шу йилларда Нодира катта эзгу ишларни амалга оширади. Бу ҳақида Ф.Намангонийнинг тазкирасида, Нодим Намангоний асарларида, Увайсийнинг байтларида ва бошқа манбаларда маълумотлар берилади. Шоира ўз девонининг дебочасида ҳам ифтихор ва кониқиш билан ёзади.

«Уламои дин ривожига имдод мадал, кўмак еткўрдим, то шаръи (шариат) шариф ривож топди зухд аҳлига ихлос за оқибатан зоҳир қилдим, то дин ва миллат камол топди, Фозлу дониш қабиласига шафақ ва марҳаматлик анча иноятлар кўргуздимки, зътибор даражасига тараккий қилдилар, Сойил (теланчи) гадоларни талабларига еткўруб карам ва эҳсон эшигидин ноумид юбормадим, Мусхафи шариф ва қутуби диний ва рисоили яқиний (илоҳий рисоалар) кўп ёздурдим.



Барчаси холисаниллоҳ вақф қилдим» (Оллоҳ йўлида сафарбар этдим).

Аммо носоз ижтимоий муҳитнинг шафқатсизлиги шоирана ҳам ўз домига олади. 1842 йил Қўқонга ҳужум уюштирган Бухоро амири Амир Насрулло томонидан фожиали ўлдирилади, аммо шоиранинг фазлу каломи, эзгу ишлари мангуликка даъвогар бўлиб қолаверади.

### **ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Моҳларойим бадий ижод билан ҳам тахминан ўсмирлик йилларидан бошлаб астойдил шуғулланади. Нодира, Комила, Макнуна тахаллуслари билан шеър уғаллар битиб, мукамал девон яратишга муяссар бўлган «Соҳиби девон» шоирага айланади.

Нодиранинг бизгача етиб келган асосий ижодий меросини асосан лирик асарлари ташкил этади. Нодиранинг 1824 йилда тартиб берилган мукамал бир девони 1962 йилда Намангандан топилади. Унда шоира 180 та шеъри ўрин олган бўлиб, шундай 136 таси ўзбек 44 таси эса тожик тилида битилгандир. 1988 йилда шоиранинг яна бир девони топилади.

Нодира девонларининг жанр табиатини ғазал, муҳаммас, мусаддас, мустазод, таржеъбанд, тарих ва фрокномалардан иборат тузилиш белгилайди. Булар ичида ғазаллар кўп қисмини ташкил этади. Қандай жанрда бўлмасин шоира шеъриятининг кенг қамровли асосий мавзуси анъанавий муҳаббат мавзуси бўлиб, бу мавзуга ўз навбатида Нодира янги мазмун янги руҳ ато этади. Мавзуни янги тушунча ва қарашлар, туйғулар билан бойитади.

Агар шоира шеърлари мунтазам кузатилса, уларнинг бири иккинчисини тўлдириб, мукаммаллашиб, борган сари, тиниқлаштириб боради. Шоиранинг қалб ҳароратига тобора яқин бориб, унинг қалби тубида ётган меҳр ва муҳаббат, тенгсиз бир гўзалликка йўғрилган орзу-умидлар, буларнинг устига зил-замбил бўлиб тушган хижрон ва айрилиқ ўртанишлари, яна даврнинг жафолари, ўзгаларнинг меҳрсизлиги, дард билмаслиги ва ҳоказолардан иборат бир бутун ўзига хос оламдан боҳабар бўламиз, мисраларда катта ҳаётий сабоқ борлигини англаймиз. Боиси шундаки, бу шеъриятда кенг ва чуқур фалсафийликдан

кўра, реаллик анча юқори даражада бўлиб, бу ўртадаги масофани қисқартириб, қалблар ошнолигини, туйғулар, кечинмалар ҳамоҳанглигини таъминлайди.

Албатта ҳар ким ўзича англаб, ўзича тасаввур қилса-да, қалби «муҳаббат» деган тушунчага бегона киши йўқ. Нодира учун эса муҳаббат тушунчаси инсон ҳаётининг манби, таянчи, мазмун-моҳияти, барча инсоний фазилатларнинг доясидир. Ана шундай англаганли учун ҳам Нодира «На гул сайр айла» деб бошланувчи бир ғазалида бетакрор баҳорий гўзалликдан ҳам гул ва гул сайрининг шавку суруридан ҳам ва ҳатто жаҳондин кечиб «хаёли васли ёр эт»моқликни афзал билади ва маслаҳат беради:

***Ну гул сайр айла, на фикр баҳор эт,  
Жаҳондин кеч, хаёли васли ёр эт.***

Байтдаги «хаёли васли ёр эт» иборасидаги «ёр» сўзи «яқин», «дўст», «ошно» маъносида бўлиб ёр васлига ошно бўлиш ҳаёти, орзуси билан яша деган мазмун келиб чиқади. Демокчики, ошно бўлиш хаёли эса кишини муҳаббатни ихтиёр этишга ўргатади, кўниктиради. Муҳаббатни ихтиёр этиш эса кишида қалб гўзаллигини тарбиялайди, таъминлайди, инсонни инсоний фазилатлар мақомига олиб чиқади. Қалб гўзаллигига эришиш, инсоний фазилатларнинг эгаси бўлиш учун муҳаббатга ошно, дўст бўлишдан бошқа йўл йўқ. Шунинг учун ҳам шоира муҳаббатни инсонийликнинг одамийликнинг мезони қилиб олади ва қатъий қилиб айтади:

***Муҳаббатсиз киши одам эмасдир,  
Ҳар одамсан муҳаббатни ихтиёр эт.***

***Узору қадду рафторини кўрсат,  
Чаман савру гулини шармисор эт*** – дейди.

Содда қилиб айтганда байтдан чиройинг оч, қаддингни намоиш эт, рафторингни кўрсат, сенинг чиройингдан чаман, қаддингдан сарв, юриш-туришингдан гул уятга қолсин деган мазмун чиқади. Бунда янада муҳимроғи, юқоридаги байтларнинг мантиқий давоми кишига чирой бағишлайдиган,

каддини тиклайдиган, рафторини тўғирлайдиган нарса муҳаббатдир дейилади. Қолаверса, муҳаббатни ихтиёр этган кишигина инсон сифатида бўй кўрсатишга ва яшашга ҳақлидир, деган бир қатъий фикри ҳам бор шоиранинг бундан кейинги байтларда Нодира ўзини ана шундай муҳаббатнинг «махурудурмен» деб айтайди. Мансурнинг «Анал ҳақи»ни заминин муҳаббатда кўради.

***Куйиб, эй Нодира олам элига,  
Муҳаббат шевасин ошкор эт.***

Нодира муҳаббат тасвирининг фидокор устаси сифатида тараннум этар экан барча гўзалликларни инсоний фазилатларни инсон умрининг бутунича мазмун-моҳиятини шу биргина сўзга мужассамлаштиради.

Шунингдек Нодира «Оқибат» деб номлаш мумкин бўлган яна бир ва бошқа ғазалида муҳаббатни инсонийликнинг мезони даражасида қабул қила олган гўзал қалбнинг гўзал изтиробларидан сўзлаб сабоқ беради.

Нодира шеърятидан ўз даврининг кишиси сифатида унинг шу ўриндан ислоний ва суфиёна қарашлар ҳам чуқур ўрин олганини кўраемиз. Бу қарашлар шоиранинг муҳаббат ҳақидаги тушунчалари билан кўшилиб янада кенг фасоҳат этганини кузатамиз.

***Мани муҳаббат на қилурсан манга,  
Рамзи ҳақиқат эрур ишқи мажоз.***

Кўринадики, барча мутасаввуф шоиралардаги сингари Нодира ижодида ҳам ишқ мажоз, яъни инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати рамзий маънога ҳам эга. Бунда ҳам мажоз ҳақиқат ишқнинг рамзидир.

***Қил, Нодира муяссар шўри жунон жаҳонда,  
Ишқ муҳаббат ўлди ошиққа дину мазҳаб.***

Бу байтдан ишқ-муҳаббат дин ва мазҳабдан юқори қўйиш тушунчаси Нодира учун ҳам хослигини англаш мумкин. Хуллас,

Ўз шеърлятида Нодира муҳаббатни илоҳий даражада пок ва беғубор инсоний туйғу сифатида тараннум этади. Шоира инсон маънавий камолотига илоҳий баркамоллик талабларидан келиб чиқиб ёндашади. Шоиранинг ҳар бир асарига ўзбек аёлининг намунавий маънавий қиёфаси, ақл-заковати, ахлоқ-одоби мароқли бадиий манзаралари акс этган.

Шоиранинг бадиий маҳорати ҳам ҳавас қиларлик даражададир. Деярли ҳар бир ғазалини у юксак бадиий усул имкониятларидан кенг фойдаланиб яратади. Ташбеҳ, муболага кичрайтириш, тажнис, истиора, жонлантириш, интоқ каби усулларни кўплаб учратиш мумкин.

***Ғамимни шарҳини мингдан бирини дедим,  
Фалак ани кўтарурда ҳам айлади қомат. (муболага)***

***Ёр лаълин ёд этармен гунчаи хандон кўруб,  
Сабзаи хат созинурмен боғ аро райхон тўқарсен.***  
(ташбеҳ)

***Бу кўздин Комила (кам ила) кўп ёш тўқарсан,  
Ки бергай тангри бир ёшинга юз ёш. (тажнис)***

***Белининг борлигин қилди камарбанди аён,  
Оғзи йўқ эрди, ани қилди падидор ҳадис. (кичрайтириш)***

## **МУҲАММАДРИЗО ОҒАҲИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

XIX аср биринчи ярми ўзбек адабиёти, хусусан Хоразмда вужудга келган адабий ҳаракатчиликнинг энг илғор вакилларида бири Огаҳийдир. Алоҳида қайд этиш лозимки, Огаҳий ўзининг юксак истеъдоди, сермаҳсул ижодий мероси билан адабиётимиз тарихида забардаст олим, талантли шоир, етук тарихчи, моҳир таржимон сифатида алоҳида ўрин тутди.

Огаҳий 1809 йилда Хива шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида таваллуд топади. Уч ёшларида отаси вафот этгач, амакиси Шермуҳаммад Мунис қарамоғида тарбия топади. Аввал

мактаб, сўнгра мадраса сабоғини олади. Турмуш талаблари билан деҳқончилик қилади, сўнгра бироз муддат ҳарбий хизматда бўлади. 1829 йилда Мунис вафотидан кейин унинг ўрнига мироблик лавозимига тайинланади.

Огаҳий умри Хоразм хонларидан М.Раҳимхон-1 (1806-25), Оллоқулихон, Раҳимқулихон, Муҳаммад Амин-2, Саид Абдулло, Қутлуғмуродхон, Саидмуҳаммадхон ҳамда М.Раҳимхон-2лар ҳукмронлик йилларида кечади. Маълумотларга қараганда, умрининг сўнгги йилларини туғилган кишлоғида ўтказиб, 1974 йили 65 ёшларида оламдан ўтади.

### **ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Огаҳий ва унинг ижодий меросини ўрганиш ҳам 1950 йиллардан бошланади. 1958 йилда «Танланган асарлар», 1960 йилда «Таъвиз ул-ошиқин» девони нашр этилади. 1971-1980 йилларда Огаҳий асарларининг 7 жилдлиги нашр қилинади. Шоир ижодий меросини ўрганишда В.Зоҳидов, Р.Мажидий, Ғ.Каримов, А.ҚАюмов, Ф.Ғанихўжаев каби олимларнинг алоҳида ўрни бор. Огаҳий шоир, таржимон ва билимдон тарихчи сифатида бой ижодий мерос қолдирган.

Огаҳий шеърӣй меросини ўзида жамлаган тўплами «Таъвиз ул-ошиқин» – «Ошиқлар тумори» деб номланувчи девонидир. Девоннинг дебочасида айтилишича ҳам, бошқа илмий адабиётларда қайд этилишича ҳам «девон» шоирнинг барча шеърларини қамраб олмаган. Девондаги шеърларнинг аксарияти шоирнинг 60-йиллардан кейин яратган шеърларидир.

Ҳозирда бу девоннинг 1905 йилда котиб Муҳаммад Якуб томонидан кўчирилган бир қўлёзма ҳамда 1905 ва 1909 йилларда босилган 2 та тошбосма нусхалари бўлиб, шулар асосида 1960 йилда қайта нашр қилинган.

«Таъвиз ул-ошиқин» дебочасида айтилишича, шоир умрининг сўнгги ўн йиллигида М.Раҳимхон – Ферузнинг маслаҳати билан бунёд этилган: девонининг «дебоча»сида: «Бир неча муддатдин сўнг бир кун фақирга иноят била боқиб, дилнавозлик юзасидан хитоб қилиб дедиким, барча мусаввада (қоралама)лардаги, баёзлардаги ва ўзга ерлардаги паришон бўлган шеърларингни дамъ этиб, девон суратида тартиб бергил ва анча дебоча ҳам ясаб, айтилган ашъорингни доғи ҳамул

девонда ўз маҳаллида текига гуҳар янглиғ тергил. Дедиким, кишидин то қиёматгача боқий қилатурғон ёдгор ва фарзанди саодат осор-яхши сўздур...

*Бўлибдур шеър яхшилар шиори,  
Жаҳонда то қиёмат ёдгори.  
Кишига шеърдин йўқ яхши фарзанд,  
Ки доим боқи ул фарзанди дилбанд.  
Сўзингдур ўзга сўзлардин зиёда,  
Санго фарзанд-бизга хонзода.  
Раво кўрма аларга дарбадарлик,  
Етимосо ҳамиша навҳагарлик.  
Олор ҳаққинда меҳр ойинини туз,  
Ворисин йиғибон девонга киргуз.  
Ямон деб солмоғил бирни назардин,  
Ки фарзанд ўлғуси пора жигардин.  
Неча яхши аро бўлғай ямон ҳам,  
Туман бугдой аро бўлғай сомон ҳам.  
Агарчи очилур юз гул чамандин,  
Ва лекин чораси йўқдур тикандин.*

Алқисса, бу амри шарифни алмаъмуру маъзурун ҳадисининг мукмазоси била қабул эттим. Неча муддат кўп меҳнат ва машаққатлар чекиб, аксар ашъоримни жамъ этиб, девон суратида бир неча авроқ сутуриға битдим», – деб маълумот беради.

Шунингдек, шоир девонида классик шеъритимизга хос барча жанрлар мавжуд. Демак, Огаҳий шеърятини жанр нуқтаи назаридан кенг қамровлидир. Мавзу нуқтаи назаридан ҳам ўзига хос ранг-баранглик акс этган. Маъшуқанинг беқиёс ҳусну жамоли таърифи, ошиқнинг турли ҳолатдаги рухий кечинмалари тавсифидан иборат анъанавий муҳаббат мавзуси, ахлоқий-таълимий, ҳаётий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий масала ва муаммолар Огаҳий учун асосий мавзу бўлиб қолган.

Агар Огаҳий шеърятини изчил бир тарзда кўздан кечирадиган бўлсак, кўз ўнгимизда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, яхши-ёмон сўқмоқлардан ўтган ва бу йўлда кўрган-

кечирганларидан умрбоқий хулосалар ясай олган Огаҳ-нуроний бир кишининг қиёфаси гавдаланади.

Ана шу қиёфа баъзан ҳаётий-фалсафий фикрларини баён этиб, панду насихатлар қилади. Сабрни, қаноатни, ҳаётда огаҳликни пеша қилмоқлик умримиз мазмуни, мангулигимиз манбаи бўла олишини уқтирмоқчи бўлади.

Баъзан эса у қийинчиликлар остида кун кечириётган фуқаронинг бошини сахийлик билан, мурувват билан, футувват билан силамоқ истайди. Ўз даврининг подшоҳ, бек ва амалдорларини шунга даъват этади. Баъзан эса ўзи шариятни тумор қилгани ҳолда айрим шарият пешволарини танқид қилади.

Кўринадики, «ҳар тоифанинг ҳолиға лойиқ... бир мазмун шохидининг ҳаёли хотирим кўзгусига путур қилса эрди, гуногун иборатлар билан рангин назмлар либосун кийдуруб... халойиқ назарида намоийш берур эрдим», – айтилган дебочадаги фикрларга ишонч ҳосил қиламиз.

«Таъвиз ул-ошиқин» девонига шоирнинг «Ашъори форси» сарлавҳаси билан форсий тилдаги шеърлари ҳам киритилган. Улар ғазал, мухаммас, мусамман, муножот, тарих ва маснавийлардан иборатдир. Уларнинг жами 1090 мисрани ташкил этади. Форсийда ёзилган шеърлари ҳар жиҳатдан ўзбекча шеърлардан қолишмайди, тематик жиҳатдан мос келади.

Огаҳийнинг тарихчилик ва таржимонлик фаолияти ижодий меросининг алоҳида диққатга сазовор жиҳати бўлиб, «Фирдавс ул-икбол»ни 1812-13 йиллардан кейинги даврини ёзиш ва тўлдириш билан бошланган дейиш мумкин. Шундан кейин Огаҳий турли йилларни қамровчи 5 мустақил тарихий асарни яратган:

1. 1825-42 йилларда Оллоқулихон ҳукмронлиги даврида Хоразмда юз берган воқеаларни баён қилувчи «Риёзуд давла» тарихий асари 1844 йилда ёзилган;

2. «Зубдат ут-таворих» 1843-46 йиллар Раҳимқулихон даври тарихи бўлиб, 1845-46 йилларда ёзилган;

3. «Жомеъ ул воқеоти Султоний» 1846-1855 йилги воқеалар Муҳаммад Аминхон даври бўлиб, 1856-57 йилларда ёзилган;

4. «Гулшани давла» 1855-65 йиллар Саид Муҳаммадхон даври воқеалари бўлиб, 1321 йилларда кўчирилган.

5. «Шоҳиди иқбол» 1865-72 йиллари ўз ичига олувчи М.Раҳимхон Феруз даври воқеаларига бағишланган.

Огаҳий ўзининг бу тарихий асарлари билан Хоразмнинг ярим асрдан ортиқ тарихини бир бутун ҳолда жамлай олган. Бу асарлар ҳеч шубҳасиз Хоразм хонлигининг иқтисодий-сиёсий ҳаёти, ташқи ва ички алоқаларини ўрганишдаги асосий ва энг муҳим манба сифатида аҳамиятлидир.

Огаҳийнинг таржимонлик фаолияти ҳам жуда катта таҳсинга сазовордир. Форс-тожик ҳамда усмонли турк тилидан 19 та тарихий ва бадиий асарни ўзбекчага таржима қилади. Булар:

«Чаҳорёри узом» 3-жилди; «Гулистон»; «Баҳористон», «Юсуф ва Зулайҳо», «Солмон ва Абсол»; «Шоҳ ва гадо»; «Ахлоқи Мухсиний»; «Нодирнома»; «Зафарнома»; «Зубдашул хикоёт»; «Мифтохут толибин»; «Насиҳатномаи Кайкавус»; «Равзатус сафои Носирӣ»; «Далоиул хайрот»; «Газкираи Муқимхоний»; «Табоқати Акбаршоҳий»; «Ҳафт пайкари Низомий»; «Ҳашит беҳишти Хисравий»; «Бадоеъ ул-вақоеъ» 3.Восифий.

Огаҳий XVIII аср адабиётида ўзининг кенг қамровли фаолияти, бой ижодий мероси билан, ижодкорлик салоҳияти билан алоҳида ўрин тутди.

Огаҳий шеърлятидаги бадиий салоҳият бугунги кун ижодкорлари учун илм ва илҳом манбаи бўлгани ҳолда тарихчилик фаолияти бугунги давр талаби – ўтмишни бирламчи манбалар асосида ўрганишни таъминловчи етук меросдир. Огаҳийнинг таржимонлигининг меваси – биз бир қатор асарларни ҳозирда шу улуғ зот таржималаридагина ўқиймиз.



## ДЕМОКРАТИК АДАБИЁТ ВАКИЛЛАРИ (XIX АСРНИНГ 2-ЯРМИ)

XIX асрнинг иккинчи ярми Кўхна Туркистон ва унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берган алоҳида давр ҳисобланади. Сиёсий нуқтаи назаридан олганда бу давр Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши билан характерланади.

Тарихдан маълумки, XVII асрнинг бошларидан бошлаб, Ўрта Осиё бир-бирига зид хонликларга бўлинган бўлса, XVIII асрда бу ҳолат жиддий тус олиб боргани натижасида бу нотинчлик, тарқоқлик ўзга давлатларни кўз олайтиришга сабаб бўлади. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ўрта Осиё Россия ва Англия ўртасида оралиқ майдонга ва бойлик манбаига айланиб бораётган эди.

1953 йилдан бошлаб Россия ошқора ҳарбий ҳаракатларини бошлаб юборади. 1864 йили Қўқон, Туркистон ерларини босиб олади. 1865 йили Тошкент, 1867-68 йилларда Самарқанд ва Бухоро, 1873 йиллар Хива забт этилди. 1867 йилда 14 июлда Александрнинг фармони билан фақат унга бўйсунувчи Фон Кауфман бошчилигида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилди. Бу Ўрта Осиё Россиянинг мустамлакасига айланди дегани эди.

Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топгач, Тошкент унинг маркази сифатида тараққий топа бошлади. 1868 йилда босмаҳона очилди, 1871 йилдан китоблар чиқа бошлади. 1884 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилди. Уларнинг сони ўлкада 5-6 йил ичида юздан ошиб кетди. 1871 йилдан «Туркистон вилоятининг газети» номи билан газета нашр этила бошлади. Буларнинг барчаси мустамлака юртда руслаштириш сиёсатини амалга ошириш, маҳаллий халқларга рус мафқурасини сингдириш учун хизмат қилишга қаратилган эди.

Адабий ҳаракатчилик анъанага кўра кўпроқ Қўқон, Хива, Самарқанд, Бухорода ривож топди. Бироқ Тошкент ҳам янги пойтахт сифатида тез юксалиб, адабий-маданий марказга айлана бошлади. Қўқонда Муқимий (1850-1903), Фурқат (1859-1909), Завқий (1853-1921), Муҳаййир (1845-1918), Усмонхўжа Зорий

(1839-1916) кабилар адабий давра ташкил этадилар. Намангандан Нодим (1844-1909), Ибрат (1862-1937), Сўфизода (1880-1937), Андижондан Абдураззоқ Бимий (1847-1917), Хўжанддан Тошхўжа Асирий (1864-1916), Сайрамдан Юсуф Сарёмий (1840-1912), Тошкентдан Каримбек Камий (1865-1922) кабилар Қўқондаги адабий суҳбатларда тез-тез иштирок этиб турдилар.

Бухоро амирларидан Абдулаҳадхон (1882-1911) ҳам шеър ёзар эди. Хисор ҳокими Авлиёқулибек “Хусайний” тахаллуси билан девон тартиб этган. Самарқандда Абдулазим Сипандий (1829-1909), Сиддиқий-Ажзий (1864-1927), Саидахмад Васлий (1870-1925) каби шоирлар ижод этдилар.

Янги давр ўзгаришларини ўз асарларида акс эттирган Муқимий, Фурқат, Завқий, Зорий, Нодим, Асирий, Қамий, Сиддиқий, Ажзий, Комил Хоразмий каби кўплаб ижодкорлар ижод майдонига келдилар. Адабий ҳаракатда анъанавийлик билан бирга ҳажвчилик, публицистик, сафар таассуротларини ифодаловчи очерк каби жанрлар пайдо бўлди. Таржимачилик ҳаракатлари ривож топди.

## **АМИНХЎЖА МУҚИМИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Муҳаммад Аминхўжа Муқимийдир.

Муқимий ҳаёти ва ижодий фаолиятига муносабати унинг ҳаёт чоғларидаёқ бошланган эди.

Муқимий ўзининг ширадор ва мазмундор ғазаллари билан ўз давридаёқ халқ эътиборига сазовор бўлган эди. Кам ижод аҳлларига муяссар бўладиган бу бахт унинг шеърларини халқ орасига чуқур сингиб кетишида, куйларга солиб куйланишида, авлоддан-авлодга ўтиб сакланиб келишида ҳам кўриш мумкин. Ўша замоннинг илғор шоирларидан бири Мавлавий Йўлдош Муқимий ўлимига бағишлаб марсия ёзган ва унда шоирга бўлган халқ ҳурматини ифода қилган эди. Шунингдек, Ўратепадан тожик шоири Жавҳарий «Гузориши холи Муқимий Фарғоний» (Фарғонада Муқимийнинг кечирганлари) сарлавҳаси

билан каттагина дoston ёзиб, шоир образини яратган эди (XIX аср 2-ярми).

XX асрнинг бошларидан бошлаб, шоир ижодини ўрганиш янги тус олди. 1938, 1943, 1953 йилларда шоир хотирасига бағишланган анжуманлар ўтказилди. 1958 йилда «Танланган асарлар»и, 1974 йилда 2 жилдлик асарлар тўплами нашр этилди. С.Абдулла томонидан «Мавлоно Муқимий» номли роман ёзилиб, шоир сиймоси қайта жонланди.

Аминхўжа Муқимий 1850 йилда Қўқонда таваллуд топади. Унинг отаси Мирзахўжа асли тошкентлик бўлиб, 1835-36 йилларда отаси Мирфозил билан бориб ўша ерда турғун бўлиб қолган эканлар. Шоирнинг онаси хўжандлик Сайдолим Нодиршайх деган кишининг қизи бўлиб, Мирзахўжа билан турмуш қуриб, 5 та фарзанд кўрган эканлар. Уларнинг учинчиси Муқимий бўлган.

Муқимий дастлаб мактабда, сўнгра «Ҳоким ойм» мадрасасида ўқигани маълум. Сўнгра Бухоро мадрасаларида таълим олиб, 1876 йилда «Хатми кутуб» қилиб Қўқонга қайтиб келади. Тирикчилик важдан дастлаб «Қўқон ер қурилиш маҳкамаси»да мирзалик, сўнгра «Окжар пороли»да паттачи бўлиб ишлайди. Умрининг сўнги йилларини «Ҳазрат» мадрасасидан олинган бир кулбада оғир хасталик билан қийинчиликда ўтказди. Шоир 1909 йилнинг май ойларида вафот этади.

### **ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Ижодкор сифатида Муқимий ўзидан кейин мерос қолдирган шоирлардан биридир. Гарчи у фақат поэзия жанрида ижод этган, аксари шеърятдан иборат бўлса-да, бу шеърят ўзининг тематик ва бадиий-ғоявий жиҳатдан ранг-баранглиги билан қимматлидир.

Шоир ўзигача бўлган адабиётимизнинг энг яхши анъаналар давом эттирибгина ҳолмай, уни янги мазмун билан бойитди, юқори поғонага кўтарди. Бироқ шоирнинг ижодий мероси «Девон», «Мажмуа» ёки «Баёз» ҳолида тўлиқ етиб келган эмас. Шоирнинг ижодий меросини ташкил этувчи 1960 йилда нашр этилган 2 жилдлик асарлар тўплами турли хил манбалардан тўпланган асарларидир.

Муқимийнинг бизга маълум бўлган меросини жанрлар жиҳатидан қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Лирика (маснавий, ғазал, рубоий, туюк, фард...).
2. Ҳажвиёт (сатира ва юмор).
3. Саёхатномалар.
4. Мактублар (шеърӣ ва насрий, жами: 10 минг мисра).

Адабиётшунос А.Каримов «шоир ҳаёти ва ижодига тегишли мавжуд фактларни диққат билан ўрганиш натижасида маълум бўлишича, ижодий фаолияти давомида шоир уч босқични бошидан кечирган», – дейди. Бу босқичларни қуйидагича кўрсатади:

1. Шоир ижодининг илк даври (XIX асрнинг 80-90 йиллари).
2. Демократ шоир (XIX асрнинг 80-90 йиллари).
3. Ҳаёти ва фаолиятининг сўнгги йиллари (XIX асринг охири – XX аср бошлари).

Муқимий бадиий ижод билан қачондан шуғуллана бошлагани аниқ маълум бўлмаса-да, тахминан 60-йилларнинг ўрталаридан деб тахмин қилиш мумкин. Дастлаб Қўқон мадрасасида, сўнгра Бухоро мадрасасида ўқиб юрган йиллари, тахминан 1876 йилгача бўлган оралиқ давр шоир ижодининг илк даври ҳисобланади. Бу давр ижодида анъанавий усул, мавзу, турли хил истиоралар, шунингдек, ўзига хос соддалик, жўнлик сезилиб туради. Бу соддалик ва жўнлик ҳар бир ижодкорнинг илк даври учун хос хусусиятдир.

Муқимий ижодининг иккинчи даври 80-90 йиллар оралиғини ўз ичига олади. Чунки шоир меросининг асосини ташкил этувчи лирика, ҳажвиёт, саёхатномалари мана шу йиллар оралиғида яратилади. Бу, бир томондан, шоирнинг ижодий тажрибасининг ортиб бориши бўлса, иккинчидан, ҳаётга нисбатан қарашларининг ўзгариши натижасидир.

Бу ўзгариш 1876 йиллардан бошлаб сезилади. Дастлаб Қўқоннинг катта бойларидан бўлган Шайх Сулаймон Афғоний ва унинг атрофида бўлган Муғзий, Ҳазойний, Котибий каби шоирлар даврасида бўлган бўлса, Қўқон ер қурилиш «маҳкамаси» ҳамда Оқжар поромида ишлаб мавжуд ҳаёт шароити билан бевосита танишиши, меҳнаткаш халқнинг аянчли ҳаёти, қолаверса, 1876 йилдан Қўқон хонлигининг

тутатилиши сўнгидаги муайян ўзгаришлар, ўз турмушидаги кийинчиликлар ана шу ўзгаришга сабаб бўлади. Натижада турмуш ташвишларидан кўра кўпроқ бадиий ижод билан машғул бўлганлигини кузатиш мумкин. Негаки, Муқимий шеърларини ўз ичига олган баёзлар 80-йилларнинг бошларига тўғри келади. 1881 йилда тузилган бир баёзда «Ўлмасун» радифли бир шеъри киритилган бўлса-да, 1883 йилда тузилган баёзда 20 га яқин шеъри киритилган. Бундан кейинги баёзларда ҳам борган сари кўпроқ учрайди. Демак, Муқимий ана шу 80-йилларнинг бошлариданок шоир сифатида шуҳрат қозона бошлаган.

Шоир қарашларининг ўзгача тус олиши, қаламининг ўткирлашиб бориши, унинг Тошкентга сафари адабиётларда алоҳида қайд этилади. Биринчи сафари 1887-88 йилларга тўғри келиб, бунда замонасининг олими, истеъдодли шоири Алмайи билан яқин муносабатда бўлиши, Нодим Намангоний билан учрашуви, шунингдек, Тошкентда юз бераётган ўзига хос ўзгаришлар катта таассурот қолдирди. Шу боис 1892 ва 1899 йилларда яна икки марта сафар қилди.

Муқимий ижодининг учинчи даври аввалгисидан жиддий фарқ қилмайди. 1902 йили Андижонда юз берган зилзила боис ёзилган 54 мисрадан иборат «Тарихи зилзилаи Андижон аз Мавлоно Муқимий» номли шеърида рус халқи ва маданиятига ижобий қаралганлиги, мадҳ этиш учун алоҳида кўрсатилади. 1903 йил 15 январь «Туркистон вилояти» газетасида босилган «Кўр Ашурбой Хожи» сатирик шеъри ҳам ижодиининг сўнги намунаси деб қаралади.

Муқимий шеърятининг асосини муҳаббат мавзуси ташкил этади. Албатта, бу мавзу қадимий, аммо бу ҳар бир шоир ижодида ўзига хос мазмун-моҳият касб этади. Муҳаббат мавзусида шеър битмоқ ана шу муносабатларни изҳор этмоқ эмас, аксинча, муҳаббат инсоний фазилатларнинг ифодаси сифатида қаралмоғи керак. Шу маънода Муқимий шеъряти ҳам инсоннинг истақлари, армонлари, курашлари, кечинмалари, севинч ва аламларини ўзида акс эттиради. Яна бир жиҳати шундаки, инсон билан боғлиқ акс эттиради. Яна бир жиҳати шундаки, инсон билан боғлиқ бу ҳолатлар Муқимий шеърятида жуда равон халқона бир оҳангда битилганки, бу

шоир шеърлари халқ орасида тез ва кенг ёйилишга, ҳофизлар тизмига тушишига сабаб бўлган.

***Муқимий сўзидан бўйи муҳаббат, зй аҳбоб,  
Тараннум қилса маҳфилларда ҳофизларни хушхони.***

Муқимий шеъриятида жонланувчи лирик қаҳрамон конкрет тарихий давр, ижтимоий муҳит кишисидир. Бу қаҳрамон ўша муҳит билан чамбарчас боғланган бўлиб, ўз даврида ёлғиз эмас эди.

***Кулбаи аро қуйди бу дам, юз шуқр ул барно қадам,  
Масканларим айлаб карам, қилди гулистони эрам.***

Кутгани ташриф қилганида кулбасини боғи эрамдек тасаввур қилувчилар, бошқача айтганда, кўнгил истаги ёки орзуси ушалганида ўз кўнглини эрам буғулистонига ҳис этувчилар.

***Оҳким, афсус, эмас ҳеч ишда раҳбар толеим,  
Вожгундур имтиҳон қилдимки, аксар толеим.***

Бу ерда ўз тақдиридан бахтсизлигидан шикоят қилувчилар ёки:

***Орзулар гунчаси ҳаргиз очилмас дер эдим,  
Чиқди ҳижрон чилласи, келди баорим ҳайрият,* – дер.**

Шодлигидан энтикувчилар, келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши дея келажакка умид билан карагувчилар йўқмиди? Бор эди. Улар юзлаб, минглаб топилар эди. Ўз шеърлари билан эл, халқ деб аталмиш ана шундай одамларнинг дарду дилига йўл топа олганлиги лаҳзалик фурсат бўлса-да, таскин бера олганлиги ҳаётдаги муваффақияти ва шуҳратининг боиси эди. Шоир шеъриятига нисбатан хос ана шундай шуҳрат ҳозирда ҳам сўнган эмас. Улар ҳануз шеърхон, ҳофиз ва хонандалар тилидан тушмай, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Муқимий ижодий меросида «ҳажвчилик» салмоқли ўрин тутади. Шоир лирикасида ифода этилган муҳитдан нолиш, шикоят қилиш, мавжуд тузум тартибларидан қоникмаслик ва ҳаказо мотивлар кучайиб, кескин тус олиб, сатира ва юмор кўринишида тус олганлигини кузатиш мумкин. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, шеърлятида яхшилик ва эзгуликни, адолатни ёқловчи лирик қаҳрамон маълум тарихий шароитда ҳар қандай ёмонлик ва адолатсизликни, камчиликларни кескин танқид қилувчи ҳажвгўй қаҳрамонга айланганини кўрамиз.

Демак, шеърляти ва ҳажвиётида бир қарашда алоҳида намоён бўлувчи қаҳрамонлар аслида ягона бўлиб, қарашлар ва муносабатлар масаласида улғайгани, мукамаллашганини кўрамиз. Энди у зорланмайди, истехзо билан кулади, шикоят қилмайди, аёвсиз танқид қилади.

Муқимий ҳажвиёти ўзининг мазмуни ва услуби, бадий усуллари жиҳатидан 2 қисмга бўлинади.

Бу сатиралар мазмунан бой, бадий жиҳатдан пухта, мавзу жиҳатдан турличадир. Айтиш лозим бўлса, ижтимоий ҳаётда кўзга ташланган ҳар бир воқеа ёки ҳодиса шоир назаридан четда қолмаган. Бу воқеа ёки ҳодисалар марказида турган, ёки сабаб бўлган шахслар оддий шахс сифатида балки шоирнинг маҳорати билан умумлашган қиёфада ўз ифодасини топади. Бундай умумлашган қиёфалар келгинди амалдорлар, маҳаллий бойлар, муқаллид дин пешволари, малайлар, савдогарлар, судхўрлар ва ҳаказолардан иборатдир.

Шоир сатираларини моҳиятан қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Зулм ва зўрлик, адолатсизликни фош этувчи асарлар: («Танобчилар», «Додҳоҳим», «Сайлов», «Тармевалар»).

2. Турли хилдаги кирдикорларни фош этувчи: («Москобчи бой таърифида», «Ҳажви Виктор бот, дар шикояти Лахтин», «Тўйи Иқон бачча», «Ҳожи қароқчи», «Гап тўғрисида гап»).

3. Муқаллидлик ва текинхўрликни фош этувчи: («Авлиё», «Ҳажви халифаи Мангтепа», «Дар мазаммат қурбақа»).

Шоир каламига мансуб «Танобчилар» сатираси адолатсизлик, зулм ва зўрликни фош этишга қаратилган асарларидан бири бўлиб, 68 мисрали «маснавий» йўлида ёзилган асардир. Асарга «таноб» воқеаси асос қилиб олинган. Воқеалар

бир деҳқоннинг ўз аҳволини баён этиб, «таноб» воқеасига муносабат билдириши билан бошланади. Йилда бир марта келадиган бу воқеа ўзгаларга роҳат келтиргани ҳолда деҳқон учун азоб, ғам-ташвишу кулфат келтириши изҳор қилинади. Аммо воқеалар сўнгида деҳқонга азоб, ғам-ташвиш келтирган «таноб» эмас, балки шунинг воситасида юзага чиқувчи, ошкор бўлувчи жабр ва зулм, адолатсизлик эканлиги маълум бўлади.

*Султоналихўжа Ҳакимжон иккови,  
Бири хожин, бириси бўлди кувъ.  
Ошналар ўртада сарсонлик,  
Хўжа чироқ ёғи, Ҳакимжон пилик. –*

каби мисраларда уста маҳорат билан танобчиларнинг сатирик киёфасини чизиб беради.

Муқимий ижодий меросида «Саёҳатнома» ва мактублари ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Муқимий ўз ҳаёти давомида 3 марта уч йўналиш (Қўқондан Марғилонга, Қўқондан Шохимардонга, Қўқондан Исфарага)да саёҳат қилиб, кўрган-кечирган воқеа-ҳодисаларни юксак бадиийликда (арузнинг «Ражази мусаммани солим» вазнида) ифода этади.

Шоир «Саёҳатнома»ларининг энг муҳим қиммати шундаки, уларда халқ ҳаётининг ҳаққоний лавҳалари, табиат тасвири, жой номлари турли хилда акс этади.

*«Оқ ер»дин ўтдим бойлари,  
Олий иморат жойлари.  
Меҳмонсиз ўткай ойлари,  
Кесса биров ночор экан.  
Аммо назарда «Рошидон,  
Фирдавс боғидин нишон  
Ўйнаб оқар оби равон,  
Саҳни гулу гулдор экан.*

Бу каби мазмун-моҳиятга эга «саёҳатнома»лар давр тарихи, ҳаёт тарзини ўрганишдаги асосий манбалардан ҳисобланади.



Кўринадик, Муқимий ижодий мероси адабиётимиздаги анъанавийликнинг давомчиси сатира, юмор, саёхатномалари билан янги мазмун асосида бойитиши, адабиётини халққа яқин қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

## **ЗОКИРЖОН ФУРҚАТ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Ўз даврининг зиёлийси, етук шоири ва маърифат тарғиботчиларидан бири Фурқатдир. Фурқатнинг шахсига, ижодий фаолиятига қизиқиш ва уни ўрганиш шоирнинг ҳаёт вақтидаёқ бошланган эди. Бу ҳол унинг асарларини тўплаш ва уларни нашр этиш борасида айниқса очиқ сезилади ва бу бир-биридан фарқ қилиб турувчи икки муҳим жиҳатга ҳам эгадир. Биринчидан, 1870 йилдан бошлаб чиқа бошлаган «Туркистон вилоятининг газети» саҳифалари бўлса, иккинчидан, турли хилдаги қўлёзма баёзлардир. «Туркистон вилоятининг газети» 1889 йилдан бошлаб Фурқат асарларини ва таржимаи ҳолига тегишли маълумотларни бера бошлайди. 1890 йил 17 апрелида «Зокиржон Фурқатнинг шеърлари» сарлавҳаси билан ҳозирда «Гимназия» номи билан аталадиган шеъри босилади. Шу йилнинг май ойида юқоридаги сарлавҳа билан «Илм хосияти», «Телеграф баёнотида», июль ойида «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шаҳрида бўлгон нағма базми хусусида», декабрь ойида «Суворов» (Тошкент шаҳридаги театр иморатида бўлгон ўюн хусусида) поэмаси босилади. 1891 йилнинг январидан бошлаб газетанинг 14 сонидида «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони» (Фурқатнома) номи билан шоир таржимаи ҳолини батафсил эълон қилади. Айни пайтда Фурқат бу газетанинг доимий муаллифларидан бирига айланган эди.

Бирок юқорида ўзига хос жиҳатга ҳам эга деганимизнинг боиси шундаки, бу газетанинг саҳифаларида шоирнинг фақатгина рус ҳаёти, фани, техникаси тасвирланган, руслаштириш сиёсатига хизмат қилиши мумкин бўлган улуғловчи асарлари босилган. Лирик шеърлари – муҳаббат табиатни куйловчи ва мухаммасларига деярли ўрин берилмаган. Бу асарлари турли хил баёзлардан ўрин олган бўлиб, шулар

орқали бизгача етиб келган. Ҳозирда Шарқшунослик, институтида сақланувчи «Девони Муқимий маа ҳажвиёт» (1899), «Амуғони хислат» (1912), «Баёзи янги» (1910), «Баёзи Хазиний» (1911), «Баёзи Мадҳий» (1915) кабилар шу жумладандир. Кўринадики, бу ишларнинг ҳаммаси шоир ижодини оммага таништиришдан иборат бўлган, холос.

Фурқат ижодини илмий асосда ўрганиш, ижодининг маданият ва адабиётимиз тарихидаги ўрнини белгилаш, унинг истеъдодли шоир сифатида баҳолашга уриниш 30-йиллардан бошланади. 1939 йилда «Гулистон» журналида илк бор асарларидан намуналар босилган бўлса, 1940 йилда Х.Расул сўзбоши билан китобча ҳолида «Фурқат шеърлари»ни нашр эттиради. 1951 йилда «Танланган асарлар»и, 1954 йилда Х.Расулнинг «Зокиржон Фурқат ижоди», «Фурқат маърифатпарвар, демократ шоир» номли китоблари нашр этилади. Шундан кейин Ғ.Ғулом, Шайхзода, С.Абдулла, И.Мўминов, В.Зоҳидов, И.Султон, А.Қаюмов кабилар турли хилдаги илмий тадқиқот ишлар олиб боришган.

Зокиржон Фурқат 1858 йилда Қўқон шаҳрида хунарманд оиласида дунёга келади. Унинг отаси замонасининг пешқадам кишиларидан эди. Фурқат бошланғич маълумот олгач, ўша замоннинг эски усулдаги мактабларидан бирида ўқийди. Сўнгра Қўқон мадрасаларидан бирида ўқий бошлайди. Бироқ 1875 йилда авж олиб кетган урушлар туфайли мадраса ёпилади. Шундан кейин бўлғуси шоир бир неча йил отаси ёнида тирикчилик билан шуғулланиб, мустақил мутолаа қила бошлайди. Сўнгра 1878 йилда янги Марғилонга, тоғаси ёнига бориб бир неча йил савдо ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, у ерда ўқитувчилик қилгани ҳақидаги маълумотлар ҳам манбаларда учрайди.

1880 йилларнинг бошларида (1882) яна Қўқонга қайтади, илм ва бадий ижод билан машғул бўлади. Муқимий, Завқий, Нисбат Муҳаййир каби илғор фикрли шоирлар билан доимий алоқада бўлади.

1889 йилда Марғилондан Қўқонга, сўнгра Хўжандга бориб, июнь ойларида Тошкентга келади. Шоир ижодидаги «Туф» радибли характерли бир ғазали шу даврларда яратилган

ва шоирни Қўқонни тарк этишига сабаб бўлган деб тахмин қилинади.

Тошкентда Фурқат «Қўқалдош» мадрасасидан бир хужра олиб яшай бошлайди. «Туркистон вилояти газети» орқали қисман таниш бўлган шоир энди бу ердаги мавжуд ҳаёт билан бевосита яқиндан таниша бошлади. Орадан кўп ўтмасдан ТВГнинг ходимлари уни ўраб оладилар. Унга алоҳида иззат-хурмат кўрсатадилар ва унинг обрўси ва қаламидан тарғиботчилик ишларида мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, рус сиёсатини халқ манфаатига жавоб берадиган адолатли сиёсат эканига аввало, шоирни, шоир орқали халқни ишонтиришга интиладилар. Рус сиёсатчиларининг асл мақсадларини бутунича англаб етмаган Фурқат ва унга замондош айрим зиёлиларнинг ижодида «мадҳиялар» пайдо бўлади, бу ана шу интилишларнинг натижасидир.

Фурқат ижодида учрайдиган:

*Зиҳи даврони фархунда нишони,  
Замон ўлди ўрусия замони.*

*Қачон рус халқи қуйди юз Фаргона мулкига,  
Муслмонларни ул шуъри балолардин амон этди.*

Г.Губернатор ҳақида:

*Урусия шоҳининг ҳайрихоҳи,  
Генерал-ул адолат дасгоҳи, –*

каби мисралар шу жумладандир.

Аммо бу фикрлар Фурқат рус тарғиботчиси бўлган экан-да, деган фикрни бермаслиги керак. Чунки шоирнинг фан-техника ва маънавият соҳасида рус халқи эришган ютуқларга қойил қолиб, таърифу тавсиф этиб яратган асарларининг деярли барчасида ўз халқининг тақдири, бугуни ва келажagini ўйлаб қайғурганлига аниқ сезилиб туради. Бундай мазмундаги асарларининг барчаси мана шу тошкентдалиқ вақтларида яратилади.

Тошкентда қарийб 2 йилча яшагач, 1891 йилнинг 14 май Самарқандга боради. Фурқатнинг Тошкентдан кетиши хануз мунозаралидир. Бу ҳақда тахминан шундай дейиш мумкин:

1. Шу пайтгача тўғри деб қаралган ва адабиётда қайд этганидек, Африлов ва Романов каби ген-губернаторлар, шунингдек, Шарифхўжа қози, Саидазимбой кабилар билан келишолмаслик.

2. Агент сифатида маълум бир мақсадни кўзлаб чиқарилган бўлиши мумкин.

3. Халқ зиёлиси сифатида хавфли саналиб, йуқотиш мақсадида.

Самарқандда ҳам у узоқ қололмайди, 1891 йилнинг ўрталаридаёқ Красноводск орқали Бокуга, ундан Ботумига боради. Қора денгиз орқали Истамбулга ўтади («Миллат боғи»да: «Сабоға китоб» мактуби).

1892 йилнинг баҳорида Болгария, Юнонистонда бўлади. Ўрта ер денгизи орқали Байрутга, ундан Мисрга ўтади. Сўнгра Маккага йўл олади. Бомбей, Кашмир, сўнгра Тибет орқали Хитойга келиб, аввал Хутан, кейин Ёркентга келади. Ёркентда Ёнахон исмли аёлга уйланиб 3 та фарзандлик бўлади. 1909 йилда вафот этади.

## **ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

Бизга маълум бўлган ижодий мероси ҳам шеърий, ҳам насрий асарлардан иборатдир. Асосий қисмини эса шеърий асарлар ташкил қилади. Булар ичида ғазал, мухаммас, мусаддас каби кичик шеърий жанрлардан тортиб ўртача ҳажмдаги сюжетли маснавийлар, катта эпик шаклдаги дostonлардан иборатдир. Унинг ижодий меросини шакл ва мазмунга қараб қуйидагича бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Лирикаси.
2. Маърифатпарварлик руҳидаги асарлари.
3. Дostonлари.
4. Мемуарлари.
5. Публицистикаси.
6. Илмий асарлари.
7. Бадиий таржималари.

Фуркат ижодий меросининг катта қисмини шеърляти ташкил этади. Бу шеърятда классик адабиётимизга хос ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий каби жанрларнинг ажойиб янги намуналарини ўқиймиз. Улар заминда жонланувчи лирик қахрамон ўзига хос киефага, қалб тўла орзуларга эга, у энг аввало, гўзал бир ҳаётни орзу қилади. Шу гўзал ҳаётнинг гўзалликларидан лаззатланишни истайди. «Истор кўнгул», «Баҳор айёмида», «Фасли гулдир» каби бир қатор шеърларида ана шундай ҳаёт гўзалликларига нисбатан орзулар куйланади.

Айни яяйтда соф мухаббатни қалби гўзал инсоннинг фазилати, қалб туйғулари сифатида тараннум этиб ўзига хос маҳорат кўрсатади.

Фуркат гўзал ҳаёт ҳақида гапирар экан, озодлик ва эрк масаласига алоҳида тўхталади. Куллик ва ҳақсизликка нафрат билан қарайди. «Сайдинг кўябер сайёд» мухаммаси бунинг ёрқин мисолидир. Юксак ҳис-ҳаяжон билан ёзилган бу мухаммаснинг эътиборли жиҳати шундаки, шоир сайёдга мурожаат қилар экан, унга ёлбормайди, илтимос қилмайди, аксинча, сайднинг табиий ва қонуний ҳуқуқларини поймол этмасликни талаб этади ва шундай қилиш зарурлигини уқтирмоқчи бўлади. Демак, бунда ҳақсизликка нисбатан исёнкор бир рух сезилиб туради.

Гўзал ҳаётни орзу қилган, озоддик ва эрк истаган қахрамон мухит қаршилигига учрайди. Натижада ҳасрат, нолиш, имконият мотивлари ҳам пайдо бўлади. «Оҳ ким», «Доғмен», «Умр хуш ўтмас» каби ғазаллари шу жумладандир.

Маърифатчилик асарларида ёрқин сезилганидек, ўз ватани за халқини севган, унинг тақдирига бефарқ қарай олмаган шоир оқибат ундан йироқда, қумсаш, соғиниш дардида, Ватанга қайтиш илинжида умр ўтказишга мажбур бўлди. Бу шоир ижодида алоҳида ўзига хос «ғурбат» мотиви бўлиб ифода топди. Қатор ғазаллари, «Адашганман» каби мухаммаслари шундай кечинмаларни ўзида акс эттирувчи асарлардир.

Фуркат ижодида маърифатчилик алоҳида кўриниш сифатида

характерланади. Аслини олганда, «маърифатпарварлик» адабиётимизда янги ходиса эмас. Бу ходисанинг илдизлари жуда қадимий тарихга эга. Шундай бўлса-да, давр тақазосига кўра

замонавий илм, маданият ва тараққиёт ғоялари тарғиби эканлиги билан ажралиб туради.

Фурқат Тошкентда маҳаллий халққа анчайин нотаниш бўлган клуб, газета редакцияси, босмахона, театр, концерт, кўргазмалар, илмий ўқув муассасаларини бориб кўради. Бу соҳалардаги афзалликлар, ютуқлар уни ҳайратга солади. Айни пайтда бу ютуқларнинг барчаси илмдан эканлигига ишонч ҳосил қилади. Ўз халқини ҳам шундай ютуқлар соҳиби бўлишини орзу қилади. Шу боис қоқоқлик ва маданиятсизликни қоралайди, халқни жаҳолат, нодонлик, асоратда сақлаган хонлар даврини афсус билан тилга олади. Илм-маърифат, тараққиётга ийтилиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлайди. Хусусан, «Гимназия»да:

*Эсизким, бизнинг ўтмуш хону беклар,  
Кечиб ишратда зойи субҳу шони.*

*Кетурмай ёнига бир аҳду дониш,  
Ўзига хос этиб неча аволи.*

*Чу илму фазл элини тутмадилар,  
Қилибон тарбиятда эҳтироми – дейди.*

Ўтмишдаги барча маълумотлар сингари Фурқат ҳам халқ бахти, саодати боисини илмда кўрса, мусибатли ҳаёти, ҳақсизлиги, фожиясининг сабабини илмсизликдан деб билади.

Фурқат ўзига намоёиш этилаётган рус илм, фан-техникасига хос ютуқлар илм туфайли эканини англагани ҳолда ўз таассуротлари асосида ўндан ортиқ «Илм ҳосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида» каби асарлар яратади, булар маърифий характерга згадир.

Фурқат ижодий меросида турли ҳолатларда ёзилган мактублари, публицистик, илмий асарлари ва бадиий таржималари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1995.
2. Абдуғафуров А. Навоий сатираси. –Т.: Фан, 1966.
3. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. Фан, 1992.
4. Абдуллаев Н. Ҳ. Хоразмий ва унинг «Маҳзанул асрор» достони. –Т.: Фан, 1976.
5. Азимжонова С. Индийский дивеш Бабура. 1966.
6. Акрамов А. Муҳаммад Солиҳ. –Т., 1966.
7. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. X том. –Т.: Бадий адабиёт, 1965.
8. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. –Т.: Фан, Ўқитувчи, 1992.
9. Аҳмедов Т. Мунис. –Т.: Фан, 1980.
10. Бобур З.М. Асарлар, уч жилдлик. –Т., 1965-66.
11. Бобур З.М. Мухтасар. –Т.: Фан, 1971.
12. Бобур З.М. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1990.
13. Бобур З.М. Маҳрами асрор топмадим. –Т., 1993.
14. Бобурнома. –Т.: Фан, 1960.
15. Гулбаданбегим. Хумоюннома. –Т., 1998.
16. Гулханий. Зарбулмасал ва ғазаллар. –Т., 1958 (60 й.).
17. Дурбек. Юсуф ва Зулайҳо. –Т.: ЎзФа нашр. 1959.
18. Жалолов Т. Гўзаллик оламида. –Т., 1969.
19. Жалолов Т. Хамса талқинлари, Гўзаллик оламида. –Т., 1979.
20. Жумаҳўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр (Алишер Навоий ғазаллари асосида). –Т., 1996.
21. Зокиров М. Машраб. Адабий-танқидий очерк. –Т., 1966.
22. Зоҳидов В.Ю. Улуғ шоир ижодининг қалби. –Т.: Ўзбекистон, 1970.
23. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. –Т.: Фан, 1965.
24. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.: Фан, 1983.
25. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. –Т., 1976.
26. Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. –Т.: Бадий адабиёт, 1969.
27. Карим М. Моҳларойим. –Т., 1993.

28. Комилов Н. Тасаввуф. –Т., 1991.
29. Комилов Н. Тасаввуф. –Т., 1993.
30. Кошифий В. Футувватномаи султоний. –Т., 1989.
31. Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. –Т.: Ғ.Ғулом, 1991.
32. Лутфий. Сенсан севарим. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1977.
33. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. //«Санъат ва адабиёт», 1994.
34. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1974.
35. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т., 1976.
36. Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
37. Маҳмудов К.А. Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асари ҳақида. –Т.: Ған, 1982.
38. Муқимов Р. Гулҳаний ва уинг «Зарбулмасал» зсари. Ўз.ад.масаллари. –Т., 1959.
39. Мунис. Сайланма. –Т., 1980.
40. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. –Т., 1981.
41. Муқимов Р. Яна Гулҳаний таржимаи ҳоли ҳақида. //«Ўзбек тили ва адабиёти». –Т., 1989, 2-сон.
42. Навоийнинг нигоҳи тушган. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1986.
43. Нодира Девон. –Т.: Ған, 1963.
44. Носиров О. Ўзбек адабиётида газал. //«Санъат ва адабиёт», 1992.
45. Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик 1-2-жилдлар. –Т., 1872.
46. Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар. –Т., 1979.
47. Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. 1-2-китоб. –Т.: Ёзувчи, 1990-91.
48. Расул Х. Гўзаллик ва олижаноблик қиссаси. «Мангу булоқлар». –Т., 1986.
49. Расулов Х. Лутфийнинг воқеабанд ва яқпора ғазаллари хусусида. //«Ўзбек тили ва адабиёти», 1981. 1-сон.
50. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. –Т., 1999.
51. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979.
52. Саккокий. Танланган асарлар. –Т., 1960.
53. Сароий С. Гулистони бит-туркий. /Э.Ғозилов. IV аср



- Хоразм ёдномалари. –Т.: Фан, 1973.
54. Сарой С. Шеърлар. «Гулистон». –Т.: Ўз.дав.нашр, 1988.
  55. Саройнинг «Сухайл ва Гулдурсун» достони. //Ўз. Тили ва адабиёти. 1968.
  56. Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. М., 1982.
  57. Увайсий шеърятдан. –Т., 1980.
  58. Увайсий. Девон. –Т., 1963.
  59. Фазлий. Мажмуат уш-шуаро. –Т., 1902.
  60. Файзиев Т. Захириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. –Т., 1996.
  61. Фозилов Э. Рабғузий ва унинг «Қиссаси Рабғузий» асари. 1-китоб. –Т., 1990.
  62. XIX аср Хоразм ёдномалари. –Т.: Фан, 1973.
  63. Ҳайдаров С. Дурбек ва унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони. –Т., 1959.
  64. Ҳайитметов А. Адабиётшунослигимиз уфқлари. –Т., 1980.
  65. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Ўқитувчи, 1997.
  66. Ҳайитметов А. Навойхонлик суҳбатлари. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
  67. Ҳаққулов И. Абадият фарзандлари. –Т., 1990.
  68. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Т., 1991.
  69. Хоразмий. Муҳаббатнома. –Т.: Ўзбек адаб. нашриёти, 1959.
  70. Шайхзода М. Асарлар. 6 томлик. Т.4. –Т., 1972
  71. Шарафиддинов О. Танланган асарлар. –Т.: Фан, 1948.
  72. Эркинов С. Лутфий ҳаёти ва ижоди. –Т.: Фан, 1965.
  73. Югнакий А. Ҳибатул ҳақойиқ. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1981.
  74. Юсуфов Ж. Мехрибоним қайдасан. –Т., 1990.
  75. Яссавий А. Девони ҳикмат. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1991.
  76. Яссавий А. Ҳикматлар. –Т., 1991.
  77. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. –Т., 1977.
  78. Ўзбек шоирлари. –Т., 1970.
  79. Қаюмов А. Бобур лирикасининг ғоявий-бадий хусусиятлари. //«Ўзбек тили ва адабиёти». 1958 №2.
  80. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. –Т., 1961.
  81. Қиссаи Машраб. –Т.: Ёзувчи, 1992.

82. Қодирова М. XIX аср ўзбек шоирлари ижодида инсон ва халқ тақдири. –Т.: Фан, 1960.
83. Қодирова М. Давр нодираси. Адабий-бадиий эссе. –Т., 1991.
84. Қодирова М. Нодира ҳаёти ва ижоди. –Т., 1967.
85. Ўзбек адабиёти тарихи. Маърузалар матни. 1-3-қисм. –Т.: ТДПУ, 2003.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
ЭНГ ҚАДИМГИ АДАБИЙ ЁДГОРЛИКЛАР, МИФ ВА АФСОНАЛАР.....	5
«Авесто» ва унинг илмий, маърифий ҳамда адабий қиммати.....	7
Урхун-Энасой ёзма ёдгорликлари.....	11
IX-XII АСРЛАР АДАБИЁТИ. ТУРКИЙ ТИЛДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ.....	14
Маҳмуд Қошғарий ва унинг «Девони луғатит турк» асари.....	17
Аҳмад Югнакий ва унинг «Ҳибат ул-ҳақойик» асари.....	20
Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг «Қутадғу билиг» асари.....	23
Аҳмад Яссавий ва унинг «Девони ҳикмат» асари.....	27
XIII-XIV АСРЛАР АДАБИЁТИ. ФАН ВА МАДАНИЯТ, АДАБИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	30
Пахлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижодий мероси.....	31
Рабғузий ва унинг «Қиссаси рабғузий» асари.....	35
Сайфи Саройи ҳаёти, фаолияти ва ижодий мероси.....	37
XIV АСРНИНГ 2-ЯРМИ ВА XV АСРЛАР АДАБИЁТИ. ИЖОДИЙ МЕРОС.....	41
Ҳайдар Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодий мероси.....	42
Хоразмий ва унинг «Муҳаббатнома» асари.....	45
Атоий ҳаёти ва ижодий мероси.....	46
Саккокий ҳаёти ва ижодий мероси.....	53
Дурбек ва унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони.....	55
Лутфий ҳаёти ва ижодий мероси.....	59
Алишер Навоий – сўз мулкининг султони.....	61
Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти.....	64
Алишер Навоий лирикаси.....	70
Навоийнинг эпик мероси.....	75
«Ҳайрат ул-аброр».....	78
«Фарҳод ва Ширин».....	80
«Лайли ва Мажнун».....	84
«Сабъаи сайёр».....	87
«Садди Искандарий».....	95
«Лисон ут-тайр».....	99
«Маҳбуб ул-қулуб».....	104
Навоий – адабиётшунос.....	109
«Мезон ул-авзон» – шеършунослигимиз дастури.....	115

XV АСРНИНГ 2-ЯРМИ ВА XVI АСРЛАР АДАБИЁТИ.....	119
Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти.....	119
Бобур лирикаси.....	127
«Бобурнома».....	133
Муҳаммад Солиҳ ҳаёти ва ижодий мероси.....	141
«Шайбонийнома».....	144
XVII АСРДАН XIX АСР ЎРТАЛАРИГАЧА БЎЛГАН ДАВР АДАБИЁТИ.....	149
Машрабнинг ҳаёти ва ижоди.....	150
Муниснинг ҳаёти ва ижодий мероси.....	155
Муҳаммадшариф Гулҳанийнинг ҳаёти ва фаолияти.....	160
«Зарбулмасал».....	163
Жаҳонотин Увайсий ҳаёти ва фаолияти.....	165
Моҳларойим – Нодира ҳаёти ва фаолияти.....	168
Муҳаммадризо Огаҳий ҳаёти ва ижодий мероси.....	172
ДЕМОКРАТИК АДАБИЁТ ВАКИЛЛАРИ (XIX АСРНИНГ 2-ЯРМИ).	177
Аминхўжа Муқимий ҳаёти ва ижодий мероси.....	178
Зокиржон Фурқат ҳаёти ва ижодий мероси.....	185
Фойдаланилган адабиётлар.....	191

*Наишга масъул:*

**Комолиддин ХАЛИЛОВ**

*Компьютерда терувчи ва саҳифаловчи:*

**Гулчехра ЯКУБОВА**

Босишга руҳсат берилди 2008 йил 30 апрель. Бичими 148X210/16. Босма табағи 12. Офсет қоғозида. Адади 200. Буюртма №16.

Ўзбекистон Давлат санъат институти босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ – 123.